

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК: В2021.2.DSc/Ped232**

**ЮЛДАШЕВА НИЛУФАР АБДУЛЛАЕВНА**

**АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК  
РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ  
(умумий ва ўрта махсус таълим тизими мисолида)**

**13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(ўзбек адабиёти)**

**Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун  
ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

	<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>I БОБ.</b>	<b>ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ СИФАТИДА</b>	
1.1.	Адабий таълим – маънавий-маърифий тарбиянинг асоси	15
1.2.	Адабий таълим жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолати.....	38
1.3.	Адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасини яратиш усуллари .....	64
	Биринчи боб юзасидан хулосалар	
<b>II БОБ.</b>	<b>ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ</b>	
2.1.	Адабиёт дарсларида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари	96
2.2.	Адабиёт фани ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи омил эканлиги .....	116
	Иккинчи боб юзасидан хулосалар	
<b>III БОБ.</b>	<b>АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ШАРОИТИ</b>	
3.1.	Адабий таълимда ватанпарварликни ўқитиш модули: замонавий дарслар, таълимий машқлар.....	138
3.2.	Адабий таълимда интегратив муҳитни ҳосил қилишда интерфаол методларнинг аҳамияти.....	161
3.3.	Умумий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тавсия этилган дастур мундарижаси .....	177
	Учинчи боб юзасидан хулосалар	
<b>IV БОБ.</b>	<b>ТАДҚИҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ</b>	
4.1.	Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни .....	220
4.2.	Тажриба-синов натижалари таҳлили .....	229
	Тўртинчи боб юзасидан хулосалар	
	<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b>	238
	<b>ТАВСИЯЛАР</b>	241
	<b>Иловалар</b>	242
	<b>ҲОҶДАТЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	246

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим тизимида адабиёт инсон маънавиятига таъсири жиҳатидан ўқув предметларининг барчасидан юқори туради. Зотан, адабиёт ўқув предмети сифатида сўз билан ишлайди, фалсафий тушунча тарзида инсонни тадқиқ этади, санъат ҳолида мавжуд ҳамма нарсани аслидагидан ўткирроқ, кескинроқ, тиниқроқ, баландроқ кўрсатади. Шу боис ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларда ватани ва эли билан фахрланиш, ҳимоясига шай туриш туйғусини ривожлантиришда адабий таълим катта имкониятга эга.

Дунё таълим тизимида комил инсон, маънавий юксаклик масаласига ҳамиша устувор тарзда қаралиб келинган. Исломгача бўлган туркий адабиётда тошбитиклар, ислом таъсиридаги ўзбек адабиётида “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул ҳақойиқ” каби асарлар, ҳамда миллат маънавиятига дахлдор адабий-бадий ва тарихий манбалар фикримиз далилидир. Фақат ҳар бир давр инсон камолотини фарқли тасаввур қилган. Шу туйғайли ҳам истиқлол даври педагог олимларининг олдида ёшларни буйруқни муҳокама қилмай бажарадиган, кўрсаткичлар учун ишлайдиган оддий аскар эмас, мустақил фикри, эътирозию хоҳишлари мавжуд, муҳими, уларни бемалол ҳимоя қила оладиган ШАХСга айлантиришдай долзарб муаммо мавжуд. Тадқиқотимиз мобайнида айнан мустақил танлаш туйғунинг чинакам, умри узок, ҳар қандай хуружга бардошли бўлишини таъминлаши, ёшларда ватанпарварлик туйғусини собиқ таълим тизимидаги каби шиору чақириқлар билан шакллантириш имконсизлиги, бундай тарзда эришилган натижалар омонат бўлиши аёнлашди.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш тамойиллари белгиланар экан, “Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва

интилишларини ҳисобга олиш зарур”<sup>1</sup>. Ушбу диссертация мавзуси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш Учинчи Ренессанс ва маънавий-маърифий уйғонишнинг асосий муаммоси сифатида тадқиқ қилингани, умумий ўрта, (ўрта махсус ва касб-хунар) узлуксиз таълим тизимида шахсни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг дидактик тамойиллари ишлаб чиқилгани, адабий таълимда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг интегратив шарт-шароити асослангани жиҳатидан долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги ПҚ-187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 18 майдаги ПҚ-376-сон “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 270-бет.

мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>**

Диссертация муаммосига оид тадқиқотлар, педагогик адабиётлар таҳлилини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва узлуксиз таълимнинг тегишли олий таълим муассасалари, жумладан, Россиянинг қатор олий таълим муассасаларида, Англия (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university), АҚШ (Princeton university),<sup>3</sup> (Association for Educational Communications and Technology – АЕСТ), Германия (Rheinische Friedrich-Wilhelms-Universität Bonn), Жанубий Корея (Seoul National University, Puchong University, Yonsei University, Sungkyunkwan University, Pohang University of Science and Technology, Pusan National University, Chonbuk National University), Франция (University of Strasbourg), Япония (Мияги

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://sllc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; [www.iaas.msu.ru](http://www.iaas.msu.ru); <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; [www.orient.spbu.ru/ru](http://www.orient.spbu.ru/ru); <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

<sup>3</sup> Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: Bandura A. (Ed.). Self-efficacy in changing societies. – New York: Cambridge University Press, 1995.; John H. Holland Redwood City, California.–Addison-Wesley, 1998; Botcheva, L., Shih, J., Huffman, L. C. Emphasizing Cultural Competence in Evaluation: A Process-Oriented Approach / L. Botcheva, J. Shih, L.C. Huffman // American Journal of Evaluation. 2009. Volume 30. №2. – P.176- 188.

педагогика университети)да олиб борилмоқда.

Жаҳондаги ривожланган давлатлар таълим тизимида педагогик жараёнларни самарали ташкил этишга йўналтирилган таълим-тарбиявий вазифаларни амалга оширишда, маънавий-ахлоқий билимларни турли тарбиявий вазиятларда қўллашни оптималлаштирадиган педагогик-психологик тренинглар тизими яратилган (Centre of increasing to pedagogical qualification on base Manchesters university); Ўқитиш методикасини таълим жараёнларида ривожлантиришда фанлараро алоқадорликни қўллаш (Chonbuk National University); таълимда ўқувчиларнинг креатив тафаккурини шакллантириш; (Россия таълим академияси), педагогик қобилиятларни такомиллаштириш технологияси (Страсбург университети); шахс маънавиятини шакллантиришнинг дастурлаштириш тамойиллари орқали шахсга йўналтирилган муаммоли таълим технологиясини қўллаш асосида такомиллаштирилган (Мияги педагогика университети).

Жаҳон олимлари томонидан Халқаро миқёсдаги узлуксиз таълимнинг мақсадли ташкил этилиши ва амалиётга тадбиқ этилишига доир йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида таълим-тарбия фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг педагогик механизмларини ташхислаш ва такомиллаштириш; ўқувчиларнинг ижодий-креатив фаолиятини амалга ошириш йўллари ҳамда педагогик жараёнларда ўқувчи ҳаётини кўникмасини шакллантиришга оид механизмларни ишлаб чиқиш; адабиёт дарсларида ўқитувчи ва ўқувчининг имкониятларни интеграциялаш асосида педагогик жараёнларни қизиқарли ташкил этиш ва моделлаштириш орқали узлуксиз таълим жараёнлари ижобий натижаларни кафолатлайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Миллий методикада адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари намуналарини ўқитишнинг назарий жиҳатларига Қ.Йўлдошев<sup>4</sup>, С.Матчонов<sup>5</sup>, Қ.Хусанбоева<sup>6</sup>, М.Мирқосимова<sup>7</sup>,

---

<sup>4</sup> Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 306 б.

Р.Ниёзметова<sup>8</sup>, Е.Абдувалитов<sup>9</sup>, С.Камбарова<sup>10</sup>, М.Абдуллаева, Д.Жумабаевалар<sup>11</sup> томонидан олиб борилган изланишларда муайян даражада эътибор қаратилгани кузатилади.

Шунингдек, ўзбек адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён ва уни ўқитиш назарияси Ғ.Каримов, Н.Маллаев, С.Долимов, И.Султон, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Қосимов, Б.Назаров А.Расулов, О.Мадаев, Б.Тўхлиев, Н.Жабборов, Д.Қувватовалар томонидан тадқиқ қилинган.

МДХ мамлакатлари олимларидан узлуксиз таълим босқичларида адабиёт намуналарини таҳлил қилиб, ўқитишнинг назарий ва амалий асослари Л.Филатова<sup>12</sup>, А.Молчанова<sup>13</sup>, А.Зейналова<sup>14</sup>, Г.Ионина<sup>15</sup>, С.Распова<sup>16</sup>, Д.Аусекле<sup>17</sup>, Б.Алиева<sup>18</sup> каби олимларнинг илмий изланишларида тизимлилик ва тарихийлик аспектда тадқиқ этилган бўлса, В.Оконь, А.К.Маркова, В.П.Беспалько, В.Кудрявцев, В.М.Лизинский,

---

<sup>5</sup> Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 308 б.

<sup>6</sup> Хусанбоева Қ. П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 262 б.

<sup>7</sup> Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1995. – 253 б.

<sup>8</sup> Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назарий ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида): Пед. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2007. – 242 б.

<sup>9</sup> Абдувалитов Е.Б. Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш (таълим ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида). Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2020. – 252 б.

<sup>10</sup> Камбарова С.И. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси. Пед. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2019. – 153 б.

<sup>11</sup> Абдуллаева М., Джумабаева Д. Жаҳон адабиётини ўқитишда интерактив методлардан фойдаланиш (9-синф адабиёт дарилиги “Жаҳон адабиётини” бўлими мисолида). Методик қўлланма. – Тошкент: 2019. – 180 б.

<sup>12</sup> Филатова Л.Б. Методика занятий по мировой литературе XX века в 11 классе средней школы. Дисс. кан. пед. наук. <https://www.disserscat.com/content/metodika-provedeniya-zanyatii-po->

<sup>13</sup> Молчанова А.В. Специфика преподавания зарубежной литературы в школе: сравнительноисторический метод. Молодой ученый. 2019. – № 31(269). – С. 134-136. <https://moluch.ru/archive/269/61842/>

<sup>14</sup> Зейналова А. Методика преподавания азербайджанской литературы в русскоязычных школах (5–11 классы). Автореф. канд.пед.наук. – Баку, 1992. – С. 30.

<sup>15</sup> Ионина Г.Н. Взаимосвязь литературы и изучения школьной литературы. Автореф. канд.пед.наук. – Москва, 1992. – С. 23.

<sup>16</sup> Распова С.С. Методы сравнительного анализа русской и мировой литературы в учебном процессе 10-11 классов. Автореф. канд.пед.наук. – Москва, 1998. – С. 47.

<sup>17</sup> Аусекле Д.С. Определение содержания и методов изучения латышской поэзии в 5-12 классах. Автореф. канд.пед.наук. – Рига, 1992. – С. 26.

<sup>18</sup> Алиева Б.О. Принципы подбора учебных материалов по литературе для 9-11 классов общеобразовательной школы (обучение на азербайджанском языке). Дисс... – Баку, 1992. – С. 150.

М.М.Решетников, Ю.М.Бундина, Г.И.Глебов, Б.Л.Фарберман, О.В.Милаева, В.Л.Иноземцев, А.И.Пригожин, Н.Мочалова, В.Ж.Келле, С.Е.Крючкова, М.Махмутов, В.Маранцман, С. Алиева, В. Микрюков, А. Виршиков, В. Деев, В. Савенко, А. Конаржевский, В. Мусина, Л. Маленкова, В. Полякова, М. Поташник, С. Матвеева, А. Меренков, Ф. Попов, С.Р.Волковаларнинг тадқиқотларида глобаллашув шароити, тезкор ва ўзгарувчан дунё ва унинг моҳияти, адабий тафаккур, маънавий-маърифий ва ватанпарварлик тарбиясининг аҳамияти, ватанпарварлик ва миллий мафкурани тарғиб этиш технологиялари, тарбиянинг такрорланмас шакллари, қонуниятлари, таъриф - тавсифи, дидактик, умумметодик ва педагогик жиҳатлари билан боғлиқ масалалари ўрганилган.

Хорижлик олимлардан адабиёт дарсларини ўрганиш муаммоси сифатида Eva Mlčáková<sup>19</sup>, Xie Miya Qiong<sup>20</sup> С. Е. Fruit Diouf,<sup>21</sup> М. М.Elkordy<sup>22</sup> кабиларнинг тадқиқотларида ҳамда Ж.Пиаже, Ж.Дьюин, Г.Гарднер, Б.Блум, Ж.Жемс, В.Гренев, Г.Морган Х.Г.Барнетт, А.Ж.Бровн, К.Роджерс, К.С.Финдлий Л.Нефиодов ва бошқа олимлар ўқувчиларнинг ижодий-креатив фаолиятини амалга оширишда ватанпарварликка оид қарашларини тизимли ривожлантира бориш, тезкор ва ўзгарувчан замон ва макон шароитида ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш, тарғиб қилиш масалалари юзасидан тадқиқотлар олиб боришган.

Ушбу диссертация “Адабий таълимда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик асослари (умумий ва ўрта махсус таълим тизими мисолида)” тарзида белгилангани жиҳатидан юқоридаги тадқиқотлардан фарқ қилади.

---

<sup>19</sup> Mlčáková, Eva. Teaching Literature in Secondary Schools [online]. Brno, 2013 [cit. 2020-11-19]. Available from: <<https://theses.cz/id/gfva14/>>. Master's thesis. Masaryk University, Faculty of Arts. Thesis supervisor Mgr. Linda Nepřivodová.

<sup>20</sup> Xie, Miya Qiong. 2017. The Literary Territorialization of Manchuria: Rethinking National and Transnational Literature in East Asia. Doctoral dissertation, Harvard University, Graduate School of Arts & Sciences.

<sup>21</sup> Fruit Diouf, C. E.(2017). Piglia and Russia: Russian Influences in Ricardo Piglia's Nombre Falso. (Master's thesis). Retrieved from <https://scholarcommons.sc.edu/etd/4355>

<sup>22</sup>Elkordy, M. M.(2016). The Development of ‘Meaning’ in Literary Theory: A Comparative Critical Study. (Doctoral dissertation). Retrieved from <https://scholarcommons.sc.edu/etd/3794>



**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ҳамда фольклорининг назарий асослари, адабиёт ўқитиш методикасининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** узлуксиз таълим ( умумий ўрта ва ўрта махсус тизими)нинг адабиёт дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта ва ўрта махсус тизимининг адабиёт дарсларида таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолатини аниқлаштириш;

истиқлол йилларида янгиланган адабий таълим мазмуни ва методларининг ўрганилганлик даражаси ҳамда такомиллашуви жараёнини адабиётнинг гуманистик моҳияти негизида тадқиқ қилиш;

ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг дидактик тамойилларини такомиллаштириш;

такомиллаштирилган дастур ва дарсликларнинг янги авлоди мисолида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг дидактик ва методик имкониятларини белгилаш;

адабий таълим тизими орқали ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш методикасининг самарадорлигини таъминлаш механизминини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълими академик лицейлари адабиёт дарсларида ватанпарварликни ўрганиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 9-,16-, Олмазор туманидаги Абдулла

Қодирий номидаги ижод мактаби, Хоразм вилояти Ургенч шаҳридаги 18-умумтаълим мактаби ҳамда ТошДШУ ва Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейлардан 364 нафар ўқувчи жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий ўрта ва ўрта махсус таълими узвийлигида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мавзуни ёритишда таҳлил қилиш, тушунчаларга таъриф бериш, кузатиш ва суҳбат, қиёслаш, анкета, сўров, педагогик тажриба-синов, ижодий лаборатория, тест, умумлаштириш, эксперт баҳолаш, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

адабиёт дарсларида ўқувчиларга ватанпарварлик ғояларини сингдиришнинг яхлитлик, узвийлик, узлуксизлик ва кўрғазмалилик тамойилларини адабий таълим амалиётига татбиқ этишнинг когнитив ва аффектив ҳаракат омиллари асосида янгиланган педагогик парадигмаларга алоқадор қадриятли ва рефлексив компонентлар таксономиясининг педагогик имконияти аниқлаштирилган;

ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ўқувчилар ёш ва руҳий хусусиятларини эътиборга олишнинг дедуктив ва индуктив методлари орқали тафаккурини ўстириш, мустақил ўқиш, бадий асарни таҳлил қилиш, қиёсий солиштириш, аниқлаш каби мустақил тафаккур кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик-психологик омилларнинг тутган ўрни жараёнга коммуникатив, креатив, конструктив, рефлексив ҳамда ижтимоий-дидактик ёндашувларни татбиқ этиш асосида очиб берилган;

ёшларда ватанпарварлик туйғусини адабиёт дарслари орқали шакллантиришда таълим объектини фикрий уйғоқликка, миллий руҳни кучайтиришга, маънавий баркамолликка йўналтиришнинг дарсни лойиҳалаштириш, ўқувчиларни таълимга йўналтириш, ўқувчи фаолиятини кузатиш, ютуқларини баҳолаш, ижодий фикрни қўллаб-қувватлаш каби

таълимий методлари, адабиёт дарсларини ташкил этишнинг муаммоли, эвристик, интерактив, интеграциялашган ва шахсга йўналтирилган ўқитиш компонентлари педагогик квалиметриянинг мақсадли, тизимли, ички ва ташқи баҳолаш усулларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

адабиёт дарсларида ўқувчининг ватанпарварликка оид бадиий матнни эстетик дид асосида тушуниши, атамалар ва янги сўзларни шарҳлай олиши ҳамда берилган адабий материал мазмунини очиб бериш ва муносабат билдириш қобилияти адабиёт машғулотларини педагогик лойиҳалаш интенсивлигини таъминлашнинг мутолаа, ҳис қилиш ва тафаккур уйғунлигидан иборат уч омили асосида аниқланган;

адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлигини таъминлаш механизми тажриба-синов ишларида, адабиёт дарсларида интегратив шарт-шароитлар муҳитини ҳосил қилувчи аниқ, ўхшаш, ноанъанавий, муаммоли вазиятлар ва тақдимот дарсларини кузатиш, таҳлил қилиш, татбиқ этиш жараёнларининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи қафолатланган натижаси асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадларидан келиб чиқиб, умумий ўрта ва ўрта махсус таълими тизимида илғор педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш технологияси такомиллаштирилган.

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали усулларини жорий этиш баробарида адабиёт ўқитиш методикаси фанинг мазмунини янгилаш орқали ўқувчиларда ўзликни англаш, она-Ватанни севиш ва уни ардоқлаш каби фазилатларини шакллантиришнинг илмий-методик асослари аниқлаштирилган;

миллий ўзликни ҳис қилиш, ўзга халқларга хос ватанпарварлик руҳиятини қиёсий тушуниш каби шахс маънавий сифатларни шакллантириш модели яратилган;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълими узвийлигида адабий таълим жараёнида ўқувчиларда бағрикенглик ҳамда миллатлараро толерантлик ва ватанпарварлик билан боғлиқ умумбашарий қадриятларни таркиб топтириш методикаси бойитилган;

адабиёт ўқитиш методикасининг ёшларда ватанпарварлик туйғусини камол топтиришга оид самарадор технологияларини илмий асосда йўлга қўйиш механизми такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган методик ёндашувлар илмий асосланганлиги, назарий мазмундаги маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, илмий-назарий, методик, психологик, педагогик ва бошқа ижтимоий-амалий қарашлар, давр руҳи, ёшларнинг ўзига хос замонавий қарашларига мос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг таҳлили асосида хулосалар чиқарилганлиги, берилган тавсиялар, дарс ишланмалари, адабий лаборатория намуналарининг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти тажриба-синов натижалари кўрсаткичларида ўз ифодасини топганлиги, тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этилган таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, ижтимоий ўзгаришлар адабий таълим жараёнига янгича ёндашувни тақозо этгани, шу боис адабиёт дарсларида таълимда илғор педагогик технологиялар ва дарсга қўйиладиган талаблар тизимида ватанпарварлик тарбияси масалалари чуқур ўрганилгани ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини белгиловчи мезонлар белгилангани, ёшларни адабий таълим жараёнида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

концепциясининг илмий-методик асослари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мавзу юзасидан олиб борилган тажриба-синов натижалари, ишлаб чиқилган дастурлар, тавсиялар, ишланмалар умумий ўрта ва ўрта махсус таълими узвийлигида адабий таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилишида, илмий натижалар ва ишлаб чиқилган методик тавсиялар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоқадор олий ва ўрта махсус таълим ўқитувчиларининг амалий фаолиятида, шунингдек, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимининг адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий–методик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

адабиёт дарсларида ўқувчиларга ватанпарварлик ғояларини сингдиришнинг яхлитлик, узвийлик ва узлуксизлик, кўрғазмалилик тамойилларини адабий таълим амалиётига татбиқ этишнинг когнитив ҳаракат, психомотор ҳаракат ва аффектив ҳаракат омиллари янгиланган педагогик тафаккур инсоний ватанпарварлик муносабатларининг дидактик усуллари, педагогик имкониятига доир илмий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан бажарилган ОТ-ФИ-030 рақамли “Ўзбек адабиёти тарихи” кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-799-сон маълумотномаси). Натижада умумий ва ўрта махсус таълим тизимидаги адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик асослари яратилган;

педагогик квалиметриянинг мақсадли, тизимли, ички ва ташқи баҳолаш усуллари кўллаш асосида такомиллаштирилган ёшларда ватанпарварлик туйғусини адабиёт дарслари орқали шакллантиришда таълим объектини фикрий уйғоқликка, миллий руҳни кучайтиришга, маънавий баркамолликка йўналтиришнинг дарсни лойиҳалаштириш, ўқувчиларни таълимга йўналтириш, ўқувчи фаолиятини кузатиш, ютуқларини баҳолаш, ижодий фикрни кўллаб-қувватлаш каби таълимий методлари, адабиёт дарсларини ташкил этишнинг муаммоли, эвристик, интерактив, интеграциялашган ва шахсга йўналтирилган ўқитиш компонентлари борасидаги илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган PZ-20170926459 рақамли “Навоийшунослик тарихи (XX-XXI асрлар)” (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳада белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган. (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 26 апрелдаги 04/1-799-сон маълумотномаси) Натижада, Алишер Навоий асарларидаги миллий ва умумбашарий қадриятлар талқини асос бўлгани, адабиёт ўқитиш методикасининг ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ ўқитиш механизмини амалиётга жорий қилиш имконияти кенгайтирилган;

адабиёт дарсларида ўқувчининг ватанпарварликка оид бадиий матнни эстетик дид асосида тушуниши, атамалар ва янги сўзларни шарҳлай олиши ҳамда берилган адабий материал мазмунини очиб бериш ва муносабат билдириш қобилияти, адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлигини таъминлаш механизми, адабиёт дарсларида интегратив шарт-шароитлар муҳитини ҳосил қилувчи аниқ, ўхшаш, ноанъанавий, муаммоли вазиятлар ва тақдимот дарсларини кузатиш, таҳлил қилиш, татбиқ этиш жараёнларининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи кафолатланган натижаси бўйича таклиф ва тавсиялар “Педагогик технология: унинг таърифлари ва касбий маҳорат тушунчаси”

номли услубий тавсия мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги 2021 йил 27 декабрдаги 58-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг касб мотивацияси ҳамда билим даражалари ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан, 1 та монография, 1 та методик қўлланма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 272 бетни ташкил этади.

# **I БОБ. ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШНИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ СИФАТИДА**

## **1.1. Адабий таълим – маънавий-маърифий тарбиянинг асоси**

Шахс ўз олдига катта мақсадларни қўймаса камолга эриша олмагани каби жамият ҳам улуғвор ғояларсиз тараққий этиши мумкин эмас. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Учинчи Ренессанс ғояси мамлакатимиз тараққиётининг асоси этиб белгиланиши, шу жиҳатдан, алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ғояни тўлақонли амалга ошириш учун ҳар бир соҳа, жумладан, таълим тизимида ҳам аниқ концепция ишлаб чиқилиши ва шунга асосланган концептуал вазифалар белгилаб олиниши ҳаётий заруратдир. Давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги: “Бугунги кунда кўп миллатли халқимиз, Ватанимиз тараққиёти учун, Ўзбекистоннинг янги Уйғониш даврини яратиш йўлида белини маҳкам боғлаб, фидокорона меҳнат қилмоқда. Бу йўлда улкан орзу-умидлар, катта режалар билан сафимизга қўшилаётган ёшларимиз – асосий таянчимиз ва суянчимиздир<sup>23</sup>”, - деган сўзлари таълим тизими олдига муҳим вазифаларни қўяди.

Учинчи Ренессанс ғоясини ватанпарварларсиз амалга ошириш қийин. Ватанпарварлик тарбиясини ёшлар онги ва қалбига сингдиришда эса ҳеч бир фан адабиёт даражасида таъсир кучига эга эмас. Адабиёт таълимини ана шу мақсадга йўналтириш учун эса бир қанча илмий-методик тамойилларга амал қилиш зарурати туғилади.

1. Адабиёт таълимининг ёшлар қалбига миллий руҳни сингдириш воситаси сифатидаги ўрни ва ролини кучайтириш. Маълумки, ўтган аср

<sup>23</sup> Мирзиёев Ш. Халқ сўзи . – Т.: Ўзбекистон. 2021 йил , 8 июль.



аввалида маърифатпарвар жадидлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг мукамал тизимини ишлаб чиққан эди. Унга кўра: “...ўқитиладиган дасрининг мазмунидан уни ўқитиш усули ва баҳолаш жараёнигача, ўқувчининг дарс тинглайдиган дарсхонасидан дарс жадвалию қишки ва ёзги таътилигача, мактабнинг жойлашиш ўрнидан синф хоналарининг жиҳозию ёруғлик даражасигача замонавий асосларда кўриб чиқилиб, мактаб таълимининг янги дастури майдонга келтирилди. Бу дастур “усули жадид” номи билан шуҳрат топди”<sup>24</sup>. Бугунги кунда ҳам Учинчи Ренессансни барпо этиш ғоясидан келиб чиқиб, адабиёт таълимига миллий руҳни сингдириш мезонлари асосида ёндашув механизмларини ишлаб чиқиш замон тақозосидир. Умумий ўрта таълим мактаблари «Адабиёт» дастурида белгиланган: *«Мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўтқир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига масъул бўла оладиган комил инсоннинг маънавий дунёсини шакллантириш...»*<sup>25</sup> тарзидаги вазифалар бунинг учун асос сифатида олиниши мумкин.

Ёш авлод онги ва қалбига миллий руҳни сингдириш – ватанпарварлик тарбиясининг асосий шартларидандир. Миллий руҳнинг асоси эса миллий ахлоқда намоён бўлади. Тараққий этган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, таълим тизимига жорий этиш зарур. Фақат бунда чет эл тажрибасининг халқимиз дунёқарашига, асл табиатига, кўпасрлик қадриятларимизга даҳл қилмаслиги, зарар етказмаслиги масаласига алоҳида диққат қаратиш керак бўлади. Бу жараёнда рус педагоги В.М.Лизинскийнинг куйидаги қарашлари муҳимдир: *«... педагогик жамоалар танқидий қарамай туриб, ҳадеб ғарб методикасини, телевизион усулларни, бегона байрамлар ва шаклларни кўчириш билан шуғулланишади. Мен аминманки, бизда ўз*

<sup>24</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002.–21-бет.

<sup>25</sup> Таълим тараққиёти. – Т., 1999. 1-махсус сон, 166-бет.

*интеллектуал кучимиз бор, маданиятимиз ва талантларимиз бор. Биз фақат улардаги яхши жиҳатларни олиб, ўрганибгина қолмай, ўзимиз болалар билан бирга янги, қизиқарли, мазмунли, ўзига тортувчан, педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ кўп нарсалар яратишимиз мумкин»<sup>26</sup>.*

Таълим ва тарбиянинг уйғунлигига асосланган миллий таълим тизими кўп асрлик анъаналарига ҳамда мустаҳкам илдизларига эга экани маълум. Таълим тизимида миллатнинг ахлоқи, иродаси ҳамда эътиқоди асослари акс этган «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Маҳбуб ул-кулуб» каби мумтоз асарларда ёритилган ахлоқий-маърифий қарашларга таянилган. Чунки бошқа фанлар ўқувчининг индивидуал тафаккурини ўстирса, адабиёт бир вақтнинг ўзида ақл, кўнгил ва руҳни тарбиялаш қудратига эга. У инсон кўнглини ғуборлардан поклайди, тафаккурини ёвуз ўй-фикрлардан муҳофаза қилади, руҳини юксалтиради. «Адабиёт – ўткир юрак кирларини ювадирғон тоза маърифат суви»<sup>27</sup>, деганда маърифатпарвар Абдулҳамид Чўлпон ана шуни назарда тутган эди.

Адабиётшунос Бегали Қосимов жадид адабиётидаги ахлоқий қарашлар тизимини тадқиқ қилар экан, шахс ва жамият ахлоқининг ўзаро боғлиқлиги, бир-бирини тақозо этиши ҳақидаги тўхтамга келади. Олимнинг ёзишича: *«Ахлоқ – бу хулқлар мажмуи. Хулқ эса эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинадилар. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум шароит, тарбия керак. Кишилар тугилишдан ёмон бўлиб тугилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади... Тарбия тугилган кундан бошланади ва умрнинг охирига қадар давом этади. У икки босқичдан – уй ва мактаб тарбиясидан ташкил топган»<sup>28</sup>.*

<sup>26</sup> Лизинский В. М. Приёмы и формы в воспитании.- М.:Центра педагогических ПОИСК, 2004 . – С.3.

<sup>27</sup> Чўлпон. Тилимизнинг ишланиши. Асарлар. IV жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 12.

<sup>28</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 252-253.

Олим уй ва оила бирлиги миллий таълим-тарбиянинг асоси экани ҳақида фикр юритган. Аслида, ўзбек халқи азалдан таълим ва тарбияни бирга олиб борган. Фарзанд тарбиясида *уй-мактаб-маҳалла* учлиги тамойилига амал қилинган. Натижада комил шахс тарбиясида ота-она ва муаллимдан ташқари маҳалла-қўйнинг ҳам муайян таъсири бўлган. Агар чуқурроқ эътибор қаратилса, бу таълим-тарбиянинг бутун бошли бир тизими экани, халқимиз орасидан етук шоиру адиблар, олиму мутафаккирлар, улуғ авлиёлар етишиб чиқиши заминидан ана шу тизим туриши аён бўлади.

2. Таълим жараёни технологиясини тўғри ташкил этиш. Бизнингча, таълим ва тарбиянинг асосида **«Тарбия нимадан бошланади?»** сўроғи туради. Ушбу савол барчани ўқитувчи шахси, имкониятлари, унинг ўқувчиларга ва ўқувчиларнинг ўқитувчиларга муносабатлари каби жиддий масалаларга жалб қилади. Чунки тарбия айнан ўқув фаолияти билан боғланган ҳолда олиб борилиши шарт.

Методист олимларнинг фикрича, ўқитиш жараёнига технологик тўғри ёндашув таълим-тарбияда муваффақиятга эришув асосидир. Ўқитувчининг интеллектуал салоҳияти баланд бўлиши, таълим бериш жараёнида ўз имкониятини тўлиқ сафарбар эта билиши, ўқувчи истеъдодининг зоҳирда кўриниб турмайдиган, яширин жиҳатларини юзага чиқара олиши, айниқса, муҳимдир. Ҳар бир умумий таълим педагоги ана шу хусусиятларни эътиборга олиши, ўз билим ва малакасини мунтазам такомиллаштириб бориши таълим сифати ва самарадорлигини оширишга, охир-оқибатда жамият миқёсида интеллектуал савиянинг юксалишига хизмат қилади. Бу ўринда бир нарсага алоҳида диққат қаратиш зарур: интеллектуал салоҳият миллий ғурур туйғуси билан уйғунлашгандагина кутилган самарани беради. Масалан, Алишер Навоий туркий тил (ўзбек тили) бойликларини намоёништириш орқали пайдо қилган ўз она тилидан ғурурланиш ҳиссини ўқувчиларга аёнлаштириш, ҳис эттириш лозим.

Ўқувчилар эътиборини Алишер Навоий нутқ ва тилнинг ўхига хослигини нозик илғагани ҳамда мухтасар ва таъсирли ифодаланига қаратиш зарур: *“Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур”*. Яъни улуғ мутафаккир тил шу қадар шарафи билан нутқнинг зийнатига хизмат қилишини ва ўз навбатида, агар нутқ эътиборсизлик натижасида юзага келса, тилга офат келтиришини алоҳида таъкидлайди.

Ўқувчи туйғуларини ватанпарварликка йўналтириш ва барқарорлатиш фақат умумий ўрта таълимнинггина вазифаси эмас. Бунда узлуксиз ҳаёт жараёни яъни: фарзанд – оила, боғча, маҳалла, қариндош-уруғ ва яқин кишиларнинг ўзаро муносабатлар жараёнларида ҳам камолга эришади. Ўқув жараёнининг ўзаги бўлган *«Бутун ҳаёт давомидаги таълим»* тамойили *«Барча ҳаёт тарзи орқали таълим»*<sup>29</sup> тарзида ифодалана бошлагани сабаби шунда. Дарҳақиқат, таълим ва тарбия турмушнинг барча жабҳаларида, инсон умрининг барча даврларида изчил такомиллашиб боради. Бу ҳол узлуксиз таълим ва “Адабиёт” дарсларида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш заруратини истисно қилмайди. Бунда адабий таълим муваффақияти *ўқитиш ўқувчининг турли хил қабул қилиш жиҳатларига таъсир этадиган бўлиши; ўқувчилар улар олдида қўйилган вазифалар бўйича аниқ тасаввурга эга бўлишлари; янгиликлар билан таништириш, мураккабликларни соддалаштириб бериш; дедукция ва индукцияни уйғун қўллаш* каби омилларга боғлиқдир. Мазкур омиллар адабиёт ўқитишнинг истиқболини ҳам белгилайди. Таълим тизимининг барча босқичларида адабиёт ўқитиш методикаси ривожига ҳамда адабий таълимни такомиллаштириш қуйдаги омиллар орқали юзага келади:

- *адабиёт ўқишига қизиқиш туйғусини ўстириш;*
- *эътиборни бадиий асарнинг ўқувчига маънавий, эстетик ва ҳиссий таъсир этишига қаратиш;*

---

<sup>29</sup> Селевко Г.К. Энциклопедия познавательных технологий. —М., 2006.1-том.

- ўқувчида гўзалликни ҳис этишни ривожлантириши, онглилик ва мустақилликни тарбиялаши;

- адабиётга ижодий, индивидуал ёндашувни шакллантириши;

- УЎТМ билан таълимнинг турли босқичларидаги адабиёт ўқитиши орасидаги тизимли алоқани аниқлашдан келиб чиқади.

Таълим-тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш; ўқитишни дифференциялаш (фарқлаш, ажратиш); предметлар ва аниқ методларни интеграциялаш (уйғунлаштириш); ўқитиш савиясини фан тараққиёти билан уйғунлаштириш; ўқитишнинг янги шакллари излаш; адабиёт дарсларини лойиҳалаштириш; дастурга мос дарсларнинг янги технологияси ҳамда технологик харитасининг яратишни кўзда тутади.

Буларни амалга ошириш учун илмий-техник тараққиёт суръати билан ҳамқадам фикрлай оладиган, педагогик фаолиятга замонавий илм-фан ютуқларини маҳорат билан қўллай биладиган янги авлод кадрларини етиштириш, ўқувчи ёшларга ватанпарварлик, комиллик каби умрбоқий ғоялар асосида таълим-тарбия бериш, адабий таълимни илғор педагогик технологиялар асосига такомиллаштириш, УЎТМда ижодий тафаккурга кенг йўл очиш учун уларга мувофиқ тизимларни яратиш тақозо этилади.

Адабий таълим жамият такомилли ва шахс камолотига кучли таъсир кўрсата олиши билан характерланади. Чунки адабиёт мавжуд воқеликни бадиий акс эттириши, образли тасвир орқали ўқувчи ҳиссиётларига таъсир кўрсатиши, нафақат онг ва тафаккурда, балки инсон қалби ва руҳида ўзгариш ясай олиши жиҳатидан бошқа фан соҳаларидан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ёш авлод шуури ва руҳиятида ватанпарварлик туйғусини адабиёт даражасида тарбиялай оладиган бошқа фанни топиш қийин.

3. Янги давр ўзбек адабиётини даврлаштириши орқали ўқитишида юқори натижаларга эришиши. Жамият тараққиётининг негизи ҳисобланган таълим масканлари фаолиятига ижтимоий ҳаётдаги энг кичик ўзгаришдан улкан эврилишларгача бўлган жараёнлар таъсир этмай қолмайди. Тафаккур

янгилаши таълим тизимини ўзгартиргани сингари таълим тизими ҳам тафаккур юксалишига хизмат қилади. Ижтимоий воқелик таъсирида адабий таълимнинг мазмуни ва шаклида муайян янгиланишлар бўлиши табиий. Миллатнинг бадий-эстетик тафаккури юксалиши учун асос бўла олувчи адабиётнинг даврлаштирилиши масаласи уни ўқитишда юқори натижаларга эришишни таъминлаши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Профессор Қ.Йўлдошев адабий даврларни, янги ўзбек адабиётининг илдизи, асосий белгилари ва тараққиёт босқичларини аниқлаш, бу атаманинг қўлланиш чегарасини белгилаш жуда муҳим бўлган қуйидаги тўрт босқични кўрсатиб ўтади:

1. Ўзбек маърифатчилик адабиёти.
2. Ўзбек жадид адабиёти.
3. Шўро даври ўзбек адабиёти.
4. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти.

Муаллиф «*Янги ўзбек адабиёти*» атамасини баъзан «*XX аср адабиёти*», баъзан эса «*Жадид адабиёти*» истилоҳининг муқобили тарзида қўллаб, ушбу атама миллат адабий тафаккуридаги тамомила ўзига хос хусусиятларни ифодалаши, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бугунгача бўлган замоний оралиқда яратилган миллий асарларни англатишини эътироф этади<sup>30</sup>.

Маълумки, ўтган асрда адабиётнинг вазифаси, ижтимоий мазмуни мудом эврилишда бўлди. XIX асрнинг 60-йилларидан ўзбек адабиётида эстетик концепция ўзгаришга юз тутди, бадий ижод руҳият қирраларини акс эттириш, комиллик сифатларини улуғлаш, маъшуқа азобларини тасвирлашдангина иборат бўлмай қолди. XIX аср иккинчи ярмидан адабиёт тирикчилик юмушларига аралашиб, ижтимоий-сиёсий таъсир воситасига айлангани, Қ.Йўлдошев адабий таълимнинг публицистик руҳ касб эта бошлагани ҳақда сўзлаб, оддий одамлар ҳам бадий қаҳрамонга айлангани,

---

<sup>30</sup> Йўлдошев Қ. Янги ўзбек адабиёти: илдизлар, белгилар., Босқичлар. // Шарқ юлдузи, 2007. 1-сон. Б-132-138 бетлар.

адабиётга ўзгача рух, бўлакча муаммо, янгича ҳаёт тарзи кириб келгани, бундай йўсин бадий тил ифодасида туб ислоҳотлар бўлишини юзага келтирмай қолмаслигини таъкидлайди.

Шу тариқа, халқнинг фикрини уйғотиш, бунинг бирдан-бир йўли сифатида маърифат тарқатиш, оламнинг равишига назар солиш, ўз «мен»и билан ўзгалар «мен»ини қиёслаш, шу залда миллат тафаккурини янгилаш, уни дунёнинг тараққий этган халқлари даражасига юксалтириш адабиётнинг асосий мавзусига айланди. Аслида, “Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирийлар иродасининг букилмаслиги – Ватан туйғусини азиз жонларидан ҳам аъло кўргани – ватанпарварлик тарбиясининг шахс маънавий камолотида юксак мақомда туришини кўрсатади”<sup>31</sup>.

Абдулҳамид Чўлпон фикрича, адабиёт Ватан ва миллат мавжудлиги асоси, халқнинг маънавий бойлигидир. Ажабки, Чўлпон ҳали ўсмирлигидаёқ миллат тақдири, демакки, ватан тақдирини, истиқболини маърифатпарварлик билан боғлайди. “Адабиёти ўлмаган (бўлмаган) ва адабиётнинг тараққийсига чалишмаган (кўмаклашмаган) ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур”. Унинг хулосаси ҳам кескин ва аниқ: “Адабиёт яшаса – миллат яшар”<sup>32</sup>.

Чўлпоннинг ушбу фикр-мулоҳазалари халқ ҳаётидаги юз бераётган адолатсизлик, мустамлака тизимидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг кескинлиги, боши-кети йўқ хунрезликларга нисбатан ёш ижодкор Абдулҳамидни ўз вақтидан олдин улғайтириб, миллат дардини ҳис қила олиш каби маънавий етуклигини далиллади.

Амалдаги таълим тизимида йўл қўйилган бундай камчиликлар ёшлар тарбиясида бўшлиқ пайдо қилди ва ёшларнинг бегоналар тузоғига илиниши,

---

<sup>31</sup> Шерматова У. “Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари” (Чўлпон ижоди мисолида), мавзусидаги илмий тадқиқот иши 2021 йил. – Т., 152-б.

<sup>32</sup> Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик. 4-жилд. -Тошкент: Akademnashr, 2016.-4-бет.

улардан нопок мақсадларда фойдаланилишига ҳам олиб келади. Кўринадики, таълим-тарбияда ватанпарварликни ўрганиш унинг самарали йўлларини излаш, бугунги кун талабига айланди. Бунда айниқса, адабий таълимга муносабатни ўзгартириш зарур бўлди.

4. Таълим-тарбия тизими такомилда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш зарурати. Таълимни ислоҳ қилишда *интенсив позиция* мақбул экани ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш чоғида ҳам аён бўлди. Умуман муайян даврларда таълимнинг ислоҳ қилиниши ривожланган мамлакатлар мисолида ҳам кузатилади. Масалан, АҚШ 1961 йилда «Асосий янги базис» тамойилларига таяниб, ўрта мактабларни ислоҳ қилган ҳамда инглиз тили ва адабиёти (тўрт йил), математика (тўрт йил), табиий билимлар (уч йил), ижтимоий фанлар (уч йил), компьютер техникаси (ярим йил) тарзида беш йўналишдаги мажбурий таълим жорий этилган.

Ушбу 5 йўналишнинг ҳар бири қатор қисмларни қамраб олган бўлиб, мажбурий предметлар таркибига янги курслар киритилган. Натижада мажбурий таълим ҳажми қисқариб, чуқурлаштирилиб ўрганиладиган курслар кенгайиб борган. АҚШдаги юқори босқич коллежларининг 90 фоизи шу беш йўналишли тамойил асосида фаолият юритиб келмоқда. Америкадаги кўзга кўринган «Фонд Карнеги» педагогик маркази бу дастурни XXI аср дастури деб баҳолаган<sup>33</sup>.

1980 йилларда бошқа хорижий давлатларда ҳам мажбурий таълим ҳажмини қисқартириш бошланди, кўпчилик коллежлар фаолияти 3 та: *инглиз тили ва адабиёти, математика, ижтимоий йўналишларга асосланди*. Ривожланаётган давлатларда ўқув дастурининг такомиллашуви мана шу йўналишга асосланади. Таълим жараёнида алоҳида предметларни ўрганишни кучайтириш, уларни чуқур ўзлаштириш, асосий предмет ва ғоя атрофида жипслаштиришга ҳаракат қилишдан биргина мақсад – ўқувчининг ижодий тафаккурини, маънавиятини ўстириш, фанларнинг ўзаро алоқадорлигини

---

<sup>33</sup> Йўлдошев Ж. Хорижда таълим. - Т., 1995. – Б. 8-9.



таъминлашдан иборат. Ушбу ислохотлардан кўринадик, адабиёт фани бир йўналишда турган, бунинг боиси айти вақтда тарбиянинг асоси ҳам ҳисобланади. Айтин ватанпарварлик, ватанга содиқлик, ўз халқининг келажаги учун хизмат қилиш абабий таълимнинг бош мақсади, вазифаси ҳисобланади. Адабиёт – инсон шахсини тарбияловчи, уни буюк ишларга йўналтирувчи тенгсиз куч.

Миллий таълим тизимимизда ўтказилаётган ислохотлар ҳам юқоридаги мақсадлар билан бирга инсонни барча тарбиявий тадбирларнинг марказига қўйди. Янгиланган педагогика инсонни олий қадрият деб ҳисоблайдиган тарбия тизимини яратишни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди.

Маълумки, тарбия инсонда мавжуд маънавий фазилатларни ривожлантириш ёки қусурларни йўқотишга хизмат қилади. Бу жараён самарадорлиги тарбияланувчининг бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қалбидан ўтказиши, унга ўз муносабатларини таркиб топтиришига боғлиқ. Анъанавий ўқитиш тизимида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари бирмунча енгил эди. Бунда ўқитувчи (субъект) янги билим берувчи, ўқувчи маълум даражада объект – билимни ўрганувчи эди. Ҳар кимнинг вазифаси аниқ бўлгани баробарида таълим тизими бир ёқлама эди. Бу жараёнда ўқувчи ўзидаги юксак маънавий ва интеллектуал хусусиятларни намоён қилиш мақсадидан узоқлашар эди. Етукликка йўналтирилган маънавий тадбир муваффақияти иштирокчининг истаги, майли, хоҳиши, келажагига хизмат қилмоғи керак. Шу ҳолдагина ўқувчининг ички имкониятлари рўёбга чиқади, бу эса таълим самарадорлигини таъминлайди.

Маълумки, таълимнинг **индивидуал, рақиблик** ҳамда **ҳамкорлик** каби уч тури мавжуд. Индивидуал таълим ёрдамида педагог тарбияланувчининг қалбига, руҳиятига тўғри таъсир этади. Соғлом рақобат ёрдамида ўқувчининг шахсий ва илмий сифатларини камолга етказди. Ҳамкорликдаги таълим ўқувчини ўқитиш ёки тарбиялашдан кўра, уни ўқийдиган, тарбияланадиган ҳолатга келтиради. Бунда ҳар бир ўқувчи ўз

устида тинимсиз ишлай олади, ўзини ўзи таҳлил қилиб, муваффақият ва нуқсонларидан хулоса чиқаради.

5. Ватанпарварлик тарбияси адабий таълимнинг асоси экани. Юксак қадрият ҳисобланмиш ўқувчи маънавий камолотининг асосий манбаси **ватанпарварликдир.** Бу туйғуни тарбиялашда адабий таълимнинг ўрни, айниқса, алоҳида.

Илмий манбаларда ”ватанпарварлик” тушунчасига турлича таъриф берилган. Уларни Ватан муҳаббати, Ватан соғинчи ғояси бирлаштириб туради. Жумладан, мазкур тушунча “Философия луғати”да фалсафий нуқтаи назардан қуйидагича изоҳланади: “Ватанпарварлик (грек. *patris* – ватан) – ахлоқий ва сиёсий принцип, социал ҳис-туйғу; бу ҳис-туйғунинг мазмуни – ватанга меҳр-муҳаббат боғлаш, унга садоқатли бўлишдан, унинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, ватан манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Тарихан ватанпарварлик элементлари туғилган ерга, тилга, анъаналарга меҳр қўйиш шаклида қадим замондаёқ шаклланади”<sup>34</sup>.

“Педагогика” энциклопедиясида айтилган тушунчага ушбу фан нуқтаи назаридан кенгрок миқёсда ёндашилади: “Ватанпарварлик (юнонча *patriotes* – ватандош, *patris* - ватан) – туғилиб ўсган юрт, ватанга муҳаббат, садоқат, ўз фаолияти билан унга хизмат қилиш, Ватанининг фаровонлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишни ифода этадиган ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатини англатадиган атама. Ватанпарварлик кўп маъноли сўз бўлиб, маънавий, ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо, янгича маъно-мазмун билан такомиллашиб боради”<sup>35</sup>.

<sup>34</sup> Философия луғати. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1976, 84-бет.

<sup>35</sup> Педагогика. Энциклопедия. 3 жилдлик, 1-жилд. –Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015.-188-бет.

Инсоний камолотнинг муҳим шарти ҳисобланган ватанпарварлик тарбияси педагогика фанининг пировард мақсади экани маълум. Лекин ушбу масалага муносабат турли даврларда ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани кузатилади. 1988 йилдан то 2020 йилгача бўлган давр оралиғида адабий таълимнинг узлуксиз таълим босқичлари учун ўндан ортиқ дастурлар эълон қилингани сабаби шунда. Бироқ бу чоралар бирёқлама эканлиги, бундай ёндашув орқали адабий таълим мазмунини ўзгартириш имконсизлиги аён бўлди. Тажрибадан англашиладики, адабий таълим концепцияси, давлат таълим стандарти, малака талаблари сингари ўқув-меъёрий ҳужжатларни ва ҳатто дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўзгартириш билангина ватанпарварлик тарбиясида кутилган натижага эришиб бўлмайди. Адабиёт дастурлари ва дарсликлари таҳлили уларда ватанпарварлик тарбияси учун танланган бадиий матнларнинг талаб даражасида эмаслигидан далолат беради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ватанпарварлик атамасининг луғавий маъноси қуйидагича изоҳланади: “ватанпарвар (ватан.парвар – ғамхўрлик қилувчи) ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик кўрсатувчи”; “ватанпарварлик – ватанпарварларга хос иш, хатти-ҳаракат, хислат”<sup>36</sup>.

“Адабиёт” дарсларида ва дарсликларида ватанпарварлик тарбияси чуқур илмий асосларга ва теран назарий-методологик заминга таяниши зарур. Бунинг учун танланган бадиий матннинг поэтик мазмуни ва шакли, образ ва тасвир, поэтик рамз ва тимсоллар – барчаси ана шу мақсадга йўналтирилиши талаб этилади. Акс ҳолда қўйилган мақсадга тўлақонли эришиб бўлмайди.

Истиклолга қадар ўзбек адабиётшунослигида асар моддиюнча фалсафа асосида таҳлил этиларди. Натижада ўзгача тафаккур тарзи асосидаги ёндашув орқали миллий адабиётнинг руҳини англаш ва бадиият сирларини ҳаққоний ёритиш имкони бўлмаган. Шўро адабиётшунослиги учун Арасту

---

<sup>36</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 томлик, 1-том. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015.-445-бет.

«Поэтика»сидаги «мимесис», яъни тақлид назарияси методологик асос вазифасини ўтган. Ҳар бир миллий адабиётнинг ўзи таянган манбалари, ўзига хос мезонлари ва айрича адабий-эстетик идеали бўлади. Шу боис айрим жиҳатлари бадиий матнни ўрганишда самарали саналган мимесис назариясини ўзбек адабиёти тадқиқига тўғридан-тўғри татбиқ этиш, бунинг устига, уни мезон қилиб олиш, бизнингча, кутилган натижасини бермайди. Маълумки, ўзбек адабиётига драматик тур XX аср аввалида кириб келди. Шунинг баробарида, ҳамма миллатлар ҳам «Алпомиш», «Кунтуғмиш» сингари йирик халқ достонларига эга эмас. Табиий ва ижтимоий муҳит, инсоннинг турмуш тарзи бадиий ижод учун бой материал беради. Лекин бу дегани адабиёт ҳаёт ҳодисаларига тақлид натижаси, дегани эмас.

Адабий ҳодисани идрок этишда, маълум маънода, «мимесис»нинг ўрни бўлиши мумкин. Қадимги даврда миллий адабиётимиз такомилли ўзига хос кечгани кузатилади. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва бошқа топилмалар ушбу фикрни тасдиқлайди. Тошбитиклардаги бадиий лавҳаларда Култигин, Билгақоон каби қаҳрамонлар будун – халқ учун куйинади, унинг озодлиги учун қайғуради. Унинг ғалабасидан қувонади, мағлубиятидан куйинади. Бу эса, айни ватанпарварлик ва халқпарварликнинг ўзига хос талқинидир.

Фалсафий-методологик асос – бадиий асарни баҳолашда муҳим ўрин тутади. Ўзгача тутумга таяниб ёзилган асарларни ҳам баҳолай олиши учун адабиёт муаллими дунёдаги бир-биридан кескин фарқ қиладиган таълимотларни ўрганиши, лекин миллий фалсафий-методологик мезонга таяниб иш кўриши талаб этилади. Акс ҳолда у бадиий асарни ҳаққоний ва теран таҳлил эта билмайди, ўқувчига тўғри тасаввур бера олмайди.

Ўқитувчи ўзи таҳлил этаётган асарда акс этган бадииятни теран ҳис этиши баробарида миллий хусусиятларни тўғри баҳолай билмоғи зарур. Бадиий асар таҳлил шундагина адабий-эстетик мезонларга мос чиқади. Чунки бир миллат учун эзгулик ёки нафосат намунаси саналган ҳодиса ўзга халқлар наздида ёвузлик ва қабоҳат сифатида тасаввур этилиши мумкин.

Биргина мисол: ўзбек учун ой ёрқинлик, латофат рамзи ҳисобланса, рус халқи нуқтаи назарида у лоқайдлик аломати. Ҳолландлар энг гўзал ва сарвқомат қизларни сигирга ташбеҳ этса, бизнинг халқимиз учун бундай қиёс номуносиб деб саналади.

Стендалнинг “Қизил ва қора” ҳамда Гюстав Флобернинг “Бовари хоним” асарлари бош қаҳрамонлари де Ренал ва Эмма Бовари образлари француз адабиётшунослари талқинида инсон озодлиги ва эркин муҳаббат рамзи ҳисобланса, ўзбек мутахассиси уларни аёл жинсига номуносиб хатти-ҳаракатларни қилувчи маънан тубан кимсалар сифатида тасаввур этади. Ёки бунинг тескараси: «Ўткан кунлар»даги Кумуш ва Зайнабнинг кундошлик турмуш тарзи Европа адабиётшуноси учун тушунарсиз саналса, Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» асаридаги номуси топталган Гулчеҳранинг жонига қасд қилишини мантиққа зид деб қабул қилиши таажжубланарли эмас. Демак, миллий руҳият бадиият намунаси ижод қилинишида ҳам, адабий идрок ва бадиий савияда ҳам, унга муносабатда ҳам асосий ўлчов вазифасини ўтайди. Ўқитувчи ушбу хусусиятларни теран билганда ва ҳис этгандагина бадиий асарни юксак адабий-эстетик мезонлар асосида таҳлил этиш, ўқувчини ватанпарвар қилиб тарбиялаш имкониятига эга бўлади.

Бугун адабиётшуносликда нотўғри бир қараш шаклланган: ҳатто аксар мутахассислар ҳам ватанпарварлик мавзусидаги асарларни юксак бадиият намунаси ҳисобламайди. Бундай дунёқараш мантиққа зид. Негаки, чин инсон, ўз навбатида, ҳақиқий ватанпарвар ҳам бўлади. Ҳатто бу хусусият унда туғма бўлиб, ҳар бир ҳодисада Ватан суратини кўради, бутун салоҳиятини она юртининг равнақи йўлига сафарбар этади. Замонамизнинг улуғ шоири Абдулла Орипов ижоди бунинг ёрқин исботидир. “Шоир қайси мавзуда қалам тебратмасин, – деб ёзади Нурбой Жабборов, – мавзу табиий равишда Она Ватан ва жондан азиз халқи тақдирига келиб боғланади. Табиат ҳақида ёзадими ёки самовий жисмлар хусусида фикр юритадими, инсон

кечинмаларини тасвирлайдимиз ёки турфа туйғуларни қаламга оладимиз, Абдулла Ориповнинг кўз ўнгида ҳар доим Ватан тимсоли туради. Шеърларидаги миллий руҳ қалбингизга кўчганини сезмай ҳам қоласиз”<sup>37</sup>. Олим ушбу фикрига шоирнинг “Майданак” шеъридаги мана бу сатарларни мисол қилиб келтиради:

*Энди жиддий туриб бу ёнга қара,  
Фалакда кўринар иккита оқ қанд.  
Бири “Ўзбекистон” деган сайёра,  
Бировининг эса номи – “Самарқанд”.*

Бу ўринда эътибор қаратиш зарурки, адабиёт муаллими ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш учун асар танлар экан, дарсликдан ташқаридаги мавзунини танлай олмайди. Шунинг учун ҳам УЎТМ дарслигига муаллифларни, мавзуларни ва адабий материални танлаётганда юксак мезонлардан келиб чиқилиши керак. Шундай йўл тутилиши адабиёт муаллимига осонлик туғдириши баробарида дарсдан кўзланган асосий мақсад – ватанпарварлик туйғусинининг тарбияси талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Адабиёт ўқитувчиси адабиётни тушунишнинг шарқона ва ғарбона йўсинларидан бохабар бўлиши керак. Аслини олганда, ҳар икки қараш ўхшашдай. Ғарб, юқорида айтилгани каби, адабиётни «мимесис» натижаси, шарқ эса «тажалли» маҳсули деб билади. Тафовут — тақлид объектида. Ғарб мимесис деганда бутун моддий борлик, воқеа-ҳодисаларга тақлидни назарда тутган. Тажалли назариясида эса бадиият намунаси Аллоҳнинг намоён бўлиши, эманациясининг эстетик ифодаси тарзида изоҳланади. Айнан шу туфайли шарқ адабиёти бадиий санъат воситалари, ифода усули, тасвир бетакрорлиги билан устун бўлган, бадиий ижод ҳар доим гўзаллик ва ишқ талқинига асосланган. Олам ва одамга хос жиҳатлар Тангри таоло сифатлари тажаллиси экани жиҳатидан мукамаллиги ва санъат асари ана шу

---


<sup>37</sup> Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. - Б.22

мукамалликни имкон қадар назокат билан куйлаши кераклиги кўзда тутилган. Адабиёт ўқитувчиси зиммасида «мимесис» билан «тажалли» назариясини уйғунлаштириш, бирини иккинчисидан устун қўймаган ҳолда ўқувчиларни асардан таъсирлантириш вазифаси туради. Тажалли бадий ижоднинг бутун сеҳри ҳам анъанавий образлар воситасида янги туйғуларни, лирик кечинмаларни акс эттиришда эканлигини ёдга туширса, мимесис адабиёт ижтимоий қамровга ҳам эга эканлигини билдириб, жамият ҳаётидаги ўрнини кўрсатади.

Ватан бирлиги ва озодлиги учун бевосита курашган, бу ҳақда ўнлаб илмий-тарихий асарлар ёзган Заки Валиди Тўғон ёхуд Абдулла Авлоний ижоди билан Абдулла Қодирий романчилиги кескин фарқ қилиши кўриниб турган ҳақиқат. Гап бадий таҳлил воситасида ана шу фарқ нимада эканлиги-ю ижодкор даҳосининг сири қаердалигини кўрсатиб беришда.

Тадқиқот мобайнида баркамол, чинакам ватанпарвар инсонни таркиб топтиришни назарда тутувчи «**Ватан**» (Ойбек), «**Ўзбекистон**» (М.Юсуф), «**Она тупроқ**» ва «**Ўзбекистон**» (Э.Воҳидов), «**Ватан абадий**» (С.Сайид) каби асарлар фақат энг охирги адабиёт дарсликларигагина қисман киритилди. Бироқ 2016 йилгача чоп қилинган ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари дастур, дарсликларига киритилмаганлиги аниқланди.

Бундай савияси баланд асарлар адабиёт ўқитиш тизимида салмоқли бурилишлар ясаган бўлар эди. Аммо бу ҳозирча ечилиши керак бўлган масала эканича қолмоқда. Шундай ҳолатлар натижаси ўлароқ, адабий таълимда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш муаммоси долзарблик касб этиб турибди. Тадқиқот жараёнида адабий таълимда ёшларга ватанпарварлик туйғулари қуйидаги тарзда сингдирилиши мақсадга мувофиқ деган фикрга келинди:



1.1.1-расм.- Адабий таълимда ватанпарварлик мавзуларнинг туркумланиши.

**Ижтимоий ватанпарварлик** инсон руҳиятида мустақил мамлакатда, сиёсий онг шаклланиши, сифат ўзгаришлари, шахсий-маънавий ўсиш орқали содир бўлиши муҳимдир. Бу туйғу мулкка бўлган муносабат, эътиқод эркинлиги, дунёқарашдаги инқилобий ўзгаришлар, шахснинг ташаббускорлиги кабилар билан белгиланиб, ижтимоий тизимнинг таркибий тузилмаси томонидан рағбатлантириб борилади.

Ижтимоий ватанпарварликнинг қадрини баланд тутган Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов «**Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси**» номли мақоласида кўрқоқликни урчитадиган, юракка даҳшат уруғини сепадиган «*кўринмас муҳаррирлар*»ни ҳаққоний тасвирлайди. Истиқлол олим таъкидлаган фикрдаги кишанларни олиб ташлади, бемалол изланиш, эркин тафаккур юритиш имконини берди.

Ижтимоий ватанпарварлик инсоннинг ижтимоий тафаккурига таяниб иш кўради. Бу туфайли адабий таълимда жиддий ўзгаришлар содир бўлиб, адабиёт сиёсий қурол эмас, эстетик завқ берувчи манба, кўнгил иши сифатида баҳолана бошлади. Янгиланган адабий таълим моҳиятини асардан сиёсий ғоя қидиравермай, сўз санъатининг ноёб намунаси сифатида баҳолаш, ўқувчининг адабиётга муҳаббатини ошириш, ижтимоий ватанпарварлик омиллари (*адабиёт дарсларида тарбияланувчи ҳолатини ҳис қилиш, маънавиятини ошириш, кайфиятини туйиш, қайта акс эттириш* каби)ни ривожлантириш ташкил этишига ҳам эътибор қаратиш лозим.



**Фалсафий ватанпарварлик** жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъикоси билан боғлиқ. Ватанпарварликнинг бу шакли нафсни тийиш, турли ҳолат ва вазиятларга тушганда фалсафий мушоҳада қилиш, сабабсиз оқибат, оқибатсиз сабаб бўлмаслиги, инкор қилиш, вақт тамойили, макон тамойили, муаммо, фазовий ва ички компонентлар ўзаро алоқадорлилигидан ташкил топади. Фалсафий ватанпарварлик ўз-ўзидан бўлмай, ҳар бир кишидан муайян лаёқат ва ишчанлик қобилиятини тақазо қиладиган, илм олиш воситасидагина амалга ошадиган туйғудир.

Аммо ватанпарварликнинг фалсафий кўриниши омил сифатида камол топиши учун болаларда фикрлаш иқтидорини ҳосил қилиш, маърифат мактаблари кифоя қилмайди. Яна замон ва дунё воқеалари, турли маълумотлар билан танишиш эҳтиёжи, Ватаннинг аҳволидан ва кундалик ҳаётдаги турли ҳодисалардан огоҳ бўлиш, қарашлар ўзгариши кабиларни назарда тутиш талаб этилади. Бунда ватанни севиш турлича идрок этилади:

а) ўзи яшаётган мамлакат, унинг бутун борлиги: табиати, бойликлари, халқи, кадриятлари ва бошқаларни севиш;

б) туғилиб ўсган макон, ота-она юрти, у ердаги қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар, ҳатто тенгдошларнинг ўзига хос гапириш тарзи – тили, урф-одатлари кабиларга меҳр туйиш.

Адабиёт ўқитувчиси фалсафий ватанпарварликни ўқувчиларга яхшироқ етказишда қуйидаги мисолдан фойдаланиши мумкин:

*Юртим, омон бўлсин бари болаларинг,*

*Ва уларга доя, тугруқхоналар ҳам.*

*Омон бўлсин уфққа туташ далаларинг,*

*Далаларда бизни туққан оналар ҳам.*

(М. Юсуф. «Таваллуд»)

Бу ватанпарварликнинг жуда гўзал намунасидир. Шоир ватан сўзини айтмай ватанни таърифлаган, унинг тинч-омонлигини сўраган, ичкин меҳр

билан шукрона келтирган. Бу туйғуларни ўқувчиларга етказа олган адабиёт ўқитувчиси таълимий мақсадни тўла уддалаган ҳисобланади. Ёки:

*Улуғ жанглар фарзандидир бу Ватан,  
Ҳар қаричи – қалбимиздан бир улуш.  
Бизга тутди меҳр олтин косадан,  
Бир гулига минг қалб истар қон тўкиш.*

-----

*Бу дунёда асло гуллар сўлмайди,  
Уфқимизда бахт юлдузи сўнмайди.*

(Ойбек, «Ватан»)

Ушбу мисралардан ватанпарварлик фақат уни севишдан эмас, унинг учун курашлардан ҳам иборат эканлиги ойдинлашади. Ватанимиз минг йиллар давомида жуда кўп жанглар, курашларни бошидан кечирган, ҳозирги Ўзбекистонимиз шулар заминида шаклланган. Ҳар бир қаричи учун минг-минглаб ватандошлар ўзларини қурбон қилган. Шоир сатрларга сингдирган маъно, шеър ташиган бадий ғоя, ижтимоий юк фалсафий ёндашувсиз кашф этилмай қолиши мумкин. Бундай она юрт мадҳига бағишланган мисралар Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия, Э.Воҳидов, А.Орипов каби ижодкорлар асарларида кўплаб учрайди, бу эса адабиёт ўқитувчиси зиммасидаги юк салмоқли эканини билдиради.

Юқоридаги тушунчалар орасида **комилликка хос ватанпарварлик** энг оддийси туюлгани билан ўта жиддий ва мураккабдир. Маълумки, камолот серқирра жараёндр. Инсон жисмоний, ахлоқий, маънавий, ижтимоий, ақлий, руҳий такомилга етса, комил саналади. Юқоридаги бирор кўрсаткичда нуқсон сезилса, шахс комил бўла олмайди. Зотан, жисм ва рух, шакл ва мазмун орасидаги узвий алоқа, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, яъни мазмунда мавжуд ни(мар)са, шаклда ўз ифодасини муқаррар топиши азалдан маълум аждодларимиз кўп бор таъкидлаган ҳақиқатдир.

А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги «*Ақл инсонларнинг тури комили, муришиди яғонасидир. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир...*» ҳикматлари фикримизни далиллайди.

Адабиёт дарслари айнан бадий матн билан ишлаш имконияти туфайли бошқа предметлардан устун туради, ўқувчиларни ўз ортидан осон эргаштириб, ўзига қизиқтира олади. Болада шакллантириш ва барқарорлаштириш лозим бўлган ҳар қандай туйғу адабий таълим воситасида қулайлик билан рўёбга чиқиши мумкин. Ота-она ёки ўқитувчи болага ватанни севиш лозимлиги, ватанпарварлик туйғуларнинг қиймати, қадри ва аҳамияти баланд эканлигини уқтирмасин, кутилган самарани бермайди. Аксинча, бу болани зада қилиб, ватанпарварликни чақириқ, шиор тарзида қабул этиши мумкин. Тўмарис ёки Широқлар ҳаётининг бадий тасвири эса ҳар бир ўқувчида қийинчиликсиз кутилган туйғуларни шакллантиради.

*«Агар аҳмоқ одам бўлса, ўз туғишган биродарини ҳам севмаслиги мумкин, лекин Ватанни, у қандай бўлмасин, севмаслик мумкин эмас. Аммо бу муҳаббат унинг мавжуд аҳволдан бир умр мамнунлик бўлиб қолмаслиги, балки уни мукаммаллаштиришга чанқоқ интилишдан иборат бўлмоғи лозим»<sup>38</sup>*, бунга эса адабиёт ўқитувчиси ва ота-онанинг давомли ҳамкорлиги орқали эришиш мумкин. Бунда ташаббус ота-онадан чиқмоғи керак. Ота-она фарзандининг ўқиши билангина эмас, ўқитувчиси билан ҳам қизиқиши, доимий мулоқотда бўлиши, дарсда ўтилган мавзунини, иложи бўлса, уйда давом эттириши, болага ота-она ва ўқитувчи ягона позицияда туришини уқтириши лозим. Бу нафақат ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, балки, умуман, таълим-тарбия соҳасида улкан муваффақиятларга олиб келади.

---

<sup>38</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 256.

УЎТМ адабий таълими ҳар бир даврнинг, ижтимоий-сиёсий тузумидан қатъи назар, эътибор тортар масаласи бўлган. Ҳар бир ҳукмрон мафкура адабиётнинг ишонтириш, эргаштириш кучини жуда яхши англагани, ўз ғояларини одамларга сингдириш ва ҳаммаслақ қилишнинг синалган йўли адабиёт эканлиги идрок этгани учун ишни унга ҳужум қилиш, ислоҳ киритишдан бошлаган. Яқин ўтмишимиз бунга гувоҳ: совет фуқароси то ўзининг шахсий хулосаси, ижтимоий қараши, сиёсий англами шаклланмагунга қадар умумий ватанини севиб юраверган. Реаллик билан танишгач, ўргангани ва амалдаги ҳодисалар орасидаги кескин тафовут уларни довдиратиб қўйган. Шу боис ўша давр одамларида сиёсий тузум ва давлатга мутлақо ишонмаслик кайфияти устунлик қилган. Ватан туйғуси, аниқ манзили, сарҳади ҳам ноаниқ, мавҳум эди. СССР таркибидаги 15 республиканинг ҳар бири ўз аҳолиси учун ватан ва уларнинг устида ҳаммасини бирлаштирувчи умумий Ватан — Москва эди. Шунинг учун салкам бир аср давомида Ватан сўзи ва ватанпарварлик 15 республиканинг деярли барчаси учун шунчаки сўз, чақириққа тенглашиб қолди. Аслида эса *«Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамоқ, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланмоқ керак, Ватан онадек муқаддас. Уни қадрлаш, эъзозлаш, унинг шодлик ва қувончига шерик бўлиш, ғам-ҳасратини баҳам кўриш фарзанднинг бурчи эканлигини ҳис қилиш лозим бўлади. Фарзандлар ҳам ҳар хил бўлади. Онанинг бахтига шерик бўлиб, бахтсизлигида ёлғиз ташлаб кетувчи фарзандлар ҳам топилади. Ватаннинг ҳам фусункор табиатини, боғ-роғларини хуш кўрадиган, лекин ташвиш ва ғамларини ўйламайдиган фарзандлари йўқ эмас. Ватанни у қандай бўлмасин, севиш керак»*<sup>39</sup>. Ушбу фикрларда яққол тасвирланган инсоннинг чинакам ватанпарварлик туйғуси, бу туйғу озикланадиган омилларни адабиёт ўқитувчиси чуқур илғаб олиши ва таълим жараёнида болаларга етказа

<sup>39</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002. – 256-бет.

билиши лозим. Бунда педагог бадий асарлар, таниқли ижодкорларнинг ижтимоий мақолалари, ҳикматомуз фикрларига таяниши мумкин. Адабий таълимнинг юқори босқичларида ўқитиладиган Чўлпон шеърлари, айниқса, бу борадаги энг ишончли воситалардан ҳисобланади. Унинг «*Кишан кийма, Бўйин эгма, Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсен*» сатрлари ўсмирликдан ошиб, ўспиринлик даврига кираётган ўқувчиларга хос бўлган туйғуларни қуйлагани билан таълим олувчилар эътиборини ўзига дарҳол тортади. Ўқувчи сатрларини эшитгани ҳамоно кўз ўнгида занжирлаб ташланса-да, курашда давом этаётган образ гавдаланади, кўнглида унга нисбатан эҳтиром уйғонади, унга ўхшашга интилади.

Юқоридаги кузатув ва таҳлиллар қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

— умумий ўрта ва ўрта махсус адабий таълими тизимлари мобайнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси маънавий, ижтимоий ва сиёсий эҳтиёж туфайли пайдо бўлди ва тикланаётган миллий-маънавий қадриятларни ўқувчиларга сингдиришда унинг ўрни, айниқса, муҳим эканлиги маълум бўлди:

— адабий таълим тизими истиқлолнинг илк кунларидан сифат ўзгаришларга, таҳлилий ислоҳотларга учради, бунинг натижаси миллий илмий-методик педагогикамизни юзага келтирди;

— адабиёт ўқитишни ташкил этувчи бадий асарларни саралаш принциплари янгиланди: ижтимоий дегуманизациядан инсон олий қадрият эканлиги тушунчасига етиб келди.

— Миллий ўзбек педагогикаси таянадиган тамойиллар адабий таълим заминида қайта кўриб чиқилиши, мазмунан янгиланиши том маънода, миллийликка йўғрилиши ва ижтимоийлашиши бугунги кун талабига айланди;

— тадқиқот жараёнида узлуксиз таълим босқичларида адабиёт ўқитишни ўзгача ташкил этиш, адабий таълимга муносабатни тубдан

янгилаш, янгича педагогик талаблар асосида адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлиги ва профессионаллигини ошириш, юз бераётган ўзгаришларга соғлом муносабатни таъминлаш ишлари кучайтирилиши даркор;

— Бунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнида эҳтиёж, истак ва заруратнинг ўзаро мос келишига алоҳида эътибор қаратилиши керак;

— ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш умумтаълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимлари, шунингдек, олий таълимнинг асосий муаммоси сифатида қабул қилиниши, бу эса мамлакат келажаги учун жуда муҳим эканлиги аён бўлди.

## **I.2. Адабий таълим жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мавжуд ҳолати**

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари билан бир қаторда ўқитиш тизимидаги янгиланишлар умумтаълим мактабларида адабий таълим тизимини такомиллаштиришнинг ўзбек миллий педагогикаси тамойилларига мос келадиган жиҳатларини тиклашни тақозо этмоқда. Узлуксиз таълим тизимидаги туб ислохотлар 11 йиллик умумий таълимнинг жорий этилиши мажбурий таълим даврининг ҳар бир ўқув босқичидаги мавзулар(ни) қайта кўриб чиқишни, баъзиларини ўзгартиришни, ўқув мақсадларини зарур технологиялар янги ғоялар билан бойитишга ундади.

Ўқув мақсадларини белгилашда қатъий чегарага риоя қилиш, аниқлик янги педагогик технологияни анъанавий ўқитиш усулларида кескин ажратиб турадиган муҳим жиҳатдир. Бу, ўз навбатида, ўқувчи шахсининг ривожланиши ҳамда педагог фаолияти жараёни билан боғлиқ айрим нуқсонларни тuzатиш, ўқитиш усулларини такомиллаштириш учун зарур шароитлар яратади.

Б.Блум таксономияси ўқув мақсадларини белгилаш (тартиб билан жойлаштириш)да янги усул экани билан характерланади. Унинг ёрдамида педагог мақсадни аниқ белгилаш баробарида уларни мантиқий изчилликда жойлаштириш имконига ҳам эга бўлади<sup>40</sup>.

Бизга маълумки, ўқув дастурларини ўзгартириш икки асосий йўналишда амалга оширилади:

1. Экстенсив йўл.
2. Интенсив йўл.

Ўқув дастурини ўзгартиришнинг *экстенсив йўли*да ўқув муддати узайтирилиб, ўқув материаллари ҳажми кўпайтирилади.

*Интенсив йўл*да эса тизим учун мутлақо янги ўқув дастури ишлаб чиқилади. Бизнингча, айнан шу усул кўпроқ натижа беради.

---

<sup>40</sup> Беспалько В.И. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М., 1996. – С. 336.

Булар УЎТМларда ва ўрта махсус касб-хунар таълимида Адабиёт ўқитиш концепциялари, «Адабиёт» фанларидан Давлат таълимда стандартни яратишга имкон берди. Бу меъёрий хужжатлар асосида адабий таълимнинг ҳар бир синф ва босқичларига мўлжалланган соатлар миқдори белгиланди, ўқув дастури мазмуни янгиланди.

Ушбу ўқув режа асосида бугунги кунгача амал қилаётган УЎТМнинг V синфида адабиёт фани дарсларига бир ҳафта давомида **уч**, VI, VII, VIII синфларда **икки**, IX синфда эса **уч соатдан** ўқитилади.

Ўрта махсус касб-хунар таълими босқичларида “Адабиёт” фани (академик лицей ва касб-хунар коллежларида): академик лицейларнинг I босқичи ўқувчилари ҳафтасига **2**, II-III босқичларида – **3 соат** ўқитилади. Умумий соатлар ҳажми академик лицейларда 80 соат, коллежларда эса 60/60 соатни ташкил қилади. Аммо белгиланган соатлар ўрта махсус касб-хунар таълими босқичларида тўлиқ адабий таълим ўз олдига қўйган таълимий муаммо ечимини топишда қатор қийинчиликларни туғдиради.

Умумтаълим учун яратилган Давлат таълим стандартида синфларда адабиёт фанини шартли равишда икки босқичга бўлиб ўрганиш кўзда тутилади. Бунда мантиқий **изчиллик**, **давомийлик** ва **узлуксизликка** алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда синфлар кесимидаги айрим таҳлилларни қайд қилишни жоиз билдик. V-VI синфлар ўқув дастури (биринчи босқич) халқ оғзаки ижоди, ўзбек ва қардош халқлар ҳамда жаҳон адабиётининг айрим намуналари билан чекланади. 5-синф «**Адабиёт**» дарслик-мажмуаси «**Ҳикмат дурдоналари**» боби билан бошланади. Мазкур бобда мақоллар, ибратли ҳикоялар, ҳадислардан намуналар берилган бўлиб, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ғоялари имкон қадар ифодаланган. Шунингдек, машҳур кишиларнинг ҳаёти орқали авлодларга ватанпарварлик сабоқлари ўргатилиши назарда тутилган.



«Эртақларнинг сеҳрли олами» қисмида «Уч ога-ини ботирлар», «Ойгул билан Бахтиёр», Шукруллонинг «Умр ҳақида эртақ» асарлари келтирилган бўлиб, бунда инсонларга маънавий-ахлоқий сабоқ бериш баробарида ватанпарварлик туйғуларини ҳаётий кўникамага айлантириш масаласи илгари сурилади. С.К. Селевконинг қарашларида ана шу ҳолатга муносабат қуйидагича далилланади:

«Ўқитувчи ҳамма вақт дарс жараёнида қанақа усулда дарс ўтишидан қатъи назар ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдан ташқари, истеъдодли ва ўта истеъдодли ўқувчиларни назардан қочирмаслиги шарт»<sup>41</sup>. Бу фикрларни бежизга келтирмадик, сабаби ўқитувчи дарсликда берилган мавзу доирасида ўқувчига ватанпарварлик туйғуларини сингдиради.

5-синф дарсликларида берилган материаллар ана шундан келиб чиқиб ўқитувчиларга тавсия этилган. Масалан, Ҳ. Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» эртагида яхшиликнинг ёвузлик устидан қилган эзгу тантанаси тасвирланган. Шукруллонинг «Умр ҳақида эртақ» асари ғояси ўз Ватанидан қувилган сайёҳ ҳақида бўлиб, умр инсон меҳнати, эрку фаолияти билангина ўлчаниши ҳақида сўз юритилади. Соф ватанпарварлик ўз юрти ва халқи учун амалга оширилган иши билан ўлчанишига ишора қилинади<sup>42</sup>.

«Афсоналар садоси» бобида Миркарим Осимнинг «Тўмарис», «Широқ» афсоналарида ўз ватанига садоқат кўрсатиб, юрт озодлиги ва хуррияти йўлида курашган аجدодларимизнинг умумлашма образлари, Ватан фидойиси, халқ қаҳрамонларининг жасорати талқини берилган. Бироқ шу мавзулар кенгайтирилиб, М.Осимнинг «Темур Малик», «Карвон қўнғироғи», «Элчилар» сингари тарихий асарлари умумтаълим дастурига киритилса, ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга хизмат қилган бўлар эди.

---

<sup>41</sup> Селевко С.К. Энциклопедия образовательных технологий. Том 1. – Москва: НИИ школьных технологий. 2006. –С. 712-714.

<sup>42</sup> 5-синф дарслиги, “Ўқитувчи” 2000 й. 90-91-бетлар.

Албатта, номлари келтирилган асарларнинг ўзи шу синф ўқувчиларида ватанпарварлик, элпарварлик хусусиятларини шакллантириш учун камлик қилади. Бироқ, бизнингча, шу синф учун ана шу материалларнинг берилиши ижобий ҳолатдир. Бу борада А.Рибникованинг қуйидаги фикрини назардан қочириб бўлмайди: *«Методика – бу вақтни тежай олиш, ўқувчилар имкониятидан оқилона фойдаланиш, синф жамоасининг меҳнатини ташкил этиш санъати. У ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш орқали таъсир этиш тизимидир»*<sup>43</sup>.

Дарслик ўқувчи учун энг асосий манбалардан бири бўлиб қолаверади.

Ҳақиқатдан, яхши дарслик, мукаммал дарс, пухта билим, ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини юксалтириш билан бирга улар олажак билимларнинг ҳажми ва сифатини ҳам кафолатлайди.

Ўқувчи учун дарслик ижодкорларнинг ибратли ҳаёт йўлига қизиқиш уйғотувчи, мустақил фаолият юритишга йўналтирадиган, ижодкорликка, изланишга ёрдам берадиган восита ҳисобланади. Айрим мулоҳазалар ўрнида мавзу танланишида қуйидагиларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- а) ижодкорнинг тан олинганлик даражаси ва хос мутафаккирлиги;
- б) ўзи яшаган даври билан алоқадорлиги;
- в) ижодкорнинг услуби, ижодий йўлидаги босқичлар кетма-кетлиги;
- г) унинг ижтимоий ҳаётга ва адабиёт ривожига (тарихига) қўшган ҳиссаси.

Дарсликда берилган матнлар (*бадиий асарнинг ўзи*), қўшимча материаллар (*тарихий давр, ижодкор ҳақидаги машҳур кишилар томонидан айтилган фикрлар*); изоҳлаш–тушунтириш материаллари (*бош қаҳрамоннинг муайян вазиятдаги хатти-ҳаракатлари, жой ёки урф-одатларга берган изоҳи, баъзи термин, тушунча, изоҳ ва шарҳлар*) ўқувчиларни ватанпарлик руҳида тарбиялашни кўзда тутиши керак.

---

<sup>43</sup> Манжелеева С.И. Методика преподавания литературы. – Москва, 2005. – 80 б.

Узлуксизлик тизимидаги айрим жиҳатлар ҳақида фикр билдирар эканмиз, академик лицейлар учун тузилган ўқув дастурида<sup>44</sup> таълим босқичлари орасидаги узвийлик ва узлуксизликка алоҳида аҳамият қаратилган ва киритилган мазулар ўринли. Дастур таълим мазмунини ташкил этар экан, у бўйича ўқув режасида белгиланган соатлар тақсимланади. Шундан келиб чиқиб, академик лицейларда адабиёт фанига 240 соат ажратилган бўлиб, учта босқичга 80 соатдан тақсимланган. Бу соатларда ўқитувчи, ўқувчи ва таълим мақсади ўзаро монанд келишига эришиш лозим.

*«Бола тарбиялаш учун сизга топширилган: шуни унутмангки, у ўсмир, кейин эса йигит бўлиб етишади, қарабсизки, эркак ҳам бўлиб қолади, шу боисдан, унинг қобилияти такомилни кузатиб боринг ҳамда шунга кўра, тарбия усулларингизни ўзгартириб туринг, ундан ҳаммиша юқори туринг; акс ҳолда, ҳолингизга вой: бола сиз билан юзма-юз туриб устингиздан кулади. Унга ўргатар экансиз, ўзингиз яна ҳам кўпроқ ўрганинг, акс ҳолда, у сизни ортда қолдириб кетади: болалар тез ўсишади»<sup>45</sup>.*

Узлуксиз таълим тизимида дарс ўтиш методикасини такомиллаштириб бориш, инновацион методлардан фойдаланиш ўқувчига қизиқарли вазиятларни яратиш беради. Айниқса, матн устида ишлаш, бадий ғояни асосий ва тўлдирувчи қўшимчаларга ажратиш олиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тайин этиш оддий ўқувчини жўшқин китобхонга айлантиради. Бунда ўқувчи мушоҳадали, ўз фикрига эга инсон ёки шахс сифатида шаклланиб боради.

Адабиёт дастурига киритилган Чингиз Айтматов ва Мақсуд Шайхзода асарларидан парчалар, «**Мумтоз адабиётга саёҳат**» бобида Алишер Навоий, Бобур, Муқимий, Саъдий Шерозий каби ижодкорлар қаламига мансуб асарлар берилган. «**Болаликнинг беғубор олами**» бўлимида эса А.Қодирий,

<sup>44</sup> Тўхлиев Б, Саримсоқов Б.. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. -Т.: 2000 . 205-263- б.

<sup>45</sup>Тўхлиев Б, Саримсоқов Б.. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. -Т.: 2000 . 205-263- бетлар.

Ғ.Ғулом, Ойбек, Миртемир, У.Носир, Ў.Ҳошимов ва бошқалар ижодидан намуналар келтирилган<sup>46</sup>.

Ушбу асарларда миллий ватанпарварлик, халқимизга хос характер, руҳият ҳаққоний гавдалантирилган (м., Ойбек, «**Фонарчи ота**» ҳикояси). «**Ватанни севмоқ иймондандир**» бўлимида берилган Фитрат, Э.Воҳидов, А.Орипов, Х.Даврон, Н.Думбадзе асарларида Ватан тақдирини белгилаш, ватанпарварликнинг ўзига хос кўринишлари, халқимиз асрлар давомида интиқиб кутган кунлар ва ўз тараққиёт йўлимизнинг гарови эканлиги таъкидланган. (286-345–бетлар) Ахлоқий мезонларнинг биринчи ва энг муҳими ватанни севиш, ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилиш эканлиги, инсон характеридаги энг маъқул хусусиятлардан бири ватанпарварликнинг турлича кўринишларида акс этиши мумкинлиги ўрганиладиган асарлар қимматини оширади. Узлуксиз таълимий ўзгаришлар, ислохотлар натижасида қатор адабиёт дарсликлари, масалан, 2000 йилда нашр қилинган «Адабиёт» дарслиги (муаллифлар: Наим Каримов, Умарали Норматов) 2004 йилда қайта нашр қилинган ва бошқа йилларда, жумладан янгиланган адабиёт дарсликларини узвийликда ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши билан боғлиқ ҳолда таҳлилга тортганимизда қуйдагилар аёнлашди: «**Ҳикмат дурдоналари**» бўлимига «**Мақоллар**», «**Ибратли ҳикоятлар**», «**Имом Ал-Бухорийнинг ҳадислари**», «**Конфуций ҳикматлари**», Пауло Коэльонинг «**Бахт калити**» каби асарлари киритилган.

«**Эртақларнинг сеҳрли олами**» бўлими «**Подшоҳ ва Тўти**», «**Ҳусниябону**», Ҳ.Олимжоннинг «**Семурғ ёки Паризод ва Бунёд**», Шукруллонинг «**Ахиллик ҳақида**», Ханс Кристиан Андерсеннинг «**Чакмоқтош**», Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг «**Ҳимматли фақир**» асарларидан; «**Афсоналар садоси**» бўлими М.Осимнинг «**Темур Малик**»,

---

<sup>46</sup>Тўхлиев Б, Саримсоқов Б.. Адабиёт. Академик лицейлар учун ўқув дастури. -Т.: 2000 . 205-263- б.

М.Шайхзоданинг «Сулҳ дарахти», Ч.Айтматовнинг «Одам ва бўри болалари» («Қиёмат» романидан парча) асарларидан таркиб топган.

«Мумтоз адабиётга саёҳат» бўлимига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмай, фақат Кайковуснинг «Қобуснома»сидан парча шу рукнга илова қилинган.

«Болаликнинг беғубор олами» бўлимига «Улоқда» ҳикояси (А.Қодирий), «Шум бола ва Сарибой»и («Шум бола» қиссасидан парча) (Ғ.Ғулом0, «Фонарчи ота» ва «Боланинг кўнгли подшо»си (Ойбек), «Тонг қушлари», «Ҳандалак», «Жала», «Ҳали ҳам ва «Бувимнинг чўпчакларидан» (Миртемир), «Юрганмисиз бирга ой билан», «Ҳаёт ҳали менинг олдимда», «Шеърим»(У.Носир), «Дунёнинг ишлари» (Ў.Ҳошимов), «Кичкина шахзода» (Антуан де Сант-Экзюпери), «Соҳил бўйлаб борарди бир чол» (Р.Парфи); «Ватанни севмоқ иймондандир» бўлимига эса «Юрт қайғуси» (Фитрат), «Ватандин яхши ёр бўлмас» (Э.Воҳидов), «Ўзбекистон байроғи»(А.Орипов), «Ватан ҳақида етти ривоят» (Х.Даврон), «Ватанни ўрганиш»(С.Сайид), синфдан ташқари ўқиш учун «Ватан, ватан дер эдилар...» (Ҳ.Ҳ.Ниёзий), «Баркаш нон» (Қ.Муҳаммадий) каби асарлар киритилган.

Дарсликнинг тўлдирилган нашридан «Тўмарис», «Широқ» афсоналарининг чиқариб юборилгани, А.Қодирий, Ғ.Ғулом, Ойбек, Миртемир, У.Носир, Ў.Ҳошимовлар қаламига мансуб асарлар мундарижаси ўзгартирилганлиги айниқса, Р.Парфининг «Соҳил бўйлаб борарди бир чол» шеъри киритилганлиги дарслик мазмуни ва мақсадига ҳам таъсир ўтказди. Бу таъсирни тўла ижобий ёки буткул салбий, дейиш фикридан йироқмиз. Масалан, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеъри ўрнига «Ватандин яхши ёр бўлмас» шеъри берилган. Фикримизча, ҳар иккала шеър ҳам берилганида, бири иккинчисини тўлдирган, ўқувчилар фақат ватанга эмас, балки Ватанни қуйловчи шоирга нисбатан ҳам меҳр туйган, ўқувчилар бундай шахслардан намуна олишни қалбдан истаган бўлар эди.

А.Орипов ижодидан «Ўзбекистон» шеъри ўрнига «Ўзбекистон байроғи» кўйилгани, У.Азим, С.Саййид каби шоирлар асарларининг киритилганлиги мақсадга мувофиқ.

Манбаларни ўрганиш жараёнида **С.Ахмедов, Б.Қосимов, Р.Қўчқоров, Ш.Ризаевлар** муаллифлик қилган 5-синф «Адабиёт» дарслиги («Шарқ» нашриёти, Тошкент, 2007) **Н. Каримов, У. Норматовлар** 2000 йилда нашр эттирган дарслик билан деярли бир хил эканлиги кўринди.

**2007** йилда нашр қилинган 5-синф «Адабиёт» дарслиги нисбатан мукаммал дарсликлардан. **2000, 2004** йилларда нашр қилинган дарсликлардаги «**Афсоналар садоси**» бўлими 2007 йил нашрида «**Ривоят ва эртаклар оламида**» номи остида ихчамлаштирилган. Янги нашрда айрим ижодкорларнинг асарлари қайта кўриб чиқилган, Эзоп ижодидан масаллар, М.Шайхзоданинг «**Искандар Зулқарнайн**» эртак-достони, Ханс Кристиан Андерсеннинг «**Булбул**» эртаги, У.Носир қаламига мансуб «**Болалигимга**», «**Йўлчи**», «**Ёшлик**», «**Гулзор чаман**» шеърлари, Миртемирнинг «**Булут**», «**Шудринг**», «**Қишлоғим**» каби асарлари, М.Қориевнинг «**Қалдирғочлар баҳорда келади**» ҳикояси берилгани маъқул. Аммо У.Азим, С.Саййид, Х.Даврон, Фитрат каби ижодкорларнинг асарлари чиқариб юборилганлиги кишини ўйлантиради. Сабаби ушбу асарларда илгари сурилган ғоялар ўқувчи хис-туйғуларига ўта яқинлиги билан диққатни тортар эди.

«**Мумтоз адабиёт бўстони**» бўлимидаги А.Навоийнинг «**Махбуб-ул-қулуб**» асаридан олинган парча ўрнига тавсия этилган «**Ҳайрат ул-аброр**» достонининг ўнинчи мақолати «**Шер билан дуррож**» ўқувчи ёшига мосдир. Аммо Ў.Умарбековнинг «**Қизимга мактублар**» туркум хатларининг берилиши 5-синф ўқувчисининг психофизиологик жиҳатларига унчалик мос эмас. Ўн бир ёшли бола ҳали умр деб аталган сеҳрли, мўъжизаларга бой сир-синоатни тўлиқ англаб етмаган, болаликнинг ширин эртакларини унутиб-унутмаган бўлади, жудолик, отанинг қизига қарата айтган ўғитларини тўлиқ англай олмайди. Мазкур бўлимдаги Хуршид Давроннинг «**Ватан ҳақида**

**етти ривоят»** асари эса, аксинча, ҳар томонлама ўқувчига унинг салоҳиятига мос келади.

6-синф (2003 йил) **«Адабиёт»** дарслигининг **«Бола учқур ҳаёл соҳиби»** бўлимида халқ оғзаки ижодининг ўзига хос тури **«Топишмоқлар»**, Ж.Родарининг **«Рим эртаклари»**, Х.Тўхтабоевнинг **«Сариқ девни миниб»**, Ч.Айтматовнинг **«Оқ кема»**;

**«Кечаги кун — сабоқ»** бўлимида А.Қаҳҳорнинг **«Бемор»**, Э.Воҳидовнинг **«Нидо»**, О.Ёқубовнинг **«Музқаймоқ»**, Муқимийнинг **«Танобчилар»**, Ў.Ҳошимовнинг **«Урушнинг сўнгги қурбони»**, Зулфиянинг **«Ўғлим, сира бўлмайдими уруш»**, **«Кўрганмидинг кўзларимда ёш»**, **«Баҳор келди сени сўроқлаб»**, **«Тун»**, С.Аҳмаднинг **«Қоплон»**, **«Собиқ»** ҳикоялари;

**«Сўзда ҳикмат бор»** бўлимида А.Навоийнинг **«Сўз таърифида»**, рубоийлар, қитъалар, Рабғузийнинг **«Қисаси Рабғузий»**, **«Латифалар ва аския»**, Гулханийнинг **«Зарбулмасал»**, З.Аъламнинг **«Афандининг қирқ бир пашшаси»**, Абайнинг **«Шеърлар»** и;

**«Туйғуларнинг камалак ранги»** бўлимида Тоғай Муроднинг **«Юлдузлар мангу ёнади»**, А.Суюннинг **«Баҳодирнинг қиличи»**, **«Оқ ва қора»**, **«Дарада»**, **«Баҳодирсиз қайтди арғумоқ»**, **«Тутқун»**, П.Қодировнинг **«Низомнинг тантилиги»**, М.Шайхзоданинг **«Йилларнинг саломин йилларга элтиб...»** каби асарларнинг берилиши, умуман олганда, ўзини оқлайди. Шу билан бирга, биз бунга оид алоҳида рукн берилиши керак, демоқчи эмасмиз. Бу дарсликларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмаганлигини таъкидлаш жоиз.

Лекин 5-синфнинг давоми сифатида, 6-синфда узлуксизлик, илмийлик, тизимлиликни таъминлаш мақсадида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг юқориқ босқичига диққат қаратилиши зарур.

Ватанпарварлик тарбиясининг хусусий жиҳатларига алоҳида эътибор бериш керак. Балки ажратиб, саралаб, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда савияси, билим даражаларини ҳисобга олиб туриб

ўргатиш жуда муҳимдир. Маълумки, адабий таълимни, юрт орзуси, ватанни кўмсаш, жудолик, ватангадолик каби жиҳатларни бўрттириб туриб ёшларга сингдириш ватанни севиш, ундан ғурурланиш кайфиятларини, бу билан ўқувчида ватанга, юртга, элга муҳаббат ҳиссини уйғотиш масаласини қачон бўрттириброк кўрсатиш маъқулроқ, қолаверса, ватан, эл-юрт ҳимояси бўйича фидойиликни шакллантириш қачон маъқуллиги нуқтаъаи назаридан узлуксизлик ва узвийлик асосида берилиши мақсадга мувофиқ. Адибларнинг бири уни кўмсайди (Бобурнинг Андижондан қовун олиб боришларини илтимос қилишини эсланг), бири табиатидан завқланади, яна бири дўпписини мақтайди, биров фаслларидан ғурурланса, бошқа бири одамларидан кувонади ва ҳоказо. Адабиёт таълимида ватанпарварликнинг ана шундай жиҳатлари ҳисобга олиними зарур, бинобарин, «Тарбия ўқув фаолияти билан боғланган ҳолда дарсда бошланади ва ўша ерда тугайди»<sup>47</sup>.

Назаримизда, 6-синф дарслигида адабий таълимнинг ана шу жиҳати (яхши) ҳисобга олинмаган. Умуман, ватанпарварликни шакллантиришнинг эътиборсиз қолдирилиши таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлаш тамойили бузилишини кўрсатади.

7-синф «Адабиёт» дарслик мажмуаси (2003 йил) муаллифлар гуруҳи томонидан 70 соатлик режага асосланиб тузилган.

“Халқ оғзаки ижодидан” бобида «Равшан» достони, «Ўзбек адабиёти тарихидан» бобида Атойи, А.Навоий «Салотин бобида» («Ҳайрат ул-аброр»), «Меҳр ва Сухайл» («Сабъаи сайёр»), Турди «Шеърлар», Махмур «Ҳажвиёт», Увайсий «Лирика»си кабилар акс эттирилган.

XX аср ўзбек адабиётидан Ҳамза «Йиғла, Туркистон», «Туркистон», «Дардига дармон истамас», «Ўзбек хотин-қизларига», А.Қодирий «Кўрқинч бир жасорат» («Меҳробдан чаён» романидан), Чўлпон «Бинафша», «Гўзал», «Бузилган ўлкага», А.Қахҳор «Ўғри», «Даҳшат», Ҳ.Олимжон «Ҳолбуки тун», «Ғазал», Миртемир «Мен туғилган тупроқ», «Тошбу», Усмон Носир «Юрак»,

---

<sup>47</sup> Лизинский В. Приёмы и формы в воспитании. - М.: Центр педагогических наук, 2004 .,-С- 4.



«Яна шеъримга», «Насимага деганим», Зулфия «Сен қайдасан, юрагим», «Не балога этдинг мубтало», «Сенсиз», «Ойдинда», Ш.Холмирзаев «Ўзбеклар», М.Али «Гумбаздаги нур», Р.Парфи «Она Туркистон», «Чўлпон», «Тонг отмоқда», «Ёмғир ёғар», «Абдуллажон марсияси», О.Матжон «Кўрдим, Шукур Бурҳон», «Қайси йил кўкламда Жайхун бўйида», «Кўшиқ», Ш.Раҳмон «Туркийлар», «Тунги манзара», «Тонг очар кўзларин», «Ой синиғи», «Ҳамал» асарлари тавсия этилганлиги, «Жаҳон адабиётидан» бўлимида Умар Хайём, У.Сайфиддин, Р.Ҳамзатовнинг «Она тилим», «Шуям эркакми?» каби асарлари берилгани маъқул.

8-синф учун нашрга тавсия қилинган дарслик 70 соатга мўлжалланган (муаллифлар гуруҳи: А. Каттабеков, Қ. Йўлдошев, Ҳ. Болтабоевлар) бўлиб, «Халқ оғзаки ижодидан» бўлимида «Кунтуғмиш» достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Сайфи Саройининг «Сухайл ва Гулдурсун», Лutfий лирикаси, А.Навоий «Ғазаллар»и, Нодира лирикаси берилган.

XX аср ўзбек адабиёти бўлимида А.Фитратдан «Миррих юлдузига», «Ўғит», «Гўзалим, бевафо гулистоним», Ғ.Ғуломдан «Соғиниш», «Вақт», Ойбекдан «Навоий», М.Шайхзодадан «Мирзо Улуғбек», У.Носирдан «Нил ва Рим», «Монолог», А.Мухтордан «Чинор», С.Аҳмаддан «Қочоқ», Ҳ.Худойбердиевадан «Дориломон кунлар келди», «Бегим, сизни табиат...», «Бугун туркка не керак...», Ш.Бошбековдан «Темир хотин», М.Юсуфдан «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор», «Меҳр қолур», Х.Султоновдан «Саодат соҳили» асари олинган.

«Жаҳон адабиётидан» бўлимида Рабиндранат Тҳокурнинг «Нур ва соялар», Сергей Есениннинг «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилларидан...», «Хурсонда бир дарвоза бор...», Ўлжас Сулаймоновнинг «Арғумоқ», «Мамбет ботирнинг қатл олдидан айтганлари» каби асарлари дастур асосида киритилганлиги маълум.

Адабиёт дастури ва дарсликларида давлат миқёсида аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки «Фан «нима бўлганини» тушунтирса, адабиёт "қандай бўлганини" тасвирлайди. Демак, бадий адабиёт ахборотни тўғри кишининг миясига бермасдан, олдин унинг туйғуларини қўзғатади, қалбини жунбушга келтиради»<sup>48</sup>. Дарслиklar, дастурларни тузишда, асарлар танланганда шунга алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

9-синф «Адабиёт дарслиги»да умумий ўрта таълим ДТСда кўрсатилган баъзи талаблар четлаб ўтилган. ДТС асосида IX синф адабиёт дарс соатлари 102 соат қилиб белгиланган ва у тўртта асосий бобни ўз ичига олган.

I боб «**Халқ оғзаки ижодидан**» деб номланган бўлиб, «**Алпомиш**» достони, Юсуф Хос Ҳожибнинг «**Қутадғу билиг**» асарлари ҳақида маълумот берилган.

II боб «Ўзбек адабиёти тарихидан» рукнида Алишер Навоий «Хамса», Заҳриддин Муҳаммад Бобур «Лирика», Бобораҳим Машраб «Ғазаллар», Муҳаммад Ризо Огаҳий «Лирика», Фурқат «Шеърят» берилган.

III боб «XX аср ўзбек адабиётидан» деб номланиб, қуйидаги асарлар тавсия этилади:

А.Қодирий «Ўткан кунлар», Чўлпон «Кеча ва кундуз», «Шеърлар», Ойбек «Қутлуғ қон», «Шеърлар», О.Ёқубов «Улуғбек хазинаси», А.Қаҳҳор «Сароб», А.Орипов «Баҳор», «Генетика», «Баҳор кунларида», «Куз манзаралари», «Ҳолат», «Кетганлар ёди бу...».

IV боб «Жаҳон адабиётидан» рукнида Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Уильям Шекспирнинг «Ҳамлет», А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин», Албер Камюнинг «Бегона», Ч.Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» асарлари ҳамда «Миллий маънавият, бадий адабиёт ва ёшлар» матни ўқишга берилган.

---

<sup>48</sup> Адабиёт. 8-синф учун дарслик. – Тошкент, 2001. – 10-бет.

Умумий ўрта таълим ДТС талаблари асосида яратилган 9-синф «Адабиёт» дарслигида<sup>49</sup> 5-8-синф «Адабиёт» дарсликларидан фарқли ўлароқ, дарсликка қуйидагича:



1.2.1-расм.- Адабий таълимда мавзуларнинг жорийланиши.

Адабий таълимда мавзуларнинг жорийланишини 1.2.1- расм орқали белгиладик ва мана шу тартибда фаолият юритишни маъқул кўрдик.

Адабиёт предметининг тарбиявий, таълимий, маънавий вазифалари ёки ўқувчининг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб умумтаълим мактабларининг 5-9- 10-11- синфларида адабиётни шартли равишда икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу босқичлар орасида мантиқий изчиллик, давомийлик, узлуксизлик, кетма-кетлик таъминланиши шарт.

5-7-8-9-синфлар (биринчи босқич)да халқ оғзаки ижоди, ўзбек ва жаҳон адабиётининг ноёб намуналари ўқувчиларнинг бадиий асарларнинг жанрлар ўзига хослигини аниқлаш, таҳлил қилиш, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма ва оғзаки баён қила олиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган. Татбиқ қилинаётган бадиий асарлар ўсмирларнинг руҳий-жисмоний ривожланиш хусусиятларига, қизиқишларига, кундалик ҳаёт тарзига яқин, уларда муайян

<sup>49</sup> Каримов Н., Мирзаев Т., Назаров Б., Норматов У., Қосимов Б. Адабиёт. 9-синф учун дарслик. – Тошкент: Маънавият, 2002.

инсоний фазилатларни рўёбга чиқаришга хизмат қилиши мумкин бўлган мавзулар шодаси сифатида келтирилади.

Биринчи босқичда адабиёт фанининг вазифалари ўқувчиларда бадиий асарга таъсирчан қизиқиш уйғотиш, ифодали ўқиш малакаларини шакллантириш ва уларни адабий асарни теранроқ тушунишга ёрдам берадиган даражадаги адабий-назарий маълумотлар билан қуроллантиришдан иборат бўлади.

Синфлар кесимида қилинган таҳлилларда ўрин олган асарлар мавзусидаги кетма-кетлик, услубий яқинлик, тил хусусиятларининг раво ва тушунарлилиги, жанрлар ранг-баранглилигига кўра жойлаштирилганлиги дарс сифатига ва айниқса, адабиёт дарсларида ватанпарварлик мавзусини ўқувчиларга етказишда самарали натижа беради. Асарларнинг кетма-кет жойлашиши ва таҳлилдаги турли усуллардан фойдаланиш оддийдан мураккабга тамойилига риоя қилинганлиги, ўқувчиларда мустақил билим олиш ва ўзлаштиришга, миллий ва кўркем адабиётнинг кенг кўлами ҳақидаги умумий тасаввурлардан хусусий идрок қилишга алоҳида эътибор берилиши маъқул ҳолат.

Биринчи босқич (5-6-7-8-9-синфлар)да ёзувчи ва шоирлар ҳаёти, ижод йўли ҳақида тўлақонли маълумотлар берилган. Айрим адабиётшунослар фикрига қараганда, ижодкорнинг ҳаёт йўлидан кўра, у яратган асарлар ўқувчи учун фойдалилиги айтилади. Шу фикрлар асосида бўлса керак, биринчи босқич синфлари кесимида юқоридаги фикрлар асосланади. Шу ўринда бизнинг фикримизча, биринчи босқичда ижодкорнинг ҳаёт йўли, яратган асарлари ҳақида мукамалроқ тавсиф берилиб, юқори синфларда бадиий асарга, унинг таҳлиliga диққат қаратиш ўринли бўлади.

10-11-синф (иккинчи босқич) адабиёт дарсликларида тавсия қилинган материаллар миллий адабиёт намуналари – ўқувчи шахсининг адабиётга муносабатини яхлит эстетик ҳодиса сифатида тушунишига кўмаклашади. Дарсликларда адабий материаллар хронологик кетма-кетлик тартибида

жойлаштирилган бўлиб, умумтаълим мактабининг адабиёт курсида ўрганиш учун қулайлиги билан асосланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур босқичда адабий жараёнда муҳим эстетик қиммати юқори бўлган, алоҳида ҳодиса деб эътироф этилган асарларнинг тавсия қилиниши ўқувчи руҳиятини, қарашларини мушоҳада қилиши баробарида дунёқараш кўламини кенгайтиришга йўналтирилганлиги билан аҳамият касб этади.

Дастурга киритилган мавзулар, бадий асарлар ижтимоий ҳаётнинг иллюстрацияси, унга эстетик илова тарзида эмас, балки ҳаётий қонуниятлар асосида шахсни ривожлантирувчи санъат ҳодисаси эканлиги билан диққат марказида туради. Одатда, ижтимоий воқелик тадрижий тараққиётни акс эттирар экан, дарсликларда бадий адабиётнинг сиёсатга тобелиги сезилмайди, балки гўзал санъат асарининг ифодаси сифатида талқин этилади.

Иккинчи босқичда ўқувчиларга адабиёт назариясидан етарли билим олиш заруратини англатиш мақсадида бадий асарни таҳлил қилиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоялаш, мустақил фикр юритиш, қиёсий солиштириш билан боғлиқ адабий-назарий маълумотларга кенг ўрин ажратилган.

VII синфдан бошлаб адибларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар кўпая боради. Айниқса, IX-XI синфларда бу ҳолат жиддий тус олади ва салмоқ касб этади. Ўқувчи учун ижодкорнинг таржимаи ҳолини ўрганиш муҳимми, у нима беради?

Биринчидан, ўқувчи учун дастур ва дарсликка киритилган асарларини таҳлил қилишда асарни чуқур ва мукамалроқ тушунишга ёрдам беради.

Иккинчидан, ижодкор шахсиятидаги ибратли ахлоқий (меъёрлар) нормалар, фазилатлар мисолида ўқувчи маънавиятига ижобий таъсир кўрсатилади.

Амалдаги дастурда жаҳон адабиётининг энг сара намуналари тавсия қилиниши ва ўрганилиши миллий адабиётимиз нафақат умумжаҳон адабий жараёнининг бир бўлаги эканлигини англатилади, балки шу жараёнда ўзаро

таъсир орқали ривожланиш, ўқувчиларимиз маънавиятининг дунёдаги нодир санъат асарлари намуналаридан хабардор бўлиши ва қиёсий ўрганишларига ёрдамлашади.

Ўқувчи ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти ўртасидаги хусусийлик, умумийлик, узвийлик, миллатнинг ўзига хосликлари, бошқа миллатлар руҳияти, ёхуд уларнинг ўзбекларникига ўхшаш ё фарқли томонларига эътибор қаратиши зарур.

Дастурда биринчи босқич синфлари (5-6-7-8-9-) да мустақил ўқиш учун берилган мавзуларга ўрин ажратилган. Ана шу мавзулар кўламини кенгайтириш ёки синфлар кесимида мустақил билим олишга қаратилган кўшимча мажмуа китоблари чоп этилиши тарафдоримиз. Сабаби, дарслик маълум меъёрланган нашр иши бўлиб, кўшимча мустақил мутолаа учун мавзулар бериш имконини чеклайди. Бирор ижодкор ёки ёзувчининг дарсида ўрганилган асаридан ташқари, бошқа асарларини ўқишни тавсия этиш ўқувчиларни мустақил мутолаага йўналтириш воситаси ҳисобланади.

Айни вақтда мустақил ўқилган адабиётлар юзасидан олиб борилган баҳс-мунозара, суҳбат ёки очиқ савол-жавоблар ўқувчиларни фаолликка, мустаҳкам билим олишга, турли вазиятлардан чиқиб кетиш, ўз фикрини асослаш, фикрини оғзаки баён қилиш, фактлар асосида оғзаки нутқини жилолаш, халқ мақоллари, ибратомуз сўзларидан ўринли фойдаланиш каби кўникмаларни шакллантирибгина қолмасдан, ўқувчи салоҳиятини оширади. Ана шундай йўл тutilганда, ўқувчиларнинг бадий асар мутолаасига қизиқиши, бадий диди сайқалланади ва шаклланиб боради. Бундан ташқари, мустақил ўқиш учун берилган асарлар мақсадли бўлса, улар ўқувчилар олган билимларни мустаҳкамлаб, бойитади.

Дарҳақиқат, айни мактабда таълим олаётган *«...ўқувчилар учун мустақил билим олиш, ижодий фикр юритиш, ўзини-ўзи бошқариш, англаш, баҳолашга кенг имконият яратилади. Ўсмирлик ёшида катталиқ ҳолатига етиш жараёни содир бўлади. Булар, аввало, таълим жараёнида рўй беради:*

*янги ахборотларни, маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирларни қониқтирмай қўяди. Ўсмир энди зарур ўринларни мантиқий хотира ва тафаккурга суянган ҳолда ўзлаштиришига ҳаракат қилади»<sup>50</sup>.*

Тадқиқотимиз олдига қўйилган мақсад ечимини тадқиқ қилиш мақсадида УЎТМ фан ўқитувчилари, ихтисослиги она тили ва адабиёт бўлган мактаб директорларидан, фан ўқитувчиларидан 200 дан ортиқ респондентлар иштирокида сўровлар ўтказилди. Мазкур сўровномалар август шўъбалари, семинар-ўқувлари, маҳорат дарслари орқали ўтказилди. Сўровнома мазмуни умумтаълим мактаблари учун яратилган дарсликлар, дастурлар ва уларнинг мазмуни, мавзулар кетма-кетлиги ҳақида бўлди.

Тўғри, респондентлар адабиёт дастури ва дарсликлари деярли ҳар йили ўзгараётганлиги, мавзулар сараланишида методист ўқитувчиларнинг таклифлари инобатга олинмаётганлигини, улардаги айрим мавзулар дастурга мос келмаслиги, ўрганиладиган ижодкорларнинг тез-тез бошқаси билан алмаштирилиши каби таълим сифатига жиддий таъсир қиладиган қатор муаммоларни санаб ўтишди ўз таклифларини ҳам ёзишди.

Масалан, Ангрен шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби директори Ш.Мусаева *«Дарслик бутун ўн йил ёки давр билан ҳамқадам бўлиши учун камида саккиз-тўққиз йилга мўлжаллаб чиқарилса, мавзулардаги кетма-кетлик, ижодкорлар фаолияти ва ҳаёти йўлини ўрганишида муаммолар камаяр эди»* деб ҳисоблайди. Бекобод шаҳри 16-умумтаълим мактаби раҳбари О.Маърупова эса *«дарсликни топши муаммосига ота-она, ўқувчи ва ўқитувчи тенг дуч келаётганлиги»*ни таъкидлади.

Шаҳрисабз тумани 42-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Д.Тошева: *«дарсликлардаги назарий материалларнинг берилишида қатъий изчиллик тизими етишмайди»*, - деб, 5-синфда берилган «Рубойи ҳақида»ги маълумот 6-синф дарслик-мажмуасида айнан такрорланганини мисол тариқасида келтиради. Бу ўқувчилар «Адабиёт назарияси» бўйича эгаллаши

---

<sup>50</sup> Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 133-134 бетлар.

керак бўлган билимлар тизимининг кетма-кетлигини бузади, уларда мавжуд багажнинг янги маълумот ва билимлар билан тўлдирилишига тўсиқ бўлади. Олий ўқув юртига кирувчи абитуриентларнинг тест топшириқларига берган жавобларини таҳлил қилганимизда, умумтаълим ёки ўрта махсус касб-хунар таълими адабиёт дарсликларида билимлар изчиллиги таъминланмаганлиги туфайли уларнинг адабий-назарий тушунчаларни дастур талаблари доирасида ўзлаштириш даражаси пастлигига гувоҳ бўлдик. Бу муаммога жиддий ёндашиш билан бирга уни фақат дарслик ва дастурдаги назарий маълумотларгагина боғлаш ҳам тўғри эмас. Сабаби, бадий асар моҳиятига назарий тушунча, изоҳ ва калит сўзларсиз етиш имконсиз.

Манбалар билан ишлаш асносида 2000 йилларда яратилган 7-синф «Адабиёт» дарслиги<sup>51</sup> да асосан мумтоз адабиёт намуналари, шеърини санъат турлари ҳақида назарий маълумотлар берилгани аниқланди. Бу ҳолат сўнгги йилларда нашрдан чиққан дарсликларда ҳам мавжуд<sup>52</sup>.

8-9-синф «Адабиёт» дарсликлари умумдидактик тамойилларга монанд яратилган. 10-11 – синфларда эса, жами 25 соат дарслар таркибига ватанпарварликнинг турли кўринишлари мавзулар таркибига сингдирилган. Янги авлод дарсликларида ҳар бир мавзу янги форматда берилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу ўринда сўнгги йилларда чоп қилинган узлуксиз таълим мактабларининг адабиёт дарсликларига киритилган мавзулардаги ватанпарварлик масаласи жадвалда акс эттирилди ва ажратилган соатлари таҳлили берилди.

**АДАБИЁТ ДАСТУРЛАРИ ВА ДАРСЛИГИДАГИ ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИ АКС ЭТГАН АСАРЛАР ҚУЙИДАГИЧА ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ**

<b>5-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртак-достони	2
Бобур рубойлари	2
Муқимийнинг “Саёҳатнома” асари	3
Абдулла Авлониининг “Ватанни суймак”, “Ватан” асарлари	1
Э. Воҳидовнинг “Нидо” достони	3
Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” қасидаси	3

<sup>51</sup> Ёўлдошев К., Қосимов Б. Адабиёт. 7-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2000.

<sup>52</sup> Қ. Ёўлдошев ва бошқалар., Тошкент., 2017 йил нашри.



Анвар Обиджон ҳаёти ва ижоди. “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал” шеъри “Ватанжон”, “Тинч кунлар”, “Ер” шеърлари	2
Нодар Думбадзенинг ҳаёти ва ижоди. “Ҳелладос” асари	2
<b>Жами</b>	<b>18 соат</b>
<b>6-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси	3
Гулҳаний. Зарбулмасал	2
Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асари “Бобур” парчаси	2
Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси	3
Ибройим Юсуповнинг “Қадрдон сўкмоқлар” шеъри	2
<b>Жами</b>	<b>12 соат</b>
<b>7-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
Ҳамза. “Жонларни жонони ватан”, “дардига дармон истамас”	2
Саида Зуннунова. “Менинг Ватаним!”	1
Ч. Айтматовнинг. “Оқ кема” қиссаси	3
Чўлпон “Бинафша”, “Халқ”, “Бузилган ўлкага”	2
Миртемир “Мен туғилган тупроқ”	1
Э.С.Томпсон “Ёввойи йўрға” ҳикояси	4
<b>Жами</b>	<b>13 соат</b>
<b>8-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
Ғафур Ғулом. “Билиб қўйки, сени Ватан кутади	1
Мақсуд Шайхзода. “Жалолиддин Мангуберди” драмаси	3
Саид Аҳмад. “Уфқ” романидан парча	3
Муҳаммад Юсуф. “Ватаним”, “Меҳр қолур”, “Юртим, адо бўлмас...” шеърлари	3
Озод Шарафиддинов. “Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан” мақоласи	1
<b>Жами</b>	<b>11 соат</b>
<b>9-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
“Алпомиш” достони	5
Ойбек. “Навоий” романи	4
Абдулла Орипов. “Соҳибқирон” драмаси	4
Омон Матжон. “Ватан меҳри”	1
Ҳалима Худойбердиева. “Дориломон кунлар келди...”	1
Шавкат Раҳмон. “Туркийлар”	1
Чингиз Айтматов. “Асрга татиғулик кун” романи	4
<b>Жами</b>	<b>20 соат</b>
<b>10-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
“Рустамхон” достони	5
Бобур. “Бобурнома”	4
Турди. “Тор кўнгилли беклар...”	1
А. Орипов. “Юртим жамоли”	1
<b>Жами</b>	<b>11 соат</b>
<b>11-синф адабиётидаги мавзулар</b>	<b>Ажратилган соат</b>
“Тўр ўғлининг туғилиши”	3
Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”	3
Фитрат. “Абулфайзхон” драмаси	4
Э. Воҳидов. “Рухлар исёни” достони	2
Мустақиллик даври шеърляти. Жамол Камол “Аср билан видолашув”, Ойдин Ҳожиёва “Мустақил Ватани бахт нури чайсин”, Усмон Азим “Графика”, Хуршид Даврон “Мен кўксингга бошимни қўйдим”, Маҳмуд Тоир “Момо ер”, Сирождиддин Саййид “Ватан”, Иқбол Мирзо “Ўзбек” шеърлари	2

<b>Жами</b>	<b>14 соат</b>
-------------	----------------

**1.2.2-расм. Адабиёт дастурлари ва дарслигидаги ватанпарварлик мавзуси акс этган асарлар**

Бу ҳолат таҳлили бизнингча жуда муҳим бўлиб, ўқувчиларга адабиёт дарсларида ватанпарварлик мавзуларини тушунтиришда анча қўл келади.

**Узлуксиз таълим тизидаги 10- синфида ва академик лицейнинг 1 – босқичида ватанпарварлик мавзулари қуйидаги ҳолатда берилган:**

Синф ва босқичлар	Адабий таълим мавзулари	Ажратилган соатлар	Узвийлик ҳолати таҳлили УУТ ва Акад.лицей	Ватанпарварлик руҳидаги асарлар	Изоҳ
10-синф	“Рустамхон”дostonи	5	“Рустамхон”дostonи	5	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
10-с	Бобур. “Бобурнома”	4	“Бобурнома”	4	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
10-с	Турди. “Тор кўнгилли беклар...”	1	Турди. “Тор кўнгилли беклар...”	1	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
	А. Орипов. “Юртим жамоли”	1	А. Орипов. “Юртим жамоли”	1	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган

**1.2.3-расм. Узлуксиз таълим тизидаги 10- синфида ва академик лицейнинг 1 – босқичида ватанпарварлик мавзулари.**

**Узлуксиз таълим тизидаги 11- синфларида ва академик лицейнинг 2 –босқичида ватанпарварлик мавзулари қуйидаги ҳолатда берилган:**

Синф ва босқичлар	Адабий таълим мавзулари	Ажратилган соатлар	Узвийлик ҳолати таҳлили УУТ ва Акад.лицей	Ватанпарварлик руҳидаги асарлар	Изоҳ
11-синф	“Тўр ўғлининг туғилиши”	3	“Тўр ўғлининг туғилиши”	3	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
11-с	Юсуф Хос Ҳожиб. “Кутадғу билиг”	3	Юсуф Хос Ҳожиб. “Кутадғу билиг”	3	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
11-с	Фитрат. “Абулфайзхон” драмаси	4	Фитрат. “Абулфайзхон” драмаси	4	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
2-босқич	Э. Воҳидов. “Рухлар исёни” дostonи	2	Э. Воҳидов. “Рухлар исёни” дostonи	2	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган
2- босқич	Мустақиллик даври шеърляти. Жамол Камол “Аср билан видолашув”, Ойдин Ҳожиева “Мустақил Ватанни бахт нури чайсин”, Усмон Азим “Графика”, Хуршид Даврон “Мен	2	Мустақиллик даври шеърляти. Жамол Камол “Аср билан видолашув”, Ойдин Ҳожиева “Мустақил Ватанни бахт нури чайсин”,	2	Ҳар иккала йўналишда ҳам мавзу киритилган

	кўксингга бошимни кўйдим”, Махмуд Тоир “Момо ер”, Сирожиддин Саййид “Ватан”, Иқбол Мирзо ”Ўзбек” шеърлари		Усмон Азим “Графика”, Хуршид Даврон “Мен кўксингга бошимни кўйдим”, Махмуд Тоир “Момо ер”, Сирожиддин Саййид “Ватан”, Иқбол Мирзо ”Ўзбек” шеърлари		
--	---	--	--	--	--

**1.2.4-расм. Узлуксиз таълим тизидаги 11- синфларида ва академик лицейнинг 2 –босқичида ватанпарварлик мавзулари.**

Мазкур расмни жадвалларда берилган мавзулар ҳар иккала таълим босқичлари яъни мактаб ва лицей йўналишлари доирасида деярли бир хилликка келтирилганлигини кузатиш мумкин. Адабий таълимга доир адабиёт дарсликларни, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътиборни янада кучайтирган ҳолда материалларни синчиклаб танлаш, ўрта махсус таълим тизимида анан мавзулар такрорланиб келиши кузатилади. Бу борада академик лицейларда ўтиладиган мавзулар қайта тўлдирилиши, адиб ёки шоир асарларидан кўпроқ тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. Кўрсатилган 2.2.4.-расм жадвалда мавзулар деярли бир хил берилганлигининг гувоҳи бўлди. Адабий таълим жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўқувчиларнинг қизиқишлари, хусусиятлари, миллий урф-одатлар, ҳудудий тафовутлар, минтақавий хусусиятларни, тил ва адабиёт ўқитувчилари фаолияти, савияси, ишга ижодий ёндашуви каби омилларни назарда тутиш муҳимдир.

Демакки, дарслик ва дастурларга киритилган мавзулар бир хилликка келтирилганлиги, битирувчиларга қўйилган “педагогик финиш” ни назарда тутилганлигидан далолатдир.

Тажрибалар таҳлилининг кўрсатишича, ватанпарварлик мавзусини ўқувчига етказишда асосий шарт ва воситалардан бири, методик ва дидактик жараённи тўғри ва мақсадли ташкил этиш жараёндир. Таълим мазмуни илмий, назарий ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўқув жараёнига

ажратилган вақтга тўлақонли мос ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг ўқувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мувофиқлиги инобатга олинади. Бундай вазиятлар дарсда мураккаблик туғдиради, ўқув фани асосларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари аввалдан башорат қилиниб, аниқлаб олиниши шарт.

Ўқитувчининг шахсий фаолият дастурида ўқувчилар томонидан чуқур ўзлаштирилиши зарур бўлган билимлар, ўқув курсининг асосий таянч тушунчалари, ўқув ахборотларни ўзлаштириш психологияси ҳисобга олинганда ватанпарварлик дарси кутилган натижани беради.

Маҳоратли, малакали, тизимли фаолиятни моделлаштириш ўқитувчилик лаёқатига эга педагоглар томонидан амалга оширилади, давомли технологияларни ярата олади ва ундан оқилона фойдаланадилар. Фикримизнинг далили сифатида бундай ўз касбининг фидойилари муайян шароит ва вазиятга мос (локал) моделлаштиришни амалга ошира олиш лаёқатига эга ўқитувчилардан кескин фарқланадилар. Бинобарин, иккинчи гуруҳ ўқитувчилари фаолиятида яхлит фан (ёки педагогик жараён) эмас, балки дарс (ёки таълим-тарбия жараёни) ўқитиш технологияси етакчи ўрин тутади.

Масалан, адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасининг моделини қуйидагича ишлаб чиқдик ва амалиётга тавсия қилдик.



1.2.5- расм. Адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш модели.

Шу боис мураккаб жиҳатлари кўп, серқирра, шу билан бирга, яхлит жараён бўлган ўқитиш фаолияти модель орқали қуйидагича таснифланади:

а) *мақсад қўйиши, тизимли фаолият, сафарбар этиши, йўналтириши, камол топтириши ва коммуникатив функцияларни ўз ичига олган шахсий педагогик фаолият;*

б) *ташкilotчилик, конструктивлик ва тадқиқотчиликдан иборат методик фаолият.*

Адабий таълимда ўқувчиларнинг ватанпарварлик мавзуларини қандай ўзлаштираётганликларини ўрганиш бўйича мавжуд тажрибани таҳлил қилиш ва умумлаштириш мақсадида узлуksиз таълим тизими ўқитувчиларининг дарслари тизимли кузатилди ва қуйидаги саволларга жавоб изланди:

а) *адабий таълимда ватанпарварлик мавзусининг мақсади билан боғлиқ саволлар – таълимни креатив ташкил этишининг мақсад, вазифалари, танланган ўқув топшириқларининг мавзу мақсади, вазифаларига тўлақонли мувофиқлиги;*

б) адабий таълимда ватанпарварлик мавзусини ўтишда – қизиқарли топшириқларнинг ўқув материали мазмунига хослиги, ўқувчиларнинг реал ўқув имкониятларига мувофиқлиги, у ёки бу ўқув вазифаларнинг ўзлаштириши топшириқлари тизимидаги салмоқли ўрни;

в) ижодий тафаккурни ўстиришга доир саволлар – ижодий ишнинг ўқувчи қобилиятини аниқлашдаги вазифаси ва ўрни, ижодий иқтидорини намоён этиши имкониятларини юзага чиқишидаги аҳамияти ва бошқалар.

Адабий таълимда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик муаммосига оид тажриба-синов ишлари Тошкент шаҳридаги Абдулла Қодирий ижод мактабида, Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳридаги 9-16-умумтаълим мактабларида, Хоразм вилояти Ургенч туманидаги 7- умумий ўрта таълим мактабларида, ҳамдаги Шарқшунослик университети қошидаги ва Тошкент давлат медицина академияси қошидаги лицейларда она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари билан амалга оширилди.

Дарслар таҳлили ва бу борадаги кузатишларда проф. О.Розиқов ишлаб чиққан дарс турларига таянилди<sup>53</sup>. Бунда янги ўқув материални ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарслари; ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш дарслари; билим ва малакаларни умумлаштириш дарслари; билим ва малакаларни назорат қилиш дарслари назарда тутилган.

1.2.6- жадвал. Ватанпарварлик мавзусига оид ташкил этилган, кузатилган дарслар тақсимооти

1.2.6- жадвал

Кузатилган дарслар миқдори	Дарс турлари			
	Янги мавзунини ўргатиш ва мустаҳкамлаш	Ўтилганларни такрорлаш ва малака ҳосил қилиш	Билим ва малакаларни умумлаштириш	Билим ва малакаларни назорат қилиш
200	61	111	12	16

<sup>53</sup> Розиков О. ва бошқалар. Дидактика. –Т.: Фан, 1997. -256 б.

Жадвалдан кўринадики, адабиётга оид дарс турларининг ҳар бирида ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Дастлабки дарс турида ўқувчиларни янги мавзунини ўрганишга тайёрлаш, янги мавзу баёни, назарий қоидаларни, мавзуга оид таҳлиллар моҳиятини англатиш, билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш кабилар бўлса, Таълим жараёнида муаммоларни топиш, саволлар бериш, креатив ёндашув орқали ўқувчилар эътибори жалб этилади, мавзу асослари баён этилади. Дарснинг навбатдаги босқичида ўқувчиларнинг ижодий изланишларига имконият яратишга ҳаракат қилинади. Жумладан, ўқувчилар аввалги ва жорий мавзуга оид маълумотларни қиёсий таҳлил этиш, таҳлил натижаларини чоғиштириш, муайян хулосалар чиқариш, хулосалари дарсликдаги назарий қоидаларга нечоғлиқ мос эканини текшириш каби вазифаларни бажариш устида иш олиб борди. Бу кўринишдаги ўқув топшириқлари ўқувчиларни креатив фикрлашга ўргатади. Мавзунини айти тартибда ўтиб, унинг моҳиятини ўқувчиларнинг ўзлаштириши натижасида, улар билимини турли ижодий ишларни бажартириш орқали мустаҳкамлаш мумкин бўлади. Янги мавзу матнинини эркин баён этиш, ўз хулосаларини назарий қоидалар билан қиёсий таҳлил этиш шу каби ижодий ишлар сирасига киради. Тадқиқот жараёнида ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш мазкур дарс тури бўйича жами 57 та машғулот жараёнида ҳаммаси бўлиб 25 марта ижодий иш ташкил этилганини кўрсатди.

Ўқитувчи касбинини объектив баҳолаган тадқиқотлар натижасида қуйидаги кўрсаткичлар келиб чиқди: 26,8% педагог фаолияти куруқ, ижодкорликдан ҳоли, фақат дарсликка таянилган. 37,1% ва 31,2% ўқитувчилар фаолиятида ахборот, коммуникатив ва ташкилий-конструктив сифатлар етарли эмас. Кўп ўқитувчилар (26,8%) ўз устида ишламайди, 50,3% ўқитувчи, ўзига қийинчилик туғдирмаслик учун, замонавий таълим усулларидан фойдаланмайди, 15,44% педагог индивидуал, самарали, ижодий; 7,46% ўқитувчи эса илғор тажриба ва фан ютуқлари асосида юқори самарали

фаолият олиб боради<sup>54</sup>. Натижалар яқин ўтмишга тегишли бўлса-да, ўтган муддат мобайнида педагогик фаолият қаттиқ ўзгаришга учрамагани, у қадар такомиллашмагани боис биз улардан фойдаландик.

— шу тарзда дастур ва дарсликлардаги айрим камчиликларни ижодкор педагоглар тўлдириб кетиб, дарс самарадорлигини таъминлашади;

— амалдаги ўқув дастури ва унинг асосидаги дарсликларнинг ҳозирги ҳолати манбалар такомиллаштиришга муҳтож эканлиги ойдинлашди.

---

<sup>54</sup> Йўлдошев Ж.Ғ. Региональные особенности повышения квалификации педагогических кадров УзССР: Дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 1990. 167-стр.



### **1.3. Адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасини яратиш усуллари**

Ватандошларимизнинг салмоқли қисмида бир бошқарув тизимидан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликлар, вақтинчалик иқтисодий танглик каби объектив ва субъектив сабаблар туфайли меҳр-шафқат, одамийлик, раҳмдиллик, ўзаро ёрдам, оқибат бирмунча сусайди. Аксинча, кучайиб бораётган шахсиятпарастлик, фақат ўз манфаатини ўйлаш, моддий фаровонликни устун қўйиш кабиларни йўқотиш мақсадида ёшларни буюк мутафаккир аждодлар асарларидаги ҳаётбахш ғоялар руҳида тарбиялаш, улар қалбига инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини сингдириш зарур.

Аслини олганда, бундай муаммолар мудом мавжуд бўлган, фақат уларни ечиш йўллари ўзгариб турган. *«Мақсадга етишишда муайян тўсиқни енгиб ўтиш учун қўлланиладиган тадбирлар-чоралар мажмуи метод дейилади»*,<sup>55</sup> бу ҳолатни баъзида *«усуллар тизими яъни методика»* ҳам деб атаймиз.

Педагог болаларни салбий иллатлардан асраб, ижобийларга ундаш мақсадида уларни ижодкорликка ундовчи материал ва келажакка йўналтирувчи стимул бериш усулидан фойдаланиши керак. Болаларга эркинлик бериш шахсни шакллантиришда самарали восита ҳисобланади. Мактаб ўқитувчисининг асосий вазифаси керакли материални бериш баробарида, вазифани бажаришга киришишга ўргатиш, йўналтиришдан иборат. Бундай усулларни адабиёт дарсларида қўллаш ижодкорлик орқали ўқувчига дарсликлардаги матнларни ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

Мактаб ва ҳаёт таълим-тарбиянинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаб берар экан, адабиёт дарсларини бугунги талаблар асосида ташкиллаштиришнинг ижтимоий-педагогик, психологик-дидактик шартлари бор. Ижтимоий-педагогик шартларга кўра ўқитувчи *ижодий фаолият* юритадиган, *касбий*

---

<sup>55</sup> Йўлдошев Ж.Ф. Замонавий дарс. Тошкент: ХТХҚТМОМИ, 2006. -Б. 18- б.

*маҳоратга эга, методик билими етарли, изланувчи, ўқувчи билан дўстона муносабат ўрната оладиган бўлиши, муассасада эса замонавий талабларга мувофиқ янги авлод дарсликлари, кўргазмали қуроллар, техник воситалар, меъёрий(норматив) талабларга жавоб берадиган ўқув-синф хонаси, соғлом психологик муҳит, қулай шароит, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги самимий муносабатнинг мавжудлиги, ўзаро ҳурматга, ҳамкорликка йўналтирилган хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлиши лозим. Юқоридаги талабларнинг барчаси уйғунлашган ҳолда гўзал таълимий самарани вужудга келтиради. Ёшлар онги ва руҳида ватанпарварлик туйғусини кучайтиришдек ўта нозик, меъёрни унутиш мумкин бўлмаган масъулиятли жараён ижобий кечишини таъминлайди.*

Адабиёт ўқитувчиси бу жараёнга ёшларда адабий-эстетик тафаккурни ўстириш орқали кириб бориши мақсадга мувофиқ. Масалан, педагог сўзни Аҳмад Яссавийдан бошлаши мумкин. У ижодкорнинг туғилган йили маълум эмаслиги, 1167 йилда вафот этгани, тасаввуф шеърятининг улуғ намояндаси экани, ҳикматларида тўрт унсур - тупроқ, сув, ҳаво ҳамда олов рамзлари орқали илоҳий маърифатни талқин этгани ҳақида гапира туриб, Яссавий учун тупроқ асл Ватан, она-юрт тимсоли бўлганини ўқувчиларга англатиш мумкин бўлади:

*Бошим туфроғ, ўзим туфроғ, жисмим туфроғ,*

*Ҳақ васлига етармен деб руҳим муштоқ!*

Бу ерда ҳазрат «аслим тупроқдан яралганман, унинг устида юраман, тупроқ қадар қийматли ва камтарман. Кун келиб яралган Ватанимга — тупроғимга қайтаман» демокда. Шунингдек, адабиёт ўқитувчиси тилшунос, адабиётшунос, шарқшунос олим, асарларида ватанпарварлик, одамийлик, ҳамда элпарварлик ғояларини ифодалаган, тарбиянинг асосий мақсади болани ватанга, халққа садоқатли қилиб камол топтиришдир, деб ҳисоблаган Садриддин Айний ижоди ва ҳаёт йўлига тўхталиши мумкин. Айнийнинг ватанпарварлик она юртни севиш, ватанни ғанимлардан ҳимоя қилиш, унинг

равнақи йўлида жон фидо этмоқдир, деган фикрига ўқувчилар эътиборини тортиш, «Ўқишга ғайрат қил, одам бўл. Кейин кучинг етгунча ўз Ватанингда хизмат қиласан...» каби мисралари моҳиятига олиб кириш таълимий мақсад сари қўйилган йирик одим бўлади.

Тадқиқот давомида 1990 йилларнинг дастлабки 10 йиллигига мансуб ижодкорлар — жадидлар ҳаёт йўли ва қилган ишлари ёшлар қалбига Ватан муҳаббатини жойлашнинг энг мос, энг самарадор усули эканлиги аёнлашди. Шу боис адабиёт ўқитувчиси жадид адабиёти тарихини пухта билиши, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза сингари адиблар ижоди ва фаолиятининг баравар ўзлаштирилишига эришиши лозим.

Адабий таълим мобайнида ўқувчиларга Ватан ҳар бир одам учун муқаддас эканлиги, ҳар биримиз Ватанда яшаш билан ўз ҳаётимиз маъносини англаб олишимиз, дунёни ҳис қилиб, тушунишимиз, шу залда дунёқарашга эга бўлишимизни сингдириши, Ватан ривожининг шартлари билан таништириши, уларда ўша шартларни бажараш эҳтиёжини уйғотиши лозим.

Аслини олганда, илмда ватан ва ватанпарварликнинг сўнги, қатъий, барча учун умумий таърифи мавжуд эмас. Ҳар ким уни ўзи тушунгани каби таърифлайди. Бу адабиёт ўқитувчисига фикр эркинлигини бериш билан бирга зиммасига бутун синф ўқувчилари дунёқарашига мос келадиган умумий тушунча бериш масъулиятини ҳам юклайди.

Адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасини яратишда ўқувчи ёки билим олувчиларни қуйидаги самарали усуллар орқали фаоллаштириш кўзда тутилиши мумкин:

- Ватанпарварликнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш: бунда инсоний ватанпарварлик турларга ажратилади; табиатга нисбатан, ўзи туғилиб ўсган тупроққа, қавм-қариндошларга нисбатан муносабат кўринишида; Ватанни қўмсаш, Ватаннинг тинчлигини сақлаш, турли нотўғри

бузғунчи ғояларга муносабат, миллий қадриятлар ва бошқаларга муносабат; Ватанни ҳимоя қилишга муносабат кабилар;

- Ватанпарварликнинг бошқа миллат вакиллари характер хусусиятлари билан алоқадорлигини ва фарқли жиҳатларини қиёслаш: ўзга миллат қаҳрамонлари характери ва ўз характер-хусусиятларимиздаги ватанпарварликнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш, уларни бадий асар қаҳрамонлари талқини мисолида кўриб чиқиш;

- Ватанпарварликнинг синфлар кесимида берилишидаги кетма-кетлик тизимини ўрганиш: 5-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиб табиат гўзаллигига ошно қилиш орқали ватанпарварлик туйғусини шакллантириш;

- 6-синфда қаҳрамонлик эртак ва афсоналари орқали ватанпарварлик ғояларини сингдириш, 7-синфда она тупроққа садоқат, миллий қаҳрамонларимиз жасорати орқали ватанпарварликни тарғиб қилиш;

- 8-9-синфларда мусофирчиликда Ватанга муҳаббат ғоялари сингдирилган асарларни таҳлил қилиш орқали ўқувчиларни ватанпарварлик ғоясининг туб моҳияти билан чуқур таништириш;

- 10-11-синфларда ватанпарварликнинг фалсафаси бурч, садоқат, маънавий етуклик ғоялари сингдирилган бадий адабиёт намуналари орқали англанишига эътибор қаратиш;

- академик лицей ва касб-ҳунар таълими ёшларига турли хил воқеа-ҳодисалар инъикоси, бадий асарларда илгари сурилган ватанпарварликнинг ўчмас, ибратли жиҳатларини ўз ҳиссиётларидан ўтказишга йўналтириш, бунда таълимий машқлардан фойдаланиш масаласи, ёмон аҳволга тушиб қолган, ватандан узоқда, оғир шароитда қолган шахслар тақдирининг қиёсий таҳлилига эътибор қаратиш ҳамда шу мазмундаги асарларни саралаб олиб ўқитишни назарда тутиш лозим.

Мазкур талабларни бажариш Ўзбекистоннинг ҳар бир ватанпарвар фуқаросининг маънавий бурчи эканлиги адабий таълимнинг ҳар бир

босқичида уқтирилиши ҳамда ватанпарварлик «Миллий давлат – Ўзбекистоннинг бир бутунлигини тушуниш ва истиш, қўллаб-қувватлаш; ягона фуқаролик масъулиятини тушуниш; Ўзбекистоннинг тарихи, ҳозирги ва келажакка муносабат билдира олиш; ватанпарварликка дахлдор ишларда, тадбирларда онгли қатнашиш; Ўзбекистон учун жонкуярлик; ватан манфаатига йўналтирилган уйғун шахсий мақсадларга эғалик; Ўзбекистоннинг келажакка, унинг буюклигига эътиқод; шаккоклик, Она-Ватан, Ўзбекистонни, ватандошларнинг камситилишига, ватанни севмасликка салбий муносабатини намоён қила олиш»<sup>56</sup> дан иборатлиги англантилиши зарур.

Адабиёт илмида шундай маънавий эҳтиёжларга жавобан турли асарлар яратилмоқда, ўқитувчилар ўз фаолиятларида уларга мурожаат қилишмоқда. Бу таълимнинг назарий асоси пухта бўлишини таъминлайди. Масалан, А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраевларнинг «**Ватан туйғуси**»<sup>57</sup> асарини олсак. Унда мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши, бугуни ва келажакка хос миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар ифодаланган. Шу билан бирга, китобда ўзбек халқининг келиб чиқиши, буюк аждодларимизнинг умуминсоний тараққиётга қўшган улуғ ҳиссалари, янги ўзбек давлати тарихида маънавиятнинг ўрни, давлатчилигимизнинг қадимийлиги ва узвийлиги, ўз эрки, ўз эътиқоди учун мардона курашиб қурбон бўлган минглаб шижоатли инсонларнинг тақдири бой фактик материаллар, тарихий хужжатлар жонли лавҳалар ҳамда асл манбалар асосида ёритилган.

Муаллифлар М.Қурононов, А.Акмалов, А.Реджабоевларнинг «**Миллий фазилатларимиз, Ватанни қандай севиш керак?**»<sup>58</sup> рисоласи ёшларда ўз Ватанига фидоий бўлиш, миллий истиқлол мафкураси, Ватан туйғусини шакллантиришга йўналтирилган. Ундан УЎТМ адабиёт ўқитувчиси шоирлар,

<sup>56</sup> Қурононов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. –Т.: Фан, 1995.237 –б.

<sup>57</sup> Иброҳимов А., Х. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси.-Тошкент:Маънавият, 2009.-202 б.

<sup>58</sup> М.Қурононов, А.Акмалов, А.Реджабоевларнинг «Миллий фазилатларимиз, Ватанни қандай севиш керак?»–Т.: 2002 йил.

ёзувчилар асарларидаги ватанпарварлик ғоялари, олимларимиз илмий мерослари асосида «Ватанни қандай севиш керак?», «Ватан нима?», ватанпарварлик тарбиясининг мазмуни ва мақсад, вазифалари, ватанпарварлик тарбиясини таълим босқичларида режалаштириш жараёнида фойдаланиши мумкин.

Адабиёт ўқитишнинг *психологик-дидактик* шартларига биноан ўқувчи билими даражаланган, ҳамкорлик асосида таълимий машқлар бажара оладиган, янги билимлар олишга эҳтиёж сезадиган, ўқитувчи дидактик тамойилларга риоя қиладиган, дарсда метод ва шакллардан мақсадли фойдаланиш малакасини эгаллаган бўлиши лозим.

Бунда театрлаштирилган асарлардан фойдаланишни ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳар ҳолда академик лицей ва касб-хунар коллежлари тизимида ёшлар маълум ихтисосликларни танлай бошлаган бўлади. Ўзининг келгусидаги ҳаёт тарзини нимадан, қаерда ва қандай бошласа, дуруст бўлишини ҳал эта бошлаган бўлади. Бошқа жойларга бориб ўқиш, касб танлаш кайфиятлари пайдо бўлади. Дунёга келган масканидан, дўстларидан, жонажон мактабидан узоқларга кетиш заруриятини ҳис қилади. Танлаган касби билан боғлиқ тақдирини ҳам ўйлайди, ўз имкониятларини, оилавий шароитини, имкониятларини, ҳамма-ҳаммасини ҳисоб-китоб қилади. Бу масалага ватанпарварлик нуқтаи назаридан қаралганда, ёшларда ўзгариш ҳолатлари юз берадиган давр бошланиши кузатилади. Шундай экан, улар ҳолатига мос адабий материал танлаш, улардаги мазмун-моҳиятни бошқача методларда, эҳтимол, муаммоли ўқитиш методида улар руҳиятига сингдириш, шакллантиришнинг ўзига хос йўллари, усулларини кўриб чиқиш зарур бўлар. Қандай адабий материални танлаш ҳам маҳорат белгиси саналади. Масалан, А.Ориповнинг “Соҳибқирон” драмаси орқали Амир Темурнинг ватанни севиш, уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан асраш, мудофаа қилиш тамойилларини ўқувчиларга образлар талқини орқали амалда ўзидан ўтказишни ҳис қилдириш.

Ўқувчиларга ўз келажагини тасаввур қилдириш орқали ватанпарварликни шакллантиришнинг педагогик йўлларини ишлаб чиқиш, ёшларни ўз келажагига ишонтириш механизмини жорий қилиш. Ўқувчи ўтмиш аждодлар амалга оширган ишлар билангина фахрланиб қолмасдан, ўз келажагини тасаввур қилади, у глобал таълим жараёнига кирар экан, исталган, шартли, эҳтимолли келажак учун сафарга ҳозирлик кўради, тасаввурлари кенгаяди. Ёшларда ўз-ўзига ишонч шу тарзда таркиб топади.

Адабий таълимда ўқувчини бирор бир мақсад сари олиб боришга ҳаракат қилинар экан, тарбияланувчининг ички дунёсига сафар қилиш, чуқурроқ кириб бориш, индивидуал қизиқиш мотивларини ўрганиш керак бўлади. Стимул (кўзгатувчи, рағбатлантирувчи) ижтимоий таъсир бўлса, мотив фаолиятнинг стимул туфайли пайдо бўлган шахсий эҳтиёж, истакдир.

Дарснинг асосий «ижрочилари» ўқувчи ва ўқитувчи бўлар экан, ўқувчи мотивациясига монанд унга стимул бериб турувчи ўқитувчидир. Ёшлар онгига ватанпарварлик ғояларини сингдиришга бугунги замон ўқитувчисига етарли маҳорат борми? Унинг касбий етуклигидаги қайси қусурлар ана шу омилларни рўёбга чиқаришга халақит бермоқда? Агар мактабда бир нарсани эшитиб, амалда бошқа нарсаларнинг гувоҳи бўлган тарбияланувчида ҳаётий ҳақиқатга ишончсизлик пайдо бўлса, нима бўлади?

Ўқувчилардаги турли ғоя ва қарашларга нисбатан ўз муносабатларини шакллантириб бориш бир хил метод орқали амалга оширилаверса, қизиқиш ўз-ўзидан сўнади. Айниқса, адабиёт таълими жараёнида дарснинг бир хиллиги масаласи ҳақида: «Доим бир хил нарсага қарайвериш малоллик ва сабрсизликка олиб келади. Таълим ҳар хил усулларда уюштирилганда ўқувчи турли гуллар очилган боғда юрганга ўхшайди, бирини кўриб улгурмай, бошқаси бошланади ва бола: «Ҳар бир янги нарсада лаззат бор»

дейилганидек, уларга қизиқади, кўришни истайди»<sup>59</sup>. Бир хил ҳаракатлар инсонларни чарчатади, фаолиятини ўзгартиришга олиб боради.

Тайёр ҳолда берилган билим жуда тез унутилади. Анъанавий таълимнинг камчиликларидан бири шунда экани ҳам сир эмас. Ўқитувчи сайқал топиш лозим бўлган, ўз ечимини кутаётган, ўрганилиши, ўзлаштирилиши муҳим, деб топилган муаммоларни ўз ўқувчисига етказишни мақсад қилиб қўйган экан, ўқувчи хоҳишининг қотиб қолишига сабаб бўлиб қолмайдиган ҳолатда, яъни болалар ўқитувчисига айланган ҳолда дарсни ташкил этмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Зотан, «таълим-тарбия жараёнидаги енгиллик овқатни чайнай олмайдиган гўдакка суюқ ҳолда беришга ўхшайди. Ҳолбуки, боланинг тўғри ўсиши учун уни овқатлантириб қўйишдан кўра, ўзини ейишга ўргатиш муҳимроқ. Таълим тизимида ҳам болага у ёки бу билимларни маълум қилгандан кўра уни мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритиб, меҳнат қилиб ўзлаштиришга ўргатиш аҳамиятлироқдир»<sup>60</sup>.

Замонавий ўқитувчи таълим-тарбия жараёнининг бошқарувчиси, режиссёри. У дарсни маҳорат билан ўтиш методикасини олдиндан тайёрлаши, ҳар бир босқичда турли мақсадли метод ва усуллардан фойдаланиши керак бўлади, сценарист каби дарс сценарийсини тузиши зарур.

Ҳикоя, суҳбат, маъруза, муаммоли таълим, муаммоли вазият яратиш, ишчанлик машқлари, таълимий машқлар, баҳс-мунозара, кичик тадқиқотлар, индуктив, дедуктив муҳокамалар, манба билан мустақил ишлаш, дастурлаштирилган таълим, жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳда ишлаш, SWOT таҳлил, аниқ вазиятлар, метапланкарта билан ишлаш, тақдимот, якка тартибда, жуфтликда ишлаш, картотека яратиш, расмлар билан ишлаш каби юзга яқин йўллар, усуллар бугунги таълим тизимида ўзига хос тарзда қўлланилиб келинмоқда. Улар дарс технологияларини ривожлантирувчи шакл сифатида ишлатилмоқда ҳамда мавзунинг мазмун-моҳиятини очишда ўқитувчига қўл

<sup>59</sup> Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1992, 77-бет.

<sup>60</sup> Ҳусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: 2003, 27-бет



келмоқда. Шу ўринда айти фикирларимиз тасдиғи сифатида малака ошириш курсларига тавсия қилинган педагогнинг маҳоратини ривожлантирувчи, уни ижодкорликка чорловчи дарснинг технологик харитасини ишлаб чиқишда методик ёрдам сифатида ушбу мавзуни кўриб чиқишни жоиз деб топдик. Бу технологик харита методик йўналишда бўлиб, уни ҳар бир фан ўқитувчиси ўз предметига мослаштириши мумкин (1.3.7-жадвал).

### Амалий машғулотнинг бориши:

**1-босқич.** Иштирокчиларнинг истак, хоҳиш ва мотивацияларини билиш мақсадида ҳамда ўтилган мавзуларни рефлексия қилиш учун қуйидаги «Тушунчалар таҳлили» методидан фойдаланилади: (иштирокчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган машқни ўтказиш қоғозлари тарқатилади)

1.3.7-жадвал.

Тушунчалар	Мазмуни
Таълим	
Тарбия	
Таълим мазмуни	
Ўқитиш услублари	
Ўқитиш воситалари	
Педагогик технология	
Педагогик квалиметрия	
Педагогик деонтология	

Изоҳ: 9 дан 10 гача «аъло», 8 да

9 гача «яхши», 7 дан 6 гача «қониқарли»

Ўқитувчи жавоблар слайдларини тавсия қилади.

Иштирокчилар олдиндан тайёрлаб қўйилган анкета жавобларини индивидуал тарзда текширадилар ва ўз-ўзини баҳолайди.

**2-босқич:** Амалга оширилган метод орқали тингловчиларнинг имкониятлари ва билимлари таҳлил қилинади. Фикрлар умумлаштирилади, камчиликлар ва ютуқлар кўрсатиб ўтилади. Ўқув цикли орқали жараён кетма-кетликда кўриб чиқилади.

**3-босқич:** Мавзу эълон қилиниб, иштирокчилар 3 та гуруҳга санаш орқали гуруҳланади. Ўқитувчи томонидан тайёрлаб қўйилган флипчарт қоғозларига қуйидаги топшириқлар ёзиб қўйилган бўлади.

1-гуруҳ : Педагог фаолиятини ривожлантирувчи омилларни ёзинг.

2-гуруҳ: Педагог маҳоратини такомиллаштирувчи омилларни ёзинг.

3-гуруҳ: Педагог маданиятини ва ижодкорлигини кўрсатувчи жиҳатларни ёзинг.

Мазкур топшириқларни ишлаб чиқиш учун регламент (гуруҳ иши учун 7 дақиқа, тақдимот қилиш учун 3 дақиқа) ажратилади.

Гуруҳлар тақдимотлари муҳокама қилинади ва қуйидаги фикрлар билан ривожлантирилади.

**(Тарқатма материал иштирокчиларга тавсия қилинади.)**

Мазкур амалий ва назарий тавсиялар педагогга сезиларли ёрдам бергани билан уни тўлақонли ривожлантирмайди. Педагог ёки ўқитувчи фаолияти қуйидагилар орқали ривожланади:

**1. Ўқитувчи маҳорати** ташқи қиёфа маданияти, муносабат маданияти, нутқ маданияти, ўз-ўзини бошқариш маданияти, педагогик техника, касбий билимлар, педагогик қобилият, инсонпарварлик ва ҳ.к.дан иборат.

1.1. **Ўқитувчи фаолияти** рефлексия, фан, тажриба, санъат, акмеология, креативдан ташкил топади.

1.2. Педагог шахси, юксак ахлоқлилик, педагогик тажриба, устоз-шоғирд анъаналари, ўз устида ишлаш, педагогик маданият, ўз ишини тўғри тақсимлаш ва бошқа омиллар **ўқитувчи фаолиятини** оширади.

1.3. **Ташқи қиёфа маданияти** эса ўқитувчининг мимика ва пантомимикалардан ўринли фойдаланишини назарда туттади.

1.4. **Муносабат маданияти** инсонлар билан доимий тизимли ҳолда ижобий, ўртача суст ижобий, барқарор бўлмаган, вазиятли ҳамда барқарор бўлмаган салбий муносабатларни тақозо қилади.

1.5. **Нутқ маданияти** сўз бойлиги, нутқ техникаси, овоз гигиенаси кабилардан таркиб топади.

1.6. **Ўз-ўзини бошқариш маданияти** ташқи қиёфа, нутқий жараён, пауза, ҳаракатлар, белгили ҳаракатлар ҳамда аралаш ҳаракатлардан иборатдир.

1.7. **Педагогик техника** ўз-ўзини бошқара олиш, шахс ва жамоага таъсир этиш, ўқув жараёнларида турли касбий техникалардан тўғри фойдаланиш.

1.8. **Касбий билимлар** методологик, назарий методик, дидактик, технологик, прогностик ҳамда амалий маълумотлар киради.

1.9. **Педагогик қобилият** коммуникатив, креатив, ташкилотчилик, конструктив, рефлексив салоҳиятдан иборат.

1.10. **Инсонпарварлик** инсонларнинг ҳис-туйғуларини, қувонч-ташвишларини ҳис қила олиш, муносабат билдириш дегани.

## **2. Ўқитувчи фаолияти.**

**2.1. Рефлексия** ортга қайтиш, қайта акс эттириш бўлиб, ўқитувчи фаолиятида муҳим ўрин тутади. Бунда ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилади, кузатади, такрорлайди ҳамда мустаҳкамлайди.

**2.2. Фан** ўқитувчининг фаолиятига дунё ҳақидаги билимлар тизими билан ижтимоий онг орқали таъсир этиш шакли бўлиб, соҳага оид турли билимларни эгаллаш манбаидир.

**2.3. Тажриба** педагогик воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий эмпирик билиш жараёнидир. У кузатиш, абстракт хулосалаш, тажриба воситасида ўқиш цикли, фаол тажриба олиб боришга тайёрланиш, аниқ тажриба ўтказиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бу тушунчани фанга Д. Колб татбиқ этган.

**2.4. Санъат** ўқитувчи фаолиятидаги ўзига хос жиҳат бўлиб, унинг профессионаллиги энг юқори даражага кўтарилиши билан баҳоланади. Инсон ўз устида тинимсиз ижодий ишлагандагина ўз мутахассислигини санъат даражасига кўтаради.

**2.5. Акмеология** инсоннинг шахсий тараққиёт динамикасидаги такомилли, ҳаётнинг турли даврларида салоҳиятини тўлақонли намоён этишни комплекс равишда ўрганади.

**2.6. Креативлик** ижодкорлик, бирор янги, бетакрор нарса ярата олиш лаёқати бўлиб, бадиий шакл яратиш, фикрлаш, ғоя ва ечимга олиб келадиган жараёндир.

**3. Педагог шахси** — ўқитувчининг педагогик фаолияти ўлчови, квалиметрия — аттестация, аккредитация, турли тестлар ва бошқалар ёрдамида баҳоланади.

**3.1. Юксак ахлоқийлик тушунчаси** фанда педагогик деонтология дейилади. Бунда касбий ахлоқ-одобни ўрганилиб, ўқитувчининг ўз-ўзини ривожлантиришига хизмат қилади.

**3.2. Педагогик тажриба** ўқитувчидан доимий равишда назария билан амалиётни узвий боғлашни, ўз устида муттасил ишлаш, педагогик маданият, вақтни тўғри тақсимлай олишни тақозо этади.

**3.3. Ўқитувчи фаолияти** акмеология фани орқали ривожланади, ўз фани доирасида ўтаётган дарсларни лойиҳалаш ва дастурлаш, модуллаштириш воситасида юзага чиқаради. У фаолиятни конструктивлаш, коммуникациялаш, рефлексиялаш, ташкилотчилик ҳамда натижасини башорат қила олишни ўз ичига олади.

**3.4. Таълимда инновация.** Ахборотларни, янгиликларни тўплаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш, ўқув жараёнига, касбий фаолиятига олиб кириш. Инновация таълим тизимида, педагогик фанлар таркибига, таълим ва тарбия жараёнига, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятига тегишлидир.

Таъкидлаб кўрсатилган омилларнинг барчаси УЎТМда таълимни ташкил қилишдан энг зарур бўлган жиҳатларни қамраб олган. Ўқитувчилар дарсга киришдан олдин шуларнинг барчаси билан яхши таниш бўлиши, хусусан, адабиёт ўқитувчиси, ихтисослиги талабига кўра, уларни сингдириб олиши зарур. Бу нарсани мактаб раҳбарияти ва педагогик жамоа ҳамкорлигида амалга оширилгани маъқул, назаримизда.

Адабий таълимда ёшлар қалбида ватанпарварлик тарбиясининг ҳозирги ҳолати билан танишиш асносида УЎТМлар фаолиятида жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар қуйидагиларда кузатилади. **Биринчидан**, мактабларнинг техник базаси қайта кўриб чиқилган, айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг аҳволи алоҳида ўрганилган. **Иккинчидан**, педагог ва ўқитувчиларнинг ўзига замонавий билим бериш орқали, уларнинг касбий компетенциясини, доимий ва тизимли малакасини ошириш каби долзарб масалалари давлат миқёсида кўриб чиқилган. **Учинчидан**, 11 йиллик таълим тизими таркибан 3 қисмга бўлинган: бошланғич таълим 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим 9 йил, умумтаълим 11 йиллик, ўрта махсус касб-ҳунар таълими 2 йиллик этиб белгиланган. УЎТМ ўқитувчиларининг деярли барчаси ўқитиш мазмуни, ўқитиш турлари, ўқитиш методлари (пассив, фаол, интерфаол,) дарс шакллари (стандарт, анъанавий, ноанъанавий, виртуал), дарс воситалари (флипчарт қоғози, доскаси, магнит доскалар, электрон доскалар, интерактив доскалар ва бошқалар); ўқитишнинг муаммоли ўқитиш, эвристик ўқитиш, интерактив, интеграциялашган ўқитиш, даражали ёки табақалаштирилган ўқитиш, технологик таълим, информал таълим, расмий ҳамда норасмий таълим каби турларидан бохабар бўлишди, ўзлари ҳам амалиётда қўллаш бошлашди.

Тадқиқот мобайнида биз сценарий асосида ташкил этилган дарслар ўқувчиларни ватанпарварликка анъанавий тарғиб қилишдан кўра кўпроқ самара беришига амин бўлдик. Бунда, аввало, дарсга мос акустика, шарт-шароит, дизайн, хона гуллари танланди, сўнг зарур адабиётлар, декорация ва

мавзуга оди материаллар тарқатилди. Ўқитувчи дарс мобайнида компьютер ва проектордан самарали фойдаланди, у турадиган жойи, ўқувчилар диққатини жалб қилиш усуллари олдиндан белгилаб олгани сезиларди. Миркарим Осимнинг «Широқ» асарига мос тушадиган суратлар хаттахтага магнитлар билан ёпиштириб чиқилди, асардаги бош образлар маркерлар билан ёзилди. Ўқитувчи бу ташкилий ишларни тугаллагач, ўқувчиларга «Широқ» ҳақида тушунарли, содда, равон сўзлай бошлади. Асарнинг қисқача мазмуни баёнидан кейин ўқитувчи жойини ўзгартириб, бошқача интонацияда ўқувчиларга савол бера бошлади. Ўқувчилар сони кўп бўлгани учун улар аввалдан гуруҳларга бўлинган экан. Ўқитувчи ҳар бир саволни беришга 1 дақиқадан, ўқувчилар гуруҳи эса жавоб беришга 2 дақиқадан сарфлашди. Гуруҳлар сардори ўз гуруҳи аъзоларининг мулоҳазаларидан қониқмагани учун 3 дақиқа давомида уни тўлдирди (*Мазкур машғулот Ангрен шаҳри 4-умумий ўрта таълим мактаби директори Ш. Мусаева томонидан 5-синф ўқувчиларига ўтилган*).

Бу каби ноанъанавий таълим усуллари ўқитувчиларнинг ўзига ҳам УЎТМларда ташкил этилган ўз-ўзининг малакасини ошириш курсларида ўтилиши зарур. Бу жараёнда педагоглар жамоаси ҳам гуруҳларга бўлинади. Илк босқичда ҳар бир гуруҳга касбий фаолияти юзасидан «Идрок харитаси»ни тузиш топшириғи берилади ва олдиндан тайёрлаб қўйилган флипчарт қоғозлари, маркерлар ва керакли ресурслар тарқатилади. «Идрок харитаси»ни ишлаш учун қуйидаги мавзулар гуруҳларга тавсия этилади:

**1 –гуруҳ учун топшириқ.** Педагог фаолияти, маҳорати ва маданияти (ижодкорлик, новаторлик тушунчалари таҳлили, услублари) мавзуси асосида идрок харитасини ишлаб чиқинг.

**2–гуруҳ учун топшириқ.** Таълимда инновацион технология мавзусида идрок харитасини ишлаб чиқинг.

**3 –гуруҳ учун топшириқ.** Замонавий дарслар методикасига қўйилган талаблар мавзусида идрок харитасини ишлаб чиқинг.

**4– гуруҳ учун топшириқ:** Дарс таҳлили, унинг турлари ва вазифалари мавзусида идрок харитасини ишлаб чиқинг.

**2– босқич. Венн диаграммаси**



**1.3.2-расм.Интерфаол машғулот.**

Юқорида берилган «Венн диаграммаси» гуруҳ иштирокчиларига тарқатилади. Педагоглар 3 та гуруҳга бўлиниб, «Венн диаграммаси» орқали анъанавий дарс ва интерфаол дарсларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини ишлаб чиқадилар. Гуруҳларда ишлаш учун 7 дақиқа, тақдирот учун 3 дақиқа, умумлаштириш учун 3 дақиқа вақт ажратилади.

**3-босқич.** «Тушунчалар таҳлили» методи орқали иштирокчилар баҳоланади.

**4–босқич.** Ўқитувчиларга мавзу устида ишлаш мақсадида тарқатма материаллар тавсия қилинади. Сўнг ўтилган машғулот савол-жавоблар ёрдамида умумлаштирилиб, қўшимча вазифа топширилади.

Шу тариқа ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини мунтазам замонавий талабларга мослаштириш зарур. Зеро, пухта билим, яхши тайёргарликсиз педагог ҳеч бир ўқувчи диққатини ўзига қарата олмайди, кўнглига йўл топиши мушкул, унинг ҳурматини қозона олмайди. Буларнинг барчаси таълим жараёнида ёшларни кўзланган руҳда тарбиялаш методикаси ҳисобланади. Айнан адабий таълим жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасини яратиш ижтимоий-сиёсий аҳвол ва унинг маънавий ҳаётга таъсирини ўрганиш асосида амалга оширилади.

Бугунги глобаллашув шароити таълим мазмунига янгича талабларни қўйиш заруратини пайдо қилди. Социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики,

бугунги кунда аксар ўқувчилар (юқори синф ўқувчиларининг тахминан 70-75%и) ўқишга қизиқмай қўйишди. Бизнингча, бунинг бош сабаби дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида мулоқотнинг умуман йўқлигидадир. Шунингдек, олий таълимни истисно этганда, таълимнинг ўзга босқичларида ҳамкорлик педагогикаси ва педагог руҳшунослар хизмати тўғри ташкил этилмаган. Ҳолбуки, ўқитувчи ўз салоҳиятини тўғри баҳолай олиши, кучли ва заиф жиҳатларини ташхис эта билиши зарур. Айрим ўқитувчилар камчиликлари, айниқса, соҳаси бўйича етарли билимга эга эмаслигини билдирмаслик учун ўқувчига ортиқча талаб қўядилар. Аммо ўқувчилар бу ҳолат илдизини дарҳол англайди. Шунинг учун ўқитувчига бемалол муносабатда бўлади. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам бундай ўзаро руҳий кайфиятни сезавермайди. Педагог ўқувчиларнинг кайфияти, уларнинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, фанга бўлган қизиқишлари, ўзига муносабати, ҳозиржавоблиги, сезгир ва топқирлиги, идроки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлашлари, образли ва мантикий тафаккури, фантазиясидан тўлиқ хабардор бўлиши шарт. Буларсиз у мақсадга ета олмайди. Ўқувчиларнинг билим эгаллаши, шу билим орқали тарбияланишлари имконини бой беради. Шунча кўп, масъулиятли, мураккаб вазифани бажариш учун ўқитувчидан ирода, қобилият, билим, кўникма ва малакалари кўлами, дарс жараёнида юзага келиши мумкин бўлган вазиятлардан ўқитувчи шаънига муносиб ҳолда чиқа олиш, ўзини бошқара билиши талаб этилади.

Адабиёт ўқитувчиси ватанпарварлик ҳақида гапира туриб, шахсий намуна кўрсатиши ҳам керак. Бусиз айтилган барча ҳикмату мақоллар қурук гапга айланади, ўқувчиларга қутилган таъсирни ўтказмайди. Ташқи қиёфа, ички маданият, ахлоқ, юксак маънавият, одоб қоидаларига бўйсунуш ҳам ватанпарварликнинг бир тури эканлиги адабий таълим мобайнида уқтирилиши лозим. Бунга ўқитувчи маъноли нутқи ёрдамида эришади, бу қобилиятни ҳеч қачон бошқасига қиёслаш ёки алмаштириш мумкин эмас.



УЎТМларда таълимни ташкил этувчи ҳеч бир унсурни кўздан қочирмаслиги керак:

*биринчи* элемент - ташкилий қисм;

*иккинчи* элемент - уйга берилган ёзма вазифаларни текшириш;

*учинчи* элемент - савол-жавоб орқали ўқувчи билимини текшириш;

*тўртинчи* элементи - янги мавзунини талаб даражасида тушунтириш;

*бешинчи* элемент - янги ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш;

*олтинчи* элемент - уйга вазифа бериш;

*еттинчи* элемент - дарс якунини маҳорат билан ташкил этиш.

Ўқитувчи таълимнинг замонавий усулларида фойдаланиши, ўқувчилар билан ишлаш салоҳиятини ўстириш механизмини ишлаб чиқиши, болаларни тарбиялашнинг самарали йўллари топишда раҳбарият ва ҳамкасблари ёрдамига таяниши лозим. Таълим тизимида доир ислоҳотлардан келиб чиқадиган устувор мақсадларнинг ҳеч бирига ўқитувчини такомиллаштирмай туриб, эришиб бўлмаслиги тадқиқот давомида бир неча бор ўз исботини топди. Ишимиз объекти бўлган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эришиш учун адабий таълим ва унинг ташкилотчилари муносиб даражада бўлишлари керак. Бу даражани аниқлашда ўқитувчи ва улар тегишли бўлган муассасаларга бир қанча замонавий таълим усуллари кўл келиши мумкин. Масалан, «Т» схемаси, «Венн диаграммаси», «Тушунчалар таҳлили», ўз ўзини баҳолаш каби интерфаол усуллар шулар жумласидандир.

Адабий таълим ва унинг иштирокчилари савияси, педагогик маҳорати, ўқувчиларни тарбиялай олиш салоҳиятини текширувчи юқоридаги методларни ўқитувчи ўзлаштирганлигини баҳолаш мақсадида “ўз-ўзини баҳолаш назорат саволлари” тақдим қилинади.

### **Нazorat саволларидан намуна:**

1. Педагог фаолиятида унинг маҳорати ва маданияти, нутқи, ташқи қиёфаси қандай ўрин тутди?

2. Замоनावий дарслар мазмунини анъанавий дарслар мазмунидан қандай фарқлаш мумкин?

3. Таълим-тарбия узвийлигида ўқитувчининг ижодкорлиги таълим сифатининг ўсишига қандай таъсир кўрсатади?

4. Таълимни ташкил этишдаги замоनावий методларни шарҳланг.

5. Дарс ўқув машғулотида қандай фарқланади?


6. Метод ва технология сўзларига таъриф беринг.

7. Машқлар орқали касбий лаёқатини ривожлантирувчи вазиятлар педагог фаолиятига қандай таъсир қилади?

8. Анъанавий ва замоनावий дарсларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини таҳлил қилинг.

9. «Тушунчалар таҳлили», «Идрок харитаси», «Зинама зина» каби метод ва технологиялардан мақсадли фойдаланиш йўллари изохланг.

Мазкур назорат саволлари касбий маҳоратни ривожлантирувчи ўқитувчининг профессионал, касбий-ижодий портретини чизишда қўлланилиши мумкин. Шу портрет ўқитувчи дарсининг қайси турга мансуб эканини белгилашда муҳим саналади.



1.3.3-расм. Дарс типлари.

Дарслар типологияси 7 та бўлиб, **замонавий дарс** – бу шу кундаги илмий техник ўзгаришларни ўзида мужассам этган, таълим сиёсатининг устувор мезонлари ва талабларига жавоб берадиган педагогик, психологик мақсадларни ҳамда барча инсон ресурсларини сафарбар этган ҳолда таълим сифатини кафолатли натижага йўналтирган фаолият жараёнидир.

Ўқитувчи қиёфасининг ўзига хос хусусиятлари мактаб раҳбари, педагогик жамоа билан бирга ўқувчиларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Барчамиз биламизки, педагог ўқувчига, авваламбор, билимдонлиги, ёрқин шахсияти билан таъсир қилади. Юқоридаги «портрет» ёрдамида ўқитувчининг ўқувчилар аудиториясига таъсир кўлами ва

йўналиши, яхши ё ёмон томонга мойиллиги, таълимий мақсадни қанчалар бажараётганлиги, ўқувчилар билан ишлашда таянадиган тамойилидан бохабар бўлиш мумкин. Ўрганилаётган мавзуни ўзлаштириш мақсадида дарсинг қайси дидактик циклини танлаши, ҳар бир мавзу доирасида эга бўлган ахборотлар ҳажми, уларни қайта ишлаши, бунда қайси механизмларни қандай усулда қўллаши каби қатор ҳолатлардан бохабар бўлиш УЎТМдаги таълим сифатини ошириш, ҳамкасблараро илиқ ва самимий муносабатлар ўрнатилиши, ўқитувчининг ҳамиша сергак туришини таъминлайди. Педагог ишига астойдил, ҳеч бир жиҳати, ҳужжатлари, талаблари, шартларини кўздан қочирмаган ҳолда ёндашиб, чин дилдан бажаради, кўл учида бўлмаган иш эса кутилганидан ҳам ортиқ самарани беради. Бундай интилувчанлик ва ғайрат, айниқса, адабий таълимда кўп нарсани ҳал қилади.

Адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикасини яратиш, аввало, қандай методлардан фойдаланиш ва шу методнинг моҳиятини очиб бериш, методни белгилаб олиш ва уни шакллантириш йўллари ва усулларини аниқлаб олишдан иборатдир.

Метод амалда қўлланиши ва синовдан ўтган бўлиши керак. Шунинг ҳам айтиш керакки, метод мураккаб тушунча бўлиб, у фақат бир фанга ихтисослашмай, кўплаб предметларнинг ўқитиш жараёнида қўлланишига мўлжалланади.

Методика, аслида «... ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини ўстириши, улар дунёқараишларини шакллантириши, ўзлаштириши қобилиятини ривожлантиришида ўқитувчи қўллайдиган иш усуллари»<sup>61</sup>.

Ўқитувчининг машғулоти ташкил қилиш, билимларни бериш тарзи усул ҳисобланади. Шунга кўра, таълим-тарбия ва усул тушунчалари ўзаро боғлиқдир. Усуллар қулай шароитда ўз таъсир доирасини кенгайтиради, таълим-тарбияга кучли таъсир кўрсатади. Ана шунда бу усулдан метод

---

<sup>61</sup> Педагогическая энциклопедия. 1965 г. стр.– 813.

сифатида фойдаланилади ёки бошқача айтганда, усул метод даражасига кўтарилади. Шунингдек, усул ва метод ўртасида хитой девори йўқ. Чунки айрим ҳолатда усул метод шаклида, баъзида эса метод усул ҳам бўлиб келиши кузатилади. Мазкур ҳолат ўқитувчининг машғулотда танлаган йўли билан изоҳланади. Бу шахсий ишдир, *«ўқувчиларни ўқув предмети сифатида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган адабиётни ўқитишдаги ижтимоий жараён объекти бўлган ва унга тўғри раҳбарлик қилиши мақсадида бу жараённинг қонуниятларини очишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган хусусий педагогик ўқув курсидир»*<sup>62</sup>. Демак, метод ўқитувчи ва ўқувчи ҳамжиҳатлигида таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришмоқ йўли саналади, дейиш мумкин.

«Метод» тушунчаси моҳиятига доир қарашларни таҳлил қилар эканмиз, Ю.К.Бабанский, Т.А.Ильина, И.Ф.Харламов, Н.В.Савин, В.А.Сластёнин, П.И.Пидкасистий, В.М.Монахов, С.А.Смирнов, С.К.Исламгулова, Ў.Толипов, М.Усмонбоева, Ж.Ғ.Йўлдошев, С.Усмонов, Д.В.Сафин ва бошқаларнинг фикрларида бир томонламалик, айрим ўринларда тушунчага нисбатан ҳар хиллик кузатилади. Масалан, И.Ф.Харламов методни *«Ўқувчи материални англашга йўналтирилган ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш»*, деса, П.И. Пидкасистий: *«Дидактик вазифаларни ҳал этишда ўқитувчи ва ўқувчи бирлиги»*, – деб таъриф беради. Яъни И.Ф.Харламов ҳам, Пидкасистий ҳам ўқувчи-ўқитувчи ҳамкорлиги, фаолият бирлиги ҳақида фикр юритган бўлсалар-да, уларни амалга ошириш мақсадларида уйғунлик сезилмайди. Бизнингча эса, **метод таълим-тарбия жараёнини мақсадли, тизимли амалга оширишни тартибга солувчи ҳамкорлик йўли бўлиб, унда таълим сифати натижаланади.**

Адабиёт дарсларида таълим шакли ҳамда ўқитиш методлари машғулот моҳиятидан келиб чиқиб танланади. Улар ўқувчиларда адабий идрокни, бадий-эстетик дидни, комил ахлоқни тарбиялашга йўналтирилади.

---

<sup>62</sup> Кудряшев Н.И. Методика литературы, как научная дисциплина. Вопросы методики преподавания литературы. М., 1967 г. стр. – 21.

Ўқувчини ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга қаратилган адабиёт дарсларида **оғзаки баён қилиш, кўргазмали ёки тақдимот ва амалий машқлар** каби методлар муҳим ўрин тутди.

Оғзаки тушунтириш методлари *маъруза; суҳбат; ҳикоя қилиш; тушунтириш ёки шарҳлаш; мунозара; баҳс; савол-жавоб; рефлексия; аниқ вазият, дебат, муҳокама; якка тартибда ишлаш; жуфтликда ишлаш* ва кабилар бўлиб, улар орасидаги энг муҳими, албатта, **маъруза методи** ҳисобланади. **Маъруза** бир кишининг кўпчиликка қаратилган монолог тарзидаги нутқи бўлиб, асосий мақсади назарий билимларни ўқувчига етказишдан иборат. Бу метод икки томонлама: ўқитувчи-маърузачи ва ўқувчи-маърузачи кўринишида амалга ошиши мумкин. Маъруза мавзуси олдиндан маълум қилиниши, фандаги сўнгги янгиликлар билан бойитилган бўлиши керак. Маъруза ўқувчида эркин тафаккурни шакллантиради, мавзуга доир билимларни беради ва уларни амалиётга татбиқ қилиш салоҳиятини шакллантиради, асл ёки етакчи ғояни бошқаларидан ажратиб олишга ўргатади. Шу боис ҳам академик А.Н.Кононов айтганидай: «Ўқитишнинг ҳеч бир кўриниши яхши маъруза ўрнини боса олмайди».

Адабий таълимнинг кўргазмалилик ёки тақдимот қилиш методлари таркибига *тасвирлаш* (схема, диаграмма, таъриф, қоида яратиш); *намойиш этиши; метаплан карта билан ишлаш; саёҳат-экскурсия; визуал; фронтал* (доскада ишлаш, тинглаш); *«ақлий ҳужум»* ва бошқалар киради. Булар адабий таълимнинг қизиқарли, эсда қоларли, самарали бўлиши, мавзунинг қулай англанилиши ва узок ёдда қолишини таъминлайди.

Адабий таълимнинг **машқларга** асосланган методлари *микротаълим, модулли таълим, тизимли кетма-кетлик, ишбилармонлик, муаммоли таълим, жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳда ишлаш, ролли ўйин, идрок харитаси* каби катор усуллардан таркиб топган бўлиб, таълим жараёни натижаси шулар ёрдамида намоён бўлади. Маърузанинг қанчалар ўқилгани, кўргазмали қуроллар ёрдамида маърузадаги маълумотларнинг ўқувчиларга

қанчалар яхши сингдирилгани амалий машқларни бажариш мобайнида маълум бўлади. Методларни фан доирасига татбиқ этишда фан моҳиятидан келиб чиқиб, усулларни ўзгартириш, алмашиб қўллаш ёки «Кластер», «Чархпалак», «БББ» каби бошқа усулларни қўллаш мумкин.

Жаҳон педагогикаси замонавий таълим усуллари пайдо бўлишидан илгари дедуктив ва индуктив методларга таяниб иш қўриб келган. Жумладан, собиқ шўро педагогикасида ҳам, миллий ўзбек тарбия илми ҳам бу икки асосий методга таяниши ҳаммага маълум. **Дедуктив** метод – тайёр, умумий назарий билим беришдан бошланиб, ҳаётий кўникма ва малакаларни босқичма-босқич шакллантиради. **Индуктив** метод амалий машқлар орқали назарий билим беришга йўналтиради. Бунда ўқувчи янги билим эгаллаши учун бирор мақсадли машқни мавзуга мос ҳолда ўзи бажариши лозим. Дедуктив методда олдин қоида ва умумий ҳолат баён этилади. Назарий фикр ўртага ташланади, унинг туб моҳияти ёритилади, кейин шу билим, хулоса, назарий фикр, моҳият мисоллар, фактлар, далиллар кўмагида машқлар таҳлилларида асосланади. Бунда умумийликдан хусусийликка қараб борилади. Индуктив методда эса аксинча мисоллар, фактлар таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда назарий хулосага келинади, моҳият аниқланади.

Таъкидлаш керакки, таълим тизимида: а) ҳар икки методнинг ўзида мусбат ва манфий томонлари мавжуд бўлиб, агар қўллай олиш маҳорати эътиборга олинмаган бўлса, берадиган натижасига кўра бириккинчисиникидан жиддий фарқланмаслиги мумкин – бирини иккинчисидан юқори қўйиш ўта шартлиликка эга; б) фақат битта методни танлаш тўғри эмас ва бу ўзини оқламайди. Ўрни билан, вазият ва мавзу талабига кўра бир дарс жараёнида бу методларни уйғунлаштириб қўллаш тавсия этилади. Аслини олганда, таълим методларидан ҳар ким ўз маҳоратидан келиб чиқиб фойдаланади. Худди илгари дедуктив, индуктив усуллар кенг қўллангани каби ҳозир ўқитишнинг «интерфаол» аталувчи усуллари фаоллашди.

Таълим жараёнида уч асосий метод таркибидаги саноқсиз қисмлар шароитга қараб қўлланади. Негаки, таълим усули ёки технологиясининг асосий мақсади ёшларда шахслик сифатларини шакллантириш, уларни салоҳиятли этиб етиштиришдир. Таълим технологияси *«таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойиҳалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди»*<sup>63</sup>. У дарс ишланмасидан ўқувчини фаоллаштиришга, ўқув материалларини ҳамкорликда мустақил ўзлаштиришга йўналтирилгани билан фарқланади. Таълим технологияси методга нисбатан кенг тушунча бўлиб, бирор бир дарсинг бошдан-охиригача бўлган жараённи қамраб олади.

Мазкур тушунчага хилма-хил таърифлар берилган. Уларнинг барчасини келтириш имконсиздир. Шу боис ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларга қисман тўхталдик. Жумладан, Т.Н.Балло таълим технологиясини «топшириқли ёндашув», Л.В.Занков, Т.Я.Гальперин, В.И.Давидовлар «босқичли ўқитиш», Г.К.Селевко «мазмунли умумлашма», П.Митчел эса «тақдимот назарияси ва амалиётининг муайян тармоғи»<sup>64</sup> деб атаган.

Изоҳли луғатда: «Технология – бирор ишда, маҳоратда, санъатда қўлланиладиган усуллар, йўллар йиғиндиси», дейилган бўлиб, В.М.Шепель фикрича, технология – мукаммаллаштириш санъати, маҳорат ва методлар мажмуидир. Миллий адабиётимизда таълим технологияси *«кетма-кетлик асосида таъсир кўрсатиш орқали сифатларни шакллантириш»* (Н.Саидахмедов), *«кетма-кетликда кўрсатилган таъсирни ҳамда таълим натижасини баҳолаб беради»* (Б.Ғ.Зиёмухамедов) деб ҳисобланади.


---

<sup>63</sup> Ў. Толипов, М. Усмонбоева. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. - Т.: 2006 й., 18-бет.

<sup>64</sup> Исламгулова С.К. Технологизация процесса обучения в школе: теория и опыт. – Алматы: Творческая педагогика, 2003 г., стр. 23.



Таълим технологияси таълим методикасидан кўра кенг экани айтилади. Муаллифлар «таълим методи», «таълим методикаси», «таълим технологияси» тушунчаларини фарқлаб, моҳиятини алоҳида изоҳлашган ва «педагогик технология»нинг таркибий унсурларини адабиёт дарсларида ватанпарварлик мавзусини ўтишда ҳам тавсия қилиш мумкин.



1.3.4-расм. Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари

Бироқ шунча таърифлар, изоҳлардан кейин ҳам «педагогик технология» тушунчасининг туб моҳияти аниқ-равшан, тўла белгиланган эмас. Фақат унинг «метод» тушунчасидан кенг эканлиги айтилган, холос. Шу билан бирга, таълим технологиясининг таркибий тузилмасида «таълим мақсади, таълим мазмуни» ҳамда «таълим олувчи» ва «таълим берувчи» тушунчалари (таркибий қисмлари) берилган бўлса, тарбия технологиясининг таркибий тузилмаларида «таълим мақсади», «тарбия мазмуни» ҳамда «тарбия берувчи», «тарбияланувчи» таркибий қисмлари кўрсатилганки, буларда шакл, метод, усул, техник воситалар, натижа, жараён қисмлари айнандир. Кўринадики, асосий фарқ аниқ очилмаган.

Умуман, адабиётлар билан танишиш шуни кўрсатяптики, «педагогик технология», «метод», «усул», «услуг», «йўл», «техника», «технология» терминларининг туб моҳиятларига етилмай, аралаш ҳолда қўлланмоқда. Айниқса, метод ва усул тушунчаларига бундай ёндашув жуда устувор. Таълим соҳасида бу тушунчаларни ифодаловчи терминлар тизими юзага келиб бўлган. Шундай экан, ҳар бир тушунчанинг туб моҳиятини аниқ очиб бериш, жиддий илмий тадқиқот қилиш вақти етган, деб ўйлаймиз.

«Педагогик технология» тушунчасининг туб моҳиятини шартли, нисбий тарзда шундай белгиланганлигини эътироф этадиган бўлсак, демак, педагогик технология маълумотларни узатиш, ўзлаштириш, татбиқ этишнинг қулай шакли ҳисобланади. Педагогик технология дастлаб педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида дунё юзини кўради ва ривожланиб, миллий таълим стратегиясини белгилайди. Технология, методикадан фарқли ўлароқ, универсал хусусиятга эга, уни ҳар қандай мутахассис бир хил даражада бажариши, фойдаланиши мумкин. Методика эса маълум шахс учун қулай ўқитиш усуллари, унинг ўзи танлаган мақсадга эришиш услублари мажмуидир. Бунда ўқитувчининг маҳорати, билим, кўникмалари, шахсий фазилатлари, тажрибаси кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Педагогик технология турларини Ж.Ғ.Йўлдошев, С.Усмоновлар таълим-тарбия олувчига нисбатан ишлатсалар, Ў.Толипов, М.Усмонбоевалар кенг тармоқли ўқитиш (дарс) жараёнига татбиқи асосида белгилайди. Ҳар иккала қараш ҳам ўз моҳияти нуқтаи назаридан мақсадли бўлиши мумкин. Ў.Толипов, М.Усмонбоева фикрларини ривожлантирган ҳолда «Ўйин технологиялари» эмас, балки мақсадли «амалий машқлар технологияси», деб атаган маъқул, деб ҳиоблаймиз. Ўйин технологияларига асосланган дарс бошидан то якунига қадар шу мақсадга қаратилган бўлади. Бизнингча, педагогик технология ёки таълим усулининг қай бири қўлланмасин, бош мақсад — ўқувчининг машғулот давомида янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига эришишдир. Ўқитувчи дарсни анъанавий усулда

ўтадимми ёки замонавийми, баъзи ўқувчилар кўрсаткичи ўзгармай қолаётгани, бутун синфни ортга тортишда давом этаётганидан қуёнади. Бизнинг фикримизча, ўқувчи қуйидаги ҳолларда янги мавзунини тушунмас экан:

- а) маълумотларда ўзаро боғлиқлик бўлмаганида;
- б) атама ва янги сўзларни изоҳлай олмаганларида;
- в) материал мазмунига кирмай, шунчаки ўқилганда.


Кўрсаткичнинг тушириб юбораётган юқоридаги уч ҳолат ўқитувчи ўқувчиларнинг тафаккур, сезиш қобилияти ва амалиёт (қўл ҳаракатлари) уйғунлигига эриша олмаганлиги сабабли юзага келган. Ўқувчилар мана шу инсоний ҳолатни ўзларида бирлаштира, уйғунлаштира олишса (албатта, ўқитувчи ёрдамида) таълимий мақсад 100% рўёбга чиқади. Кўринадикки, дарсдан кўзланган мақсадга эришиш фақат ўқувчи ўзлаштиришига эмас, ўқитувчи ҳаракатларига ҳам боғлиқдир. Ўқитувчи ўқувчининг дарс жараёнида қуйидагиларни бажаришига эришиши лозим:

- когнитив ҳаракат (билишга, тафаккурга оид) ўрганилган материални эслаб қолиш ва тиклашдан то муаммо ечимига қадар мақсадлар, яъни ўқитувчининг кундалик амалиётида қўйилаётган ўқитиш мақсадларини ўз ичига оладихамда ўқувчи нимани ўйлаши ва билишини аниқлайди;

- психомотор ҳаракат (ҳаракат соҳасида) – ушбу йўналиш ҳаракатли (моторли), манипулятив фаолиятнинг, нерв-мушаклар координациясининг у ёки бу турларини шакллантиришга тегишли. Бунда «Ўқувчи нимани бажаради?», деган саволга жавоб берилади. Мақсадлар қуйидаги кўринишда акс этиши мумкин: ёзув кўникмаси, ижодий баён ёки иншо, нутқий кўникмалар, оғзаки нутқ орқали фикрлаш, амалда бажариш ва бошқалар;

- аффектив ҳаракат (эмоционал – қадриятлар, ҳиссиётлар соҳасида) атроф-муҳитга, дунё воқеа-ҳодисаларига эмоционал-шахсий муносабатларни шакллантириш мақсадлари киради, оддий идрок этиш, қизиқиш, топшириққа тайёргарликдан то қадриятлар ва муносабатларни ўзлаштириш, уларнинг фаол намоён бўлишигача. Бунда «Ўқувчи нимани ҳис қилади?», деган

саволга жавоб топилади. Таълим-тарбия тизимининг асосини ташкил этувчи мазкур уч ҳаракат ўқувчининг билиш босқичларини ҳам белгилаб беради. Унинг моҳияти қуйидаги чизмада акс этган:



### 1.3.5-расм. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти.

Адабиёт дарсини режалаштириш намунасини тавсия қилар эканмиз, мазкур дарсни режалаштириш технологиясидан келиб чиқиб, биз дарс режалаштиришнинг қуйидаги методикасини тавсия қиламиз:

**1-қадам.** Янги мавзу бўйича билиш лозим бўлган маълумотлар (билиш), боғлиқлик, алоқа ўрнатишга оид (тушуниш) билимларни ижодий қўллаш (бажариш) га йўналтирувчи саволлар тузиш;

**2-қадам.** Мавзу билан тўлиқ танишиш. Ажратилган дарс соатида амалга ошириладиган вазифаларнинг кетма-кетлигини тақсимлаш;

**3-қадам.** Кутилаётган натижаларни ишлаб чиқиш, лойиҳалаш;

**4-қадам.** Ўйлаб кўриб, фаолият турларини танланг: сиз ва қолган ҳамкасбларингизнинг кутилаётган натижага эриша олиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш имконини берувчи топшириқларни ишлаб чиқиш;

**5-қадам.** Кутилаётган натижаларни ҳисобга олиб асосий ва қўшимча мазмунни белгиловчи омилларни аниқлаш;

**6-қадам.** Дарсда қайси ўқитиш воситаларидан, метод ва усуллардан фойдаланиш мақбуллигини белгилаш;

**7-қадам.** Дарс тури ва цикллари мавзудан келиб чиқиб аниқлаш;

**8-қадам.** Ушбу дарс тузилишидан фойдаланиб, дарснинг методик ишланмасини яратиш (3-жадвал мисолида).

Дарс босқичлари	Метод, усуллар				
1. Дарс бориши, мавжуд билимларни бойитиш	Саволлар (муаммоли ташхис)	Ақлий хужум	Кластер, идрок харитаси	Муаммоли вазиятлар	Таянч атамаси
2. Янги материални ўрганиш	Муаммоли баён	Кичик маъруза	Диаграммалар билан ишлаш	Ҳамкорликда ўқитиш, (жуфтликда ишлаш, кичик гуруҳда ишлаш)	Зиг-заг
3. Қайта алоқа рефлексия	Кўп даражали саволлар	Мазмуни бўйича чиқиш хариталари	Эмоциялар бўйича чиқиш хариталари	Галерея Блиц-сўров (тезкор сўров ўтказиш)	Тестлар
4. Билимларни мустаҳкамлаш	«Ишончли ҳалқалар»	Амалий машқлар	Кўп даражали саволлар, тестлар	Идрок харитаси	Синквейн
5. Педагогик рефлексия	Синквейн	Чиқиш хариталари	Ўз-ўзини баҳолаш, ўзаро баҳолаш	Идрок харитаси	Кўп даражали турли саволлар

1.3.6-расм. Дарс босқичлари ва интерфаол усуллар.

Кўринадикки, она тили ва адабиёт ўқитувчисига қўйиладиган талаблар бир мунча мураккаб ва серқиррадир. Шунга яраша, адабиёт ўқитувчисига муносабат ҳам бошқа предметларникидан ўзгача, илиқ, самимий. *«Мен ўқитувчиликни санъаткорликка ўхшатаман... Ўқитувчи, хусусан, она тили ва адабиёт ўқитувчиси ажойиб тил билан, нозик, гўзал, пухта нутқ билан дарс берса, синфидаги ҳамма болаларнинг диққатини ўзига жалб этади, бундай дарсдан болалар завқланади, ўқувчининг завқи ўқитувчига ҳузур бағишлайди... Бунга ўқитувчи ўз дарсига масъулият билан қараши, дарсга пухта тайёрланиши, ўқувчиларни севиши ва уларга нисбатан ҳурмат, педагогик такт билан эришиши мумкин»<sup>65</sup>. Ёки “Адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларни эстетик ва ахлоқий томондан тарбиялаши билан бирга уларни... ўз-ўзини такомиллаштиришига кўниктириб боради”. Бу фикр ўқувчи шахсининг маънавий етуклигини назарда тутганлиги билан аҳамиятлидир.*

Тарихга назар солсак, илк расмий методика тарзида Россия мактабларида 1923-24-йилларда амалга оширила бошланган «комплекс» усулини келтириш мумкин. Ўзбекистонда 1926-1927 ўқув йилидан бошлаб истеъмолга киритилган бу методнинг ўзига хослиги шунда эдики, битта ўқитувчи тўрт ўқувчи билан ҳафтада бир марта икки соатдан ишларди.

Яна «дальтон плани» методи («лаборатория методи» деб ҳам аталади) лекция методи, индивидуал (якка тартибда ишлаш) каби методлар ҳам амалда бўлган. Улар орасида лекция — маъруза методи энг самараласи эди. Жумладан, 1920-1930-йилларда адабиёт дарсларида ўқувчи тафаккурини ўстириш, мустақил ўқиш, бадий асарни таҳлил қилиш, қиёсий солиштириш, образларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топиш, аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, типик образларни ажрата билиш ёшларда мустақил тафаккур кўникмаларини ривожлантиришнинг асосий омилига айланган.

---

<sup>65</sup> Долимов С. “Маърифат фидойиси”. Т.: 2007, 12-13-бетлар.  
Ўша китоб 155-б.

## БИРИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчини ватанпарварлик руҳида тарбиялашни тизимли ташкил этиш, ўқитиш методикасини муттасил такомиллаштириш замон тақозосидир. Юқорида келтирилган бир-биридан фарқли илмий-назарий қарашлар, тегишли манбалар таҳлилларидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— таълим тизимида «таълим технологияси», «педагогик технология», «метод», «усул», «йўл» терминларини қўллашдаги турли хилликларни бартараф этиш, улар моҳиятини аниқлаб олиш зарурати мавжудлиги кўзга ташланади;

— мазкур терминлар амалга оширилган қатор изланишларга қарамай, мазмуни фарқланмай аралаш қўлланишда давом этмоқда;

«усул» терминини методнинг таркибий элементи (методни амалга ошириш усуллари) сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ, лекин айрим ўринларда йўл, тактика каби атамалардан фойдаланиш ҳам мумкин;

— таълимни ташкил қилиш учун танланган метод ўқитувчининг савияси, маҳоратига боғлиқ бўлади, бирор методдан муайян усулда фойдаланиш қатъий белгилаб қўйилмаган;

— дарс самарадорлигини танланган метод эмас, ўқитувчининг тилдан фойдаланиш маҳорати таъминлайди;

— адабий таълим жараёнида когнитив, психомотор, аффектив ҳаракатларнинг уйғун фаолиятига эришиш ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосини ташкил этади.



## **II БОБ. ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ**

### **2.1. Адабиёт дарсларида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари**

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимида шахсни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг дидактик тамойиллари таълим соҳасидаги ДТС талабларига унинг ўқитиш тамойилларига мос келади ва шулар асосида белгиланган. Адабиёт дарсларини замонавий усулларда ўқитиш бугуннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Шу ўринда ўқитувчидан фақат назарий билимлар, балки методик жиҳатдан мукамал бўлган дарс машғулоти талаб қилинади.

Таълим тизими амалиётида ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ ижтимоий, маънавий-маърифий, комиллик фалсафаси шахс тафаккурининг шаклланиши, ривожланиши талқинида амалга ошади ва умуммиллий кадриятлар билан характерланади. Холбуки, ҳаёт ва ижтимоий жамиятдаги барча ўзгаришларнинг асоси инсон тафаккури бўлса, амалга оширилиш мезонлари узлуксиз таълимда акс этади.

Миллат мафқурасида ўша халқнинг ахлоқи, маънавияти, тутумини белгиловчи қонуниятлар акс этади. Шунга мувофиқ халқнинг руҳият билан боғлиқ ҳаётга қараш тарзи ҳам ўзгаради. Масалан, “Етмиш йил давомида маънавият, миллий ахлоқ асоси бўлган динидан, ўтмишида ўзининг ким бўлганини намойиш қилиш қудратига эга бўлган тарихи, миллий кадриятларидан маҳрум бўлган халқ истиқлолдан сўнг бунга муяссар бўлгач, унда ўзидан, ўз миллатидан ғурурланиш туйғуси юзага келди. Чунки у руҳсизликдан қутулди, руҳи озод, ҳур бўлди. Руҳи ҳур одамнинг юраги ботир бўлади. У ҳамма нарсани ёрқин кўради, моҳиятини тўғри англайди”<sup>66</sup>.

---

<sup>66</sup> Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. –Тошкент: Янги нашр, 2010. -3-бет.

Жамиятнинг бугунги вазияти қайсидир даражада XX аср бошларидаги шароитга уйғун экани аён. Шундан келиб чиқиб, адабиёт ва уни ўқитишнинг мақсади ва вазифаси тубдан янгиланди. Илгари яккахуқмрон мафқуранинг талабларига сўзсиз бўйсунадиган, эркин фикрдан мосиво кадрлар етиштиришга йўналтирилган умумий таълим тизими бугунги кунда ўқувчига зарур билим ва кўникмаларни бериш баробарида, эркин тафаккурни шакллантиради. Ўқувчини юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз қизиқишларига мос касб танлай оладиган ва жамият бошқарувида фаол иштирок этувчи баркамол шахс этиб тарбиялайди.

Академик лицейини тугатиб эгалланган соҳада ишлаш ҳуқуқини бериш билан бирга, ўқувчилар ақлий қобилиятларини ўстириш, касб-хунарга мойиллик, маҳорат ва малакани ривожлантиришга ҳам масъул бўлади.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсати барқарор олиб борилаётган бўлса-да, демократик ўзгаришлар, бозор иқтисодиёти ислохотларига тўлиқ жавоб бера оладиган юқори малакали педагогларнинг етишмаслиги, сифатли ўқув, илмий ва дидактик қўлланмалар, янги авлод дарсликлари пухта, узлуксиз таълим босқичларига мос ўзаро ҳамкорлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилмаганлиги, мавжудлари (борлари) ўзаро интеграцияни тўлақонли ифодалай олмаётгани бу борадаги жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳим масала ижтимоий фаоллик, таълим ва тарбия экан, замонавий мактаблар, ўқув муассасалари барпо этилса-ю, сифатли таълим ва маҳоратли педагогга жамиятда зарурат бўлса, илм ва маърифат, ўқитишнинг самарали, кафолатли, маҳсулдор йўлларига, методика ва дидактикага эҳтиёж бир зум бўлсада камаймайди.

Таълим-тарбия соҳасини дидактикадан айри тасаввур этиб бўлмайди. Дидактика – таълим ва ўқитиш назарияси бўлиб, педагогиканинг мустақил тармоғи ҳисобланади. У таълим – тарбия назарияси, ўқув мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. “**Дидактика**” грекча сўз бўлиб, “**didasko**” – ўқитиш, “**didaskol**” – ўргатувчи

деган сўзлардан келиб чиққан. “Дидактика”нинг сўзма – сўз таржимаси таълим назариясини англатади<sup>67</sup>. Фанга дастлаб немис педагоги В. Ратке (1571-1635) олиб кирган дидактика назарий ва методологик асосларни тадқиқ қилишни назарда тутди. Я.А.Коменский (1592 - 1670) дидактиканинг назарий асосларини ишлаб чиқиб, ўз қарашларини «Буюк дидактика» асариди ифодалаган. У дидактикани барчани ҳамма нарсага ўргатиш санъати, деб тушунтирди.

Дидактикага доир қарашлар такомилди Г. Песталоцци, И. Гербарт, К.Д. Ушинский, В. Острогорский, П. Каптерев каби олимларнинг ҳиссаси алоҳиди. Кейинчалик Ю.К. Бабанский, Н. Груздев, М. Данилов, Б. Есипов, Л. Занков, М. Скаткин каби олимлар ҳам дидактика ҳақида концептуал фикрларни илгари сургани маълум. Улар фикрларига қўшилган ҳолда икки тушунчани илмий -методик жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати туғилади. Биринчи тушунча, дидактик тамойиллар бўлса, иккинчиси, ватанпарварлик туйғуси кучли баркамол шахсни миллий ва илғор хорижий таълим тажрибаси асосида тарбиялаш ҳисобланади.

Дидактика фани педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, унинг асосида кимга нимани, қандай, қанча ҳажмда, қаерда ва қай усуллар орқали ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилиш вазифаси туради. Адабиёт дарсларида дидактик талабларни қўйишдан аввал кўзланган натижага эришиш субъекти бўлган ўқитувчи имкониятлари қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб бериш зарур. Бу ўринда иккита тушунчани алоҳиди ажратиб олиш ва бу тушунчаларнинг мазмунини тўла англаш керак.

Масалан, “Грекча *aesthesis* – ҳиссий идрок маъносини англатувчи фалсафий эстетик тафаккур ўз моҳиятига кўра инсоннинг воқеликка эстетик муносабатлари ва олами ўзлаштириш қонуниятлари асосида эстетик онг, ҳис-туйғу ва санъатнинг ижтимоий борлиққа, инсон ҳаётига муносабати масаласини диққат марказида тутар экан, гўзаллик ва хунуклик, олижаноблик

---

<sup>67</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд–Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 20220.-607-бет.

ва қабихлик, яхшилик ва ёмонлик категориялари мисолида бирини маъқуллайди, иккинчисини рад этади ҳамда айнан шу хусусияти туфайли фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашлар ривожига таъсир кўрсатади”<sup>68</sup> - дея таъкидлайди, олима У.Шерматова ўз тадқиқотларида. Шу маънода ўз тадқиқотида Чўлпоннинг адабий, ахлоқий-эстетик қарашларининг педагогик нуқтаи назардан камол топишида “шахс – миллат – Ватан” концепциясининг концептуал асослари қандай манбаларга суянади деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. “Бу борада мустамлака шароитида муқаррар юзага келадиган миллий-озодлик ҳаракатларини четлаб ўтиб бўлмайди. Бундан шахс эрки миллий озодлиги ва Ватан ободлиги негизида туришини англаш қийин кечмайди”<sup>69</sup>. Олима миллий уйғониш тафаккуридан миллий-озодлик ғоясининг туғилиши Чўлпон ижодига жўшқин рух бағишлаган адабий-эстетик қарашлар моҳиятини ташкил этганлиги, ўқувчига ижодий рух бағишлаганлиги, курашчанлик туйғусини озиқлантирувчи восита деб тушунишни таъкидлайди. Бир томондан қараганда фикрларида жон бордек, сабаби адабиёт дарсларида бу ғояни ўқувчиларга етказишда тарихий-маданий таҳлил усулларига таяниш ва шунинг билан бирга хронологик архив материаллари, тарих ва бошқа бир нечта фанлар билан уйғун тарзда тушунтириш, манбаларга мурожаат қилиш, ижобий самара бериши мумкин.

Тадқиқотчи Д.Жабборованинг фикрича, адабиётшуносликда тарихий-маданий таҳлил мактаби сифатида таърифланадиган йўналиш Ғарбий Европада XVIII асрда вужудга келган. Дарҳақиқат, “Методы изучения литературы” (“Адабиётни ўрганиш методлари”) номли ўқув қўлланмада (2002) И.Тэн асос солган тарихий- маданий методнинг адабиётга, муайян бир ижодкор ёки бадиий

---

<sup>68</sup>Шерматова У. Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадиий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари (Чўлпон ижоди мисолида) . Педагогика фан бўйича фалсафа док.(PhD дис. Т.: 2021 – 61-65-б.

<sup>69</sup>Шерматова У. Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадиий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари (Чўлпон ижоди мисолида) . Педагогика фан бўйича фалсафа док.(PhD дис. Т.: 2021 – 66-67-б.

асарга ёндашиш билан боғлиқ хусусиятлари тўғрисида атрофлича маълумот берилган.

Уларнинг фикрича, тасвир ва талқин объектига маданий-тарихий ёндашувда муаллифнинг (аксарият муаллифлар тарихшунос, адабиётшунос ёки бирор-бир соҳа мутахассиси бўлиши билан изоҳланади) илмий салоҳияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Айни ватанпарварлик мазуси ёритилар экан, бир гуруҳ жаид адабиёти вакиллари ижодида ҳам шу хусусият мавжуд. Мазкур ёндашувлар У.Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар ижодига ҳам тегишлидир.

Адабиётшунослар Қозоқбой Йўлдош ва Муҳайё Йўлдош “Бадий таҳлил асослари” китобида маданий-тарихий ёндашувга хос хусусиятни шундай таърифлайди: “...биринчидан, худди табиат ҳодисалари сингари бадий матнларнинг дунёга келиши ва уларга хос хусусиятларни ҳам детерминистик усулда, яъни ижтимоий-тарихий сабаб-оқибат муносабатлари асосида изоҳлаш мумкин. Иккинчидан, адабий-ижодий ҳодисалардаги формал мантикқа бўй бермайдиган жиҳатларга ортикча эътибор қаратиб, уларни кучайтирмай, бадий яратиларга табиат ҳодисаларини изоҳлагандаги каби фактларни шарҳлаш ва қонуниятларни қарши қўйиш керак. Учинчидан, персонажнинг ирқий ёки миллий темпераменти, у шаклланган ижтимоий-иқтисодий ва жўғрофий муҳит, унинг ҳаёти кечаётган давр тасвири, у мансуб миллатнинг маданий даражаси ҳамда мавжуд бадий анъаналар каби омиллар ҳар қандай санъат ҳодисасининг юзага келишини илмий изоҳлаш ва унинг қонуниятларини тайин этиш учун етарли асос бўла олиши кўзда тутилиши лозим”<sup>70</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, адабиёт фанларида ватанпарварликнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, мавзу доираси ҳамда етакчи концептуал асослари, бу тарбиянинг ўқувчи шахсига унинг ахлоқий-эстетик қарашлари ва ижодий-

---

<sup>70</sup> Йўлдошев Қ.,Йўлдошева М. Бадий таҳлил асослари. – Т.: Камалак, 2016. -354-б.

ижтимоий фаолиятига нечоғли таъсири тўлиқ тадқиқ этилмади. Мавжудлари ҳам айрим жиҳат ва хусусиятлари талқини билан чекланганликларини кўриш мумкин. Айнан бизнинг мавзумизга яқин бўлганлиги боис, бир қатор илмий тадқиқот ишларини жаддий ўрганиб чиқар эканмиз, жаид адабиётининг етук намаёндалари Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон каби ижодкорларнинг асарлари таҳлилида улар шеърларининг юксак бадиият намуналари бўлиш билан бирга, айна пайтда ўша даврдаги ватанпарварлик тарбиясига оид қарашларининг бадиий амалий муҳри, тарихий хужжати эканлигига ҳам эътибор қаратиш зарур.

Бинобарин, Аристотель қайд қилганидек, “ҳар қандай сезги, истак-майл ёки ўй-хаёл бирор нарса, ҳодисага интилар экан, ўша нарсадан қандайдир роҳат-фароғат олади, шу маънода ўша ҳодиса ажиб ёки гўзал (ёки баркамол) бўлади. Ўша хилқатни тилаш, майл ёки ҳамдардлик билдириш билан у ҳақда фикр билдириш мувофиқ, уйғунлашгандагина баркамоллик юзага келади”<sup>71</sup>.

Бундан адабиёт дарсларида ижодкорларнинг қарашлари, миллий-озодлик ғояси билан йўғрилган ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ адабий-эстетик асарлари талқинида уйғун акс этишини тушунтириб бериш, дидактиканинг муҳим ижодий ютуғи деган хулосага келиш мумкин.

Кўринадикки, инсон ҳаёти давомида табиат гўзалликларидан, тафаккур илҳомларидан баҳра олиши, завқланиши билан бирга қайғули, фожеали ҳодисалардан ҳам сабоқ олади, руҳи янгиланиб, покланади ва тозаради. Юнон файласуфининг “Поэтика” асарида санъат асарлари туфайли инсоннинг руҳий покланишини “катарсис” деб аташдан маълумки, эстетик тарбия инсон хулқини нафосат билан безаши ҳақидаги мушоҳадалар қадимдан олимларнинг диққат марказида бўлганлигини кўрсатади.

Адабиётшуносликда бадиий асар гоҳ у насрий, гоҳ назмий бўлсин таҳлили юзасидан талайгина олимлар ўз фикрларини билдиришган. Жумладан, академик олим Наим Каримов ҳам шеър таҳлилида шеърнинг бош қаҳрамони

---

<sup>71</sup> Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир.-Тошкент: Янги аср, 2004.-47-бет.

гўзал тимсолида севикли ёр назарда тутилганини таъкидлаш билан бирга ёр гўзаллигини мажозий образлар ёрдамида тасвирланиши ва ундан керакли хулосалар чиқаришга ундайди. Мазкур адабий қонуниятларни биз узлуксиз таълим тизимида адабиёт дарсларига тадбиқ этишни муҳим деб ҳисоблаймиз.

Дарсда ўқувчилар ўз билимларини ҳаёт билан боғлаш, унинг тарбиявий таъсири орқали ижтимоий воқелик моҳиятини англаш, бадий диди, мустақил ижодий фикрлаш қобилияти, китобхонлик маданияти, айниқса, Ватан тақдир учун жавобгарлик масъулияти, ватанпарварлик туйғусини ўстириш каби маънавий камолотга эришадилар. Ваҳоланки, шахснинг ақлий, эмоционал ва ижодий фаоллик туйғусини кўзғатиш, тарбиялаш, шакллантириш адабиёт дарси ва шу дарс сабоғини берувчи педагогнинг дидактик қобилиятига боғлиқ бўлади.

Дидактика – таълим назарияси тушунчасини англаиб, ўқитиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган тамойилларни, таълим усулларини, шаклларини ва педагогика фанига тааллуқли асосий тушунчаларни мужассам этади. Бу назария сифатли таълимнинг, кутилган натижанинг кафолатланишига оид саволларга жавоб беради ҳамда ўқитиш усулларининг йўналишини белгилашга хизмат қилади.

Таълим тизимининг барча босқич ва муассасаларига мос келувчи дидактик тамойиллар қуйидагилардан иборатдир:

- Бир бутунлик, яхлитлик тамойили.
- Асослилик (фундаменталлик) тамойили.
- Маданиятни англаш (маданий ҳаётнинг ривожланишига мувофиқлик) тамойили.
- Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили.
- Ўқитиб тадқиқ этиш, тадқиқ этиб ўқитиш тамойили.
- Таълимнинг узлуксизлиги тамойили.

- Фаолиятли ёндашув тамойили<sup>72</sup>.

Ушбу тамойиллар ўқитиш жараёнида фаннинг мақсад ва вазифаларига уйғун келади. Масалан, адабиёт дарсларида бир бутунлик, яхлитлик тамойили ўқувчиларда баркамол шахс фазилатларини тарбиялашга, маданиятни англаш тамойили уларнинг маданий-маърифий даражасини ўстиришга, замонавий фан-техника имкониятлари билан ўқувчини ошно қилишга хизмат қилади. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили эса адабиёт дарсларида одамийлик хислатларини камолга етказди. Узлуксиз таълим тамойили адабиётни ўқитишда ёшларнинг касбий сифат ва кўникмаларини оширишни назарда тутди. Адабий таълимдаги фаолиятли ёндашув тамойили ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ва амалда қўллаш соҳасига кўра, шахсий тажрибага айлантириш, шахс иқтидорини тарбиялаш баробарида амалда синалмаган билим жуда тез унутилишини тасдиқлайди. Аслини олганда, санаб ўтилган тамойиллар барча фанлар таркибига бемалол сингиши мумкин. Айниқса, адабиёт фанларини ўқитишда юқорида номлари зикр қилинган тамойилларнинг етакчилиги яққол кўзга ташланади.

Тадқиқот давомида ўрганилган манбалар ва узлуксиз таълим муассасалари ҳолати таҳлили миллий таълим тизимида янгича йўналиш шаклланиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Бу таълим ёки турли хил фанлар айниқса. Узлуксиз таълим тизими адабиёт дарсларида ўз стратегиясини инсоний эҳтиёжлар, ҳис-туйғулар, ҳаётий муносабатлари, такомиллашаётган маданияти, бунёдкор ғоялари, ахлоқий қарашлари, кенг қўламли ижодкорлиги билан узвий мувофиқлаштираётганларида намоён бўлмоқда. Она-Ватан туйғусининг инсоният тафаккури тарихида алоҳида ўрин тутишини ва мавқени кўрсатади. Шу боис ҳам, юксак инсоний ва маънавий қадрият ҳисобланган Ватан тимсоли ватанпарварлик тарбиясининг туб моҳиятини ташкил этиши билан узлуксиз таълим тизимида педагогик муаммо сифатида ёшларда ватанимиз шонли тарихига ҳурмат, эртанги кунига ишонч уйғотиш билан

<sup>72</sup> Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. Т.: 2006. 43-49-бетлар.



бирга, миллий ва умуминсоний кадриятларни такомиллаштириш, инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, бунёдкорлик хислатларини мустаҳкамлаш орқали шахслик сифатларини камол топтиришда муҳим ўрин тутди. Бироқ, бу борада узлуксиз адабий таълим катта имкониятларга эга эканлигига қарамасдан, адабиётнинг педагогика билан алоқадорлиги, бошқача айтганда, адабиёт билан таълим-тарбия уйғунлигига доир кўпгина тадқиқотларда фанлар ўртасидаги уйғунлик масаласига фақат бир томонлама – мазкур ишларнинг номланишида қайд қилинганлиги, педагогика ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридангина бир томонлама ёндашилиши кўзга ташланади. Масалан, М.Салаеванинг “Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий-педагогик қарашлари” (1999), Ф.Расулованинг “Аваз Ўтар ўғлининг маърифий-педагогик қарашлари” (1993), Б.Абдурахмонованинг “Таълим босқичларида “Қутадғу билиг” асарини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари” (2007), Р.Атамуродованинг “Адабий таълим жараёнида шоир А.Орипов ижодини ўргатиш усуллари” (2010), М.Жамолиддиновнинг “Юқори синф адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий халқ анъаналари руҳида тарбиялаш (Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижоди мисолида)” (1993) мавзусидаги диссертацияларида бадиий адабиёт намуналари педагогик жиҳатдан ўрганилган ва баъзи ҳолларда муаллифлар асар таҳлили орқали ватанпарварлик туйғулари ҳақида ўз қарашларини айтиб ўтган бўлса, М.Шитькованинг “М.А.Волошин ва С.А.Есенинлар шеъриясида Ватан тимсоли” (1999), Ю.Каримованинг “Пиримқул Қодиров қиссаларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини” (2005), З.Агаеванинг “Расул Ҳамзатов ижодида пейзаж миллий дунёқараш ва бадиий ўзига хослик талқинининг атрибути сифатида” (2004) каби номзодлик ишларида, Баҳром Рўзимухаммаднинг “Чўлпон – тонг юлдузи демак (Чўлпоннинг педагогик қарашлари)”(1997) рисолисида баркамол шахс тарбиясининг филологик хусусиятлар асосида талқин қилинган. Бу тадқиқотларни эътироф этган ҳолда, улардан фарқли ўлароқ, адабиёт дарслари, методикаси мисолида ватанпарварлик туйғулари ўқувчи ёшларга қандай

ижобий мотивация беришини амалий дарслар мисолида талқин қилиш керак деб ўйлаймиз.

Чунончи, юқорида зикр этилган инсоний фазилатлар юксак даражада шаклланмас экан, жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги тўсиқлар, зиддиятлар, ички руҳий зиддиятлар уни ҳалокатга олиб бориши муқаррар. Бу каби таҳдидлардан сақланиш учун адабий таълимни тўғри ташкил этиш талаб этилади. Бунинг учун адабиёт дарсларини қандай ислоҳ қилиш ёки амалга ошириш мумкин? Педагогика тарихидан дарс мақсадига тўла эришишнинг турли йўлларини таълим жараёни бошланмасдан ишлаб чиқиш анъанаси мавжудлиги маълум. Адабиёт ўқитувчиси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълимий мақсадига етиш учун кўп йиллар мобайнида ишлаб чиқилган дарс ўтишнинг куйидаги умумий тамойилларига мурожаат қилиши мумкин: **онглилик ва фаоллик** (*ўзлаштирувчиларнинг билимни фаол иштирок этиб, онгли равишда эгаллаши*); **кўрғазмалилик** (*«юз бор эшитгандан бир кўрган яхши» тамойилига биноан ўқитишда кўрғазмали қуроллардан фойдаланиши*); **тизимлилик ва мунтазамлилик** (*билимни муайян тизимда узлуксиз равишда бериб бориши*); **мустаҳкамлилик** (*қайта такрорлаш билан билимни мустаҳкамлаш*); **тушунарлилик** (*тушунарли, сўзлашув услубига яқин тилда, оммабон йўсинда билим бериши*); **илмийлик** (*болаларда мавжуд билимларга асосланган, улардан келиб чиққан ҳолда билим бериши*); **назария ва амалиёт бирлиги** (*эгалланаётган билимнинг амалиёт билан боғлиқлигини кўрсатиб бериши*)<sup>73</sup>.

Бу тамойилларни педагоглар умумий мезон сифатида қабул қилишган бўлиб, уларни амалга ошириш, ҳар бир дарс мазмун-моҳиятига тўлиқ сингдириш адабиёт ўқитиш методикаси олдидаги долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бунинг боисини аниқлаш мақсадида ўрта махсус таълим тизимининг

---

<sup>73</sup> Зиёмуҳаммадов Б. Педагогика. - Т.: 2006. 91 – 100-бетлар.

босқичида берилган А.Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»<sup>74</sup> асаридаги «Ватанни суймак» мақоласини мазкур тамойиллар асосида ўтиш ҳақида сўз юритамиз.

Ўқувчи «Ватанни суймак» асари билан танишар экан, уни пайдо қилган омиллар, шахсий билиш фаоллиги, билиш даражасининг бошқарилувчанлиги, салоҳияти чегарасини билиши зарур. Бу ўқитувчи томонидан билим бериш тўғри ташкил қилинганда, дарс мақсади аниқ белгиланганда, дарс босқичлари кетма-кетлиги (изчиллиги) таъминланганда мумкин бўлади.

Педагог мавзу билан ўқувчиларни таништиргач, онглилик ва фаоллик тамойили бўйича мавзуга кўра, саволлар бера бошлайди:

**1-қадам.** Ватанни севиш инсон учун қанчалар зарур?

Сизнинг келажагингиз Ватан келажаги билан боғлиқми?

Сиз қандай мақсад ва вазифаларни ўз олдингизга қўйсангиз, юртимиз тобора тараққий этади?

**2-қадам.** Ватанни севиш инсонга нима беради?

Ватан қадрига қачон, қайси воқеа-ҳодисадан сўнг ета бошлагансиз?

**3-қадам.** Ватан ҳақидаги қайси ҳикмат сизга кўпроқ маъқул? Сабабини изоҳланг.

Қайси асарларда ватанпарварликнинг аксини кўргансиз?

**4-қадам.** Ўқувчиларга матндан келиб чиқиб, топшириқлар берила бошлайди. Масалан, «Ватанни суймак» парчасини ўқиб, унинг моҳиятини очувчи савол тузинг ва дафтарингизга ёзинг.

**5-қадам.** Якка тартибда ишлашдан, кичик гуруҳ ёки ҳамкорликда ишлашга ўтиш. Сиз мана шу матндан ҳали англаб етмаган, тўлиқ тушуна олмаган фикрингизни дафтарингизга ёзинг. Ушбу саволнинг жавобини бошқа ўртоқларингиз жавоблари билан солиштиринг.

---

<sup>74</sup>Тўхлиев Б. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. (1-2-қисмлар) – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – 198 б.

**6-қадам.** Матнда берилган асосий фикрларни ажратиб олинг. Матндаги иккинчи даражали фикрлар ҳақида ўз қарашларингиз билан ўртоқлашинг.

**7-қадам.** Матндаги фикрларни амалиётда қўллаш учун қандай йўл тутиш зарурлигини аниқланг.

**8-қадам.** Ушбу матн асосида тенгдошларингиз ўйламаган фикрларни айтишга ҳаракат қилиб кўринг. Ўз фикрингизни ибратли ғоя орқали ифодаланг.

Тамойил талабига кўра ўқитувчи «Нимага?», «Бу ҳақда қандай фикрдасиз?» каби саволларни дарс давомида қайта-қайта ўқувчиларга бериб бориши, якуний натижага мазкур саволларнинг жавоби орқали келиши зарур.

**9-қадам.** Ўқувчиларнинг билимларини таҳлил қилиш, фаол, мустақил фикр эгаларини рағбатлантириб бориш. Бунда ўз-ўзига баҳо қўйиш ва ўзгалар фаолиятини баҳолаш каби усуллардан фойдаланиш ҳам назарда тутилади.

Ушбу тамойил асосида ишлаш қоидалари иштирокчилар билан бирга дарсдан олдин ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Шунда ўқувчилар умумий ва шахсий қоидаларга бўйсунтириш инсондан қатъият талаб қилишини англайдилар.

**Кўргазмалилик тамойили.** Одатда, ўқитувчиларнинг аксарияти кўргазмалилик талаб қилинадиган дарслар мавзуси ва мақсадини амалга оширишга мўлжалланган кўргазмали қуролларни имконияти даражасида олдиндан тайёрлаб қўйишади. Бу, албатта, яхши. Бироқ замонавий ўқитиш усуллари ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорликда, бевосита дарс жараёнида, эҳтиёж туғилган вазиятда турли хил кўргазмалар тайёрлашини ҳам тақозо қилади. Бу эса, ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида ўзинининг ҳамда ўқувчиларнинг имкониятларини эътиборга олиши зарурлигини кўрсатади. Бу жараённи қуйидагича режалаштириш мумкин:

**1-қадам.** Ўқитувчи иштирокчиларга ўзи тайёрлаб келган А-4 қоғози ва рангли маркерлар тарқатади. Ўтилган матн асосида ўз хаёлот дунёсида кашф этган ғояларни тасвирлаш топшириғи берилади.

**2-қадам.** Ажратилган вақт тугагач, барча ўқувчилар чизган расмларини ёнидаги дўстларига кўрсатадилар ва ўхшаш ғоялар тасвирланган сурат эгалари алоҳида гуруҳда жамланадилар.

**3-қадам.** Ғоявий алоқага эга тасвирлар эгалари суратларидаги боғлиқликни умумий баён этиш учун кетма-кет бир-бирини мантиқан давом эттирган қисқа ҳикоялар тайёрлашади. Ҳозирликка 3 дақиқа, тақдимотга 2 дақиқа берилиши мумкин.

**4-қадам.** Бутунлай бошқача, ҳеч кимникига ўхшамаган ғоялар тасвирланган сурат эгаларидан алоҳида туришлари сўралади. Кичик гуруҳлар тақдимотидан сўнг ана шу ўқувчиларнинг фикрларини эшитиш тавсия этилади. Агарда тасвирлаган расмлари ўртасидаги боғлиқликни бошқа ўқувчилар топа олсалар, уларнинг фикрлари тингланади.

**5-қадам.** Шу ўринда мазкур расмлар қандай янги ахборот берганлигини аниқлаш, тасаввур қилиш ва идрок этиш орқали фаолликни ошириш, турли вазиятларга тушиб қолиш ва бу вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини топиш.

**6-қадам.** Сиз режиссёр бўлганингизда «**Ватанни суймак**» асари асосида қандай видеофильм, ҳужжатли фильм, видеоролик... яратар эдингиз?

**7-қадам.** Ушбу мавзунини ўзлаштиришда турли кўргазмалар воситалар ёрдамида ўқувчилар онги ва қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғусини кучайтиришга диққат қаратади.

Адабий таълимда ўқитувчи қўллаши мумкин бўлган тамойилларнинг галдагиси «**тизимлилик ва мунтазамлик**» асосида ўтиладиган дарс ишланмаси қуйидагича бўлади.

**1-қадам.** “Ватанни суймак” мавзусига доир билимлар мантиқий тугал бўлақларга ажратиб чиқилади.

**2-қадам.** 3-5-дақиқа ичида иккита мантиқий тугал бирликни жуфтлаб, умумлаштириш, сўнг 3 та умумлаштирилган мантиқий бирликларни кетма-кетлик асосида кичик матнга айлантириш топшириғи берилади.

**3-қадам.** Тузилган матн тақдимот этилади, ўз ёки бошқа гуруҳ томонидан тўлдирилади, савол-жавоб ёрдамида мустаҳкамланади, айти дамда, хуснихат, имловий, услубий хатолар тузатилади.

Ўқитувчи шу жараёнда ўқувчининг билимини, мустақил фифрлаш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди. Таълимий мақсадга эришмоқ учун ўтилган бадий асар мутолаа қилинади, таҳлил этилади, матн асосида тузилган саволлар ёрдамида унинг ғояси, бадий тасвир воситалари, бадий қиммати очиқланади. Энди навбат, мантиқан, **мустаҳкамлаш** тамойилига етиб келди.

Бу тамойилда эслаб қолишдан кўра фикр юритиш устунлик қилади. Зотан, эгалланган янги маълумот ёки билим ҳар жиҳатдан теран таҳлил қилиниб, яхши тушуниб етилгандан ва тўғрилигига қатъий амин бўлингандан сўнггина хотирада сақланиши лозим.

**1-қадам.** Ўқувчи янги билимни хотирада сақлаб қолишнинг энг қулай, қисқа, осон йўллари ёрдамида эгаллаши керак.

**2-қадам.** Ўтилган асарнинг бош ғоясини ассоциациялаш (бирор нарсага ўхшатиш) орқали ёдда сақлаш кўникмасини шакллантириш.

**3-қадам.** Ўқувчини тайёрламай, қизиқиш ва ижобий муносабатини шакллантирмай туриб, янги мавзуни бошламаслик.

**4-қадам.** Ўқувчининг янги мавзуни чуқур ўзлаштириши мақсадида «Ребус», «Ўйла, изла, топ!» каби мустақил ишлардан фойдаланиш.

**5-қадам.** Амалга оширилган индивидуал ишларни мустаҳкамлаш машғулотида тақдимот қилиш.

**6-қадам.** Ўқувчилар бажарган ишларни уларнинг ўзи ва ўқитувчи баҳолаши, баҳоларни изоҳлаш орқали фаолликни ошириш.

**Тушунарлилик тамойили.** Унинг замирида тезаурус қонуни<sup>75</sup> этади. Мавзу ўқувчининг тезаурусига мос тушса, теранроқ эгалланади.

«Тезаурус» – лотин тилидан олиниб, «хазина» маъносини англатади. Инсон тўплаган билим, кўникма ва фикрлаш услуби унинг тезаурусини ташкил

---

<sup>75</sup> Зиёмухаммадов Б. Педагогика. - Т.: 98-бет.

қилади. Тушунарлилик тамойилига кўра ўқувчи унга ўргатилган билимларни чуқур ўзлаштириши зарур. Ўқитувчи дарс жараёнида тушунтиришни оддийдан мураккабга, маълум нарсалар орқали номаълум нарсаларга қараб ривожлантириб боради.

**1-қадам.** Ўқувчиларга матндаги изоҳталаб сўзларни ажратиш вазифаси берилади.

**2-қадам.** Нотаниш сўз ҳамда атамалар устида ишлаш.

**3-қадам.** Ўқувчиларнинг билим даражасини индивидуал қобилияти асосида белгилаш.

**4-қадам.** Билимни тушунтириш жараёнида ўқувчи ўзлаштиришига ёрдам берган омилларни ва бу жараёнга тўсиқ бўлган жиҳатларни таҳлил қилиш.

**5-қадам.** Ўқитувчи содда, раво тилда тушунтириши, билим эгаллаш йўллари кўрсатиши лозим.

**6-қадам.** Ўқитувчи ўқувчига бор ахборотни бериб қўймай, уни маълумотни топишга йўналтириши зарур. Бунда «Ҳамма бир-бирига ўргатади» усули қўлланилиб, ўқувчилар янги мавзунини бир-бирига тушунтиришиши тақозо этилади. «*Очга балиқ бермай, балиқ тутишини ўргатсанг, бир умр тўқ яшайди*» деган хитой халқ мақолидаги каби адабий таълим жараёнида ҳам ўқувчига тайёр билимни эмас, уни эгаллаш йўллари ўргатиш керак.

**Илмийлик тамойили.** Бу тамойил асосида ўқувчи ихтиро қилиш, илмий мушоҳада юритиш, қонуниятлар асосида ўз фикрини асослашга ўргатилади.

**1-қадам.** Ўқитувчи ўқувчиларга «Ватан» мавзусига таъриф топиш топширигини беради.

**2-қадам.** Яратилган таъриф манбалардагиси билан солиштирилиши мумкинлиги айтилади. Дарсликда баён қилинган фикр билан қиёсланади.

**3-қадам.** Жуфтлик ёки кичик гуруҳда яратилган таърифнинг илмий асосларини таҳлил қилиш. Бу жараёнда танқид ёрдамида шарҳлаш кўникмалари шакллантирилади.

**4-қадам.** Ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириш ва баҳолаш.

Шу ўринда ўқитувчининг вазифаларини амалий фаолият орқали тўлиқ кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддиновнинг VII синф адабиёт дарслигида берилган «**Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан**» номли асари мисолида ватанпарварликни дарс жараёнига татбиқ қилиш механизмини ҳавола этамиз.

**Адабиёт ўқитувчиси ўқувчилар эътиборига қуйидаги маълумотни ҳавола этади:** адабиётшунос олим театр залида «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан» номли шеърни бехосдан эшитиб қолади. Худди онадан қайта туғилгандек томирларида янги куч, ғайрат-шижоат сезади. Ватан туйғуси сўнмас тимсол эканини мурғак қалбида илк бор англайди. Ватан тушунчаси муайян жуғрофий ҳудуднигина англамайди, балки у миллат ва бутун жамият, унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги демакдир. Дунёқараши, касб-кори ва ҳаёт тарзидан қатъи назар, инсон учун Ватан қадрли. «Ватан менсиз ҳам мавжуд ва муқаддас, лекин мен Ватансиз ҳеч кимман». Инсон Ватан олдидаги фарзандлик бурчини тўла-тўқис ўташ учун бир умр ҳаракат қилади. Ватанни чин юракдан севиш, унга фидо бўлиш тил билан эмас, балки уни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, зарур бўлганда фидойилик орқали намоён бўлади.

Ўқувчилар мазкур матн билан танишиб чиққач, дарснинг асосий қисмига ўтилади.

**Билим.** Ўқувчи Ватан, Ватан туйғуси, Ватан муҳаббати ҳақида назарий билимларни эгаллайди.

**Кўникма.** Бу туйғу туғма бўлиб, у инсоннинг умри давомида ўрганилиб, хатти-ҳаракатлари, юриш-туришини бошқариш ва юртга дахлдорлик имкониятини шакллантиради.

**Малака.** Ватан тушунчаси ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил бўлади. Ўзлигини англайди. Юртни ардоқлаш, фидо бўлиш, ватанпарварлик каби азиз ва ардоқли туйғулари ривожланади.



Адабиёт ўқитувчиси мазкур дарс мобайнида ўқувчиларига ватанпарварлик мавзусини янада чуқурроқ англатиш, ўзлаштирган билимларини мустаҳкамлаш учун тахминан қуйидагича вазифа ва топшириқлар бериши мумкин:

Индивидуал тарзда «Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан» иборасини изоҳланг.

Учта оддий сўздан иборат бу оташин хитоб инсон умри бўйи амал қиладиган тантанавор қасамёдга ўхшашининг сабабини кўрсатинг.

«Ватан», «Ватан туйғуси», «Ватан муҳаббати» тушунчаларига ўз фикрингиз орқали муносабат билдиринг.

«Ватан»тушунчасининг сўнмас қиёсини топишга ҳаракат қилинг.

«Ватанни англаш» мавзусида бошланғич синф ўқувчиларидан, ака-опаларингиздан, ота-онангиздан, ёши улуғ кишилардан интервью олинг. Ушбу интервьюлардаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни солиштиринг, муносабатингизни ёзма баён қилинг.

Амир Темури, Алишер Навоий, Имом Каримов, Озод Шарафиддиновларнинг ватанпарварлик борасида амалга оширган ишларининг уйғун ва фарқли жиҳатлари, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини қандай оқлай олганлиги тўғрисида ўз фикрларингизни ёзинг.

Ватан олдидаги фарзандлик бурчи... жадвални тўлдиринг.

2.1.1-жадвал

Т/р	Танланган шахс	Танланган шахс	Танланган шахс
	Бадий сўз	Стратегик амалиёт	Адабий жараён
Ижодий ишлар тематикаси	Алишер Навоий — шоир	Амир Темури — буюк саркарда	Озод Шарафиддинов — мунаққид

«Ватан – инсон қисматида битилган қутлуғ маскан» гапини ўз фикрларингиз билан изоҳланг.

*“Ватан тушунчаси муайян жузрофий ҳудуднигина англамайди, балки у миллат ва бутун жамият, унинг ўтмиши, бугуни ва келажаги демакдир”,* деган фикрларни ўз қарашларингиз орқали давом этиринг.

**«Ватанпарварлик»** инсоннинг юксак маънавияти, маърифати ва маданияти белгиси эканлигини жонли мисоллар орқали баён қилинг.

Ватанни севишни қайси асар қаҳрамонлари тимсолида ўрганиш мумкин. Ўз нуқтаи назарингиз билан мустақил фикр билдиринг.

Матнда берилган муаллифгагина хос бўлган туйғуларни қиёслаш учун келтирилган мисоллар, экологик муаммолар, замондошларимизнинг ватанпарварлик хислатлари, жадидчилик ҳаракати вакилларининг ибратли ишларини **«Ватанпарварлик тарбияси»га оид тушунчалар»** ҳамда **«Ватан равнақи йўлида менинг улушим»** каби кичик матнларга ажратинг.

Дарсдан кўзланган мақсадга эришмоқ учун адабиёт ўқитувчиси мавзунини аниқ тушунтириши, ўқувчи иштироки нега муҳимлигини аниқлаши, матндаги асосий муаммони ажратиб олиши ва ўқувчиларнинг муҳокамада фаол қатнашувига имкон бериши, ўқувчини матндаги муаммони илмий ёки қиёсий таҳлил орқали ечишга ўргатиши, ўқувчининг матндаги муаммони ҳаёт билан билан боғлаши ва тўғри хулоса чиқаришига эришиши лозим. Бундай ёндашув, ўз навбатида, ўқувчиларнинг мутолаага ва фикрлашга қизиқишини оширади.

Адабиёт дарслари жараёнида олиб борилган шу хилдаги «кичик тадқиқотлар» ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатишда, шунингдек, муаммонинг илдизини олдиндан кўра олиш, асосий ғояни ёрдамчи ғоялардан ажратиш ва келажакка йўналтирилган тафаккурни ўстиришда алоҳида аҳамиятга эга. Барқарор дунёда яшаш учун инсонлар барқарор илм олмоғи ва келажакни яққолроқ тасаввур этишлари учун унга олиб борувчи йўлларни яхши билишлари зарур. Бундай омил ўқувчи шахсини мустақил таълим олишга йўналтиради, бадиий-эстетик тафаккурини бойитишга ёрдам беради.

**Назария ва амалиёт уйғунлиги тамойили.** Бу тамойил эгалланган билимни амалиётда синаб кўришга мўлжалланган бўлиб, бажарилган машқлар

ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларнинг билими даражасини баҳолайди. Бу тамойил ўқувчини касбга йўналтиради, қизиқишларини орттиради, ақлий меҳнатнинг жисмоний фаолият билан боғлиқлигини англатади.

Таълим-тарбия ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги мақсадли фаолияти натижаси бўлиб, инсоният тажрибасининг муайян ижтимоий тараққиёти негизида такомиллашади. Бу жабҳада ўқитувчининг фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларнинг фанга қизиқишини ўстириш ҳамда уларни мустақил, ижодий тафаккурга рағбатлантиришдан, ўқувчининг билим даражасини назорат қилиш ва баҳолашдан иборатдир.

Ўқувчининг фаолияти фан материалларини ўзлаштириш, фанлараро алоқа ва боғланишни англаш, изоҳлаш, таҳлил этиш ва умумлаштиришдан иборат бўлади. Бунда ўқувчига, унинг ёши, қизиқиши, иқтидори ва имконияти асосида, шахсий ўй-фикрлари, дунёқараши, инсоний фазилатлари ва характери нуқтаи назаридан ёндашиш тақозо қилинади.

Ҳар иккала фаолиятда ҳам ўқувчини ватанпарвар этиб тарбиялашнинг таълимий мақсади дарсда бажарилган бутун фаолият (*ўқув материалларини ўзлаштириш, билимини бойитиш, фан хусусиятига мос илмий янгиликларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш* кабилар) асосида бу туйғуни ўқувчи ёшлар шуури ва қалбига чуқур сингдириш билан белгиланади. Юқоридаги ўқув фаолияти негизида ўқувчи имон-эътиқоди, дунёқараши, юксак туйғулари (ватанпарварлик, юртсеварлик каби)ни шакллантириш ҳам кўзда тутилади. Дарс (ўқув фаолияти)нинг ривожлантирувчи мақсади таълим-тарбия жараёнида шахс ақлий камолоти, билиш қобилияти, ўқишга ва амалий меҳнатга бўлган рағбатини кучайтиришдан иборат.

Фаслда билдирилган мулоҳазалар, илмий-назарий кузатишлар ва амалий машғуотлар асосида адабиёт дарсларида ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришда дидактик тамойилларнинг ўрни ҳақида қуйидаги хулосаларга келдик:

– бу тамойиллар нафақат адабиёт, балки барча фанларни ўқитиш жараёнига, мақсад ва вазифаларига бирдек монанд тушади;

– адабиёт дарсларида ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтиришда бир бутунлик, яхлитлик тамойилини қўллаш баркамол шахс тарбияси соҳасида юқори натижаларга эришиш имкониятини кенгайтиради;

– маданиятни англаш тамойили мамлакатда юз берган маданий ўзгаришлар, эришилган муваффақиятлар, замонавий фан-техника имкониятлари билан ўқувчини таништиради;

– адабий таълимда ёшларни ватанпарварлик руҳияда тарбиялашда қўлланадиган энг самарали дидактик тамойил — инсонпарварлаштириш ва инсонийлаштириш тамойили эканлиги тадқиқот мобайнида аёнлашди;

– узлуксиз таълим тамойили эса адабиётни ўқитиш жараёнининг доимий равишда давомий, узвийлиги ва изчиллигини белгилайди.

## 2.2. Адабиёт фани ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи омил сифатида

Адабиёт бадиий ва илмий тушунча сифатида пайдо бўлганидан буён қизгин мунозаралар, жиддий тадқиқотларга сабаб бўлиб келмоқда. Чунки бошқа фан ва санъатлар инсоннинг бирор қиррасигагина тегишли бўлса, адабиётни инсонни тўла қамраб олади. Энг инсоний ҳодиса, энг инсонлашган илм сифатида адабиёт фани ўқувчиларнинг эстетик ва ғоявий-ижтимоий тарбиясида ғоят муҳим роль ўйнайди.

Азалдан Шарқ «адабиёт»ни бадиий сўз маҳорати ҳақидаги таълимот<sup>76</sup>, «илми адаб»<sup>77</sup> тарзида қабул қилиб келган. Дунёда яшаётган барча халқларнинг ўз миллий адабиётлари бор. Бироқ у чегара билмас, миллат танламас умуминсоний ҳодисадир. Алишер Навоий, Бобур, Лев Толстой, Чингиз Айтматовлар асарларидаги умумбашарий ғоялар талқини бунинг исботидир.


Ҳар қандай адабиёт, аввало, оммавий ҳодисадир, у муайян миллат ва жамиятнинг маънавий бойлиги ҳисобланади. Иккинчидан, адабиётни у мансуб бўлган ижтимоий-маънавий бирликнинг энг истеъдодли аъзолари яратади. Учинчидан, адабиётнинг жозибадор, ўзига маҳлиё этувчи кучини унинг бадиийлиги таъминлайди. Мукамал бадиий қаҳрамонлар, кўркем лавҳалар, гўзал ифода тарзи, сўзларни қўллаш санъати бадиийликнинг таркибий қисмларидир.

Шу ўринда узлуксиз таълим тизимида адабиётнинг муҳим 3 хусусиятини тадқиқ қиламиз:

---

<sup>76</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. - Т.: 2005., 5-бет \ \ Муҳаммад Ғиёсиддин бинни Жалолиддин Ромпурий. “Ғиёс ул-луғат”. Ҳиндистон. 1827 йил.

<sup>77</sup> Иззат Султон. Адабиёт назарияси. - Т.: 2005., 7-бет \ \ “Муаййид ул-фузало”, “Мунтахаб ул-луғат”, “Баҳори Ажам”.



2.2.2- расм. Узлуксиз таълим тизимида адабиётнинг муҳим уч хусусияти.

Тадқиқот мобайнида маълум бўлдики, «... адабиёт учун Инсондан қизиқ, Инсондан қадрли, Инсондан азиз ва инсондан ваҳший, ёвуз, йиртқич «муаммо» йўқ экан! Ва, демак, унинг мангу вазифаси ана шуни... ёзиш, очиб, кашф этиш, ҳа-ҳа: энг пинҳон тарафларини очиб билиш, пироварди, ана шу тариқа эзгуликка... инсон камолотига хизмат қилишдир»<sup>78</sup>.

Шу жумладан, узлуксиз адабий таълимнинг бош вазифаси ҳам ўқувчиларни эстетик завққа эга, бадиий жозибани, маънавий масъулиятни ҳис қиладиган шахслар сифатида тарбиялашдан иборатдир.

Аммо баъзи педагоглар ва «методик қўлланмаларнинг авторлари адабиётни фақат ўқув материали деб ҳисоблаб, адабиёт дарслари болаларга

<sup>78</sup> Йўлдошев Қ., Ёниқ сўз. - Т.: 2006., 7-бет.


фақат план тузишни, қаҳрамонга характеристика бериши йўлларини, унинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришни ўргатади деб талқин қиладилар. Улар адабиётнинг эстетик таъсирини, шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам беришни иккинчи ўринга қўйдилар, баъзан адабиётнинг бу хусусиятини батамом унутиб қўйдилар»<sup>79</sup>. Адабий таълимда эса бу омилларсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш у ёқда турсин, уларда мавжуд туйғуларни такомиллаштириш ҳам имконсиз бўлади. Адабиёт ўқитувчиси чуқур билимли бўлиш билан бирга кўнгил кишиси ҳам бўлиши шарт. Адабий таълимда «ўқитувчининг ҳар бир дарси, унинг ўқувчилар билан ўтказадиган ҳар бир машғулоти ўзига хос бир «тажриба»дир, чунки ўқитувчи ўз олдига қандайдир бир проблемани қўяди ва бунини тажриба қилгандан сўнг... хулосалар чиқаради». Адабиёт дарсларини ўқитиши жараёнига шаклланган қолип асосида ёндашиш ўзини оқламайди. Адабиётда ҳаминиша ўқитувчи ижодкорлиги учун имкон ва вақт қолиши керак, «адабиёт ўқитишига педагогик қолип эмас, ижод деб ёндашишининг оқибатида»<sup>80</sup> таълимий мақсад тўла қозонилиши мумкин. Дарс бериш ижодкорликнинг юксак намунасидир, ҳақиқий профессионал адабиёт ўқитувчиси дарс ўтибгина қолмайди, балки дарс жараёнида яшайди, ўқувчиларни одатдаги яшаш тарзидан ўзгача дунёга олиб киради, уларни таълимга қизиқтиради, илм олишларини осон ва ихтиёрий фаолиятга айлантиради.

Дарснинг сифати ва самарадорлигини белгиловчи омиллар қуйидаги чизмада ўз аксини топган:

---

<sup>79</sup> Долимов С.ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи. 1967., 52-бет.

<sup>80</sup> Қ. Йўлдошев. Адабиёт методикасининг қарвонбошиси. Тил ва адабиёт таълими журнали. 2007., № 4-сон 20-бет.




2.2.3-расм. Дарс сифати ва самарадорлиги.

Бир қараганда, мазкур омилларнинг ўқитувчи ижодкорлиги, унинг кўнгили одами эканлигига буткул алоқаси йўқдек туюлади. Аслида эса айнан ижодкор шахс ўзида ташкилотчилик, ҳужжат ишларини мунтазам ва тўғри олиб бориш, ўқувчиларни баҳолашда керак бўладиган кузатувчанлик ва умумлаштиришда фарқли жиҳатларини уйғунлаштира олади.

Адабиёт ёшлар маънавиятини озиклантирувчи, тафаккурини ўстирувчи, мустақил фаолиятни мантиқий изчилликда, рағбат туйғуси билан бажаришларига эришиши, барчага бирдай тушунарли, таъсирли экани билан бошқа фанлардан афзалликка эга. Тадқиқот мобайнида «**Ватанни севиш керак, у муқаддасдир, ягонадир**» тарзидаги шиорлар ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини кучайтирмаслиги, акс таъсир этиши аниқланди. «Широқ», «Тўмарис», «Ватанни суймак» сингари насрий асарлар, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърларининг бадиий таҳлили эса дарс олдида қўйган таълимий мақсадни амалга оширишда муҳимдир.

Дарснинг сифати ва самарадорлигини белгиловчи иккинчи омил бу ўқитувчи ҳисобланади ва қуйидаги чизмада ўз аксини топган:





2.2.4.- расм. Дарсинг сифати ва самарадорлигини белгиловчи омил.

Ўқувчи кўнглида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, бу туйғу ялтироқ шиор эмас, кишининг инсонийлигини белгиловчи мезон эканлигини

сингдириш адабиёт зиммасида эканлиги боис шу соҳанинг ўзидаги янгилик ва ўзгаришларга тадқиқот мобайнида кўп аҳамият қаратилди. Таълим жараёнида ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш омиллари етакчилик қилиши учун, аввало, таълим жараёни ислоҳ этилиши зарур. Қ.Йўлдошевнинг **«Янгиланган педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари»**<sup>81</sup> тадқиқотида адабий таълимнинг янгилиниш омиллари алоҳида кўрсатилади:

1) *ижтимоий*;

2) *илмий*;

3) *педагогик*.

«Занжир реакция»си талабига кўра, арзимас туртки ёки ҳодиса ўзига бевосита тегишли бўлганига таъсир ўтказди, у ўзидан кейингисига ва шу тарзда бутун бошли система таъсирланиб, вазиятини ўзгартиради. 1991 йилда содир бўлган глобал миқёсдаги сиёсий ўзгариш туфайли Ўзбекистон жамияти, ўз навбатида, одамларнинг ижтимоий тафаккури ўзгарган бўлса, 2017 йилдан бошлаб сўз эркинлиги, одамлар дару-ташвишини тинглаш ва уларга амалий кўмак бериш кун тартибидаги долзарб масалага айланди. Мантиқан, ўзгарган тафаккурли одамлар одатланилган тарзда фикрлай, ишлай, ўқий ва яшай олишмасди. Шу тарзда ўзбек илми ўзгарди, сир сақланган кўплаб тарихий маълумотлар ошкор этилди, деярли бутун илм соҳаси янгича — қараш мезонлари асосида қайта талқин этилди. Бу таълим тизимининг барча босқичларида ўтиладиган фанлар моҳияти, мақсади ва мундарижасини ҳам ўзгартириб юборди. Янгича фан таълимнинг ўзгача усули, тарбиянинг янги шакллари талаб этарди. Тадқиқотимиз мавзусининг долзарблиги шу жиҳатда ҳам намоён бўлади.

Методист Қ.Хусанбоева ўз тадқиқотида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатувчи умумдидактик омилларни таълим методлари сифатида тақдим этади.

---

<sup>81</sup> Қ.Йўлдошев. Адабиёт методикасининг қарвонбошиси. Тил ва адабиёт таълими журнали. 2007., № 4-сон 20-бет.

Унингча, бундай омиллар ҳар бир соҳада мавжуд бўлиб, шу соҳа ривожини таъминловчи, иш жараёнини тартибга солувчи, амалга ошириладиган фаолиятнинг изчиллигини таъмин этувчи механизмдир. Адабий таълим асносида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ўзига хос ижтимоий, психологик, педагогик ва дидактик омиллари мавжудлиги ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Адабий таълим тизимимизда рўй берган туб ўзгаришларнинг омили ижтимоий ислохотлар эканлиги тадқиқотда бот-бот тилга олинди. Таълимнинг барча боқичларидаги адабиёт дарслари таълим олувчиларни оламшумул аҳамиятга эга бўлган мамлакат иқтисодиётидаги, миллатнинг маънавий дунёсидаги соғлом тозаришдан бохабар қилиш, уларни ҳаққоний баҳолаш, илғор ғояларни дарс жараёнида аудиторияга сингдириш, давлат ва таълим орасидаги муносабатлар ҳақида гапириш ва далиллар асосида баҳолаш, ижтимоий тараққиётнинг йўналиш ва муаммоларини бадиий матн ёрдамида ўқувчилар эътиборига ҳавола этиш, ижтимоий ўзгаришсиз ҳозирги адабиёт бўлмаслиги ва, аксинча, адабиёт мавзусининг ўзгарганлиги ижтимоий ислохотларга туртки бўлганлиги ўзаро таъсир натижаси эканлигини ўқувчилар билан ҳамкорликда ойдинлаштириш адабий таълимнинг ижтимоий омили саналади. Адабий таълимда ижтимоий омиллар вазифаси миллий таълимда амалга оширилган ишлар мазмунининг аҳоли дунёқарашига мослиги; Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаро умри давомида илм олиш имконига эгаллиги; мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти бевосита одамлар ҳаётининг сифати ва таълим даражасига боғлиқлиги; ёшларнинг интеллектуал ривожланиши мамлакат тараққиётидан келиб чиқиши; миллий ғояларни таркиб топтирувчи тушунчаларнинг таълим анъаналари ва қадриятларига мослиги; ўқувчилардан жаҳон андозаларига муносиб рақобатбардош кадрларни етиштириш орқали юрт истиқболи, Ватан равнақини таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Адабиётнинг энг кичик матнларидан тортиб энг йирик роману дostonларигача инсон руҳияти таҳлили мавжуд. Тасвирланаётган воқеа-ҳодиса,

асар қаҳрамонлари тушиб қолган вазият руҳий асосларга эга бўлмаса, улар шунчаки воқеалар баёнига айланади. Адабиётнинг оммавий таъсир кучини таъминловчи унсурларнинг асосийси ҳам бадиий асар ташиган руҳий қувват саналади. «Ўтган кунлар» романидаги Отабек ва Юсуфбек ҳожининг зиндонбанд этилиши, Юсуфбек ҳожининг қипчоқ қирғини олдидан куюниб билдирган мулоҳазалари, ўз ҳолича, ўқувчини таъсирлантормаслиги мумкин эди. Аммо Қодирий Отабекнинг қамалишдаги ва ундан кейинги руҳий ҳолати, изтироблари, озодликдаги қувончи, Юсуфбек ҳожининг эса сарой аъёнлари билан суҳбатлашгандагина кайфияти, юрагини ўртаб юбораётган изтироблари ўқувчини ўйлантиради, қаҳрамонларининг руҳий ҳолатига туширади, изтиробларини юқтиради, демакки, уларда ҳам шунчалар кучли ватанпарварлик туйғуси шаклланишига туртки беради. Адабий таълим ўз олдига қандай мақсад қўямасин, уларнинг барчасига психологик омиллар ёрдамида эришади. Унинг тарбиявий аҳамияти ҳам психологик омиллар туфайли юзага чиқади — ўқитувчи ўқувчига яхши бўл, ватанингни сев, катталарни ҳурмат қил, юраги тоза, кўнгли очиқ инсон бўл, ўз «мени»нинг ва ўзгаларни улуғла, деб насиҳат қилмайди, бу ўша гапларни қадрсизлантиради, холос. Адабиёт ўқитувчиси мақсадига мос бадиий асардаги руҳий таҳлил ёрдамида юқоридаги жиҳатларнинг барчасини ўқувчига «юқтиради».

Ватанпарварликни шакллантирувчи психологик омиллар эса — таълимнинг турли босқичларида *ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий ҳолатни эътиборга олиш; бадиий матннинг ўқувчи қизиқишига мос тушиши; ўқувчилар истеъдоди уларнинг ривожланиш босқичига мослиги; ёшлар дунёқарашини ҳис-туйғуларига таъсир қилиб бойитиш* (энг кўламли ва ишончли усул); ўқувчи диққат-эътиборини тортишда унинг *руҳий олами билан ҳисоблашиш; ёшларнинг билимни хотирада сақлаш, ҳаётий кўникмага айлантириш* эҳтиёжини қондириш; ўқувчилар *характери ва фазилатларини* такомиллаштириш; табиат тасвирининг бадиий ифодаси *бош қаҳрамонлар руҳиятини очишга хизмат қилишини* ўқувчиларга таҳлил ёрдамида кўрсатиш;

*инсоний туйғулар ҳамиша жамият ва борлиқ билан уйғун бўлишини ўқувчиларга англантишдан иборат.*

**Педагогик омиллар.** Инсоннинг маънавий юксалишида тарбиявий анъана-удумлар ўрни беқиёсдир. Шу боис адабиёт фан сифатида педагогик омилларсиз тараққий этмаган бўларди. Ўқувчилар салоҳиятини оширишда педагогика таълим фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучдир. Ҳар қандай жамиятни ривожлантирувчи икки куч: *таълим* ва тарбиядир.

Адабиёт дарсларида ватанпарварликни тарбиялашда ўқитувчи қуйидаги педагогик омилларга суянади:

- педагогика тарихига оид кўп йиллик тажрибалар;*
- педагогик маҳорат ва маданиятнинг уйғунлиги;*
- миллий адабий-маърифий меросга муҳаббат ва уни ўзлаштиришга бор кучини сафарбар этиш;*
- мамлакатда миллий педагогик қарашларнинг устуворлиги;*
- ўтмишдаги таълим-тарбия самарадорлиги сабабларини чуқур таҳлил ва танқидий ёндашув орқали топиш;*
- шахс камолотида таълим ва тарбия уйғунлигига эришиш;*
- таълим самарадорлигини таъминлашда илғор педагогик технологиялар имкониятидан фойдаланиш кабилардир.*

**Дидактик омиллар.** Адабиёт ўзининг дидактик кучи, ўқувчиларга насиҳатни билвосита айтиши ва таъсир кучи билан жамият ривожига беқиёс ҳисса қўшади. Баркамол шахсга хос фазилатлар: тил софлиги, эътиқод мустаҳкамлиги, ўзликни англаш, унутилаётган умумбашарий, миллий ахлоқий фазилатларни асраш ва такомиллаштириш, Ватанга муҳаббат ва унинг олдидаги бурчига масъулият адабиётнинг дидактик кучи таъсирида шаклланади. Бу борада кутилган самарага эришиш учун қуйидаги дидактик омилларга таянилиши керак: *оилавий муносабатларни эъзозлаш; шарқона тарбия устуворлиги ва изчиллигини сақлаш; ахлоқий меъёрларга қатъий риоя этиш; катталардан ўрнак олиш; атрофдагиларга дўстона муносабатда*


*бўлиш; шахсий муаммо ва ҳаётий вазиятларини таҳлил қилиб, ечимини топиш; буюк аجدодларимиз ва қаҳрамон замондошларимизнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолиятини ибрат мактаби сифатида кўрсатиш; ёшларда меҳнатсеварлик ҳиссини шакллантириш воситасида муайян касбга меҳр уйғотиш.*

**Маънавий-маърифий омиллар.** Миллатдошларимиз, умуман, шахс маънавияти ва маърифати масалалари адабиёт дарсларининг моҳиятини ташкил қилади. Миллий мафкура миллатнинг асрий анъаналарига, кадриятларига таянади. Айниқса, адабиёт дарслари орқали ёшлар шуурига миллий руҳни сингдириш Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Миллатнинг маънавияти мунтазам юксалиши, тафаккури муттасил ўсиши авлодларнинг интеллектуал даражасига боғлиқ. Адабиёт, бошқа ўқув фанлари сингари, қуйидаги маънавий-маърифий омилларга рағбатни оширади:

- *ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий тадбирлар;*
- *халқ руҳиятини ифодаловчи маънавий-маърифий кечалар;*
- *миллий удумлар, расм-русум ва маросимлар;*
- *инсоний кадриятлар ва исломий ақидалар моҳиятини очувчи маърифий учрашувлар;*
- *буюк аجدодларимиз ибратли ҳаёт йўли акс этган ҳужжатли ва бадий фильмлар;*
- *она юртга ихлос, чуқур меҳрнинг тимсолига айланган миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги бадий асарлар;*
- *юрт табиатини тарғиб қилишга бағишланган тадбирлар;*
- *истиқлол мафкурасига хизмат қилувчи матбуот материаллари;*
- *оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигидаги маънавий тадбирлар;*
- *ёзувчи, шоирлар ва адабиётшунослар асарларидаги миллий руҳ ифодаланган бадий образлар ҳамда улар таҳлили;*
- *Ватан ҳимоячилари билан давра суҳбатлари ва ҳоказолар.*

Қуйида дарсдан ташқари машғулотларда ватанпарварлик тарбиясига доир маънавий-маърифий тадбирнинг намунавий лойиҳаси ва дастури келтирилади:



2.2.5. - расм. Дарсинг сифати ва самарадорлигини белгиловчи омиллар жамламаси.

Узлуксиз таълим тизими учун ватанпарварлик циклидаги синфдан ташқари машғулотлар лойихаси  
Умумий ўрта таълим учун

**Биринчи машғулот:** Юрт тараққиётига шахсий ҳисса қўшиш

**Ўтказиш шакли:** қисқа маъруза, кичик гуруҳда ишлаш.

Ўқитувчи юрт тараққиёти, Ватан равнақи тушунчалари ҳақида қисқа маъруза қилади. Сўнг ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Гуруҳларнинг ҳар бирига «Ватанпарварлик» ва «ватанфурушлик» сўзларини таърифлаш ҳамда «Т» схемаси орқали унинг хусусиятларини қайд этиш топшириғи берилади.

Гуруҳлар ўз жавоблари ва қарашларини тақдимот воситасида ҳимоя қилишади. Улардан топшириқни бажариш жараёнида чиқарган хулосаларини бирор бадий образ қиёфасида пантомима ёрдамида кўрсатиб бериш сўралади.

«Мен Ватанга нима бердим» мавзусида суҳбат ташкил этилади ва ўқувчилар ўзаро муҳокамага киришишади. Ўқитувчи ўқувчилар фикрини хулосалайди. Мавзунини яқинлаш учун «Термометр» машқи ўтказилади.

**Иккинчи машғулот:** Қийинчиликдан қўрқмаслик

**Ўтказиш шакли:** якка, жуфт ва кичик гуруҳ ҳолида ишлаш.

Ўқувчилар белгиланган вақт ичида болалигида улар учун қўрқинчли бўлган воқеалар ҳақида ўзаро фикр алмашадилар ҳамда қўрқув ва хавотирнинг ўхшаш-фарқли томонларини таҳлил қиладилар. Иштирокчилар тўрт гуруҳга тақсимланади. Гуруҳлар ички келишув асосида маълум бир фильмдаги қўрқинчли ҳолат, қаҳрамоннинг бу ҳолатдан қандай чиққанлиги, қийинчиликдан чиқиб кетишда унга ёрдам берган омилларни ролли ўйинлар орқали кўрсатиб беришади. Ижро этилган ролли ўйинлар таҳлил қилинади ва ҳамкорликда умумий хулосага келиниб, қийинчилик ҳамда турли қутилмаган вазиятлардан чиқиш усуллари ишланади. Ҳар бир гуруҳ жавоби ва ўқитувчи хулосаси асосида қийинчилик тушунчаси таърифланади.

«Мен турли вазиятлардан чиқиб кета оламан, агарда ...» машқи бажарилади.

**Учинчи машғулот:** Миллат тақдирига дахлдорлик.

**Ўтказиш шакли:** «Суд» методи, «Дарё» машқи.

Видеолавҳа намоиш этилади, ўқувчилар билан муҳокама қилинади. Суд раиси, судья, халқ маслаҳатчилари, адвокат ҳамда давлат қораловчиси (прокурор) дан иборат кичик гуруҳлар шакллантирилади.

Намоиш этилган воқеа асосида миллат манфаатларига зид, унинг қонун, талаб ва белгиланган меъёрларини бузган ёки бажаришдан бош тортганлар хатти-ҳаракатларини таҳлил этиш, уларнинг сабабларини ўрганиш ва бундай



хатти-ҳаракатларнинг барҳам топишига кўмак берувчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Шу тариқа ўқувчиларда миллат тақдирига жамиятнинг барча аъзолари масъул эканлиги, ҳар бир ҳодиса эса ҳаммага бирдек дахлдорлиги англатилади. Дахлдорлик тушунчасига изоҳ берилиб, намойиш этилган видеолар орқали асосланади. Зиммаларидаги ролни ижро этиш жараёнида иштирокчиларнинг юридик нутқи ҳамда маданият қоидаларига риоя қилишлари ўқитувчи томонидан назорат қилиб борилади.

«Дарё» машқини ўтказиш учун флипчарт қоғозга дарёнинг тасвири туширилади ва аввалдан ҳозирланган карточкалар иштирокчиларга тарқатилади. Иштирокчилар ўзларига берилган карточкаларга миллат тақдирига дахлдорлик бурчи ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг шахсий дахлдорликларини ёзадилар. Ўқитувчи ҳар бир иштирокчининг дахлдорлик ҳақидаги фикрини ўқиб эшиттиради. Йиғилган карточкалардан дарё қирғоқларини бирлаштирувчи кўприк ясалади.

#### **Тўртинчи машғулот: Ватандан фахрланиш туйғуси**

**Ўтказиш шакли:** якка тартибда, кичик гуруҳларда ишлаш, «Расмлар ўртасидаги боғлиқлик» машқи.

Ўқувчилар якка тартибда «Ватан менинг фахрим, ғурурим» мавзусида Ватан тимсолларига тавсифнома ёзишади. Тавсифномалар таҳлил этилади. Ҳар бир тимсол (герб, мадҳия, байроқ) бўйича кичик гуруҳлар шакллантирилади. Бу босқичда кичик гуруҳлар билан «Расмлар ўртасидаги боғлиқлик машқи» ўтказилади. Ўқитувчи мавзу моҳиятини мантиқий изчилликда ёритувчи тушунчаларни ифодалаган махсус расмлар тайёрлайди. Ҳар бир гуруҳга расмлар берилади ва уларда акс этган ғоя билан Ватан тушунчаси ўртасидаги асосий боғлиқликни мантиқий кетма-кетликда жойлаштириш вазифаси юкланади. Сўнг гуруҳларнинг топшириқни қай даражада тўғри бажаргани аниқланади. Гуруҳлар ўртасида ўзаро таҳлил ўтказилади.

Ўқувчиларга берилган маълумотлар ҳамда шахсий тасаввур асосида Ватанга мактуб ёзиш топшириғи берилади. Мактублар ўқилади. Энг яхши ва таъсирли мактуб ёзган ўқувчи рағбатлантирилади.

Ватан тушунчасини энг ноёб ўхшатиш орқали тасвирлаш топшириғида ўқувчилар пейзажни ҳикоя қилиб беришади. Ўқитувчи фикрларни умумлаштиради.

**Бешинчи машғулот:** Миллий қадриятларни эъзозлаш

**Ўтказиш шакли:** «Қадриятлар» машқи, якка тартибда ва кичик гуруҳларда ишлаш.

Ўқитувчи иштирокчиларга қуйидаги саволларни беради:

1. Миллий қадриятлар акс этган қандай анъаналар ва урф-удумларни биласиз?

2. Ушбу анъаналар ва урф-удумлар бир-биридан қандай фарқ қилади?

Жавоблар муҳокама қилинади. Ўқитувчи топшириғига биноан моддий ва маънавий қадриятларнинг ўзаро уйғун ва фарқли жиҳатлари ҳақида фикр алмашинади, баҳс-мунозара методи асосида улар шарҳланади. Ўзбек миллий қадриятлари бошқа миллатларнинг урф-одатлари ва уларнинг такрорланмас жиҳатлари билан таққосланади.

Кичик гуруҳлар миллий қадриятлардан фахрланиш туйғусини ўзбекларга хос бўлган миллий кийимлар, улардаги рамзлар асосида кўрсатишади.

«Мен эъзозлаган, қадрлаган инсон ва унинг бошқаларга ўхшамаган характер хусусиятлари» машқи. Якка тартибда ишлаш ва жуфтликда яхлитлаш. Жавобларни умумлаштириш асосида ўзбекларнинг ўзигагина хос бўлган миллий қадриятлари ҳақидаги фикрларни хулосалаш.

**Олтинчи машғулот:** Холислик

**Ўтказиш шакли:** матн устида кичик гуруҳлар билан ишлаш.

Кичик гуруҳлар шакллантирилади. Улардан ҳар бирига ноҳолис муносабат тасвирланган матнлар берилади. Матнлар таҳлили жараёнида воқелик ва қаҳрамонлар тақдиридаги зиддиятлар маълум кўринишларда ифода

этилади. Гуруҳлар тақдимоти асосида холисликни акс эттирувчи воқелик билан боғлиқ саволлар тузиш топшириғи берилади. Саволларга жавоблар қарама-қарши гуруҳлар томонидан берилади. Саволлар савияси гуруҳлар берган баҳо ва ўқитувчи назорати остида олиб борилади.

Юқоридаги таҳлилларга таяниб, «Холислик» тушунчасига умумий таъриф берилади.

### **Академик лицей ўқувчилари учун ишлаб чиқилган машғулотлар**

#### **Биринчи машғулот: Буюк келажакка ишонч**

**Ўтказиш шакли:** «Келажак» машқи, якка тартибда ишлаш.

«Мен беш йилдан сўнг ўз келажакимни қандай тасаввур қиламан» мавзусида «Келажак» машқи ўтказилади. Индивидуал тарзда жавоблар ёзилади. Жавоблар тақдимоти. Уларнинг таҳлили.

Иштирокчилар келажак тўғрисидаги шахсий тасаввурларига мос расмларни топадилар ва кичик гуруҳларни шакллантирадилар. Кичик гуруҳларда «Буюк келажакимга ишонч» мавзусида тақдимот қилиниб, асосли шарҳлар берилади. Умумий хулосалардан хусусий фикрларга келинади.

**Иккинчи машғулот: Ўз позициясини мардона ҳимоя қилиш**

**Ўтказиш шакли:** «Суд», баҳс-мунозара, тест, «Термометр» методлари

Ўз позициясини мардона ҳимоя қилиш мавзусида муаммоли воқеа талабалар эътиборига ҳавола этилади. «Суд» методи.

Баҳс-мунозара усулида йигит ва қизлар воқеага муносабат билдиришади.

Тест (саволлари) орқали ҳуқуқий саводхонлиги текширилади.

«Термометр» методи ёрдамида маълумотлар умумлаштирилади.

**Учинчи машғулот: Инсон қадр – олий қадрият**

**Ўтказиш шакли:** кичик гуруҳларда ишлаш.

Кичик гуруҳлар тузилади. Инсон қадр тушунчаси ҳаётий мисоллар билан изоҳланади.

Гуруҳлар иши тақдимот қилинади.

Президент асарларидан ажратиб олинган мавзуга оид матнлар гуруҳларга тарқатилади, матндаги фикрлар шарҳланади. Ўқувчилар ўз-ўзини баҳолаш усули орқали олиб борилган фаолиятни танқидий баҳолашади. Ўқитувчи умумлаштиради. Ўз хулосаларини беради.

“Инсон-жамият-давлат” тамойилининг Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни” мавзуси якка тартибда ишланади. Умумий хулосалар чиқарилади.

**Тўртинчи машғулот:** Миллат тарихи ва тараққиёти билан фахрланиш

**Ўтказиш шакли:** кичик гуруҳларда ишлаш, тақдимот, фронтал суҳбат.

Ўзбекистон ва унга чегарадош давлатлар номи билан гуруҳлар шакллантирилади. «Ўзбекистон: кеча ва бугун», «Ўтмишга саёҳат ва келажак ҳақида ўйлар», «Янги Ўзбекистон ва тараққиёт стратегияси» каби мавзуларда гуруҳлар иши тақдимот қилинади. Фикрлар умумлаштирилади. Тегишли хулосалар ва аниқ далил ва фактларга асосланган маълумотлар берилади.

«Мен чет элга чиққанимда биринчи соғинадиган кишим (нарсам)» мавзусида индивидуал машқ ўтказилади.

Шахсий фикрлар асосида Ўзбекистонни жаҳон таниши, ривожланган давлатларда тан олинган жиҳатлари ҳақида давра суҳбати ўтказилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш. «Давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва музокаралар» машқи пантомима усулида намойиш этилади ва бошқа гуруҳлар уни изоҳлашади. Намойиш этилган дипломатик муносабатлар, ҳамкорликда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар, музокара мавзуси таҳлил этилади. Якуний хулосани тўғри топган гуруҳлар қўшимча рағбатлантирилади.

**Иккинчи машғулот:** Миллий анъаналар ва урф-удумларга эҳтиром

**Ўтказиш шакли:** якка тартибда (индивидуал) ва жуфтликда ишлаш.

Анъана ва урф-одат тушунчаларининг муштарак ва фарқли жиҳатлари индивидуал ва жуфтликдаги фаолият орқали таҳлил этилади. Ўқитувчи тайёрлаб келган маълумотлар асосида фикрлар бойитилади.

Ўқувчилардан ҳар бирига қадимий анъана ва урф-удумларни санаш, замонавийларидан фарқли томонларини ажратиш топшириғи берилади. Жуфтликда ишлаш орқали якка фикрлар умумлаштирилади.

Якка тартибда миллий анъана ва урф-удумларга эҳтиром туйғуси талабанинг ўзи ёқтирган тимсоллари орқали акс эттирилади. Акс эттирилган тасвирлардаги ўзаро боғлиқлик ва рамзлардаги маънолар шарҳи берилади. Гуруҳдаги ўртоқлари акс эттирган ўхшаш тимсоллар билан кичик гуруҳлар ташкил қилинади ҳамда тимсолларнинг умумий, ўхшаш томонлари асосида ягона тақдимот уюштирилади.

### **Учинчи машғулот: Собитқадамлик**

**Ўтказиш шакли:** «Ўз фикримни асослайман» машқи, якка тартибда, кичик гуруҳда ишлаш, «Ролли ўйин» методи.

Якка тартибда «Ўз фикримни асослайман» машқи ўтказилади. Талабалар ўз ғояларини ўртоқлари орасида тарғиб қилишади. Шахсий фикрларининг бошқаларникидан фарқли жиҳатларини муҳокама қилиб, ўз фикри бошқаларникидан ишончли, асосли эканлигини исботлашади. Ўз фикрида собит туриб, уни ҳимоя қила олган талабалар рағбатлантирилади. Ўхшаш фикрли талабалардан гуруҳлар тузилади. Улар собитқадамлик тушунчасига таъриф беришади.

«Ролли ўйин» методида собитқадамлик акс эттирилган воқеалар асосида тақдимот ўтказилади. Тақдимотлар муҳокама қилинади, шарҳланади. Мулоҳаза ва таклифлар воситасида амалга оширилган фаолият юзасидан хулоса чиқарилиб, баҳоланади.

Инсон қалбига йўл фақат таълим-тарбиядан бошланиши, янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш, шакллантиришда адабиёт дарсларининг вазифаси, ўрни, ўқитувчи маҳорати кабилар ҳақида мулоҳаза юритган эдик. Мана шу машаққатли вазифаларни амалга оширишда ёрдам берувчи, ёшлар дунёқарашини такомиллаштирувчи воситалар ўқув дарсликлари, адабиётлар, ўқув қўлланмалари, мажмуалар ва улар асосланган Дастур ҳисобланади. Ўқув

дарслиги дарсда ўқувчи билимини бойитади, ҳозиржавоблигини таъминлайди, ҳис-туйғуларини тўйинтиради, кечинмаларини нозиклаштиради, таъбини сайқаллайди, шахслик сифатларини такомиллаштиради. Адабиёт дарслигига сингдирилган ғояларда адабий таълимда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий, психологик, педагогик, дидактик, маънавий-маърифий омиллари акс этганини аниқлаш жараёнида қуйидаги тўхтамларга келдик:

Синфлар кесимида ДТС асосида берилган мавзулар мазмунига ватанпарварликнинг турли кўринишлари турли ғоялар орқали сингдирилган.

5-синф «Адабиёт» дарслиги<sup>82</sup>даги «Уч оға–ини ботирлар» эртагида ботирларнинг шоҳликни танламай, ўз юртига қайтиши тасвири ўқувчиларда ватанпарварлик ҳиссини куртаклантиради. «Булбул чаманни севар, Одам – Ватанни», «Она юртинг – олтин бешигинг, Она юртинг омон бўлса, рангирўйинг сомон бўлмас»<sup>83</sup> каби ибратли мақоллар орқали эса ўқувчиларнинг халқ ҳикматлари ва панд-насиҳатларга амал қилиш, Ватанга бўлган муҳаббатини кучайтириш, ўз тақдирининг Ватан тақдирига чамбарчас боғлиқ экани ғоялари сингдирилади. Булар ёшларда ватанпарварликни шакллантириш омилларидир. Таҳлил жараёнида улардан қайсидир бири ёрқинроқ намоён бўлади.

Адабий таълимнинг 5-синф босқичида ўтиладиган мавзулар таҳлили мобайнида асосий омиллар барча мавзулар мазмунида учраши маълум бўлди.

Дарсликда Шукруллонинг ҳаёти ва ижоди (15-бет) берилган. Матнга кўра Шукруллонинг отаси мудир бўлган мактада онаси ва опаси ҳам ишлашган. Бу ўринда ватанпарварликнинг маҳалла болаларини саводхон қилиш, ўқимишли ёшларни тарбиялаш, инсонлар саводини чиқариш орқали мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш каби жиҳатлари намоён бўлган.

Ўқитувчи, шунингдек, Эзоп масаллари (39-бет, «Ёввойи эчкилар билан чўпон») асосида ишлаши мумкин. Ўқувчиларга «*Чўпон ёввойи эчкиларга қанча*

---

<sup>82</sup> Аҳмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. 5-синф. Адабиёт дарслиги<sup>82</sup> (мажмуа) 2-нашри, Тошкент :, Ўқитувчи, 2007 й., 2017 й. қайта наشري

<sup>83</sup> 5-синф Адабиёт дарслиги. Т.: Ўқитувчи – 2000. 12 – 15-бетлар. 2021 й. қайта наشري.

яхши қарамасин, ўз эчкиларининг турар жойига уларни киргизиб, парварши қилмасин, ёввойи тоғу тошларга — ўз маконига қочиб кетишади. Чўпон ажратиб қўйган, эътибордан четда қолган хонаки эчкилар эса ўз жойида қолишади. *Шу вазиятни шарҳланг*» топшириғини бериши мумкин. Билдирилган фикрлар таҳлили, шахсий муносабат, бир-биридан фарқли жавоблар дарс савиясини кўтаради.

Дарсликда У.Носир, Ў.Ҳошимов каби адибларнинг ҳаёти ва ижодини ўтишда улар яшаган муҳит ҳамда ижтимоий-психологик омилларга таяниш, бунини ўқувчиларга ҳам тавсия қилиш жоиз бўлади. У.Носирнинг «Юрганмисиз бирга ой билан» шеърининг энг охириги банди таҳлилга тортилиши мумкин:

*Мен маст бўлиб қолдим бир кеча,*

*Сил ўпкамни анча яйратдим.*

*Ухлолмасдан то тонг отгунча*

*Дилгинамни роса сайратдим.*

Қаҳрамон шахсий ҳаёти ҳақида гапирар экан, «сил ўпка» жисмоний хасталик эмас, балки биқик, тухмату разолатга тўла муҳитдан сиқилган кўнгил – руҳни назарда тутган (бу шеър 1935 йил шўро давлатида мафкуравий талвасалар кучайган, зиёлилар таъқиб қилинган пайтда Болтиқ ва Оқ денгиз бўйида даволаниш учун борганда ёзилган)лиги ўқитувчи томонидан таъкидланади. Ушбу шеърнинг моҳиятига кириш асносида жамиятдаги инкирозлар, «кирланган» ижтимоий муҳит ижодкорнинг кўкрак қафасини сиқиб юборган хасталик бўлганлиги ўқувчиларга маълум бўлади.

5-синф дарслигининг «Ривоят ва эртаклар оламида» бобида келтирилган «Тўмарис» (47-бет), «Широқ» (53-бет) афсоналарида оташин ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

Массагет қабилаларининг бошлиғи, она юрти осойишталигини мардона химоя қилувчи ҳукмдор аёл ҳақидаги ривоят сўнгида Тўмариснинг қуйидаги ҳаракатларида ватанпарварлик ижтимоий-психологик тарзда намоён бўлган: «У

*Кирнинг бошини қон билан тўлгазилган мешга солар экан, «Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!» – дейди».*

Ватан озодлиги, ҳар бир қум зарраси учун жон берган Широқ қўллаган хийла Ўрта Осиё халқларининг қадим замонларда душманларга қарши қўллаган ҳарбий тактикасини эслатади. Грек тарихчиси Геродот маълумотига кўра, Ўрта Осиёликлар Александр Македонский қўшинига қарши курашда худди шундай тактикадан фойдаланишган.

Афсонадаги ўқувчи эътиборини тортадиган таъсирли лавҳалар (Широқнинг кулоқ-бурни кесилиши, саҳродаги ўлим олди нутқи каби) орқали ёш қалб эгаларини ўз аждодларининг она юртни ҳимоя қилишда кўрсатган қаҳрамонликларига лойиқ ва мос бўлишга ундалиб, зотан, асл ватанпарварлик мана шу эканлиги бадий таҳлил воситасида англанилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, дарсликда берилган Миртемирнинг «Булут», «Балиқ ови», «Тўрғай», «Шудринг», «Қишлоғим» шеърлари, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим», А.Ориповнинг «Ўзбекистон» қасидалари асосида ҳам ёшларга Ватан қадри туйғусини англаниш ва бу туйғуни такомилга етказиш мумкин. Мазкур асарлардаги она заминга меҳр-муҳаббат, чуқур соғинч, ундан фахрланиш каби руҳий кечинмалар гўзал ташбеҳлар воситасида ўқувчи руҳиятига ҳам кўчади. Худди қаҳрамон сингари ғурурланиш, юрт дардига шерик бўлиб, ташвишини тортиш ўқувчиларни маънан юксалтиради.

Асарлар таҳлили билан бирга ижодкорлар тадқиқини ҳам йўлга қўйиш, шу асосда шоир руҳиятини акс эттирувчи руҳий, ижтимоий, дидактик, педагогик, маънавий-маърифий омилларнинг ўрнини белгилаш, матндаги алоҳида жиҳатларга тўхталиб ўтиш лозим. Бу ўқувчини амалга ошириладиган ишлар моҳиятига олиб киради. Ҳамда бундай кичик тадқиқотлар ўқувчини келажакда илмий фаразлар, қонуниятлар асосида матнга шарҳ, асарга тақриз ёзиш каби илк илмий фаолиятга йўналтиради.



Бу ўринда кейинги пайтларда бадиий матнни шарҳлаш билан боғлиқ бўлган кўпгина ишлар қилинаётганлиги қувончлидир. Жумладан, жамоатчилик асосида «Алишер Навоий, ғазаллар, шарҳлар» китобининг яратилиши, академик А.Рустамов қаламига мансуб «Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати» (Т., 1979 й.) китобининг юзага келиши, О.Мадаевнинг, Қ. Йўлдошевнинг қатор бадиий таҳлил асосларига бағишланган илмий асарлари, Д.Қуроноунинг асар талқини ҳақидаги мақолалари фикримиз далилидир. Адабиёт ўқитувчиси зикр этилган ва шу мавзудаги бошқа илмий асарлар асосида Ватанпарварликни тарғиб қилувчи бадиий асарларни ҳар томонлама шарҳлаб ўргатиши, уларда турли омилларнинг уйғунлашганлигини кўрсатиб бериши лозим. Бу ёшларни кўзланган таълимий мақсадга йўналтиради, дарснинг қимматини, самарадорлигини оширади.

## **ИККИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР**

Адабиёт фанининг ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи омил эканлиги борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўрганилган манбалар ва тавсия этилган дарс ишланмалари асосида мазкур бобдаги илмий таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

– таълим тизимида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятлари орасидаги фарқларга қарамай, ўқувчи шахсига унинг ёши, қизиқиши, иқтидори, имконияти, келажаги, билим даражаси, шахсий фикрлари, дунёқараши, фазилатлари ва характери нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир;

– адабиёт фанининг асосини тарбиявий мақсад ташкил этади, бу бадиий матн таъсирида шахснинг «мен»и, имон-эътиқоди, туйғулари, ақлий камолоти, ўрнақдан хулоса чиқариш салоҳияти, билиш қобилияти, ҳаётий кўникмалари, меҳнат ва бошқаларга ижобий муносабатлари шаклланиши билан белгиланади;

– умумий ҳамда ўрта махсус таълим тизими адабиёт дарсларида ўқувчини ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг умумдидактик тамойилларини мунтазам такомиллаштириб бориш ҳаётий заруриятдир;

– миллати, маданияти, тили, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, эътиқоди, қобилиятидан қатъи назар, ўқувчиларнинг ҳар бири таълим жараёнида шахсий ривожланиш, ватанпарварлик руҳида тарбияланиш учун қулай ижтимоий-психологик ва дўстона муносабат муҳит билан таъминланиши керак ҳамда бунга таълимнинг педагогик тамойиллари воситасида эришилади;

– адабиёт дарсларида ёшларда Ватанга муҳаббат туйғусини камолга етказишда умумдидактик тамойиллар алоҳида ўринга эга. Бунда тарбия мақсади ва кўзланган натижа уйғунлигига эътибор қаратиш муҳимдир;

– таълим жараёни, айниқса, адабиёт ўқитишда юқори натижалар ривожлантирувчи тамойилларга асосланади, яъни фанларнинг ҳар бири ўқувчи шахсининг қайсидир жиҳатини тарбиялашга йўналтирилган бўлади;

– адабий таълимда бир бутунлик – яхлитлик; асослилик; ҳаёт ривожланишига мувофиқлик; таълим тизими ва мазмунида ҳамиша инсонийликни кўзда тутиш; таҳлил ва тадқиқ асосида ўқитиш; узлуксизлик; фаолиятли ёндашув каби тамойиллар етакчилик қилади;

– адабий таълим орқали ватанпарварликни сингдиришда фикр тарбияси, кўргазмалилик, тизимлилик (uzлуксизлик), тушунарлилик, илмийлик, назария билан амалиёт уйғунлиги каби тамойиллар кўпроқ юқори натижа беради;

– таълимнинг барча босқичларида ёшлар онги ва қалбида ватанпарварликни такомилга етказувчи асосий самарали омил адабиёт эканлиги тадқиқот давомида ойдинлашди;

– адабий таълимнинг *ижтимоий, психологик, педагогик, методик, дидактик, маънавий-маърифий* каби мундарижаси ва хусусиятларига кўра ўзаро фарқ қилувчи омиллари ватанпарварларни етиштиришнинг назарий-методологик асосларини ташкил этади;

– адабиёт дарсликлари ва қўлланмаларида ватанпарварлик шакллари, ғоялари тасвирланган мавзу ҳамда материалларнинг узлуксизлик тамойилига биноан берилиши таълим натижасининг юқори бўлишини таъминлайди.

## **III БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ШАРОИТИ**

### **3.1. Адабий таълимда ватанпарварликни ўқитиш модули: замонавий дарслар, таълимий машқлар**

Ҳозирги кунда замонавий ахборот-коммуникатив технологиялар ривожини, шиддат билан узлуксиз ёпирилиб келаётган ахборот тўлқинини ёш авлод онгини ва руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Глобаллашув шиддати ва “оммавий маданият” хуружини билим ва тафаккурдан ташқари кучли мафкуравий иммунитетни шакллантириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Бунинг учун ёшларимиз тинимсиз ўқийдиган, ўз устида ишлайдиган, изланадиган бўлишлари шарт. Ўсиб келаётган ёш авлод мактаб давридаёқ мустақил фикрлайдиган, муаммоларга ечим топадиган қилиб тарбияланиши зарур. Дунё миқёсида ўқитиш жараёнини янги тамойиллар асосида такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлганининг боиси ҳам шу.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилган ислохотлар замирида ҳам ёшларни замон эврилишлари шароитида собит эътиқодга эга баркамол шахс этиб тайёрлаш эҳтиёжи ётади. Асосий вазифаси муайян миқдорда билим беришдангина иборат, деб билган анаънавий таълим ёшларни шиддат билан ўзгараётган дунёда ўзлигини сақлай оладиган қилиб тарбиялашга қодир эмаслиги аён. Янгиланишлар суръати ҳаётга ёшларни мустақил фикрлай оладиган, туб бурилишларга ҳам ақлий, ҳам амалий жиҳатдан тайёр қилиб етиштиришни тақозо қилмоқда.

Инсоният пайдо бўлганидан буён фарзандлари ўзидан муносиброқ, яхшироқ яшашга маънавий ҳақли деб билиб, шунга интилиб келади. Лекин ҳеч бир замонда маънавият масаласи ҳозиргичалик долзарб саналмаган. Негаки, фан ва техниканинг тараққиёти инсон тафаккурининг қудратини мислсиз даражада оширган вазиятда маънавият ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Илму фан ютуқлари ёвузликка хизмат қилмаслиги учун маънавияти баркамол,

ватанпарвар, собит дунёқарашга эга шахсни шакллантириш таълим тизимининг устувор вазифасига айланмоқда.

Кўринадики, Миллий таълим тизимининг бугунги мақсади ўқитувчи айтган, дарсликда берилган маълумотлар билангина кифояланадиган ўқувчилар тайёрлаш эмас. Чунки интелекти юқори ёшлар ҳам жамият ҳаётининг барча жабҳаларига бостириб келаётган ахборот хуружини англай олмаслиги мумкин. Хотира ёрдамида ўзлаштириладиган билимлардан фақат стандарт вазиятлардагина фойдаланиш мумкин, бу билимлар дарс жараёнида ўқитувчи мисол қилиб келтирган ёки дарсликда кўзда тутилгандан ўзгача вазиятларда иш бермай қолиши ҳеч гап эмас. Жуда мураккаб, қизгин, ранг-баранг, узлуксиз эврилишда бўлган реал ҳаёт эса ҳеч қачон дарсликда белгиланган анъанавий қолипга тушмайди. Шу боис бугунги кунда таълим тизими олдида ўқувчиларни мустақил фикрлайдиган, ностандарт вазиятлар, чигал ҳаётий ҳолатларда энг тўғри йўлни топа оладиган қилиб тайёрлаш вазифаси ҳам турибди. Хусусан, ватанпарварликка йўналтирилган адабий таълим тизими шунга хизмат қилиши зарур.

Таълим жараёнини бутунлай ўзга қонуниятлар, янгича фалсафа асосида тузиш эҳтиёжи аслида техника ривожалана бошлаётган, инсон психологияси ўзгараётган ўтган аср 60-йилларида пайдо бўлган эди. Шу талаб натижасида педагогик амалиётга трансакция фалсафаси олиб кирилди. Бу фалсафага кўра, ҳар қандай билимни ўқувчилар шахсий хатти-ҳаракатлари ва интилишлари натижасида ўзлари мустақил ўзлаштиришлари зарур. Шунингдек, ўқувчи таълим жараёнининг фаол субъектига айланди, ўқувчи ўқитувчи билан бирга таълим жараёнида тенг иштирок этиш имконига эга бўлди.

Бугунги кунда таълим-тарбияга интегратив ёндашув уч асосий фалсафий йўналишда олиб борилмоқда. Бу фалсафий йўналишлар психологиядан педагогика тизимига кириб келган. Педагогик дидактика

илмида **трансмиссия**,<sup>84</sup> (лот. *transmissio* — узатиш, ўтиш), **трансформация**<sup>85</sup>, (ҳаётингизни тезлаштириб берадиган жараён), **трансакция**<sup>86</sup> (қайта ишлаш ва маълумотларни етказиш) тарзида номланади. Мазкур атамалардаги дастлабки лотинча *trans* сўзи “орқали ўтиш”, “воситасида ўтиш” мазмунини билдиради. Агар анъанавий психологияда бола тафаккури ва нутқи уларнинг “хатолари” нуқтаи назаридан ўрганилган бўлса, Ж.Пиаже биринчи бўлиб, бола тафаккурининг сифатий хусусиятларини тадқиқ қилган (“Бола нутқи ва тафаккури”, 1923). Жан Пиаже психологияда алоҳида йўналишни - генетик эпистемология - (грек. “*episteme*”-билим) - билишни ривожланишининг психосоциал назариясини яратди (“Психология интеллекта”, 1946). Шу ўринда адабиёт руҳият илмига уйғун экани ва бу икки соҳа ҳар доим бир-бирининг такомилени таъминлашини таъкидлаш керак.

Таълим жараёнининг **трансмиссия** негизидаги такомилени кўп асрлик анъанага эга бўлиб, одамзоднинг ҳаётини тажрибаси ва фан тараққиёти эмпирик характерда бўлган замонларга тегишлидир. Табиийки, унда ҳам асосий субъектлар ўқитувчи ва ўқувчи бўлган. Ўқитувчи – билим берувчи, ўқувчи – ўзлаштирувчи саналган. Ҳали одамзод билими кам ва содда шаклда бўлгани боис ўқитувчи улардан ўзи англаб етган қисминигина ўқувчига ўргатганю

Инсоният мунтазам камолга етиб, билим даражаси ошиб боргани сари уларни авлодларга ўзгаришсиз етказиш мумкин бўлмай қолган. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг **трансформация** йўналиши юзага келишини тақозо этган. Фан юксак даражада тараққий этгани учун уни мукаммал эгаллаш имкончиз бўлгани учун ушбу йўналишда муайян фанни тўлиқ ўқитмай, унинг асосларини ўргатиш кўзда тутилган. Шунга кўра, ўқитувчининг вазифаси фан асослари билан ўқувчи интеллектини мувофиқлаштириш экани белгиланган. Лекин ҳар қандай ҳолда ўқитувчи таълимнинг субъекти ҳисобланиб, унинг фаолияти билим бериш даражасига кўра баҳоланган. Таълим эса билим бериш

<sup>84</sup> Ж.Пиаже. “Бола нутқи ва тафаккури”, 1923 йил.

<sup>85</sup> Ўша китоб.

<sup>86</sup> Ўша китоб.

воситаси сифатида қаралган. Юқорида изоҳланган ҳар икки фалсафий ёндашувга таянган таълим негизида хотирани мустаҳкамлаш юқори натижанинг асоси саналган.

Янги педагогик фалсафага (трансакция) асосланган таълим тизими иштирокчилари воқеликни бир-биридан фарқли тарзда идрок этади. Шунга кўра, улар дунёни ҳам ўз интеллектуал даражасидан келиб чиқиб идрок этиши зарур деб ҳисобланган. Педагогик фалсафанинг бу тури оламни ўқув фани асосларидан келиб чиқиб, таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш имконсиз эканини уқтиради. Трансакция фалсафаси ўқувчи мавжуд борлиқни яхлит, бутун ўзлаштиришини кўзда тутуди <sup>87</sup>.

Интернет, онлайн, чат, веб-сайт каби коммуникатив тизимлар туфайли бугунги ўқувчининг билим даражаси ўсди. Натижада оиланинг таълимий имкониятлари ортди. Мамлакатимиздаги оилалар ўз фарзандларига зарурий билимларни бериши учун етарли шароит бор. Ҳар бир оила, ҳисобсиз ахборотлар орасидан кераклиларини бемалол танлаб, ўзлаштириб олиш имконини берадиган қулай техник воситаларга эга. Тадқиқотимиз мобайнида 2000-2021 йиллардан эътиборан мамлакатимиз аҳолисининг умумий интеллектуал савияси сезиларли ўсгани, йигирма биринчи асрга келиб, уларнинг бир-бирларига кўрсатадиган ўзаро таълимий таъсири кўлам жиҳатдан ортгани аён бўлди. Шу сабабли эндиликда ўқитувчи билим сақловчи ва уни берувчи ягона восита бўлмай қолди.

Ўзбекистон таълим тизимида ўқитиладиган фанлар шу даражада кенгайиб, чуқурлашдики, соҳа мутахассислари ҳам қанча уринмасин, ўз фанининг бир тармоғини ҳам мукамал билиши қийинлашди. Натижада таълим тизимининг мўлжали (ориентир) ўзгарди. Агар олдинлари таълим жараёни ўқувчилар хотирасини кучайтиришга йўналтирилган, бу ҳол барчани бирдай қониқтирган ва етарлилилик қилган бўлса, бугун бундай натижа жамият

---


<sup>87</sup> Ж.Пиаже. “Бола нутқи ва тафаккури”, 1923 йил.

тараққиёти учун кифоя қилмаяпти. Чунки ҳар бир одамда хотира ўрнини боса оладиган технологиялар билан ишлаш имкони туғилди, исталган пайтда исталган нарса ҳақда исталган ҳажм ёки тилдаги маълумотни ҳеч қийинчиликсиз олиш мумкин бўлиб қолди. Шу боис шиддатли ахборотлар оқимини ёриб кира оладиган, хотирада қоладиган, ўқувчини виртуал билим ўчоғидан «юлиб» чиқа оладиган самарали ва замонавий таълим усулларини излаб топиш талаб қилинмоқда. Бу эса интерфаол методларни юзага келтирди.

М.Маҳмудовнинг қуйидаги фикри узлуксиз таълимда адабиёт дарсларини ташкил қилишда ўқувчилар ижодкорлигини ўрганиш учун дастурий восита бўла олади: “Ўз фаолияти натижасини ўзгалар фаолияти маҳсулига кўшиб кўрсатиш йўли билан ёшлар турли ахборотларни ҳам, анъанавий фаолият усулларини ҳам, ижод қилиш йўлларини ҳам, нарса-ҳодисаларни эмоционал баҳолаш мезонларини ҳам ўзлаштириб олишади. Ўқувчилар ижодкорлигининг илк қарашларини худди ана шу ҳодисадан – ўз фаолияти натижасини ўзгалар фаолияти натижасига кўшиб кўрсатиш жараёнидан изламоқ керак”<sup>88</sup>. Демак, мақсад сари қандай интилиш зарур? У қандай вазифаларни, қайси тамойиллар орқали, мазмунни очиқлайдиган қайси компонентларга таяниб бажаради? Яратилажак шарт-шароитлар, ўқитиш шакллари, методлари, воситалари, кутилган натижанинг маҳсули ва ўсиб бориши динамикаси каби босқичларни татбиқ этиш учун ишлаб чиқилган модуль тақдим қилинади.

---

<sup>88</sup> Маҳмудов М.Х. Таълимни дидактик лойиҳалаш. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002. -79 б.



3.1.1-расм. Адабиёт таълимида ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш жараёни модули.

Адабиёт дарсларида эгалланган билим ва малака ўқувчи компетенцияси ҳамда ва ўқитувчи фаолият усуллари самарадорлигини, дарс жараёни натижасини белгилайди. Бевосита ва билвосита дарс компонентларини ўша жараённинг ўзидан ажратиб таҳлил қилиш, ўрганилган ва таҳлил қилинган нарсаларни баҳолаш, ўрганилган ва энди ўрганиладиган ҳодисалар ўртасидаги чегарани англаш, ўзлаштириш, шунингдек ҳали ўзлаштирилмаган нарсаларнинг фарқига бориш ўқувчиларни таълим шароитидаги креативликка етаклайди. “Ижод, ўз навбатида, комплекс ҳодиса бўлиб, у фикрлашнинг



тараққиёт даражасига ҳам, тафаккурнинг эвристик-топқирлик лаёқатига ҳам, авлодлар фаолиятидаги ворисликка боғлиқ”<sup>89</sup>.

Миллий қадриятларимиз асосида фарзандларга таълим- тарбия берар эканмиз, уларни ижодкор бўлишга, эзгу амаллардан хулосалар чиқаришга доим рағбатлантириб келамиз. Шу боис ўзбекнинг ҳар бир соғлом фарзандини ижодкор Шахс қилиб етиштириш асл мақсадимиз ҳисобланади.

«Интерфаол» атамаси лотинча «интер акт» сўз бирикмасидан олинган бўлиб, «интер» – ўзаро, биргаликда ва «акт» – фаолият маъноларини англатади<sup>90</sup>. Интерфаол усуллар эркин фикрли, мустақил изланадиган ўқувчиларни шакллантиришга йўналтирилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Таълим беришнинг бу усулида ўқитиш жараёнидаги асосий ишни ўқувчи амалга оширади, ўқитувчи эса уларни назорат қилиб, якуний баҳони қўяди. Интерфаол методларда ўқувчи ўқитувчи каби таълимнинг субъекти даражасига кўтарилади. Яъни дарс жараёнида фаол иштирок этади. Маълум бўладики, интерфаол методлар таълим самарасини таъминлашда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлигига таянади. Шу орқали аниқ натижага эришилишини таъминлайди.

Интерфаол методлар таълим тизимида мавжуд жиддий муаммолардан бири – бир хиллик, зерикарликдан ўқувчиларни қутқаради, билим эгаллашни қизиқарли фаолиятга айлантиради. Дарсда ўқитувчи яккаҳоқим бўлмайди, дарс ўтиш эса монолог тарзида юз бермайди, балки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро диалоги юзага келади. Шу асосда ўқувчилар ўқитувчи билан ҳамкорликда фанга мос йўналиш ва дарсга ажратилган вақт миқдоридаги билимларни мустақил, дастурда белгиланган шаклда эмас, ўзларига қулай бўлган ҳолда ўзлаштирадilar. Интерактив методларнинг асосий белгилари *ўқувчининг янги билимларни мукамал ўзлаштиришга уриниши ва таълим жараёни қатнашчиларининг кичик гуруҳларга бўлиниб ишлашидан* иборат. Ўқув топшириқларининг алоҳида ўқувчига эмас, балки барча иштирокчиларга

<sup>89</sup> Присяжная А. Ф. Педагогическое прогнозирование в системе непрерывного педагогического образования (методология, теория, практика) Текст. : дис. . д-ра пед. наук : 13.00.08 / Присяжная Алла Федоровна. Челябинск, 2006. - 380 с.

<sup>90</sup> Словарь иностранных слов. –М.: «Русский язык», 1979. С-23; С-198.

бирдай берилиши уларда жамоавийлик туйғусини шакллантиради ва ташаббускорлигини орттиради.

Диссертацион ишни тайёрлаш жараёнида аксарият ўқитувчилар “Маҳорат дарс”ларида интерфаол методларнинг бош хусусияти уларнинг қизиқарли эканлигида, деб ҳисоблаши маълум бўлди. Шу фикрдан келиб чиқиб, улар таълимга интерфаол усулни татбиқ этишда айна жиҳатга урғу беришади. Дарҳақиқат, интерфаол усуллар таълим жараёнига қизгин, фаол, қизиқарли тус беради. Лекин дарс олдида қўйилган таълимий мақсадга эришмоқ учун бу кифоя қилмайди. Чунки қизиқарлилик интерфаол усулларнинг асосий бўлмаган оддий белгиси, холос. Ўқув жараёнига интерфаол усулларни қўллашнинг сабаби оз вақт ва кам куч сарфлаб, кўпроқ самарага эришишга интилишдадир.

УЎТМлари адабиёт дарсларида интерфаол усуллардан истифода этиш дарсинг юқори натижасини таъминлаши баробарида ўқувчиларда ватанпарварлик, инсонийлик каби фазилатларни шакллантириши жиҳатидан ҳам муҳим. Бу усуллар ўқувчилар билимини оширибгина қолмай, маънавиятини ҳам ўстиради. Бу ютуқни интерфаол усулларнинг ўқувчиларни мустақил изланишга мажбур қилиши таъминлайди.

Ўқув жараёнини интерфаол усуллар асосига қуришда адабиёт ўқитувчиси бутун педагогик фаолияти мобайнида шаклланиб, қолипга айланиб улгурган қарашларидан воз кечиши, ўқувчини тингловчидан кўра мустақил англовчи даражасига кўтариши лозим. Бугун одатдаги каби тўғри жавобни топган, дарсликда белгиланган ечимга келган ўқувчи эмас, тўғри жавоб ва ечимни топишда фаол бўлган ўқувчи таълимнинг мақсадига айланди. Албатта, бундан тўғри жавоб умуман керак эмас, деган хулосага келиш ноўрин. Ҳар қандай таълимнинг, айниқса, адабиёт ўқитишнинг асосий мақсади эркин фикрли ва унда собит тура олувчи шахсни тарбиялашдан иборат. Адабиётнинг бошқа фанлардан фарқи шундаки, у фақат тафаккурни эмас, туйғуни ҳам тарбиялайди, ўқувчини бадий матнни ҳис этишга, шу орқали муайян ҳаётий вазиятда тўғри ечимга келишга ўтгатади. Натижада ўқувчида бадий матнни идрок этиш,

унинг мазмунидан мантикий хулоса чиқариш малакаси ҳам шаклланади. Ана шу қонуниятларни англамаган педагог дарс жараёнида интерфаол усулларни нечоғлиқ кўп қўлламасин, юқори натижага эриша олмайди. Чунки интерфаол методни юзага келтирган омил – ўқувчиларда ижодий тафаккур малакасини шакллантиришдир.

Интерфаол усулларни ўқитиш методикасига доир илмий асарларда тилга олинган турлари билангина чеклаш тўғри эмас. Дарсга ижодий тафаккур асосида ёндашган педагог таълим бериш асосида янги ва янги усулларни ихтиро этиши, ўқув жараёнига маҳорат билан татбиқ этиши мумкин. Ўқитувчига бирор метод билан чегараланиш мажбурияти юкланган эмас. Ўқувчини ватанпарвар этиб тарбиялашда ана шундай ижодий ёндашиш салоҳиятига эга ўқитувчи кўпроқ натижага эришади. Модомики таълим жараёни тарбияни ҳам ўз ичига олар экан, бу борада адабиётнинг имконияти бошқа ўқув фанларидан кўра бир неча ҳисса ортиқроқдир. Лекин бу жараёнда ўқитувчининг билими ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Негаки, ҳар қандай ўқитиш усулидан мақсад, биринчи ўринда, билим бермоқдир. Билим тафаккурни ўстиради, тафаккур эса қалбни тарбиялайди. Ана шу узвийлик ватанпарварлик тарбиясида ютуққа эришишнинг асосидир.

Дарс беришда ўқитувчи интерфаол усуллардан фойдаланмоқчи бўлса, ўқув топшириғи сифатида кўп учрайдиган ҳаётий муаммоларни бериши лозим. Ҳатто бундай топшириқларни ўқувчиларнинг ўзлари танлаши кўпроқ самара бериши мумкин.

Танланган топшириқни бажаришга ундашда ўқитувчи имкон қадар фаолиятга чорловчи **таснифланг, асосланг, тадқиқ этинг, умумлаштиринг, таҳлил қилинг, моделлаштиринг, ташхис қўйинг, баҳо беринг**<sup>91</sup> каби топшириқлардан фойдалангани маъқул.

Адабий таълим жараёнида интерфаол усулдан фойдаланган ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзаро баҳслашуви орқали танқидий тафаккурни шакллантириши

---

<sup>91</sup> Интерактивные методы преподавания и учения. Учебное пособие. Модул 1. –Т.: 2007. С. 43.

керак. Шунда ўқувчилар ўз қарашларини бемалол ҳимоя қилади, ўзи кўшилмаган мулоҳазага қарши далиллар келтиради.

Ёшларни ватанпарварликка йўналтирувчи бадий асарларни ўқувчиларга сингдирар экан, ўқитувчи болалар берган саволларга алоҳида аҳамият бериши лозим. Чунки савол бериш ўқувчи тафаккурида изланиш бораётганлигини англатади.

Адабий таълимни интерфаол усулларда уюштирганда ўқитувчи «изланиш – фараз – ечим топиш – изоҳлаш – янги изланиш» тарзидаги дидактик циклни юзага келтира олса, ўқувчиларнинг ҳам билим олиш, ҳам шахс сифатида шаклланишлари таъминлаган бўлади.

Дидактик цикл асосида адабиёт ўқитиш – ўқувчининг кўйилган муаммо юзасидан изланиши, изланиш натижасида мантиқий фараз қилиши, фаразни асослашга уриниш жараёнида ечимга етиб келиши, ўзи ва гуруҳи топган бу ечимни гуруҳ вакили изоҳлаши ва мазкур илмий изоҳ кейинги таълимий изланишларга йўл очишидан иборатдир.

Интерфаол усуллардан адабиёт дарсларида фойдаланиш ўқитувчи ташаббуси ёки тажрибага мойиллиги натижаси эмас, балки ёшлардаги ватанпарварлик ҳиссини камолга етказишнинг юқори самарали воситасини излаши маҳсулидир. Интерактив методлар илдизи, аввало, фалсафага ва руҳият илми ҳисобланган психологиядан озиқланади. Адабиёт ўқитувчиси усулларни қўллашдан олдин уларнинг мазкур илмлардан қайси бирига таянганини аниқлаши муҳим.

Интерфаол усулларнинг юзага келишига илмий-педагогиканинг *ўқувчиларда тизимли тафаккур ва илмий тадқиқотчилик* фаолиятига доир кўникмаларни шакллантириш тамойили асос бўлган.<sup>92</sup> Мазкур тамойил мавжуд воқеликни ўрганишда таяниладиган энг муҳим қонуният моҳиятини очади. Воқелик яхлит тизим бўлгани учун уни ўрганиш ҳам таркибий қисмларга бўлинмай, яхлит тасаввур асосида таҳлил этилади. Айнан тизимли тафаккур

<sup>92</sup> Альтшуллер Г.. ТРИЗ-педагогика. –<http://www.krs.fio.ru/learn/>

ёрдамида оламнинг бир-бирига чамбарчас бўлган барча қирраларини тушуниш имконини беради.

Мазкур тамойил тарихига оид манбаларда кўрсатилишича, ижодий фикрлаш ва илмий тафаккурни шакллантириш тамойили фожиали, айти дамда, қизиқарли тарзда кашф этилган экан. Генрих Алтшуллер (1926-1998) — Тошкентда туғилиб ўсган, аммо узоқ йиллар Озарбайжон ва Беларуссияда яшаган олим, инженер, ихтирочи, ёзувчи ва педагог йигирма икки ёшида иккита илмий назарияга асос солади. Уларнинг бири **ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси (ИМЕН, русчаси – теория решения исследовательских задач ёки ТРИЗ)** бўлса, иккинчиси **ижодкор шахсни ривожлантириш назарияси (ИШРН, русчаси – теория развития творческой личности ёки ТРТЛ)** деб номланган. Олим 1948 йилда **ИМЕН** ва **ИШРН** ларга амал қилинса, мамлакатда илм-фан тараққиёти бир неча бараварга тезлашиб, ихтирочилар миқдори кескин ошишини асослаб, «халқлар отаси» Сталинга хат ёзади. Хатда мазкур ғояни ҳаётга татбиқ этишга ташкилий ва молиявий кўмак бериш сўралган эди. Оқибатда, ёш кашфиётчи Г. Алтшуллерга 25 йиллик қамок муддати белгиланади<sup>93</sup>.

**ИМЕН- (ТРИЗ)** ижодий жараённинг технологияси бўлиб, ҳар қандай илмий масалани ҳал қилишнинг тахминий вариантларини имкон қадар камайтириб, тўғри ечимни тезроқ топишни кўзда тутди. Тизимли йўсинда фикрлашга асосланган бу назарияда Алтшуллер ихтирочилик масалаларининг ижодий ечимини топишнинг қуйидаги уч босқичини кўрсатади:

1. Масалани қўйиш ва унинг одатдаги йўл билан ечилишига ҳалақит берадиган қарама-қаршиликларни аниқлаш.

2. Олдингидан юқориқ янги натижага эришишга ҳалақит берадиган қарама-қаршиликларни бартараф этиш.

---

<sup>93</sup> Альтшуллер Г. С., Верткин И. М. Как стать гением: Жизненная стратегия творческой личности. –Минск: «Беларусь», 1994. С. 5.

3. Тизимнинг бошқа унсурларини ҳам эришилган янги натижаларга мувофиқлаштириш.

Айни мазкур уч босқич жараёнларини узлуксиз таълимда адабиёт ўқитиш тамойилларига мувафиқлаштириш ўқувчи компетенциясига ижобий таъсир қилади.

*ТРИЗ* -инсон ҳаётидаги барча тизимлар фаолиятини ўзгача тарзда йўлга қўйишни тақозо қилади. Жумладан, дидактикада пайдо бўлган *ТРИЗ* педагогикаси (*педагогика ТРИЗ*)<sup>94</sup> га кўра ечилиши керак бўлган таълимий муаммоларни муайян системага солиш ўқувчиларни тизимли тафаккур юритишга ўргатади. Бунда ўқувчи мавжуд воқеликнинг улкан тизим экани, бу тизим нимадандир келиб чиқиши ва ниманидир келтириб чиқаришини ҳисобга олиши керак бўлади. Жумладан, адабий таълимда ўрганилиши кўзда тутилган мавзулар бетартиб ва тасодифан киритилмаган, ўзаро чамбарчас боғланиб кетган ва бири иккинчисини тақозо қилувчи илмий-эстетик тизим экани инобатга олиниши керак. Мавзуларни ўзлаштиришга ижодий ёндашув кутилгандан яхшироқ натижа беради.

Адабиёт машғулотларида ўқувчиларни ўқитувчининг айтганларини шунчаки эслаб қолишга эмас, балки ижодий ишлашга йўналтириш орқали ижодий муҳит яратилади. Албатта, бу осон эмас. Адабиёт ўқитувчиси ўқувчини ўз ҳақиқатини кашф этишга ва ҳақиқатни ўзи англаб етишига ўргатиши лозим - бу ватанпарварликдир. Бунга эришмоқ учун ўқувчи ўз олдиларига қўйилган ўқув муаммоларини ўқитувчи аралашувисиз мустақил ҳал этишлари зарур бўлади. Шунда ўқувчилар изланиш ва кашф этиш машаққати ҳамда лаззатини бевосита туядилар. Натижа юқори бўлиши учун ўқувчилар муаммога турлича ёндашув йўллари синаб кўришлари, ҳар хил фаразларни илгари суришлари, мавжуд далилларни турлича талқин эта билишлари, масалани турлича қўя олишлари ва ўзларича тажриба ўтказишлари лозим. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларга интерфаол усулда ўтилаётган адабиёт дарсида ватанпарварликни

---

<sup>94</sup> Альтшуллер Г.. ТРИЗ-педагогика. –<http://www.krs.fio.ru/learn/>

мустақил машғулот орқали сингдирмоқчи бўлса, ўқувчиларга карточкалар тайёрлашни топшириши мумкин. Ўқувчиларга карточка тайёрлатишда педагог куйидагиларга алоҳида эътибор қилиш зарур:

1. Ўқувчилар ижодий шароитда карточка тайёрлашлари ва картотека тузишлари керак. Карточкалар алоҳида тайёрланиб, гуруҳнинг барча аъзолари биргаликда уларни картотекага солишади.

2. Картотека тузишда сўзлар билан бирга жадваллар, шартли белгилар, чизмалардан фойдаланиш мумкин. Бу ўқувчиларни фикрларини график йўсинда ифодалашга ўргатади. Дейлик, бош қаҳрамоннинг ҳаракатларини таърифлаб ўтирмай, чизиб кўя қолиш мумкин. Бу ҳолат мавзу бўйича асосий фикрни ёдга туширишда самаралироқ ҳамдир.

3. Дастлаб осон ва соддароқ карточкалар тузилгани маъқул. Мустақил ишлаётган ўқувчи муваффақиятга эришса, янада руҳланади.

4. Ўқувчиларни ўзлари дуч келаётган улкан ахборот оқимидан муаммо ечимига хизмат қиладиганини ажратиб олишга ўргатиш зарур. Муҳимни номухимдан ажрата олган ўқувчигина ўрганилаётган мавзудаги асосий жиҳатларни топади, демакки, ўқув муаммосини еча олади.

Шунингдек, интерфаол усуллар воситасида ватанпарварлик тарбиясининг иккинчи муҳим тамойили ўқишни муаммоли йўсинда ташкил этишдир. Инсоният пайдо бўлибдики, турли-туман муаммоларга дуч келиб, уларнинг ечимини излаб ва ҳал этиб яшаб келмоқда. Ўқувчининг билимни ўзлаштириш мақсадида илмий билишнинг объектив қарама-қаршилигини енгишга қаратилган мустақил фаолияти – ўқиш муаммосини ҳал этишдир. Бунда бир жиҳатга – ўқиш муаммоси ўқувчиларда мавжуд тажриба ва қизиқишларга мос келишига диққат қаратиш керак. Акс ҳолда, ўқув муаммоси ечилмай қолади.

Янги Ўзбекистон шароитида “Агар раҳбарлар, муаллимлар янги Ўзбекистонга муносиб ҳаракат қилса, фарзандларимизни давр талабига мос ўқитишимиз мумкин. Халқимиз бизга энг катта бойлигини – зурриётини ишониб бераяпти. Бу жуда катта масъулият. Шунини ҳис қилиб, ўзимизни қийнаб,

мактабни ислоҳ қилсак, келажакка замин яратамиз”<sup>95</sup>. Янги билимларни ўзлаштирувчи олдида тайёр ҳолда қўйиш эмас, балки муаммо тарзида қўйишнинг зарур эканлигини ўз тадқиқот ишларида илгари сурган методист олимлар, амалиёт билимдонлари: В.Оконь, М.Махмутов, В.Кудрявцев, В.Маранцман, Н.Мочаловалар болани интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёжни ишга тушириш, унинг қизиқишларини уйғотиш орқали изланишга, ижодкорликка, ўз-ўзини таҳлил қилишга йўналтириш лозим, деб ҳисоблашади. Адабиёт кўп жиҳатдан психология билан уйғун бўлиб, инсон руҳиятидаги ҳар қандай ҳолатни ҳамкорликда таҳлил қилади, болага хос бўлган қобилият, истеъдод, хотира, зеҳн ва бошқа хусусиятлар устида ишлайди. Умуман, инсон, хусусан, ёшлар руҳияти билан боғлиқ бу каби жиҳатлар ҳақида психолог олимлар Д.В.Брушлинский, Я.А.Пономарёв, О.К.Тихомиров, А.М.Матюшкин, В.В.Давидов, Э.Ғозиев, Р.Суннатов, З.Нишонова, М.Давлетшинлар батафсил фикр юритишган. Шунингдек, С.Долимов, И.Султонов, Н.Маллаев, С.Исмаев, А.Зуннунов, О.Мадаев, Н.Каримов, У.Норматов, А.Расулов, О.Мусурмонова, М.Қурононов, Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, С.Матчонов, У.Долимов каби олимларнинг изланишларида юксак маънавийли шаҳс тарбиясининг асослари, адабиёт ўқитишда ноанъанавий усуллар орқали фаолият юритишнинг афзалликлари ҳақида ишончли маълумотлар келтирилган. Жумладан, М.Мирқосимованинг **«Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари»**<sup>96</sup> мавзусидаги докторлик диссертацияси ўқувчининг адабий таҳлилга доир малакасини шакллантиришга қаратилган бўлиб, ундан муаммоли таълим, мунозара дарс, семинар-дарс, мустақил ишлар ташкил қилишда, ўқувчининг мустақил тафаккурини ўстиришда истифода этиш керак.

---

<sup>95</sup> Президент Шавкат Мирзиёвнинг халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан. //Халқ сўзи, 2022 йил 6 апрель.

<sup>96</sup> Мирқосимова М.М.. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед.фан.доктори. дисс. – Т.; 1995й.



Дарсни ташкил қилишда ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг мавжуд муаммолари, ўқитувчининг педагогик технологияларга инновацион ёндашуви ўқувчилар фаоллигини оширишнинг асосий шартларидандир. Ўқитувчи, айниқса, ёш педагог дарснинг аввалидан охирига қадар айтилажак ҳар бир сўзини аввалдан режалаштириб олиши керак. Чунки *"Республикамизнинг мустақил давлат сифатида шаклланиши жараёнида ёш авлодни жамият янгиланишининг моҳиятини ва зарурлигини тушуниб етадиган, ўзи учун, ўзи яшаб турган ўлканинг гуллаб яйнаши, унинг тақдири учун, ўзга давлат ва миллат вакиллари билан дўсту биродарликни мустаҳкамлаш учун жавобгарликни ҳис қиладиган даражада тарбиялашда ватанпарварлик – мустақил Ўзбекистон учун янада кенгроқ маъно ва мазмунга эга сўз бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ватанпарвар бўлиш бу иқтисодиётимизни, мудофаамизни, барча миллат вакилларининг дўстона муносабатини ўз билими, фидокорона меҳнати, аъло ўқиши билан мустаҳкамлашдан иборат"*<sup>97</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчи зиммасига улкан масъулият туйғусини юклайди. Ўқитувчи, қайси фанни ўтишидан қатъи назар, асл ватанпарварлик моҳиятини ўқувчиларга тушунтира, сингдира олиши муҳимдир.

Е.Абдувалитов фикрича: *"Ўқувчиларни китоб мутолаасига тайёрлашда уларни ўқишга ҳиссий жиҳатдан йўналтириш ҳам муҳимдир. Негаки, санъат асари, энг аввало, инсоннинг ҳиссиётига таъсир қилади. Бадий асар дастлаб юракдан ҳис этилади, сўнгра тушунилади. Аммо санъаткор сўзини ҳамма ҳам бир хилда ҳис қила олмайди"*<sup>98</sup>. Қолаверса, болаларнинг ҳиссиёти даражасининг ўзи ҳам турличадир. Шу ўринда немис файласуф шоири Гётенинг: *"Агар сўз юракдан оқиб чиқмаса, у юракни юракка боғламайди"*, - деган ҳикматли сўзларини ёдда тутиш зарур.

Ниҳоят, агар ўқувчи асарни синфда ўрганилгунига қадар ўқиб чиққан бўлса, уни қайта мутолаа ва таҳлил этиши сабабини англаши керак. Асарнинг

<sup>97</sup> Йўлдошев Ж. ва бошқалар. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. Т.: 2000. 107-108-бетлар.

<sup>98</sup> Абдувалитов Е. Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш. Пед.фан.доктори. (DSc). дисс. – Т., 2021.

зохирий мазмунидан ташқари ботиний сирлари ҳам борлигини, улар бир ўқишда билан маълум бўлиб қолмаслигини, буни англаш учун китобхон ўқилган асар устида чуқур тафаккур юритиши муҳимлигини ўқувчига тушунтириш зарур. “Бугунги кунда мактабнинг энг катта муаммоси – ўқитиш методикасининг мутлақо эскирганлиги. Афсуски, мактаб таълими эски қолипдан чиқа олмаяпти»<sup>99</sup>, - деди давлатимиз раҳбари. Ҳозирги кунда юқоридаги каби ёндашувлар натижаси ўлароқ замонавий таълим билимлар мактабидан – «эски» моделдан «янги салоҳият мактаби»га ўтиш поғонасида турибди. Аслини олганда ҳам, мактаб устувор вазифа бўлиб қолаверади.


Ўқитишнинг интерфаол методлари моҳиятига етишда ХХ аср бошларида таълим ислохотларининг бошида турган Л.С.Виготскийнинг «Яқиндаги ривожланиш зонаси», Пиаженинг «Интеллект ривожланиш назарияси», Ж.Дьюининг «Инструментализм назарияси», Г.Гарднернинг «Интеллектнинг хилма-хиллиги назарияси», Б.Блумнинг «Билиш соҳасидаги ўқув мақсадларнинг асосий категориялари таксономияси», «Идрок харитаси», «Анъанавий ўқитиш моделлари», М.Монтессорининг «Ўқитиш муҳити», «Ҳиссиётлар», «Ўқувчилар тажрибаси», «Ресурслар», «Ақлий ҳужум», «Қайта ақлий ҳужум», «Илдизига боқ», «Ўйланглар, жуфтликда ишланглар, фикр алмашинг», «Кошинкор ғоялар», «Концептуал харита», «Тоифали шарҳ», Я.А.Коменскийнинг «Педагогик тамойиллар», «Анъанавий ўқитишнинг афзалликлари ва чегаралари», «Интерфаол ўқитиш моделлари» асарларида маскур масала етарлича очиб берилган. Ҳақиқатан, билимларни тайёр ҳолда бериб бўлмайди. Ўқувчи ўз билимларини тизимли кетма-кетлик асосида такомиллаштириши учун барча имкониятлар яратилиши лозим. Ўқитувчи ўқувчини уни ўраб турган борлиқнинг муҳим муаммоларини аниқлаши, уларнинг ечимини таъминлай билиши керак. Интерфаол усуллар бу борада

---

<sup>99</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан видеоселектор йиғилишидаги нуткидан. //Халқ сўзи, 2022 йил 6 апрель.

калит вазифасини ўтайди. Бизнингча, интерфаол ўқитиш ўқувчи шахсига, анъанавий ўқитиш эса – ўқув фани мазмунига йўналтирилгандир. Бироқ ўқитишнинг бу усули анъанавий таълим муваффақиятларини инкор этмайди. Қолаверса, ҳар қандай интерфаол ўқитиш анъанавий таълим негизида дунё юзини кўради. Инглизча “itml” сўздан олинган, таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари<sup>100</sup> маъносини билдирувчи интерфаол усуллар анъанавий ўқитиш тизимига *норасмий мунозара; материални тушунарли ва равон баён этиши; маърузадан мақсадли фойдаланиш, кичик маъруза; семинар машғулотлар; ўқувчининг ташаббуси; жамоавий, кичик гуруҳ, жусфтликда ва якка тартибда ишлашга мос топшириқлар мавжудлиги; ёзма ишларни бажариши; тақдимот қилиш* кабиларни кўшиш билан таълимнинг ранг-баранглиги таъминланди, мақсадга эришув миқёси ошди.

### ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ ШАКЛИ



3.1.2 -расм. Интерфаол ўқитиш шакли.

<sup>100</sup> Сафин Д., Мусина Р.Г. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. 1-модуль. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. – Т.: 2007., 16-17-бетлар.


Янгиликка интилувчи адабиёт фани ўқитувчиларига «анъанавий ўқитиш усулларини тўхтатиш керакми?» деган саволлар билан мурожаат қилинганида, тажрибали ўқитувчилар «йўқ, чунки интерфаол ўқитиш ўйиндан иборат» дейишади. Бизнингча, бундай ёндашув ўзини оқламайди. Чунки интерфаол усул, йўл, тактикадан фойдаланиш дарс сифатини ошириш мақсадида таълим бериш усуллари тўпламини бойитишдан иборат ва у осонроқ йўл билан кўпроқ билим беришга хизмат қилади.

Бунда ўқитувчи зарур натижага эришмоғи учун вақт, жиҳоз, ресурс ва ҳоказолар кам сарфланишини талаб қилади. Мабодо, ўқувчилар аниқ далилларнинг белгиланган тизимини ўзлаштириши керак, десангиз қуйидаги шаклда дарс ўтган маъқулроқ.

Анъанавий ўқитиш шакли ривожлантириш бўлса, унда интерфаол методдан фойдаланилади. Масалан, математик усулларни ўзлаштириш кўникмаси бўлган ўқувчи мисолни индивидуал ечгани мақсадли бўлади.

Қуйида анъанавий таълим методикасига асосланган ўқитиш жараёнини кўриб чиқиш мумкин. Унда ўқитишнинг барча шакллари эмас, асосий ҳолатлари ифодаланган.

### АНЪАНАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ УМУМИЙ ЧИЗМАСИ



3.1.3 -расм. Анъанавий дарс ва унинг таҳлили.

Таълимнинг барча босқичларида дарс жараёнини тўғри бошқариш яхши ишлаётган, ўзлаштираётган ўқувчиларга имконият яратишдан иборатдир. Инсондаги туғма инстинкт ундан ҳамма юрган йўлдан юришни, кўпчилик қўллаган усулни қўллашни талаб қилади. Албатта, бу жуда яхши ҳол. Негаки, у одамни ортиқча зўриқиш, бекорга куч сарфлашдан қутқаради. Ижодкорликни талаб қиладиган муаммоларнинг ечими эса одатдаги тасаввурлардан ташқарида бўлади. Мураккаб муаммонинг ижодий ечимини топа олиш учун одам ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, оҳорли ва журъатли фикрларни изҳор этмасликка ундайдиган омиллардан сақланиши керак. Одам ё танқиддан ёхуд кимларнингдир масхаралашидан, ёки оммадан ажралиб туришдан чўчиб, аксар ҳолларда ўзгалар қарашидан фарқ қиладиган, оригинал ечимларни ичига «ютиб» юборади. Агар ана шу хусусият енгиб ўтилса, ҳар қандай муаммога ечим топиш имконияти бир неча баравар ошган бўлар эди. Интерфаол усул киритган асосий янгилик *ғоянинг туғилиши жараёнида уни танқид қилишдан сақланиши зарур*, деган қарашдан иборатдир.

Таълим жараёнида адабиёт ўқитувчиси интерфаол усулдаги дарс жараёнида ўқувчилар олдида ҳал этилиши керак бўлган ўқув муаммосини ўртага ташлади дейлик. Дастлаб қўйилган муаммони ечишга тегишли имкон қадар кўп ғоя тўплаш керак. Шу ўринда усулнинг энг асосий қондасига амал қилиниши, яъни ҳар қандай, ҳатто, янглиш эканлиги шундоққина кўриниб турган фикр ҳам қўллаб-қувватланиши, ўртага ташланган ғоянинг ночорлиги кўриниб турса-да, у танқид қилинмаслиги, камситилмаслиги керак. Ўқувчиларнинг етакчиси (модератор) ўртага ғоя ташлаётган ҳар бир ўқувчини рағбатлантириши, яхши-ёмонлигидан қатъи назар кўпроқ фикр билдирилишини қўллаши зарур. Шунда ўқувчиларнинг ҳиссиётлари уйғонади, улар ҳам фикрий, ҳам эмоционал изланадилар.

Интерфаол усулда ташкил этилган адабиёт дарсида ўқув муаммосини ечиш юзасидан ўртага ташланган ғоялар сараланади. Лекин бу жараёнда ҳам

жўнгина «бўлади-бўлмайдими» тарзида эмас, балки билдирилган ҳар бир фикрдан имкон борича, рационал мағиз топишга, айти вақтда муаммони ҳал қилишда каттароқ самара берадиган ғояларни танлаб олишга эътибор қилинади. Интерфаол усулидаги асосий жиҳат ўзига хос, бетакрор, оригинал фикрлар олиш учун ўқувчиларнинг тасаввурлари, онг ва онгости қувватларини очиш, улардаги яширин имкониятларни ишга солишдан иборатдир. Интерфаол усулида ўқитиш муҳитини яратишда ўқувчиларни баҳолаш муҳим саналади. Бунда ўқитувчи қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

Педагогика соҳасининг олимлари “Ўқувчиларнинг креативлик кўникмаларига эгалликларини баҳолашда муҳим омиллар устида доим иш олиб боришган. Баҳолаш ҳақида турли фикрлар мавжуд, айримлар уни креативликни ўлдиради, дея қарашади.

«Бу вазиятга боғлиқ»<sup>101</sup> (Beghetto, 2005, 255-бет). Баҳолаш креативликни синфда ўқувчилар бажариши шарт бўлган мажбурий критерияга айлантириши мумкин<sup>102</sup> (Kaufman, Plucker, & Baer, 2008). Бу турдаги баҳолаш нафақат ўқувчиларнинг эришган ютуқлари, балки уларнинг креатив фикрлаш тарзи ва янгиликларга интилишини, янада чуқурроқ таҳлил қилишини тушунишда ёрдам беради.

Таълим жараёнида ўқув режасига креатив ўйинларни, таълимий машқларни киритишнинг ўзи етарли эмас.

Баҳолаш ўқувчиларда метакогнитив, яъни фикрлаш тўғрисида мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиради. Агарда ўқувчилар фикрлаш, нима учун айнан шу ечимни танлаганликлари ва кўплаб ғояларни ўйлаб топишда қандай стратегиядан фойдаланганликларини, муаммони шарҳлай олсалар, демак бу ўз-ўзидан метакогнитив фикрлаш бўлади. Талабалар ижодий-креатив фикрлаш ва инновацион усуллардан мақсадли

---

<sup>101</sup> Beghetto, 2005й, 255 -бет

<sup>102</sup> Kaufman, Plucker, & Baer, 2008.

равишда муаммоларнинг ечимини топишда фойдалансалар, демак улар метакогнитив фикрлаш стратегиясини амалда қўллаган бўладилар.<sup>103</sup>

Кўринадик, “ноанъанавий дарсда ўқитувчи ўқувчининг мавжуд имкониятларидан усталик билан фойдаланиб, уни тўғри баҳолай олиши ҳам катта маҳорат ҳисобланади. Тўғри йўл эса, унинг ақлий потенциалини ишга солиб, ривожланишини узлуксиз таъминлаб боради. Ўқувчи ҳам ўз навбатида билимларни чуқур ўзлаштиради ва маънавий баркамоллик сари одимлайди”<sup>104</sup>. Ноанъанавий дарснинг муаммоли, иллюстратив ва тушунтириш дарслари, дастурланган дарс, компьютерли ўқитиш, ностандарт дарслар каби турли кўринишлари маълум.

Замонавий ўқувчи замон билан қадам ташлаётган, тезкор ва ўзгарувчан дунёда билим олишга ва эгаллаган билимларини кўникма-малакаларга айлантириб, амалда қўллаш имкониятига эга, турли вазиятларда ўз тактикаси ва стратегиясини қўллаб, муаммога тўғри ёндаша оладиган қобилиятли, мустақил, ҳамкорликда фаолият юритишга тайёр, баркамолликка даъвогар шахс. Зеро, шундай экан, замонавий ўқитувчи ўз педагогик маҳоратига эга, замонавий дарс ўтиш методикасини мукамал эгаллаган, ҳар қандай вазиятда ўқувчиларни ўз орқасидан етаклай олувчи профессионал касб эгаси бўлиши тақозо этилади.

Ватанпарварлик тарбиясига эришув мақсад қилинган дарсларда, албатта, ўзига хос интерфаол усуллар, дарс мазмунига мос воситалар, дарс ўтиш шакллари ҳамда махсус амалий машқлардан фойдаланиш мумкин бўлиб, бу ўқитувчининг маҳорати, берилган асарнинг характери, ўқувчиларнинг савияси, кайфиятлари, дарснинг асл мақсади асосида ёндашилса, дарс самарадорлиги ортади. Ана шундай метод, шакл, усул, машқлар тизими ва воситаларга асосланган дарс ишланмалари тадқиқотда берилган.

Умумий ўрта таълим ва академик лицейларда ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг интерфаол методлари адабиёт дарсларида

<sup>103</sup> Усмонбекова М. ва бошқалар. Креатив педагогика асослари. Модуль Т.; 2016. 68-б.

<sup>104</sup> Йўлдошев Ж.Ф. Замонавий дарс. Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Тошкент, 2007. 5-бет.

қандай амалга ошаётганлигини кузатишимиз баробарида қуйидаги ҳолатлар яққол кўзга ташланди:

– адабиёт ўқитувчиларнинг аксарияти илғор педагогик технологияларнинг номини билади, амалда қўллай олмайди;

– ўқитувчилар анъанавий ҳамда интерфаол ўқитишдаги афзалликлар ва камчиликларни кўра олмайди ҳамда унумли фойдалана олмайди;

– технологиялар моҳиятига етмасдан билганича амалда қўллайверади;

– ўқитиш жараёнида ахборот техника воситаларидан фойдаланишга сезиларли даражада эътибор қаратилмайди;

– ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишга, алоҳида фаоллик кўрсатишларига етарли имкон берилмаётир;

– дарслар, асосан, анъанавий йўналишда ўқитилади (бир қолипга туширилган), баъзан очик дарслар ўтказилиши мумкин;

– дарсни, асосан, ўқитувчи бошқаради (авторитар бошқарув устун);

– интерфаол дарсларни ўйинлардан иборат деб нојиддий қаралади;

– ўқувчилар турли ҳаётий вазиятларга туширилмайди, демак, шу вазиятдан чиқиб кетишга йўналтирилмайди;

– тайёр билимни бирор қўшимча маълумотларсиз беришади;

– синфда дўстона муносабатлар доим ҳам ҳукм сурмайди;

– адабиёт ўқитувчисидан болалар ўқитувчисига айланмагани;

– ўқувчини шиддатли ҳаётга тайёрлашнинг замонавий усуллари анланмаган ва бошқалар.

Бу ҳолатни ислоҳ этишда энг мақбул йўл адабиётни интерфаол ҳамда интегратив методлар воситасида ўқитишга эришиш, Давлат талаблари ҳамда Миллий дастур билан танишишдир.

1. Таълим жараёнида интегратив ва ИПТнинг мақсади, моҳияти ва тараққиёт босқичларини билиши;

2. Ўқитишнинг интерфаол усулларини фаннинг мақсадига мувофиқ танлай олиши ва ўқув жараёнида қўллаши;



3. Педагогик тамойилларга тўлақонли амал қилиши баробарида ўз устида доимий изланишлар олиб бориши;

4. Интерфаол дарс шаклининг анъанавий дарсдан устунлигини англаши ва ҳар иккала дарс шаклларида ўринли фойдаланиш малакасига эгаллиги;

5. Бола ҳуқуқлари кафолатланишида ўқитувчининг масъуллигини тўлақонли ҳис қилиши ва унга сўзсиз амал этиши;

6. Ўқувчи камолотида фанлараро алоқадорлик тамойили узвийлик ва изчиллик мувофиқлигини таъминловчи кўрсаткич эканлигини эътиборга олиши;

7. Ўқувчи шахсий сифатларидаги ўзига хослик муносабатларини яқдил англай олиши ва индивидуал маҳорат орқали ёндашиш малакасига эгаллиги;

8. Дарс мақсадларига эришиш йўллари билиши, дарс босқичлари таркибий тузилишига тўлиқ таяниши;

9. Ўқувчи ижодий тафаккури ва интеллектуал салоҳияти юксалиши учун дарсни адабиётшуносликнинг энг сўнгги ютуқларига таяниб ўтиш, назарий билимлар ёшларни ҳаётга тайёрлаш учун хизмат қилишини таъминлаш;

10. ИПТ асосида таълим-тарбиянинг бош мақсади ва асосий вазифаларини шахснинг интеллектуал, маънавий, жисмоний камолотига сафарбар эта олиши.

### **3.2. Адабий таълимда интегратив муҳитни ҳосил қилишда интерфаол методларнинг аҳамияти**

Маълумки, ёшларда шахсга хос сифатларни таркиб топтиришда адабиёт ўқув предмети алоҳида ўринда туради. Чунки адабиёт инсоннинг руҳиятини, ички оламини бойитишга, уларда мустаҳкам эътиқод, соғлом дунёқарашни тарбиялашга хизмат қилади. Инсон маънавий сифатларининг билимдан фарқли жиҳати шундаки, у инсонда исталган пайтда шакллантирилавермайди. Вақтидан биров кечиклдими, бас, бола маънавияти кемтик ҳолда қолаверади. Одам учун билим олиш, касб-хунар эгаллашнинг эрта-кечи бўлмаса-да, маънавий камолот учун вақтнинг аҳамияти катта. Астойдил интилган одам учун исталган вақтда билим олиш, хоҳлаган пайтда касб-хунар ўрганиш имконияти бор. Лекин инсонда ўз вақтида қарор топмаган бирор маънавий сифатни кейин шакллантириб бўлмайди. Шуниси борки, ёшлар маънавиятидаги кемтиклик уларнинг ақлий ўсишига ҳам, касб-хунар эгаллашига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун адабиёт дарсида ўқувчиларнинг эркин фикрлайдиган, ўрганилган асардаги қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига мустақил баҳо бера оладиган шахслар сифатида шаклланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўрта махсус ўқув юртлари адабий таълимида барча педагогик тадбир ва воситалар ўқувчиларнинг адабий матн устида эркин ишлай олишини таъминлашга қаратилиши лозим. Мактаб ва академик лицейларда «Адабиёт» фани адабий ўқишга асосланади. Ушбу босқичларда ўзбек ва жаҳон адабиёти тизимли асосда юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашга йўналтирилади. Яна ҳам соддароқ айтганда, узуксиз таълимда ўқувчилар адабиёт тарихи ҳақидаги билимлар баробарида адабий матннинг ўзи билан танишади. Бу босқичларда ўқувчиларда адабиёт бўйича назарий билимларни шакллантириш эмас, балки уларда муайян маънавий фазилатларни қарор топтириш кўзда тутилади. Шунинг учун айна айна босқичларда барча адабий материаллар ўқувчиларда шакллантирилиши зарур деб ҳисобланган маънавий сифатларни

акс эттирадиган рукнлар асосида жойлаштирилади. Таълимнинг турли босқичларидаги адабиёт дарсларида интерфаол усулларни қўллаш йўлларига доир тадқиқотлардан маълум бўладики, ўзбек педагогика илмида хусусан, адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарвар этиб тарбиялаш тизими ишлаб чиқилмаган. Бу ёндашув, масалан, ўқувчилар фаоллигини оширишда, тил билиш (хорижий тил) жараёнларида ҳам интегратив ривожлантирувчи ҳисобланади. Интегратив ёндашув фаолиятининг таркибий (ташкилий-услубий, амалий ва назарий) қисмлари сифатида шахснинг индивидуал ривожланиш компонентларини юзага чиқаради. Кўринадики, интегратив ёндашув асосидаги интерактив методлардан фойдаланишга йўналтирилган асарлардан бири проф. Н.Саидахмедовнинг «**Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари**» китобидир. Муаллифнинг интерфаол методлар моҳиятини англатиш ва уларни амалиётда қўллаш бўйича фикрлари асосли эмас. У ёзади: *«...ўқитиш методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир. Ўқитиш методи дастлаб педагог онгида фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади»*<sup>105</sup>. Маълумки, метод таълим объекти ва субъектининг (педагог ва ўқитувчи) ҳамкорликдаги фаолияти орқали таълим мазмунини ўзлаштириш усули ҳисобланади. «**Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш**»<sup>106</sup>, «**Замонавий таълим технологиялари**»<sup>107</sup> китобларидаги қарашлар ҳам талаб даражасида эмас. Уларда ноанъанавий дарслар интерактив усулдаги дарслар билан бир саналган, илдизсиз, мантиққа мувофиқ келмайдиган «**Интерфаол дегани ўта фаол таълим усули демакдир**»<sup>108</sup> тарзида ҳукм чиқарилган ўринлар фикримиз далилидир. Интегратив инновация тушунчасига изоҳ беришни лозим топдик.

---

<sup>105</sup> Саидахмедов Н. Дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол методлари. –Т.: “Университет”, 2005. 3-бет.

<sup>106</sup> Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.

<sup>107</sup> Олимов Қ., Ашурова С., Ўринов У. Замонавий таълим технологиялари. –Т.: Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, 2007.

<sup>108</sup> Ҳайитов А., Боймуродов Н. Таълимда ноанъанавий дарслар ва интерфаол усуллардан фойдаланиш. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. 52- бет.

Г.Курбонова фикрича: “Педагогик интеграциянинг инфатузилмасини яратиш, аввало педагогик амалиёт ва назарияси соҳасидаги интегратив фактларни тўплашни назарда тутди. Ҳозирги замон таълим амалиёти таълим мазмуни, предметлар мазмунини интеграциялаш, интегратив шакл ва технологияларнинг пайдо бўлишига тегишли интегратив–педагогик характердаги кўплаб фактларини тўплаган. Педагогик интеграциянинг шахс психологик шароити биринчидан, интегратив – педагогик фаолиятни амалга оширишга мотивацион йўналтирилганликни; иккинчидан, ноанъанавий, ноилмий, номаданий, (номентал ва шу каби) қоидалар ва ҳодисаларини бағрикенглик билан идрок этишга тайёрликни; учинчидан, фикрлашнинг интегратив усуллари шаклланганлиги, интегратив фикрлаш қобилиятини ишлаб чиқиши кабиларни ифодалайди, булар сирасига умумлаштира билиш, синтезлаш, қиёслаш, ўхшашликлар асосида хулосалар чиқаришни, тўртинчидан, шунчаки ўзаро ҳаракат эмас, балки “бирга”, “қўшиб” ишлаш малакасига эга бўлишини ҳам киритиш мумкин”<sup>109</sup>.

**Демак, «Ин», «новация» – «олиб кириш», “ахборотларни тўплаш” «янгилик(ларни)» бирликларидан иборат бўлиб, «янгиликларни таълим жараёнига олиб кириш» маъносини билдиради. Янгилик амалий натижа бериши учун, биринчидан, янгилик нималиги белгиланиши; иккинчидан, ўзлаштирилаётган янгилик ҳақида етарлича маълумотлар, асослар, ахборотлар тўпланиши, учинчидан, янгилик сифатида тўпланган билимлар сараланиши, тўртинчидан, сараланган янгиликлар апробациядан ўтказилиши, бешинчидан, амалиётда яхши натижа берган янгиликлар тизимида фаол қўлланиши зарур.**

Ҳар қандай янгиликнинг нисбий эканлиги таълим жараёнида интегратив инновацион муҳитни ҳосил қилишда эътиборли бўлиш зарурлигини эсга солади. Шиддат билан ривожланаётган даврда ахборотнинг ниҳоятда кўплиги,

---

<sup>109</sup> Курбонова Г. Интегратив- педагогик фаолиятининг амалга оширилиши. XIV Международная научно-практическая интернет-конференция. 30–31 мая, 2015.

инсонлардаги янгиликка ўчлик, қизиқиш, кучли мотивация (эҳтиёж, истак, хоҳиш), шунингдек, таълимий ислохотлар педагогик фаолиятга янгича ёндашувларни тақозо этади. Бугунги тезкор ўзгарувчан глобаллашув жараёнида энг бой инсон маълумот ва ахборотларга бой бўлган шахсдир.

Узлуксиз таълимда , айниқса адабиёт дарсларида инновацион муҳитни ҳосил қилишга ёрдам берувчи омиллар:

*ўқитувчининг таъкилотчилиги;*

*дарс жараёнига, адабий таълимга коммуникатив ёндашув;*

*ўқитувчининг профессионал касбий билим даражаси, савияси ва маҳорати;*

*методологик маҳорати;*

*мақсадга олиб боровчи йўлнинг аниқлиги ва натижаларнинг кафолатланганлиги;*

*муҳит яратилиши учун қулай шароитнинг мавжудлиги; (интернет тармоғи, сайт ва бошқа ресурслар)*

*амалга оширилаётган ишларнинг рағбатлантирилаётгани;*

*шахснинг ўз фаолиятидан қониқиши;*

*ўқувчи эҳтиёжларига мос қулайликлар яратиши;*

*ишчанлик муҳитини яратиши;*

*ҳамкорлик, ҳамдардлик, ижодий муҳитни яратиши;*

*ўқувчиларни янгича муҳитда фикрлаш ва ишлашга ўргатиши;*

*дарс шакллари янгилаб, оммалаштириб бориши;*

*психологик муҳитнинг мавжудлиги кабилар.*

Инновацион муҳит таълим-тарбиядаги интерфаол методларни қўллаш билан узвий боғлиқ. Илғор педагогик амалиётда ана шундай дарс беришнинг талайгина йўллари мавжуд ва адабий таълимга қўйилаётган янги талаблар уларни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Адабий таълимда ватанпарварлик туйғуларини ёшлар руҳиятига сингдиришнинг интерфаол методлари ҳақида гап кетар экан, ўқитувчи ўқитувчи

ижодкорлар, машхур замондошларнинг ҳаёт йўллари ҳақидаги ибратомуз ҳикояларни ҳам ибрат тариқасида келтириши мумкин. Масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров ҳаётидан қуйидаги лавҳалар ўқувчига ҳавола қилинади: *«Мусулмон бўлишинг учун мусофир бўл! – деган ақида рост экан. Ватандан йироқда уни соғиниб яшаганда, бошқа жойларда топилмайдиган юз хил неъматларимизнинг қадри ўтаркан... Ўзга элларда Ватанни соғиниб яшайдиган одамга барча элдошлар бир бутун миллат бўлиб кўринади... Мен билан ўн йил бир бинода меҳнат қилган рус, украин, грузин, армани, латиш, эстон, қозоқ, тожик миллатига мансуб ҳамкасбларим ҳам ҳар бири ўз халқи ва адабиёти учун жон куйдириб ишлар эди. Уларда миллий гуруҳ ва маданий савия баландлигини сезганим сари ўзим ҳам шулардан қолишмасликка интилардим»<sup>110</sup>*. Ёзувчи ўз ҳаёти ҳақида гапирар экан, ана шу интилиш ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини кучайтирганини таъкидлайди. Бундай ибратомуз ҳикоялар инсонни Ватан, халқ миқёсида фикр юритишга одатлантиради, катта мақсадларга интилиб яшашга ўргатади.

Ўқитувчи юқоридаги матннинг таъсир кучини ошириш, ватанпарварлик туйғуси моҳиятини тўлақонли очиш учун 10-синф ўқувчиларига қуйидаги мавзуга тамомила зид бўлган қуйидаги матнни ўқувчиларга тавсия этади:

*«Ж.Жойс Италияда туғилган модернистик услубда қалам тебратувчи ёзувчи. У ўз ватани Италия Англия мустамлакасига айланганидан сўнг, она тилини унутиб, инглиз тилида асар ёзишга мажбур бўлган. У ватанида юрганида ўзини иккинчи даражали одамдек ҳис қиларди. Ёзувчи қадрсизлик туйғуси учун ўз туғилган юртини ва унинг халқини айбдор деб биларди. Бир асарда ёзувчи ўз прототипини яратиб, унинг тилидан ватани ҳақида шундай дейди: «Биласанми, Ирландия нима? Ирландия бу ўз болаларини ўзи ейдиган кекса чўчқа!» ёки «Шол бўлган мамлакат»<sup>111</sup>.*

<sup>110</sup> Қодиров П. Мустақиллик даври адабиёти. . Маънавият, модернизм ва абсурд. Т.: 2006, 28 – 29-бетлар.

<sup>111</sup> Жойс Ж. Ёш санъаткорнинг портрети., Мустақиллик давр адабиёти. Т.: 2006, 31-бет.

Мана шу матнлар муҳокамасида ўқувчилар бир нечта гуруҳга ажратилади. Улар мазкур матнлар устида фикр юритадилар. Ўқитувчининг мақсади матнда илгари сурилган асосий ғояни ажратиб олиш ва фикр билдиришга қаратилган.

Атоқли ёзувчи ўз Ватани ҳақида гапираётгани, унинг қарашлари, ўзи туғилиб ўсган тупроғига муносабати таҳлил қилинади. Ватанпарварлик ва ватанида ўзини қадрсиз, деб билган муалифнинг ўзига хос кечмиши ҳақида фикр алмашинади. Ўқувчилар чиқарган хулосаларни ўқитувчи умумлаштиради, савол-жавоб орқали мустаҳкамлайди ва «**Зиг-заг**» (**чувалчанг**) усулида ишланади. Мазкур интерфаол методнинг бундай номланишига сабаб — унда кичик гуруҳдаги ўқувчилар фурсати билан ўрин алмашиниб турадилар, ўзаро келишган ҳолда материални ўзлаштиришади ва жавоб беришади. «Зиг-заг» (чувалчанг) усулида ҳар бир иштирокчи рақамланади. Агар бирор кичик гуруҳда бирорта аъзо кўп ёки кам бўлса, рақам ҳам шу каби битта ортиқ ёхуд кам бўлади. Ўқитувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бирига бажариши керак бўлган ўқув вазифасини бергач, рақамлар асосида маслаҳат гуруҳларини ташкил этади, иштирокчиларнинг рақамланиши сабаби шунда. Яъни 1-рақамлилар алоҳида, 2-рақамлилар алоҳида, 3- рақамлилар... ва ҳ.к. тарзида муваққат маслаҳат гуруҳи ташкил этилади. Маслаҳат гуруҳи олдида ўқув муаммосини тўғри ечиш ва эсда қоладиган йўсинда тақдим қилиш вазифаси қўйилади. Маслаҳатчилар фикрлашиб бўлгач, яна аввалги гуруҳларига қайтади.


«Чувалчанг» усули моҳиятини қуйидаги йўсинда эсда қоларлироқ ифодалаш мумкин:

3.2.1-жадвал.

<b>Босқичлар</b>	<b>Қилинадиган ишлар</b>
1- босқич	Ўқувчилар ўрганиши кўзда тутилган ўқув материали ўқитувчи тарафидан муайян қисмларга ажратилади.
2- босқич	Ўқувчилар бир нечта кичик гуруҳга бўлинади ва ҳар бир аъзога маълум бир рақам берилади.
3- босқич	Ўрганилиши зарур бўлган материал ўқувчилар ўртасида тақсимланади.

4- босқич	Кичик гуруҳларнинг рақами ўхшаш иштирокчиларидан иборат маслаҳат гуруҳи шакллантирилади. Маслаҳат гуруҳи материални мукамал ўзлаштириш ва маъқул тарзда тақдим этиш усуллари ишлаб чиқади.
5- босқич	Маслаҳат яқунлангач, ўқувчилар яна ўз гуруҳларига қайтади. Улар материалнинг ҳар бир иштирокчи тарафидан тўлиқ ўрганилишини таъминлайди ва текширади.
6- босқич	Ўқувчиларнинг берилган материални қай даражада ўргангани ўқитувчи тарафидан аниқланади ва баҳоланади.

Матн мазмуни билан танишилгач, белгиланган вақт ичида гуруҳлар матн устида ишлайдилар. Гуруҳ сардорлари ўз гуруҳига ўрганилган мавзу ҳақида сўзлаб беради. Ўқитувчи гуруҳлардан ва гуруҳлар бир-биридан тушган саволларга жавоб беришади. Тақдимот қилиниши ва матн бир бутунликда яхлит ўзлаштирилиши, мустақил фикрлар, тўлдиришлар эшитилиши лозим. Муқобил ҳолатда «Қарорлар шажараси» методи асосида бош муаммо ажратиб олиниб, учта ёки тўртта кичик ғоялар ёзилиб, қуйидаги схема тарзида бир қарорга келиниши мумкин.



3.2.2-расм. Қарор қабул қилиш усули.



Шу тариқа ўқувчиларга адабиётнинг вазифаси инсоний туйғу, эзгу фазилатлар билан таништириш, сўзлар орқали китобхонлар кўнглида шундай ҳисларни уйғотиш, мустаҳкамлашдан иборат эканлиги англатилади. Ўқитувчи бу самарани анъанавий йўсинда дарс ўтиб ҳам қўлга киритиши мумкин эди. Аммо у ҳолда жараён узоқ чўзилган, зерикарли-мажбурий тус олган, энг асосийси, ўқувчилар туйиши керак бўлган ҳислар фақат асар қаҳрамонларига тегишли эканлигича қолаверган бўларди. Таълимнинг замонавий усуллари эса ўқитувчига ўз ўқувчисига туйғуни юктириш, ўзига тегишли бўлгандай ҳис қилдириш имконини беради. Қадимги Рим мутафаккири Квинтилиан таъкидлагани каби: *«Агар ўқувчилар бир-бирига ўргатсалар, мустаҳкамроқ ва чуқурроқ билимларга эга бўладилар»*.

Инновацион муҳитда шакллантирилган таълимда ўқувчилар гуруҳларга ажратилиб, бир вақтнинг ўзида икки хил муаммоли вазият яратилиб, ана шу муаммо ҳақидаги қарашлар воситасида энг муҳим ғояга, яъни ватанпарварликни шакллантиришга йўналтириш ҳамкорликда ўқитишнинг учта назариясига олиб келади. Булар — **билиш (интеллект) ривожланиши, ижтимоий ўзаро боғланиш; бихевиоризм ғоялари (хулқ-атвор)**.

Билиш ривожланиши назариясининг асосчилари Жан Пиаже (1896 – 1980) ва унинг тарафдорлари *«Болалар фақат ўзлари кашф қилган нарсалар тўғрисида ҳақиқий тушунчага эга бўладилар. Биз тез ўргатишга ҳаракат қилганимизда уларни нарсаларни қайта кашф қилишдан тўхтатамиз»*<sup>112</sup>, деб ҳисоблашган.

Бирга ишлайдиган одамлар орасида, албатта, мунозаралар, **«интеллектуал жанжаллар»** туғилади ва ўз ечимини топади. Натижада **«билиш мувозанатсизлиги»** пайдо бўлиб, интеллект ривожланишини рағбатлантиради. Тавсия этилган матн мазмунини ўзлаштираётган ўқувчилар ҳар иккала матн ғояларини қарама-қарши ҳолатларни таққослаш жараёнида ўрганиб, билиш мувозанатига эришадилар.

---

<sup>112</sup> Пиаже Ж. “Бола нутки ва тафаккури”, 1923 й.

Инсонга оид барча нарса ижтимоий қиррага ҳам эга бўлади, зотан, инсон ижтимоий борлиқ ҳамдир. **Ижтимоий ўзаро боғланиш** назарияси тарафдорлари (Л.С.Виготский (1896 – 1934) ва бошқалар) шу каби «*билим ўз табиатига кўра ижтимоий ҳодиса*»<sup>113</sup> деб ҳисоблашади Билим ўқитувчи-ўқувчи ва ўқувчи-ўқувчиларнинг аниқ муаммоларни ўрганиш, тушуниш ва ечишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатлари мевасидир.

Ижтимоий ўзаро боғланишли таълим ташкилотчилари: «*Жамият мустаҳкам билим ва тушунчаларга муҳим муаммолар ва вазифаларни ечиш жараёнида мулоқот, фаолият ва ўзаро ҳаракат орқали эришган*», деган ақидага амал қилади. Ўқувчилар бу назария қонуниятлари, мантиғи, умуман, нимадан иборат эканлигини тушунишлари учун ўқитувчи улар эътиборига ўзбек ёзувчиси П.Қодиров билан италян ёзувчиси Ж.Жойснинг ҳаёт йўлига тегишли икки хил тақдир ҳақида маълумот бериши мумкин. Гуруҳлар ўзаро ғоя алмашадилар, ахборотларни тўплайдилар. Улар ўзаро тушунганлик жиҳатларини ўрганишлари баробарида, ўзларининг заиф жойларини топадилар.

Ҳамкорликдаги таълимнинг **бихевиористик назария** (хулқ-атвор)си<sup>114</sup> XX аср биринчи ярмида америка психологияси йўналишида ривожланган бўлиб, психология фани инсон онги эмас, балки унинг хулқ-атворини атроф-муҳит таъсирига реакция сифатида ўрганиши керак, деб ҳисоблаган. Масалан, ўзбек ижодкори П.Қодиров ўзбекона атворга эга — миллий характери юмшоқ, Ватанни кўмсайди, мусофирликни азоб билади, бутун имкониятини ўз халқи, миллий адабиётининг ривожига сафарбар қилади. Италян ёзувчиси Ж.Жойс миллий атвори бутунлай фарқли, шу туфайли Ватанга муносабати ҳам ўзгача, юртга хизмат қилиш, унинг келажаги учун қайғуришдан кўра, «Ватан мен учун қайғуриши керак, мен Ватанда яшаб, бегонаман, қадрсизланган, мен ўз тилимда яйраб гапира олмасам», дган дунёқарашда. Шу тариқа ўқувчилар ҳар иккала

---

<sup>113</sup> Виготский Л.С. «Психология искусства», 1968г.

<sup>114</sup> Торндайк Э., Уотсон Дж. Б. Бихевиоризм. Принципы обучения, основанные на психологии. Психология как наука о поведении. М.: АСТ-ЛТД 1998 г. 704 с.

ёзувчи хулқ-атворининг атроф-муҳитга таъсир этувчи реакцияларини таҳлил қиладилар, бу орқали эса ижодкорлар ва улар мансуб бўлган миллат дунёқараши моҳиятини тушунадилар. Чунки И. В. Гёте таъкидлаганидек: **«Хар қандай санъат асарида, у хоҳ катта ё кичик бўлсин, барча воқеалар моҳиятга бориб тақалади»**.<sup>115</sup> Моҳият эса бадиий матннинг ички устуни; ижодкор дунёқараши ҳамда иймон-эътиқодининг ифодаси бўлиб акс этади.

XX асрнинг охирларидан шуҳрат қозона бошлаган конструктивизм фалсафий назарияси педагогиканинг назарий ва амалий йўналишини белгилаб берди. Бунга кўра бола ўзининг фикрлаши ёрдамида шакллантирилади. Конструктивизм педагогикаси ўқувчига тайёр билим бериб бўлмаслигига асосланади. Ўқувчи ўз билимларини муваффақиятли шакллантириши, уларнинг ривожланиши учун педагогик шарт-шароит яратиши лозим.

Конструктивизм оддий ҳақиқатни татбиқ этади: ҳаётимиз давомида ҳар биримиз атроф-муҳитни, дунёни идрокимиз, эътиқодимиз ва дунёқарашларимиз воситасида англаб борамиз. Шунинг учун инсон бошқаларнинг фикрига жуда қизиқади, ўзлигини асраш, ўзигагина хос фикрлаш, шахсий услубига эга бўлиш ўта муҳим саналади.

Конструктивизм (яратиш) — ўқувчининг нуқтаи назарини, у айни вақтда «хом» бўлса-да, диққат марказига қўяди. Бу эса билиш жараёнидаги боладаги ички тизим (тажриба, билимлар)нинг ташқи номаълум борлиқ билан юзага келган зиддиятини енгиб ўтиш орқали янги билим шакллантирилишининг бошланғич нуқтасидир. Ушбу зиддиятнинг бартараф этилиши илгариги тажриба асосида шакллантирилган билим билан тавсифланган вақтинчалик билиш фаолияти барқарорлиги (ёки когнитив мувозанат)ни тиклайди.

Конструктивизм назарияси ҳақиқатдан кўра унга қараб интилиш жараёнини кўпроқ қадрлайдиган педагогик фалсафадир. Чунки *«Илмий билим*

---

<sup>115</sup> Гёте И.В. “Шеърят ва ҳақиқат” автобиографик асар 1811 – 1833-й.. Т.: 76-б.

статик ҳодиса эмас, аксинча бу тўхтовсиз шакллантириш ва қайта қуриш жараёнидир»<sup>116</sup>, дейди Ж. Пиаже.

Юқорида тавсия қилинган матнлар орқали ўзаро зид қарашлар тўқнаштирилади. Қарши мисолларни келтириш орқали зиддиятли, муаммоли вазият туғдирилади. Энг асосийси, ўқувчилар савол устида ўйлайдилар, бош қотиради, аввалги ва янги билимлар ўртасида боғлиқликларни топади, уйғун ва фарқли жиҳатларни қабул қилади. Ўқувчи учун бундай инновацион муҳитнинг яратилиши **янги изланиш** → **изланиш** → **гипотеза** → **ёчим** → **илова** тарзидаги тадқиқот фаолиятини юзага келтиради. Конструктивизм назарияси асосида инновацион муҳит яратиш ва интерфаол методлардан фойдаланиш куйидаги тамойилларга таянади:

ўқув дастуридан келиб чиқиб, умумий тушунчаларга урғу берилиб, **«умумийликдан хусусийликка қараб»** тамойилига;

ўзгартирилган мослашув-ўқитиш жараёнига;

дарслик ўқув маълумотларининг устувор манбаи бўлиб қолмасдан, балки турли манбалардан бири эканлигига;

ўқувчи атрофидаги олам ҳақида мустақил қараш ва тасаввури мавжуд бўлган ўқув жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигига;

ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув-билув ва тадқиқот фаолиятининг ташкил этувчиси эканлигига;

ўқувчининг мустақил мулоҳазалари қадрланишига;

ўқувчиларнинг нафақат ўқув-билув фаолияти натижалари, балки янги билимни конструкциялаш бўйича қилган ҳаракати ҳамда унинг ўқитишдаги ўсиши ҳам баҳоланишига;

назорат ва баҳо билимни кашф қилишга бўлган ҳаракатнинг ажралмас хусусиятлари бўлиб, ўқитиш жараёнининг таркибий қисмига айланишига;

дарсда ўқувчилар интерфаол методларнинг турли шаклларида фаолият юритишига.

<sup>116</sup> Сафин Д.В., Мусина Р.Г. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. Т.: 2007, 27-бет.

Кўрсатилган тамойилларнинг барчаси умумлашиб, ягона мақсадга — ўқувчиларни бадий асарни бир умр ўқийдиган, ундан таъсирланиб, ўз устида муттасил ишлайдиган шахсларни етиштиришга хизмат қилади. Чиндан ҳам, адабиётшунос методист олим О.Мадаев ўзларининг маърузарида жуда кўп такрорлайдиган фикрлари: «**Адабиёт дарсини ўқитишдан мақсад китобхонни тарбиялашдан иборат**»дир. Табиийки, ўқувчиларнинг ҳар бирида ижодий тафаккур шаклланиши имконсиз. Ўқитувчи ўқувчиларнинг, ҳеч бўлмаганда, ярмида ижодкорликка майл уйғота олса, бу далил унинг ишни нафақат ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигида, балки УЎТМ раҳбарияти билан биргаликда амалга оширганлигини билдиради. Зотан, таълим мазмуни ва йўналишини ўқитувчи белгилайди, аммо мактабларда, ҳар бир синф хонасида ижодий кайфият ҳукм суришини таъминлаш УЎТМ директорлари зиммасидадир. Таълимнинг ҳар бир босқичида деярли мажбурий саналган мазкур тамойил тўғридан-тўғри ўқитиш самарадорлигини белгилагани учун биз қуйида иловада унинг мақсади, амалга ошириш йўллари батафсил ёритилган лойиҳани тақдим этишни жоиз топдик.

Адабий таълим жараёнидаги ижодий муҳитнинг мақсади ва уни йўлга қўйиш механизми ушбу ишланмада имкон қадар батафсил ёритилган. Ишланмани тайёрлаш ва ўқув жараёнида қўллаш учун ўқитувчи ***ижодий муҳитнинг ижодкор шахсни шакллантиришга йўналтирилганини, ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш орқали муаммолар ечимини топиш, аниқ мақсадли натижаларни кафолатлашдан иборатлигини*** ўқувчига англантиб боради. Педагог айнан ижодий муҳит болалардаги ижодкорликка туртки бериши, ривожлантиришини яхши билгани боис УЎТМда шундай муҳит ҳамisha барқарор бўлишини таъминлашга интилиши керак. Натижада эса *кишининг шахсий майл, қизиқиши, ижод намуналари, янгилик киритиш имконини берадиган иш билан шуғулланишга интилишини* англатган ***ижодкорлик*** табиатига эга ўқувчилар сони ортиб бораверади.

Ижодий муҳитни ривожлантирувчи шарт-шароитни яратиш учун кишилар билан уларнинг қанчалар аҳамиятли эканлигини ўзларига туйдирган ҳолда муомала қилиш керак. Психолог Жеймснинг таъбирича, «*инсон табиатининг чуқур принципларидан биттаси, бошқалар томонидан тан олиншига бўлган хоҳишдир*».<sup>117</sup> Бундай истак УЎТМ ўқувчиларида, айниқса, кучли ва етакчи тамойилдир. Ҳамкорликда таълим орқали мавжуд муаммоларнинг жуда катта қисми ўз ечимини топган бўларди. Бунинг учун эса педагог ижодий муҳитни ривожлантириш қонун-қоидалари билан пухта танишмоғи лозим. Шунга кўра семинар-тренинг учун иловада материал тақдим қилинди ва амалда ривожлантирувчи шарт-шароитлар билан таништирилди. Расм тақдим қилинди. Адабиёт дарсларини ўқитиш жараёнида, асар таҳлилида мазкур структурали расм жуда қўл келади.

**АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ИЖОДИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ  
ШАРТ-ШАРОИТЛАР (расмга қаранг)**



3.2.3-расм. Адабиёт дарсларида ижодий муҳитни ташкил қилиш.

<sup>117</sup> Жеймс Жойс. Улисе саргузаштлари. (И.Фафуров таржимаси). Т.: – “O’zbekiston” – 2013.

Мазкур таълимда ижодий муҳитни ривожлантириш шартлари билан танишиш натижасида семинар-тренинг иштирокчилари таълим муассасаларида бундай муҳитни яратувчи асосий субъектларни кўриб чиқадилар. Улар бажариши зарур бўлган вазифаларни белгилаш орқали ижодий тафаккурсиз ижодий муҳит ярата олмаслигини ҳис этадилар. Узлуксиз таълим тизимидаги адабиёт дарсларида яратилган бундай шарт-шароитлар адабиёт ўқитувчиларида куйидаги ижодкорлик хусусиятларини уч шаклда намоён этади:

**1. Шахнинг ўз устида ишлаши** орқали ички имкониятларини касбий ҳаётда юзага чиқариш, касбий маҳоратини тобора ошириш каби интилишларида ўз аксини топади. Бу кўрсаткич бўйича ўз касбий қобилиятлари ва уларни ривожлантиришга оид кўпроқ маълумот олишга қизиқувчан кишилар юқори натижага эга бўладилар.

**2. Шахнинг маънавий қониқиши** қизиқарли, мазмунли иш эгаси бўлишга интилиш бўлиб, кишилар ўз меҳнатини мазмунан чуқур англашга интилиб, ўзлари бажарган ишнинг натижасидан завқ оладилар.

**3. Шахнинг ижодкорлиги** ўз ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга, теваракдаги нарса-ҳодисаларни ўзгартиришга интилишда акс этади.

Иштирокчилар адабиёт дарслари орқали узлуксиз таълимда ижодий муҳитни ривожлантиришнинг объекти ва субъекти шахс эканлигини ҳис қиладилар. Шу ўринда иштирокчиларнинг фикрларидан, кичик гуруҳлардаги фаолиятидан, ўзаро мунозараларидан куйидаги умумий хулосалар чиқарилади:

- *«Миллий дастури»да белгилаб берилган узлуксиз таълим тизими имкониятлари билан танишадилар.*

- *Мактаб таълимини ва ислоҳ қилиш кўникмалари ривожлантиради.*

- *Интегратив ёндашувларнинг таълим сифатини оширишдаги ўрнини билиб оладилар.*

- *Замонавий мактабларни салоҳиятли ўқитувчилар билан таъминлаш, ўқитишнинг инновацион тизимини яратиш даврнинг энг долзарб вазифаси эканини англайдилар.*

*Ислоҳотлар талаблари даражасида янги авлод кадрларини етиштиришнинг рақобатбардошлигини таъминлашда доимий, асосли, мақсадли фаолият юритишга ҳаракат қиладилар.*

*Педагоглар салоҳиятини ошириш имконини кенгайтириш ҳамда мустақил таълим натижадорлигини ўстириш режалари асосида чоратадбирлар, йўл харитаси кабиларни ишлаб чиқиш ва амалда бажарилишини таъминлаш методикасини ўрганадилар.*

*Ўқитувчиларнинг касбий малака ва маҳоратларини мунтазам ошириб бориш ва ривожлантириш юзасидан энг самарали қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини ҳамда таълим муассасаларида оила, мактаб, маҳалла концепцияси асосида олиб борилаётган ҳамкорлик ишларининг ўзаро манфаатдорликка асосланган ташкилий тизимини яратиш ва амалда қўллаш имконияти кенгайди.*

*Адабиёт дарсларида ватанпарварлик туйғулари акс этган мавзуларни ўтишда ижодий муҳитни ривожлантириш омилларининг жаҳон, миллий педагогика ва психология мезонлари, илмий-амалий йўналишлари методологияси баробарида, тизимни такомиллаштириш, илмий тафаккурни ўстиришга хизмат қилиши ҳақида билиб оладилар.*

*Шунингдек, шахс ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик режаси асосида маҳаллий таъсир кучини кенгайтириш орқали ватанпарварлик гояларини тарғиб қилиш ишлари муҳим эканлиги аёнлашади.*

*Моҳиятан ватанни севиш ва она юрт манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйишдан иборат бўлган ахлоқий ва маърифий тамойил, ижтимоий туйғу ватанпарварлик ҳисобланади. Ватанпарварлик ватани ютуқлари ва маданиятидан фахрланиш, миллий-маданий ўзига хосликни асраб қолиш, бошқа халқ вакилларида ажралиб туриш, Ватани ва халқини ҳимоя қилишга*



интилишни тақозо этади. Бу туйғунинг тарихи аждодларимизнинг қадимий кечмишига бориб тақалади.

Юқорида айтилганлар бўйича таълим жараёнига интегратив ёндашув маҳсули бўлган адабиёт дарслари ўқувчиларни ватанпарварлик туйғуларини шакллантирибгина қолмасдан уларнинг ижодий, креатив имкониятларини ҳам тизимли равишда узвийликда шауллантиради. Ушбу бўлимдаги илмий изланишлар натижасида қуйидаги умумлашмаларни чиқариш мумкин:

- адабиёт ўқитувчилари, умуман, педагоглар ўз фаолияти мобайнида интегратив муҳитдаги интерфаол методларнинг моҳияти, конструктив педагогиканинг асосий йўналишларини пухта эгаллаб олишлари зарур;

- дарс сифати натижаси ўқувчилар эришган самарасига ҳамда унга эришиш жараёнига қараб баҳолана бошланди;

- адабиёт дарсларида ўқувчининг билими билан бирга ундаги маънавий фазилатлар, шахслик жиҳатлари, ватанпарвардик туйғулари ҳам шакллантирилиши кераклиги аниқланди;

- ўқувчилар таълимнинг субъекти сифатида фаолият юритиши натижани кафолатлади;

- таълим жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорлик қилибгина қолмай, гуруҳдаги ўқувчиларнинг бир-бирларига шерик, мададкор бўлишини қўллаб-қувватлайдиган фан ўқитувчилари қатлами шаклланди;

- инновацион, интегратив муҳитни ҳосил қилишда таълимий машқлар, мавзуга хос методлардан фойдаланиш ўқитувчиларга ўз билимини маълум бир тизим асосида такомиллаштириб бориш имконини берди.

### **3.3. Умумий ва ўрта махсус таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тавсия этилган дастур мундарижаси**

Ватанпарварлик тарбияси миллий таълим тизимининг асосий илмий муаммоларидандир. Шундай экан, адабиёт ўқитувчиси ўзи кўзлаган натижага ҳамда таълимий мақсадга эришиш учун ўқувчилар ижтимоий тафаккурини ўстириши, турли тадбирлар, кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар орқали ёшларни жамият ҳаётига фаол аралаштиришларини таъминлаши зарур.

Миллий таълим дастурининг бундай зарур жиҳатлари, бир йиллик ўқув юкламаси, битирувчиларга қўйиладиган талаблар *«Академик лицейларнинг фанлар йўналишидаги тармоқ таълим стандарти ва чуқурлаштирилган фанлар ўқув дастурлари»*, *«Таълим тўғрисида»*ги Қонуннинг янги таҳрири, *«Миллий таълим концепцияси»* ҳамда аввалроқ *«Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги 204-сонли, *«Ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги 400-сонли қарорлари мазкур йилларда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида ҳам белгилаб берилган.

Таълим тизимини стандартлаштиришда жамият, меҳнат бозори ва ўрта махсус таълимнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш ва доимий равишда такомиллашиб боришни таъминлаш назарда тутилган.

Янгиланган адабий таълимда ижтимоий-маънавий ҳодисаларга руҳий ёндашув устуворлик қилгани боис миллий мафқурани сингдириш усули бирмунча осонлашди. Бадиий асар эса ижтимоий мослик эмас, бадиий-эстетик талаб нуқтаи назаридан ўрганила бошланди. Зотан, таълим тизими босқичларида адабиёт фанини ўқитишнинг бош мақсади ўқувчилар бадиий-

эстетик дидини шакллантиришдан иборат бўлиб, бу қуйидагича амалга оширилади:

- ўқувчиларда бадий асарга қизиқиш уйғотиш, уни англаш орқали маънавий маданиятини шакллантириш;

- бадий матнда теран мазмун ва ифода гўзаллиги уйғунлашувини идрок этиш малакасини ҳосил қилиш;

- бадий асарни ўқитишда ўқувчининг ёш хусусиятини эътиборда тутиш;

- бадий матн таҳлили малакасини тарбиялаш баробарида нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ва ҳ.к.

Мана шундай долзарб вазифалар бажарилиши бадий асарнинг эстетик қимматини холис баҳолаш имконини беради.

Дастур ва дарсликлар ҳақида мутахассислар бу йўналишдаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада профессор Б.Тўхлиев: *“...ўрта таълимда, академик лицейлар, шунингдек, касб-ҳунар коллежларида адабиёт фанини ўқитиш, уларда ўрганиладиган адабий асарларнинг қамрови ҳар доим ҳам долзарб илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади. Худди шунинг учун ҳам адабий таълимнинг турли босқичлари учун тузиладиган дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг мундарижаси, мазмуни алоҳида эътиборни талаб этади. Мустақиллик даврида бу масалаларнинг янада жиддийроқ тарзда муҳокама қилиниши, бу борадаги янгиланиш ва такомиллаштириш ишларининг узлуксиз равишда давом этаётгани қонуний ҳолдир”*<sup>118</sup>, – деб ёзади.

Кўринадики, ўқув дастурларининг пухта бўлиши, уларда ўрта мактаб ва ўрта махсус адабий таълимнинг асосий йўналишлари замон талабларига жавоб бериши, айниқса, адабиёт дарсларини ўқитишда ватанпарварлик тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

---

<sup>118</sup> Тўхлиев Б. Адабий таълим методологиясига доир // Туркий дунё ифтихори (Ч. Айтматов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами). 2008. – Андижон, 42- бет.

Ўқувчиларни босқичма-босқич олий таълимга тайёрлаш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг айримлари 2010 йилгача, шундан сўнг 2017 ўқув йилидан қайта фаолият юритганлиги муносабати билан X-XI синфлар ўқув дастурлари такомиллаштирилди. Умумий ва ўрта махсус таълим тизими адабиёт фани ўқув дастури, ўқув режаси ва дарсликларининг қиёсий таҳлили натижасида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. *10-11-синфларда адабиёт дарси учун ҳафтасига 3 соатдан жами 102 соат ўқув юкмаси белгиланган.* Дарсликдаги мавзулар таҳлил қилинганда, соатлар ўртасида тафовут сезилади.

2. Академик лицейлар ўқув режасида она тили ва адабиёт фанлари учун жами 120 соат ажратилган бўлиб, шундан 80 соати адабиёт фани учун белгиланган.

3. Узлуксиз таълим босқичлари қайта кўриб чиқилиб, **«Ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг умумтаълим фанлари ДТСлари ва ўқув дастурлари»**нинг вазифаларидан бири сифатида **«Халқнинг бой ақл-заковат мероси»** ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, дея белгиланган.

4. *Ўрта махсус таълим тизимининг стандартлаштириши тамойиллари янгиланди ҳамда* стандартларни ишлаб чиқишда зарур бўлган таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги ҳам кўрсатиб ўтилган<sup>119</sup>.

5. *Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талабларнинг 2.2. бандида «ЎМКХТ муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар»* идоравий бўйсунушидаги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, якка шахсларни ҳам ҳисобга олган ҳолда барча давлат бошқарув органлари ва таълим фаолияти билан машғул бўлган субъектлар томонидан бажарилиши шарт эканлиги уқтирилган. 2.4. банднинг ЎМКХТ муассасалари

---

<sup>119</sup> Мирзиёев Ш. Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармок ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор. Халқ сўзи газетаси. 2021 й.31 август.

битирувчиларига қўйиладиган умумий талаблар кўрсаткичида ҳам қўйидагилар умумлаштирилган тавсифнома сифатида берилган:

*- касбий моҳирлик ва тафаккур доирасининг етарли шаклланганлиги;*

*- профессионал таълимда ишлаб чиқариш амалиётини кучайтириш ва ёшларда ижодий фикрлаш, фикрларини ёзма ва оғзаки баён қилиш компетенциялари ривожлантирилишига алоҳида эътибор берилди.*

Академик лицей «Адабиёт» дарслиги<sup>120</sup> VIII бобдан таркиб топган бўлиб, улар қўйидаги фаслларига бўлинади: «Адабиёт – халқ ҳаётининг кўзгуси», «Энг қадимги адабий ёдгорликлар», «Қадимги кўшиқлар», «VII-XII асрлар адабиёти», «XIII-XIV асрлар адабиёти», «XV асрнинг биринчи ярми адабиёти», «Жаҳон адабиёти», «Бадий санъатлардан намуналар». Ушбу дарслик адабиётнинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги, ўзбек адабиёти тарихининг босқичлари, тазкирачилик, сайёҳлик асарлари, энг қадимги ёзма адабий ёдгорликлар, қадимги кўшиқлар ва ҳоказолар ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бу дарслик ўзбек адабиётининг тарихий босқичлари кетма-кетлик тамойили асосида яратилган бўлиб, унда ўқувчига энг муҳим маълумотларни етказишга ҳаракат қилинган. Ўзбек адабиёти тарихий босқичларининг ёритилиши мисолида адабий фаолиятнинг даврлар кесимида, ижодкорлар фаолияти тарихий саналар давомийлигида берилганлиги тартибли, босқичли кетма-кетлик тамойилларига мос. Айниқса, адабий асарнинг қимматини оширувчи бадий санъатлардан намуналарнинг келтирилиши мумтоз адабиётнинг тилини, нозик «иклим»ини ўқувчига етказишда таълим берувчи ва билим олувчига жуда қўл келади.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорида академик лицей ўқувчиларининг ватанпар-

---

<sup>120</sup> Тўхлиев Б., ва бошқалар. Адабиёт дарслиги. 1- китоб Т.: Ўқитувчи, 2000 ва 2017, 2018 йиллардаги қайта нашрлари.

варлик туйғулари ва тушунчаларини<sup>121</sup> босқичли ривожлантириш масалаларига ҳам урғу берган. Биламизки, ёшларни бадий асарлар орқали ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ўқитувчи фаолиятини бирмунча осонлаштиради. Аввало, ватанпарварлик ғояларини бир тизим деб олиб, унинг таълим бериш жараёнидаги турли кўринишларини аниқлаштириб олсак: а) *табиатга нисбатан ватанпарварлик*; б) *она тупроғини қадрлаш ва эъзозлаш*; в) *инсонларга яхшилик қилиш ғоялари*; г) *ўз ўртоғи, юртдоши орқали фахрланиш* ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Қадимги адабий ёдгорликлар билан танишаётган ўқувчи қалбига эзгулик фазилатлари билан бирга ватанпарварлик ғояларини ҳам сингдириш мумкин. Дейлик, «Авесто»да келтирилган «Ранха (Сирдарёнинг қадимги номи)»ни эшитган ўқувчи бу юртнинг қадимдан мавжудлигини, бу юрт номи келажакда яна қанча даврлар сақланишини ҳис этади ва «бу – менинг Ватаним – Ўзбекистон худуди» дея фахрланади. Ёки Сайфи Саройининг қуйидаги мисралари:

Ўсиб тупроғим узра найзалар,  
мен эвдин айрилдим,  
Ватандин бенишон ўлдим-да,  
ўзга юртга эврилдим.  
Нечун менга фалак жабр айлади,  
қандай гуноҳим бор?  
Илоҳо айла кам жабринг,  
мен элга содиқ ул эрдим.

Ёв босиб олгани учун она юртини тарк этишга мажбур бўлган ижодкор изтиробни ўринли ташбеҳлар ёрдамида очиб берилган. Умуман олганда, умумий ва ўрта махсус таълим адабиёт дарсларида ўқувчиларда она юртга муҳаббат тайғусини тарбиялашда бадий адабиётга таяниш орқали муҳим натижага эришиш мумкин. Айнан бадий матн, таъсирли шеър, чиройли насрий баён

---

<sup>121</sup> Мирзиёев Ш. Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. Халқ сўзи газетаси. 2020 й. 3 декабрь.

воситасида ўқувчи ўзи учун бутунлай бегона, тушунарсиз бўлган руҳий ҳолат – Ватандан айрилиш нечоғлиқ изтиробли эканини англаб етади.

Янги авлод кадрларларини тайёрлаш тизими такомилида «ўқувчи ёшларни ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» тамойили белгиланган экан, бу ҳолат Заҳириддин Бобур, Фурқат, Ҳамза, Миркарим Осим асарлари мисолида амалга оширилгандагина кутилган натижани бериши мумкин.

*Толе йўқи жонимга балолиг бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиг бўлди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим  
Ё раб, нетайин не юз қаролиг бўлди -*

каби мисраларда ўз Ватанидан узоқда фурқатда юрт соғинчи билан яшаган инсонлар кечинмаси акс этган бўлиб, бу орқали ўқувчиларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш кўзда тутилади.

Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ»<sup>122</sup> китобидан олинган «Ватанни суймак» мақоласида ҳам ўқувчиларга ватанпарварлик ғояларини сингдириш асосий масалалардан бири бўлиб хизмат қилади. Унда шундай ёрқин фикрлар бор: «Ватан. Ҳар бир кишининг туғилиб ўскан шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр, ҳатто бу ватан ҳисси туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас, майшати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида муҳаббат турур.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскимўслар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди...

---

<sup>122</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

... Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотиб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанига қайтиб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру муҳаббатидир...».

Бу сатрларни ўқиган ўқувчи қалбида беихтиёр ўз Ватанига, унинг ҳар бир гиёҳига ҳурмат уйғониши шубҳасиздир. Ижодкорнинг мазкур сатрлар битилган асарларини ЎМКХТ ўқув дастури, режа ва дарсликларига киритиш лозим. Қуйи синфларда бу лавҳа чуқур ҳис қилинмасдан, шунчаки ўқилиши мумкин, аммо юқори синфлар ҳамда академик лицей ўқувчилари чуқур мазмун касб этган бу асарни юракдан ҳис қилиб ўқийдилар.

Беҳбудийнинг «Падаркуш» фожиасидаги *«Токи маишат ва эҳтиёжи замонамиз тўғрисида ватан ва миллат исломга хизмат қилсин»* фикри, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини ўрганишда ватанпарвар Мирёқуб образи ҳақида фикр билдиринг каби муаммоли саволлар билан ҳам ўқувчиларда ватанпарварлик тушунчасини кенгайтириш ва ривожлантириш мумкин.

Академик лицейлар адабиёт дарслигига халқ оғзаки ижоди намуналаридан қисман киритилган. Агар ушбу мавзулар дарсликка кўпроқ киритилса, ўзини таниб, ўзлигини англай бошлаган ўсмир миллатнинг руҳияти ифодаланган қаҳрамонлик, ватанпарварлик руҳидаги дostonлар асосида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни миллат, юрт ҳимояси, унинг келажаги учун садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдек вазифа амалга оширилар эди.

1999 йилда тасдиқланган «Умумий ўрта таълимнинг Давлат стандарти», Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 1998/1999 ва 1999/2000 ўқув йилларида тажриба-синовдан ўтказилган ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандарти ўқув дастурлари ва режаларининг амалга оширилиши «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Республика Президентининг Фармони ва ҳукумат



томонидан қабул қилинган қарорлар ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларини такомиллаштиришни белгилайди. Мазкур манбалар 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, қайта ислоҳ қилинди.

Узлуксиз таълим тизими мактаблари (5-9-синф, 10-11-синф) ҳамда академик лицейлар учун адабиёт фанидан қата кўриб чиқилди ва такомиллаштирилган давлат таълим стандарти<sup>123</sup> қуйидаги вазифаларни белгилаб беради:

- а) ўлчаш-баҳолаш;
- б) бошқариш;
- в) мамлакат бўйича ягона таълимий макон яратиш;
- г) ижтимоий мувофиқлаштириш;
- д) таълимни гуманизациялаш;
- е) тўлиқ билим олиш ҳуқуқини таъминлаш;
- ж) таълим сифатини юксалтириш.

ДТС уч бўлимдан иборат бўлиб: «Умумий қондалар» (I бўлим), «Адабий таълим мазмунининг мажбурий минимуми» (II бўлим), «Ўқувчиларнинг адабиёт бўйича тайёргарлигига қўйиладиган талаблар» (III бўлим)ни ўз ичига олади<sup>124</sup>. Ушбу ДТС асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар алоҳида ажратилганлиги мақсадга мувофиқ.<sup>125</sup> Айниқса, бундай талаблар ҳар бир мавзунинг ўзлаштирилиши баробарида адабий асарни ўқиш, таҳлил қилиш, онгли муносабат билдириш ва эстетик завқ олишдан иборат эканлигини яна бир қарра далиллайди. Адабиёт фанидан ўқув дастури<sup>126</sup> — а) ўқувчиларга (ўзбек адабиёти тарихи ва ҳозирги адабий жараён вакиллари ҳаёти ва ижоди, халқ ва мамлакат тарихи, адабиётнинг фан сифатидаги ўзига хос томонлари) ҳақида

<sup>123</sup> Адабиёт фанидан такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти 17 – 19-бетлар (Қ. Йўлдошев, Қ. Хусанбоева) Тил ва адабиёт таълими. Т.: 2007., 5-сон.

<sup>124</sup> Адабиёт фанидан такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти 17 – 19-бетлар (Қ. Йўлдошев, Қ. Хусанбоева) “Тил ва адабиёт таълими”. Т.: 2007., 5-сон.

<sup>125</sup> Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (қарор номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

<sup>126</sup> Каримов Н., Мирзаев Т., Тўхлиев Б., Каримов Б., Дўстқораев Б., Магжонов С., Саййид С. 5 – 9-синфлар учун.

назарий билим бериш; б) ёзма адабиёт ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналарини ўрганиш; в) ўзбек адабиёти жаҳон адабиётининг таркибий қисми эканидан, жаҳон адабиёти тарихидан бохабар этиш; г) адабиёт ижтимоий фан сифатида ўқувчилар таълим-тарбиясида миллий ғоя, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш; д) адабиётни икки босқичда, яъни муайян мавзу (рукн)лар бўйича ва 8-9- ва 10-11-синфларда тизимли ўргатиш; е) мумтоз ва замонавий адабиётда аҳамияти улкан бўлган ижодкорларнинг сара асарларини ўрганиш; ё) замонавий ўзбек адабиёти вакиллари ижод намуналари билан танишиб бориш; ж) «**Мустақиллик даври адабиёти**» фаслида истиқлол йилларида ижод қилаётган, шахсий ва инсоний фазилатлари билан ўқувчиларга ўрнак бўла оладиган ижодкорлар ҳақида маълумотлар бериш<sup>127</sup> кабиларни кўзда тутади.

Тадқиқот давомида мавзумизга тегишли илмий манбалар, назарий-методик асарлар билан танишиш асносида УЎТМлари адабий таълими учун таълимнинг ҳар босқичида турлича соат ажратилганинг гувоҳи бўлдик. Умумтаълим мактабларининг синфлар кесимида адабиёт фанини ўқитиш учун ажратилган жами соатлар ҳажми — 5-синфда **102** соат, 6-7-8-синфларда **68** соат, 9-синфда **102** соат қилиб белгиланган. 5-синфда «**Ватанни севмоқ иймондандир**» рукнида Ҳамзанинг «**Жонларни жонони ватан**», «**Дардига дармон истамас**» ғазаллари (2 соат) берилган бўлиб, унда ижтимоий ватанпарварлик акс этган. Э. Воҳидовнинг «**Ўзбегим**» (2 соат) ва А. Ориповнинг «**Ўзбекистон**» қасидалари (2 соат), Ў. Умарбековнинг «**Қизимга мактублар**» (3 соат) асари берилган. Материалларни ўрганиш ва ўқувчилар ёш хусусиятини назарга олган ҳолда таҳлил қилиш натижасида бизда Ў. Умарбековнинг «**Қизимга мактублар**»ини мустақил ва тўла англаш учун 5–синф ўқувчиларининг идрок қилиш имкониятлари етарлими?- деган савол туғилди. Назаримизда, бу асар ўрнига ўқувчи дунёқарашига ҳар томонлама мос асарларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўларди.

<sup>127</sup> Адабиёт фанидан ўқув дастури (5 –9-синфлар учун) муаллифлар гуруҳи. РТМ.; 2008., 2-3-бетлар.

Ёки лицей ва коллежлар учун яратилган дарслик ва дастур бўйича III босқич талабалари Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси билан танишишлари кўзда тутилган. Тадқиқот мобайнида ўқитувчилар ва ўқувчилар билдирган фикр-мулоҳазалардан лицей ўқувчиларининг ижтимоий тафаккури, маънавий ҳозирлиги, асарни тушуниш салоҳиятига кўра «**Рухлар исёни**» мосроқ экан, деган тўхтамга келдик.

5–синф адабий таълими учун ажратилган **102** соатнинг **13** соати «**Ватанни севмоқ иймондандир**» рукнидаги мавзуларга ажратилган бўлса, 6–синф адабиёт дастурида «**Ватан**» мавзуси алоҳида рукн тарзида берилмаган. Шу боис биз мавзуларни қуйидаги тартибда режалаштириб, эътиборингизга ҳавола этишни жоиз топдик:

Ҳар бир дарслик Ўзбекистон Республикасининг «**Давлат мадҳияси**» билан бошланади; сўнг мустақиллик дарси (1 соат); О.Ёқубов «**Музқаймоқ**» (3 соат), Э.Воҳидов «**Нидо**» достони (3 соат), Ў.Ҳошимов «**Урушнинг сўнги қурбони**» (2 соат), Гулханий «**Зарбулмасал**» (3 соат), А.Ўтар «**Тил**», «**Фидойи халқимга**», «**Сипоҳи пора истар**», «**Билинг, ушбу замон ғамнокидурман**» шеърлари (2 соат), Абай «**Насихатлар**» (2 соат), Тоғай Мурод «**Юлдузлар мангу ёнади**» қиссаси (3 соат), Ж.Жабборов «**Ёшлар Ватан ҳақида**» (2 соат), И.Юсупов «**Қадрдон сўқмоқлар**»га (1 соат) ажратилиб, адабий таълимнинг жами **22 соати** мобайнида ўқувчиларни ватанпарварликнинг турли кўринишлари билан таништириб бориш, фикримизча, кўзланган таълимий мақсадга етиш имконини беради.

7–синф адабиёт дастурида ватанпарварлик мавзусидаги материаллар алоҳида — «**Кўзим қароғидасан, Ватан!**» рукни остида берилган. А.Авлоний «**Ватанни суймак**» («**Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ**» асаридан парча), «**Ватан**» шеърлари учун (2 соат), Шухрат «**Мардлик афсонаси**» балладаси (2 соат), Ч.Айтматов «**Оқ кема**» қиссаси (4 соат), М.Осим «**Ёшлик айёмининг илк баҳори**», «**Язд чўли**», «**Қушлар тили**» ҳикоялари учун (3 соат), А.Мухтор «**Юлдузим**», «**Туғилиш**», «**Йўл**», «**Ўзимники бу умр...**» шеърлари (2 соат),

Ш.Холмирзаев «Ўзбек характери» ҳикояси (3 соат), С.Зуннунова «**Менинг Ватаним!**» шеъри учун (1 соат), Р.Ҳамзатов «**Она тилим**» шеъри (1 соат), халқ оғзаки ижодидан «**Равшан**» достони (4 соат), Турди Фароғий «**Тор кўнгилик беклар**» асари (2 соат), Завқий «**Шоҳимардон хотираси**» шеъри (1 соат), Чўлпон шеърлари (3 соат), Миртемир «**Мен туғилган тупроқ**», «**Онагинам**», «**Тошбу**» шеърлари (3 соат), Ш.Раҳмон «**Уруш суврати**», «**Чақин бўлма...**», «**Минораи калон**», «**Сулаймон тоғи этагида ўйлаганларим**», «**Ёш тоғлар**» шеърлари (3 соат) адабий таълимнинг жами 35 соати мобайнида ўрганилади.

8–синф адабиёт дастурида ватанпарварликка оид мавзулар қуйидагича тақсимланади:

«**Кунтуғмиш**» достони (4 соат), Юсуф хос Ҳожиб «**Қутадғу билиг**» (3 соат), А.Фитрат «**Ўғит**», «**Миррих юлдузига**» (2 соат), Ғ.Ғулом «**Соғиниш**», «**Вақт**» шеърлари (1 соат), М.Шайхзода «**Мирзо Улуғбек**» фожиаси (3 соат), У.Носир «**Нил ва Рим**» ва бошқа шеърлари (3 соат), С.Аҳмад «**Қочоқ**» асари («**Уфқ**» романидан парча — 2 соат), О.Шарафиддинов «**Ўлсам, айрилмасман кучоқларингдан**» мақоласи (2 соат), Т.Сулаймон «**Илтижо**», «**Армон**» шеърлари (3 соат), М.Юсуфнинг «**Ватаним**», «**Меҳр қолур**», «**Юртим, адо бўлмас армонларинг бор...**», шеърлари (3 соат), А.Фирдавсий «**Шоҳнома**» асари (3 соат), С.Есениннинг «**Синглим Шурага**» шеърлари (1 соат) жами 30 соат мобайнида ўрганилиши кўзда тутилган.

9–синф адабиёт дастурида ватанпарварлик мавзуидаги асарларга қуйидаги тарзда вақт ажратилган:

«**Алпомиш**» достони (5 соат), А.Навоийнинг «**Хамса**» («**Фарҳод ва Ширин**», «**Садди Искандарий**») дostonлари (10 соат), Бобур «**Бобурнома**» мемуари ва лирик асарлари (7 соат), Муҳаммад Ризо Огаҳий (4 соат) лирикаси, Фуркат «**Фасли навбахор ўлди**», «**Сайдинг қўё бер, сайёд**» мусаддаси (3 соат), А.Қодирий «**Ўткан кунлар**» (5 соат), Чўлпон шеърлари ҳамда «**Кеча ва кундуз**» романи (5 соат), Ойбек асарлари (5 соат), О.Ёкубов «**Улуғбек хазинаси**» романи (4 соат), А.Орипов шеърлари, «**Соҳибкирон**» драмаси (5 со-

ат), Ч.Айтматов «**Асрга татигулик кун**» романи (4 соат) — жами **57 соат** мобайнида ушбу асарларда ифодаланган ғоялар Ватанни севиш, улуғлаш, халқ кудрати ва салоҳиятини тасвирлаш, элнинг етук фарзандларини қадрлаш орқали ўқувчига кучли ватанпарварлик ҳисси юктириб борилади.

10–синф адабиёт дастурида ватанпарварлик мавзуидаги асарларга қуйидаги тарзда вақт ажратилган: (Муаллифлар гуруҳи: Б.Тўхлиев. Б.Карим, К. Усмоновалар. 1-2 қисм. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Т., 2017 йил)

Халқ оғзаки ижоди рукни остида «**Рустамхон**» достони (5 соат), Қадимги туркий адабиёт рукни остида «**Ўрхун-энасой обидалари, Тўнюкук, битиклари**». Ўзбек мумтоз адабиёти рукни остида «А.Яссавий ҳикматлари, Атойи, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Турди Фароғий» китобнинг биринчи қисмида дарсликка киритилган бўлса, иккинчи қисмида Янги ўзбек адабиёти рукни остида «Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Аҳмад, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов» лар киритилган. Жаҳон адабиёти рукни остида «Жек Лондон, Алфонс Доде» каби адибларнинг ижодларидан намуналар келтирилган.

11–синф адабиёт дастурида ватанпарварлик мавзуидаги асарларга қуйидаги тарзда вақт ажратилган: Муаллифлар гуруҳи: (Муаллифлар гуруҳи: Б.Тўхлиев. Б.Карим, К. Усмоновалар. 1-2 қисм. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти Т., 2018 йил)

Халқ оғзаки ижоди рукни остида «Гўрўғли» достони. Қадимги туркий адабиёт рукни остида «Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб». Ўзбек мумтоз адабиёти рукни остида «Носириддин Рабғузий, Алишер Навоий, З.М.Бобур, Бобораҳим Машраб , Анбар Отин » китобнинг биринчи қисмида дарсликка киритилган бўлса, иккинчи қисмида ХХ аср ўзбек адабиёти рукни остида «Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи» лар ижодидан намуналар берилган бўлса, Мустақиллик давр адабиёти рукни остида икки йўналиш яъни шеърят ва наср учун алоҳида шоир ва ёзувчилар

танлангани айни муддао бўлган. Улар назмда Жамол Камол, Ойдин Хожиева, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Махмуд Тоир, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзолар бўлса, насрда эса Муҳаммад Али. Мустақиллик даври драматургияси сифатида Эркин Аъзамнинг “Танҳо қайиқ” драмаси берилган. Жаҳон адабиёти рукни остида «Антон Павлович Чехов, Рашод Нури Гунтекин» каби адибларнинг ижодларидан намуналар келтирилган

Дастурлар билан танишиш ва уларни таснифлаш жараёнида биз адабий таълимда ватанпарварликнинг турлича кўринишлари талқин этилган бадий асарлар билан ишлашига гувоҳ бўлдик. Ватанпарварлик туйғуси қуйидаги шаклларда намоён бўлиши кузатилди:

- а) мусофирликда ватанни қўмсаш;
- б) Ватанни мадҳ этиш;
- в) Ватанни ҳимоя қилиш;
- г) Ватанни сақлашга даъват;
- д) Ватандан ғурурланиш ва жон фидо қилиш.

Узлуксиз таълим тизимида интерфаол дарс ҳам анъанавий таълим каби ўқувчи ўзлаштирган билимларининг ўзаро алоқадорликдаги узвий давоми ҳисобланади. Дарс ўқувчи учун таҳлил қилиш, шарҳлаш, мантиқий фикрлаш, турли вазиятлардан чиқиб кета олиш, тадқиқ қилиш, амалда бажариш, қиёслаш, мустақил қарор қабул қилиш, тақдимот қилиш, ўз-ўзини ва ўзгаларни баҳолаш жараёнидаги амалий ривожланиш муҳити ҳисобланади. Айниқса, ватанпарварлик мавзусини тушунтириш учун мазкур интегратив ёндашувлар ўта муҳимлигича қолмоқда.

Кўриб турганимиздек, интерфаол методда дарс ўтиш турли шаклларда бўлиши мумкин. Масалан, адабиёт ўқитувчиси ёшларга ватанпарварлик туйғуларини сингдиришнинг самарали усули сифатида Эркин Воҳидовнинг «Нега япон юз йил яшар», «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...» каби шеърларини танлади. Дарс интерфаол усулларнинг «Қарорлар шажараси», «Кластер» методларидан фойдаланиб, ташкил этилади.

Ўқувчилар дастлаб шоир ҳаёти ва ижоди, «Нега япон юз йил яшар», «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...» шеърлари ҳақида маълумот оладилар, асарни ижодий ўрганадилар. Сўнг ўқитувчи дарснинг тарбиявий мақсади: болаларда ватанпарварлик, миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, аجدодлар меросига ҳурмат туйғуларини (шакллантириш) ривожлантириш, ўзбекона ғурур, фахр, ифтихор, ўзлигини англай оладиган комил инсонни тарбиялашга киришади. Ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўринли қарорлар қабул қилиш, ўзининг ғояларини ҳимоя қилиш, дўстлари билан мунозарага киришиш маданиятини ривожлантириш, ҳаётий кўникмаларини шакллантириш, янги сўз, атама ва тушунчалар устида ишлаш тажрибаси пайдо бўлади.

Ўқитувчи дарс мобайнида Флипчарт доскаси ва қоғози, маркер, клей, скотч ва шу каби воситалардан фойдаланади. Э.Воҳидов сурати, дарслик ва шоир қаламига мансуб китоблар, тарқатма материаллар, ўзбек ва япон ҳаёти акс этган лавҳалар, видеороликлар, Навоий ва унинг ижодига мансуб асарлар намунаси ҳамда улар акс эттирилган суратлар, интернет хабарлари ҳам дарс жиҳозини ташкил қилади.

Адабиёт дарсларида ватанпарварлик мавзулари мундарижаси асосида қуйидаги дарс мавзуларини тақдим қилиш мумкин. Бунда амалга ошириш учун педагог ўқувчиларни 4 гуруҳга бўлади. Уларга дарсликнинг 416-бетидаги «Нега япон юз йил яшар...» шеърини гуруҳ билан ўқиб, шундан келиб чиқиб гуруҳни номлаш ва олдиларига қўйилган плакатларга маркер ёрдамида «Нега япон юз йил яшар-у, ўзбек бунча ёшга бормайди?» муаммосига жавоблар ёзишни топширади (Асардаги маълумотларга қўшимча тарзда ҳаётий воқелик асосидаги фикрлардан ҳам фойдаланиш мумкин) ва гуруҳ иши, тақдимот учун муддат белгилайди.

Ўқитувчи қуйидаги ғояларни ўртага ташлаш билан ўқувчини муаммони ечишга йўналтириши мумкин: *ўзбек ўз элини, меҳнатини севади; маънавият моддиятдан устун; фарзандлари камоли учун ҳамма нарсага тайёр; фақат ўзини ўйлайдиган худбин эмас каби.*

Ўқувчилар асарда тасвирланган ва атрофда ҳар куни юз берадиган воқеалар асосида *сахар туриб ошга боради; мотамда ҳам эл учун ош беради; байрам ва ҳайитларда белин боғлаб 3 кунлаб «хуш кўрдик» деб туради; тўй қилиш учун кеча-ю кундуз ухламайди ва ҳ.к.* деб ўқитувчи фикрини давом эттиришади. Ўқитувчи – ўқувчи, ўқувчи – ўқувчи ҳамкорлигида ёзилган жавоблар таҳлил қилинади. Айнан ўхшаш жавоблар изоҳланади.

### 3.2.1 -жадвал.


Масалан: ўзбек бўлгани учун улар характери, орзу-хавас, қарашларидаги миллий урф-одат ва кадриятлардаги ўхшашлик айтиб ўтилади, схема асосида таҳлил қилинади. Шу жумладан, «харакири» сўзининг маъноси изоҳланади. Гуруҳлар ўз ишини тугатгандан сўнг қуйидаги лойиҳа асосидаги чизмада акс эттирилади: <b>«ҚАРОРЛАР ШАЖАРАСИ»</b> методи					
«Нега япон юз йил яшар-у, ўзбек бунча ёшга кирмайди»					
1- қарор варианти		2- қарор варианти		3- қарор варианти	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги

Сўнг шоирнинг «**Ўзбек Навоийни ўқимай кўйса...**» шеъри «Кластер» (ғунча, боғлам) методи ёрдамида ўзлаштирилади.

Ўқувчилар гуруҳларга бўлинишади ёки аввалги гуруҳнинг тартибини ўзгартириш лозим бўлади. Уларга топшириқ учун дарсликнинг 160-бетидаги шеърий матнни ўқиб, фикрларини баён этиш сўралади. Гуруҳ иши ва тақдимот учун вақт берилади.

Гуруҳ иш давомида ўз фикрларидан қуйидаги шакл ясаши мумкин:





### 3.3.1-расм. Матнни ижодий ёндашув орқали таҳлил қилиш.

Мана шу тарзда ўқувчилар ҳар бир сабабнинг оқибатларини бадиий матн ёрдамида келтирилиб чиқаришга ўрганишса, бу уларни кенг мушоҳада қилишга, ўз фикрини асосли далиллай олишга йўналтиради. Бу усул ўқувчи маънавияти билан боғлиқ ҳолда унга ватанпарварлик туйғуларининг камол топишида кўмаклашади. Ўқитувчи шеърнинг ҳар бир сатрини қарорлар шажараси шаклида жойлаштириб чиқиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этади. Ўқувчилар бу юзадан ўз шахсий мулоҳазаларини билдиришлари, керак бўлса, ҳимоя қилишлари лозим.



3.2.2 -3-расмларда адабий матн устида ишлаш.



Гуруҳлар иши тақдимот қилинади. Фикрлар умумлаштирилади, тўлдирилади ҳамда мавзунини мустаҳкамлаш учун қуйидагича савол-жавоблар амалга оширилади.

1. Дарсда ўрганилган шеърларнинг асосий ғоялари нимадан иборат?
2. «Гарчи биздан юз бор фаровон, гарчи биздан юз карра тўқ» япон халқидек юз ёшга кириш ўзбекка хосми ёки аксинча бўлса, сабабини изоҳланг?

3. «Тўй харжида юзта бой япон  
Бир камбағал ўзбекча йўқдир», -  
мисраларининг маъносини айтиб беринг.
4. «Харакири» сўзининг маъносини изоҳланг.
5. Ўзбек – япон миллатидаги ўзига хос ва ўхшаш томонларини ҳаётий  
кузатувларингизни қуйидаги чизмада акс эттиринг.

**3.3.4 -расм. –жадвални тўлдилинг.**

Ўхшашликлар	Фарқли жиҳатлар

6. «Олтин бош» ва «калла» сўзларини матн орқали изоҳланг.
  7. Бедил, Демьян Беднийлар ҳақида маълумот беринг? Ушбу шоирлар  
ижоди билан мустақил танишиш ўқувчиларга тавсия қилинади.  
(Демьян Бедний собиқ совет шоири, дастлаб русча яшаш тарзи ва  
сиёсатдан норози бўлган, кейин ёқлаб, ижод қилган)
  8. «Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса...» деганда шоир нимани назарда  
тутган бўлиши мумкин?
  9. Сизда энг яхши таассурот қолдирган асарни тавсифланг.  
Ўқувчиларнинг ҳар бири мазкур саволларга ўз нуқтаи назарларини  
билдирадilar. Гуруҳ аъзолари жавобларини ҳар бир гуруҳ модератори  
умумлаштиради. Уларникини эса ўқитувчи бир тизимга солиб, якуний хулосага  
келади. Шу асосда ўқувчилардан қуйидагиларни аниқлаштириб олади:
1. Янги мавзу орқали қандай янгиликларни билиб олдингиз?
  2. Нималарни билар эдингизу эътибор қаратмаган экансиз?
  3. Ушбу асарлар сизга қандай ҳаётий шиорни эслатди?
- Ўқувчилар мазкур якуний саволларга жавоб беришгач, ўқитувчи бутун  
дарс давомидаги фаоллик, ижодий ёндашув, умумий кайфиятни эътиборга  
олган ҳолда уларни баҳолайди. Уйга вазифа қилиб дарс мавзуси бўлган  
шеърларни ёд олиш ҳамда интернетдан Навоий, япон ва ўзбек миллати ҳақида  
маълумотлар тўплашни топширади.

Ватанпарварлик ҳамма давр ва маконда мавжуд, аммо ҳар сафар биров сифат ўзгариши учраган, қайсидир қирраси бўртиб ёки, аксинча, эътибор тортмайдиган тарзда қад ростлайди. Адабиёт ўқитувчиси замонавий таълим тизимидаги ватанпарварлик тушунчаси собиқ шўро тузуми давридагидан кескин фарқ қилиши, шунингдек, мумтоз адабиёт намуналаридаги ватан сўзи буткул бошқа маънони ифодалаши, аср боши — жадидчилик олди адабиётида эса яна тамомила ўзгача либосда намоён бўлишини ўқувчиларга англата олиши зарур. Бундай мураккаб вазифани осон ва тушунарли тарзда амалга оширишда ҳам унга бадиий матн энг ишончли ёрдамчи бўлади.

Ҳар бир адабий даврнинг ўзига хос ватанпарварликни англаш ҳисси мавжуд. Бу билан баҳслашиб бўлмайди. Маърифатпарварлик адабиётида ватанпарварлик бойларнинг таълим тизими, таълим олиш учун пул ажратишидан иборат саналарди. Жадид адабиётига келиб ватанпарварлик ватан учун кураш, жонини фидо қилиш, буларнинг барчасига чуқур дунёвий-диний илмни эгаллаш орқали етиб келиш тарзида талқин этилган бўлса, мумтоз ижод намуналарида ватан деганда оила ўчоғи, турмуш қуриб, уй солиш ёки фоний дунёдан боқий — чин дунёга кетиш, Аллоҳ ҳузурига қайтишни тушунганлар. Адабиёт ўқитувчиси ўзбек адабиёти деган муаззам ҳодисани ташкил этувчи мазкур уч йирик адабий даврлардаги ватанпарварлик тушунчаларининг бир-биридан фарқли ва муштарак жиҳатлари, уларни пайдо қилган сабабларни ўқувчиларга тушунтириши шарт. Бунда педагог интерфаол усуллардан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, англатиш жараёни яқин ўтмиш — 1900 йиллардан бошланса, адабиёт ўқитувчиси ҳали жадид адабиёти шаклланмаган, бироқ мумтоз адабиёт анъаналаридан четга чиқаётган адабиёт шаклланганлиги, бу ўзгаришларнинг ижтимоий-сиёсий омиллари ҳақида гапириши, сўнг бирор маърифатпарвар ижодкор асарлари асосида таълимни ташкил этиши мумкин. Хусусан, Фурқатнинг ҳаёти ва ижоди мавзусида адабиёт дарсини ўтиш керак. Ўқитувчи бунинг учун қуйидагича дарс ишланмасини тузиши лозим:

**Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқатнинг «Сайдинг қўя бер, сайёд»  
мусаддаси**

**Дарс усули:** интегратив ёндашув.

**Дарснинг таълимий мақсади:** ўқувчилар Фурқат ҳаёти ва ижоди, «Сайдинг қўя бер, сайёд» мусаддаси ҳақида янги маълумот оладилар, асарни ўрганадилар.

**Дарснинг тарбиявий мақсади:** Ўқувчиларга озодлик, эркинлик, инсонпарварлик, адолат, ватанпарварлик – инсоний фазилатларнинг энг олийси эканлигини ҳис қилдириш, она юртга бўлган чексиз муҳаббат, Ватандаги фаровон ва тинч ҳаётнинг қадрига етиш каби ғояларни ҳаётий кўникмалар орқали ривожлантириш.

**Дарснинг ривожлантирувчи мақсади:** ўқувчиларда адабий-эстетик идрокни шакллантириш; янги сўзлар, тушунчалар билан ишлаш; дарсликда берилган асар таҳлили натижасида топқирлик, синчковлик, ҳозиржавоблик хислатларини ошириш, ўзаро муносабатлар самимийлашишига кўмаклашиш.

**Дарс учун зарур бўлган манбалар, воситалар:** флипчарт доскаси ва қоғози, маркер, клей, скотч; Фурқатнинг портрети, дарслик ва ижодкор қаламига мансуб китоблар, тарқатма материаллар, компьютер, интернет хабарлари ва ҳоказолар.

Ушбу дарсда ўрганиладиган янги тушунча ва атамалар:

**Мурғ** – қуш, парранда

**Чашми тар** – кўзлари нам

**Хокистар** – кул

**Баҳру бар** – хўлу қуруқ; ер ва сув; бутун дунё

**Мардум** – одам, инсон

**Муътакиф** – ибодат учун хилватни ихтиёр этган

**Жаста** – саркаш

**Побаста** – оёғи боғлиқ, тутқун

**Хиром** – бу ерда давру даврон суриш маъносида

**Саъдулло** – Фурқатнинг санъаткор дўстларидан бири

**Фигор** – жароҳатли

## ДАРС ЖАРАЁНИ

**Ташкилий дақиқа.** Ўқувчиларни дарсга жалб этиш.

а) саломлашиш, ўқувчиларнинг дарсга гигиеник, психологик, дидактик тайёргарлигини кузатиш;

б) ўтилган мавзунини такрорлаш, савол-жавоб орқали мустаҳкамлаш;

в) уй вазифасини назорат қилиш ва ўқувчилардан сўраш.

**Янги мавзу баёни.**

Фурқатнинг ҳаёти, ижоди ҳақида маълумот (ўқитувчининг қисқача баёни):

Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1859 йили Қўқонда таваллуд топган. Ёшлиқдан адабиётга ҳаваси уйғониб, саккиз ёшида «Манتيқ ут-тайр»дек мураккаб фалсафий асар, тўққиз ёшида эса Навоий ғазалиёти билан танишади. Фурқат 1865-1875 йилларда турли мактаб ва мадрасаларда таҳсил кўргач, 1879 йилда тоғасининг қистови билан Марғилонга бориб савдо ишлари билан шуғулланади. Ўша ерда ҳам муаллим топиб сабоқ олади. Билимдонлиги ва ҳожатбарорлиги туфайли фуқароларнинг илтимос ва аризаларини ёзиб беради.

20-22 ёшида соҳибдевон сифатида танилиб, Қўқон шоирлари: Муқимий, Мухйи, Завқий, Нодим, Нисбат ва бошқалар даврасида нуфузли ўрин эгаллайди. 1891 йил 14 майда Фурқат гўё кўнглига «саёҳат орзуси тушиб», амалда эса бадарға қилиниб, жондан севган она юртини тарк этишга мажбур бўлди. Она юртга бўлган чексиз муҳаббат, мустаҳкам имон-эътиқод каби фазилатлар эгаси Фурқатнинг она Ватанига қайтмаслиги учун уни кўра олмайдиганлар барча чораларни ишга соладилар. Унинг асарларида асосан ватандан жудолик, ёр-дўстлар соғинчи каби мотивлар ифодаланганлиги боиси ҳам шу бўлса керак.

Шоир Ёркентда Райхон деган уйғур қизга уйланиб, Нозимжон, Ҳокимжон, Нодиржон деган уч ўғил кўрган. У 1909 йил кузида томоқ оғриғи хасталигидан вафот этган.

Ўқитувчи таржимаи ҳол баёнидан сўнг ўқувчиларни гуруҳга бўлади. Ташкил бўлган 7 та гуруҳ «Қўқон», «Тошкент», «Туркия», «Юнонистон», «Арабистон», «Ҳиндистон» ва «Ёркент» деб номланади.

Ўқитувчи гуруҳлар номланишини қуйидагича изоҳлаши мумкин:

**Қўқон→ Тошкент→ Туркия→ Юнонистон→ Арабистон→ Ҳиндистон→ Ёркент** шоирнинг юртдан узоқда, бошқа мамлакатлардаги ижтимоий, адабий, илмий фаолияти ва соғинчли ҳаёт йўли кечган жойлар.

Булар барчаси ўқувчилар шоир яшаган ва ижод билан шуғулланган жойларни гуруҳ номларидан бир қадар эслаб қолишларига имкон яратади. Бу жойларда қачон, қандай фаолият олиб боргани, тақдиридаги ўзгаришларга қизиқа бошлайди.

Ўқитувчи мусаддаснинг дарсликда берилган 7 банди мазмунини 7 гуруҳга ишлаб чиқиш учун беради. Нотаниш сўзлар луғати тузилади.

«**Қўқон**» гуруҳи «**Сайдинг қўя бер...**» деб бошланувчи, «**Тошкент**» гуруҳи «**Кес риштани ким...**», «**Туркия**» гуруҳи «**Беш кун сени даврингда...**», «**Юнонистон**» гуруҳи «**Саргашта бу водийда...**», «**Ҳиндистон**» гуруҳи «**Бечорани зулм айлаб...**», «**Ёркент**» гуруҳи «**Йўқ, хуши пари теккан...**» деб бошланувчи бандларни таҳлил қилишади.

Гуруҳ иши ва тақдимот учун вақт ажратилади.

Ҳар гуруҳдан бир иштирокчи чиқиб, луғатлар ёрдамида ишлаб чиқишган матнни тақдимот қилади. Ўзаро фикр алмашилиб, жавоблар аввал шу гуруҳ, сўнгра бошқа гуруҳ аъзолари томонидан тўлдирилади.

Ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. *Мусаддасдаги асосий зоя нима?*
2. *Асарда қандай мажозий образлар акс этган ва у ниманинг ифодаси?*
3. *«Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек*

*Куйган жигари бағри садпора экан мендек»-  
мисраларини шоир таржимаи ҳолига боғлаб таҳлил қилинг.*

**4.** *«Фурқатда бу Саъдулло ҳайронага ўхшайдур...» мисрасидаги Фурқат сўзининг маъносини изоҳланг.*

**5.** *Шоир Фурқат замонасидаги «сайёд»ларга назар ташланг ва уларни айтиб беришга ҳаракат қилинг.*

**Хулоса:** «Сайдинг кўя бер, сайёд» мусаддаси шоир ижодида алоҳида аҳамиятга молик. Бу шеърнинг лирик сюжети асосида беғубор бир мавжудотнинг овчи томонидан банди қилиниш воқеаси ётади. Шеърнинг лирик қаҳрамони (бу ўринда шоир) овчига мурожаат этиб, яшашга ҳақи бор жониворни озод этиб юборишини сўрайди. Фурқат ижодининг инсонпарварлик, ватанпарварлик моҳияти бўртиб турган бу шеърда тасвир этилган воқеа мажозий маънога эгаллиги билан аҳамиятлидир. Шеърда сайёд (овчи)нинг зўравонлиги, шафқатсизлиги, золимлиги реал тарзда очиб ташланган. Аксинча, лирик қаҳрамон (шоир)нинг инсонпарварлик, олижаноблик, ватанпарварлик, ҳурриятсеварлик фазилати ёрқин кўрсатилган.

**Баҳолаш.** Дарсда фаол иштирок этган барча ўқувчилар рағбатлантирилади, баҳоланади.

**Уйга вазифа.** Мусаддасни ёд олиш. Шоир таржимаи ҳоли ва адабий мероси бўйича оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва интернетдан қўшимча маълумотлар тўплаш, луғатни ёдлаш.

Таъкидлашни керакки, интерфаол ва анъанавий таълим методлари бир-бирини тўлдирадиган ўқитиш усуллари дир. Адабий таълимда иккисидан бирини танлаш тарзида ёндашиш мутлақо нотўғри, ўзини оқламайдиган ҳаракат дир. Зотан, фақат интерфаол усулда дарс ўтадиган ўқитувчи ўқувчилар онгида таълим – ўйин деган тушунча шаклланишига, фақат анъанавий йўсинни тан оладиган педагог эса таълим зерикарли, ўқувчи ташаббуси кераксиз бўлган, тушунтириш эмас, ёдлаш талаб этиладиган жараён тарзида қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Аслида, таълим методлари кўп ва уларнинг ҳар бири,



кўлланилаётган вазияти учун, бетакрор аҳамиятга эгадир. Ўқитиш жараёнида кўлланиладиган таълимий методларни энг самарали ва универсал деб тайин этиб бўлмайди. Бу имконсиздир. Таълимнинг анъанавий методларини интерактив усуллар билан бир дарс ичида ҳам биргаликда ишлатиш мумкин. Уларни бир-бирига қарши қўйиш педагогик мантикка тамомила зиддир.

Маълум бўладики, УЎТМлари адабиёт дарсларида ноанъанавий турда ўқишни йўлга қўйишда фойдаланиш мумкин бўлган интерфаол усуллар турли-тумандир. Шулардан бирини, шартли равишда, «Икки қисмли дафтар» деб аташ мумкин.

Ҳар бир бети чизик билан икки қисмга бўлинган бу дафтар мустақил ўқиладиган ёки ўқиб келиш уйга вазифа қилиб берилган матндаги муҳим жиҳатларни қайд этиш учун тутилади. Дафтарнинг чап қисмига эгасининг, ўнг қисмига эса партадошининг қайдлари ёзилади. Худди шунақа дафтар ўқувчининг партадошида ҳам бўлади, у ҳам шу каби қайдларни битади. Бу сингари ёзувлар ўқувчиларни ўзига четдан қараш, холис баҳо беришга, шунингдек, берилган матндаги қайси жиҳатни назардан кочиргани, бу нима учун содир бўлгани ҳақида ўйлашга ўргатади.

Тадқиқот давомида педагоглар кўп мурожаат этишига гувоҳ бўлганимиз яна бир усул «**Жуфтликда тақриз ёзиш**»дир. Бундай дарс жараёнида адабиёт ўқитувчиси ўрганиладиган мавзунинг бир қисми юзасидан партадошларга бирга тақриз ёзишни топширади. Сўнг партадошлар ўз тақризларини ўзларидан олдинги партадаги жуфтлик тақризи билан солиштирадилар. Шу тариқа партадошлардан иброат жуфтликлар тўртликка айланади ва шу тўртлик аъзоларидан бири ўз тақризларини тақдим этади. Тўртлик аъзоларига бир хил баҳо қўйилади. Ўқув гуруҳида янги мавзу шу каби тақризлар асосида ўзлаштирилади.

Булардан кўринадики, интерфаол усуллар УЎТМлари ўқувчиларидан тизимли тафаккур юритишни талаб қилади. Тизимли тафаккур тадқиқотчилик кўникмаларини, кўникмалар эса, ўз навбатида, биргаликдаги таълимни ва

ўқувчидан ижодий фикр қилишни талаб этадики, шу тариқа ўқувчилар мустақил таълим субъекти даражасига етадилар.

Умумлаштириб айтганда, УЎТМлари адабий таълимини интерфаол методларга таяниб йўлга қўйиш миллий таълим жараёнини янги босқичга кўтаради, ўқувчиларнинг билимларни мустақил ўзлаштириб, уларни кўникма ва малакалар ҳолига келтиришини тезлаштиради. Энг муҳими, ватанпарварлик тарбиясига йўналтирилган интерфаол усуллар ўқувчиларнинг маънавияти юксалишига олиб келадики, бу миллат ёшлари шахсиятининг баркамоллигига хизмат қилади.

Шу билан бирга, тадқиқот мобайнида академик лицей таълими тизимида берилган айрим мавзуларнинг такрор келиши маълум бўлди. Ушбу такрорлар ўқувчини зериктириши, қизиқишларини сўндириши мумкин. Қуйида мавзулари айнан такрорланган умутаълим мактаблари адабиёт дарслари учун мўлжалланган дарсликларни иловада келтириламиз:

Мазкур дарсликларда айнан такрорланган мавзулар ва таклифлар 2017-2018 ўқув йилида чоп қилинган дарсликларда қисман инобатга олинганлигини эътироф этган ҳолда қуйидагилар таҳлил қилинди.

**1. Э.Воҳидов** «Ўзбегим», 5– синф дарслиги, 299-бет. Академик лицей лицейнинг III босқичи дарслигининг 406-бетида шу қасида келтирилган. Лицей ўқувчилари «Рухлар исёни» достонини ўрганишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**2. Фитрат** «Миррих юлдузига», 8– синф дарслиги (2006 ), 150-бет. Академик лицей дарслиги, III босқич, 90-бет.

**3. Ҳ.Ҳ.Ниёзий** «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», 8-синф дарслиги, 164-176 бетлар. Академик лицей дарслиги, 93-103 бетлар.

**4. Миртемир** «Булут», «Балиқ ови» шеърлари 5-синф дарслиги, 195-бет. Академик лицей дарслиги, 286-288-бетлар.

**5. Зулфия** «Баҳор келди сени сўроқлаб», «Ўғлим, сира бўлмайдими уруш», 6-синф дарслиги, 275-278-бет. Академик лицей дарслиги, 292-295-бетлар.

6. **О.Ёкубов** «Музқаймоқ» ҳикояси, 6-синф дарслиги, 127-138– бетлар. Академик лицей дарслиги, 368-387-бетлар.

7. **А.Орипов** «Ўзбекистон» шеъри, 5-синф дарслиги, 305-бет. Академик лицей дарслиги, 438-442-бетлар.

8. **Ў.Ҳошимов** «Дунёнинг ишлари» қиссасидан олинган «Илтижо» боби, 5-синф дарслиги, 191-бет. Академик лицей дарслиги, 505-бет.

9. **Рабғузий.** «Илон ва қалдирғоч» ҳикояти, 6-синф дарслигида «Қалдирғочнинг инсонга дўстлиги» деб берилган, 213-бет. Академик лицей дарслиги, 1 босқич, 119-бет.

10. **Хоразмий.** «Муҳаббатнома» Аввал кўришканини айтур, баёни воқеи айтур, Ровисқинча... деб бошланувчи маснавий, «яратти» радифли ғазал, китобат бошладим... деб бошланувчи маснавий «Ичинда» радифли ғазал, Васф ул-ҳол айтур, аввалги номани айтур, «Кел, эй соқи, кетургил бодайи ноб!»! деб бошланувчи маснавий, 2-нома, маснавий, 3-нома, маснавий, бешинчи нома, маснавий, ўнинчи нома, маснавий ва шу тарика охиригача бир хил берилган, 8-синф дарслиги, 80-97-бетлар. Академик лицей дарслиги, 1 босқич, 150-171-бетлар.

11. **Атоий** «Жамолинг васфини...» ғазали, 7-синф дарслиги, 167-бет. Академик лицей дарслиги, 1 босқич, 185-бет. 10- синф адабиёт дарслигида «Ул санамким...», «Жамолинг васфини...» каби ғазаллари 1 китоб, 59-60- бетлар.

12. **Лутфий.** «Мени шайдо қиладурғон, бу кўнгилдур, бу кўнгул...» «Аёқигға тушар ҳар лаҳза гису...» номлари билан академик лицейларнинг 1-курс дарслигида «**Бу кўнгул**», «**Аёқингға тушар**» номлари билан 200-201-бетларда берилган. «**Кўнглума ҳар ёнки боксам, доғи бор**», «**Чархи кажрафтор элидин ёзамен**» деб бошланувчи туюқлар 8-синф дарслиги, 115-бет. Академик лицей дарслиги, 1 босқич, 203-бетда такрор келтирилган.

13. **Навоий** ғазалларининг бутун адабий таълим босқичларида ўрганилиши мақсадга мувофиқ, лекин уларга кетма-кетлик асосида мурожаат қилинганида, такрорларга йўл қўйилмаган бўларди. Битта асарнинг қайта-қайта

берилиши ўқувчиларни зериктиради ва уларнинг қизиқишларини сўндиради. «**Хайрат ул-аброр**» достонидан келтирилган «**Ростгўйлик таърифида**» ўнинчи мақолати 5-синф дарслигининг 243-246-бетларида, 9-синф дарслигининг эса 66-69-бетларида берилган.

Шу дostonнинг XIV боби «**Сўз**», «**Сўз баёни таърифида**» 7-синф дарслигининг 182-184- бетларида (насрий баёни 185-188 б.), 9 –синф дарслигининг 63-65- бетларида ҳамда академик лицей (2-босқич) дарслигининг 50-52-бетларида акс этган.

Шунингдек, «**Гурбатда ғариб...**», «**Жонимдаги жим...**», «**Жондин сени кўп севармен...**», «**Зоҳид санга — хур...**» рубойлари 6-синф дарслигининг 188-190-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 37-38-бетларида келтирилган.

«**Камол эт касбким...**» қитъаси 6-синф дарслигининг 193-бетида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 37- бетида берилган.

8-синф дарслигида берилган «**Келмади**», «**Жонга чу дермен**», «**Не эрди ўлмаким кайфияти**» ғазалларидан ташқари қолган барча ғазаллар академик лицейнинг (2-босқич) дарслигида акс этган. Ушбу дарсликда берилган «**Қаро кўзум**» (11-бет), «**Кўргали хуснингни...**» (7-бет), «**Қоши ёсинму дейин...**» (25-бет), «**Ўн саккиз минг олам ошуби...**» (7-бет), «**Ёрдин айру кўнгул...**» (10-бет) ғазаллари, 8-синф дарслигида «**Қилғил**» (123-бет), «**Бўлдим санга**» (125-бет), «**Дейин**» (126-бет), «**Ўн саккиз минг олам ошуби...**» (129-бет), «**Ёрдин айру кўнгил мулкдуруп султони йўқ**» (128-бет) ғазаллари фикримиз далилидир.

«**Хамса**» таркибидаги дostonлардан парчалар 5-6-7-9-синф дарсликлари ҳамда академик лицей (2-босқич) дарслиги билан қиёслаб таҳлил қилинганда айнан такрор ёки айрим боблар келтирилганлигига гувоҳ бўлдик. «**Фарход ва Ширин**» дostonидан келтирилган «**Хисрав ва Фарход мунозараси**» 9-синф дарслигининг 80-81-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг эса 66-87-бетларида берилган.

«Садди Искандарий» достонидаги «Искандар билан гадолиғ ихтиёр этган подшо ёки подшоликқа етган гадо» ҳикояти 9-синф дарслигининг 102-106-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 120-124- бетларида такрорланган.

10-синф дарслигида «Кўзинг не бало қаро бўлибдур...», «Мени мен истаган...», «Эй сабо...» каби ғазаллари берилганлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

**14. Бобурнинг** 5-синф дарслиги 260-264-бетларида, 9-синф дарслиги 114-115-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслиги 170-173-бетларида куйидаги рубоийлари айнан такрорланган:

«**Ҳар кимки вафо қилса...**»;

«**Беқайдмену харобу сийм эрмасмен...** «;

«**Сен гулсен-у, мен ҳақир булбул...**»;

«**Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутингиз...**»;

«**Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур...**».

9-синф дарслигида эса етти рубоийдан бор йўғи «**Жонимда менинг...**» деб бошланувчисидан бошқа барчаси айнан бир хил тарзда такрор берилган.

5-синф адабиёт дарслигида берилган «**Даврон мени ўткарди...**», «**Толёй йўқи жонимға балолиғ...**», «**Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур...**», «**Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен...**», «**...Кўнгли тилаган муродиға етса киши...**», «**Душманки, бу даҳр забардаст қилур...**», «**Туз ох, Заҳириддин Муҳаммад Бобур**», «**Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг...**», «**Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкул...**» рубоийлари академик лицей (2-босқич) дарслигида ҳам айнан такрорланган.

**Бобурнинг** 9-синф дарслиги 112-113-бетларидаги «**Мушкулдур**», «**Топилмас**» ғазаллари академик лицей (2-босқич) дарслигининг 167-169-бетларида келтирилган.

9-синф дарслигининг 116-117-бетларида келтирилган «**Васлдин сўз дерга...**», «**Қадимни фироқ меҳнати ё қилди...**» туюқларининг ҳар иккиси академик лицей (2-босқич) дарслигининг 175-бетида айнан такрорланган.

9-синф дарслигининг 117-121-бетларидаги «**Бобурнома**»дан олинган Андижон (айрим адабиётларда Фарғона) ва Самарқанд тасвири академик лицей (2-босқич) дарслигининг 175-177-бетларида қайта берилган.

**15.** 7-синф дарслигининг 223-227-бетларида берилган **Турди Фароғий**нинг «**Кенглик қилинг**», «**Турдиман**» ғазаллари ва Оқбўтабий даврида битилган туркий мухаммаси академик лицей (2-босқич) дарслигининг 204-209-бетларида ҳам келтирилган.

**16.** **Б.Машраб**нинг 9-синф дарслиги 130-131-бетида жойлашган «**Машрабман**», «**Агар ошиқлигим айтсам...**» ғазаллари академик лицей (2-босқич) дарслигининг 227-229-бетларида такрорланган.

**17.** **Увайсий**нинг 7-синф дарслигининг 255-257-бетларида берилган «**Соғиндим**» ғазали ва чистонлари академик лицей (2-курс) дарслигининг 240-246-бетларида тўла акс этган.

**18.** **Гулханий**нинг «**Зарбулмасал**» асаридан олинган «**Маймун билан Нажжор**», «**Туя билан бўталоқ**» ҳикоялари 6-синф дарслигининг 225-229-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 273-276-бетларида келтирилган.

**19.** **Махмур**нинг «**Ҳапалак**» шеъри 7-синф дарслиги 247-бетида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 303-бетида берилган.

**20.** **Огаҳий**нинг «**Наврўз бўлсин**», «**Мушкин қошининг ҳайъати ул чашми жаллод устина...**», «**Қиш**», «**Кўтарди ер юзидин соя Наврўз...**» ғазаллари 9-синф дарслиги 145-149-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 342-356-бетларида берилган.

**21.** **Муқимий** «**Саёҳатнома**»сининг «**Қўқондан Шохимардонга**», «**Қўқондан Исфарага**» бўлимлари ҳар иккала босқичда ҳам айнан такрорланган.

**22. Фурқатнинг «Фасли навбахор ўлди...», «Келинчак»** ғазаллари, **«Киши ҳолимни билмас...»** мухаммаси, **«Сайдинг қўя бер, сайёд»** мусаддаси 9-синф дарслигининг 161-167-бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслигининг 384-391-бетларида берилган.

**23. Чўлпоннинг «Кўнгил»** шеъри 7-синф дарслиги 352-бетида, 9-синф дарслиги 203-бетида берилган.

Дарсликлардаги қайтариқлар бу билан тугамайди. Улар билан танишган сари камчиликлар майдонга чиқаверади. Албатта, иш бор жойда камчилик бор, аммо миллат келажаги, ёшлар тарбиясига масъул бўлган дарсликлар ниҳоятда кунт билан пухта ишланиши шарт. Ўрта таълим мактаблари ва академик лицейларнинг адабидиёт дарсликларида яна бир хил асарларнинг турли парчалари такрорланган. Булар қуйидагилардир:

**1. Юсуф хос Ҳожиб Балосоғунийнинг «Қутадғу билиг»** асари 8-синф дарслиги 54-75-бетларида, 11-синф дарслигининг 72-90 бетларида, академик лицей (2-босқич) дарслиги 74-85- бетларида берилган.

**2.** 6-синф дарслигининг 213-218-бетлари, 9-синф дарслигининг 45-58-бетларида берилган **Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий»** асари академик лицей (2-курс) дарслигида ҳам такрорланган (119-123-б.).

**3.** 7-синф адабидиёт дарслигининг 167-172-бетларида берилган Атоий ижодига мансуб асарлар академик лицей (2-курс) дарслиги 185-191-бетларида такрорланган.

**4.** 8-синф дарслиги 332-338-бетларида **«Сиёвуш»** қиссаси, академик лицей (1-курс) дарслиги 206-209-бетларида Рустамнинг Сухроб билан олиб борган жанги берилган (**Фирдавсий**).

**5. А. Қодирийнинг «Мехробдан чаён»** романидан 7-синф дарслигининг 179-203-бетларида **«Кўрқинч бир жасорат»**, **«Чаённинг намойиши»**, **«Икки хил садоқат»**, **«Баримта»**, **«Хайр энди, Раъно»** боблари, академик лицей (3-босқич) дарслигининг 109-118-бетларида **«Чин ўртоқ»**, **«Махдумнинг бахти»** боблари келтирилган.

6. **Чўлпон** «Кеча ва кундуз» романидан 9-синф дарслигининг 208-228-бетларида Зебининг мингбошига турмушга чиқиши, мингбошининг ўлими, суд жараёни, Раззоқ Сўфининг мингбоши ўлиmidан кейинги аҳволи; академик лицей (3-босқич) дарслигининг 125-166-бетларида эса III–V–VII боблардан Энахон уйидаги меҳмондорчилик, мингбоши ва Мирёқубнинг қисқа саргузаштлари, мингбошининг Зебига совчи қўйиш воқеалари акс этган.

7. **С. Аҳмад** «Уфқ» романидан 8-синф дарслиги 260-277-бетларида Турсунбойнинг «хоин»лиги, Жаннат хола, Турсунбой ўлими лавҳалари; академик лицей (3-босқич) дарслиги 332-339-бетларида Низомжон ва Икромжонларнинг чўлдаги ота-боладек фаолияти келтирилган.

8. 9-синф дарслиги 260-281-бетларида **О. Ёқубов** «Улуғбек хазинаси» романидан Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунлари тасвирланган лавҳалар, академик лицей (3-босқич) дарслигида ҳам Али Қушчи билан Улуғбекнинг сўнгги учрашуви ва васиятлари акс этган парчалар олинган.

Юқорида зикр этилган умумий ва ўрта махсус таълим дарсликлари ҳамда дастурлари мундарижаси 2010-2011 ўқув йилидаги, ҳар тўрт йилда дарсликлар қайта нашр қилинишини ҳисобга олган ҳолда 2017-2021 ўқув учун тубдан ислоҳ қилиниб, талай ўзгаришлар, тузатишлар киритилди. Мазкур лойиҳанинг тадқиқотимизга оид ўринларини қуйида айнан келтирамиз (**ушбу янги лойиҳада биз тавсия қилган таклифларнинг айримларигина инобатга олинган**):

1. Давлат таълим стандартига берилган шарҳларнинг янги лойиҳаси адабиёт фани бўйича Илмий-методик Кенгашнинг 2010 йил 5 май куни ўтказилган йиғилишида муҳокама қилинди ва 3-сонли қарори билан амалиётга жорий этишга тавсия этилди.

2. Умумий ўрта таълим, МТМларга тайёрланган ўқитишнинг Миллий концепцияси, ўқув дастурлари ва режалари юзасидан хулосалар тегишли вазирликлар ва Республика таълим марказига тақдим қилинди.



3. Ишчи гуруҳлари томонидан адабиёт фани бўйича Давлат таълим стандартларининг шарҳида келтирилган, ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар таҳлил қилинганда, мазкур камчиликлар маълум бўлди: *давлат таълим стандарти шарҳларида ўқувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос келмайдиган, такрорланадиган кўпгина мураккаб тушунчалар ва назарий билимлар дарсликларга асоссиз киритилган.* Жумладан:

— 6-синфда бадиий асар тили, бадиий асарда кулги, роман ҳақидаги назарий маълумотларни билиш;

— 7-синфда шеърий вазн, баллада, таносуб санъатлари ҳақидаги назарий маълумотларни билиш; тегишли ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик муаммоларни тасвирлашда адабий тур ва жанрларнинг ўзига хосликларини ажратиш;

— 8-синфда муашшар ҳақида назарий маълумотларни билиш.

— 9-синфда интим лирика, тасаввуф ва тасаввуфий истилоҳлар ҳақидаги назарий маълумотларни билиш.

— 10-11- синфларда мазулар кетма –келиги, янги форматда берилиши кабилар.

3. Ишчи гуруҳ аъзолари, муаллифлар ва тегишли мутахассислар таҳлил натижаларини ҳар томонлама муҳокама қилиб, мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқдилар.

4. Аниқланган камчиликлар қуйидагича бартараф этилди:

5-синф ўқувчилари ёши ва руҳиятига мос бўлмаган дoston, қисса жанрини фарқлашга доир маълумотлар 7-синфга ўтказилди.

6-синф ўқувчилари ёши ва маънавий-руҳий даражасига мувофиқ бўлмаган бадиий асар тили, бадиий асарда кулги, роман ҳақидаги назарий маълумотларни ўрганиш ўрта махсус таълим босқичига кўчирилди.

7-синф ўқувчилари ёши ва психофизиологик хусусиятларига мос бўлмаган шеърий вазн, баллада, таносуб санъатлари ҳақидаги назарий

маълумотлар, адабий тур ва жанрларнинг ўзига хосликларини ажратиш ўрта махсус таълимга ўтказилди.

8-синф ўқувчилари ёши ва маънавий-руҳий ҳолатига мос бўлмаган мусамман ва муашшар ҳақидаги назарий маълумотлар ўрта махсус таълим босқичида ўтиши белгиланди.

9-синф ўқувчилари ёши ва психофизиологик хусусиятларига хос бўлмаган интим лирика, сўфий адабиёт ва тасаввуфий истилоҳлар ҳақидаги тушунчалар ўрта махсус таълим босқичида ўқитиладиган бўлди.

10-11-синфларда адабиёт дарслари учун ажратилган мавзулар ва академик лицейлар учун белгиланган мавзулар деярли бир хилликка келтирилган.

Мазкур тузатишлар 2019 йилда август шўъбаси ишчи гуруҳига тақдим этилди. Узлуксиз таълимида адабиёт фанини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш нуқтаи назаридан қониқарлидир. Ислоҳ қилиш чоғида УЎТМлари ўқув режаси ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, умумтаълим мактабларининг таянч ўқув режасига кўра адабиёт ўқув фани 5-синфда ҳафтасига 3 соатдан 102 соат, 6-7-8-синфларнинг ҳар бирида ҳафтасига 2 соатдан 68 соат, 9-синфда ҳафтасига 3 соатдан 102 соат, жами 408 соат ўқитилади ва бундай ўқув юкламаси ҳажми ўқувчилар ёшига мослиги сабабли ўқув режага ўзгартириш киритилмади бироқ мавзулар оптималлаштирилди.

Ўқув дастури билан танишиш асносида умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига асосан 5-9-синфлар ва 10-11 -синфларда адабиёт фанини ўқитиш қуйидаги изчилликда амалга оширилгани аёнлашди:

5-синфда «**Адабиёт - сўз санъати**», ҳикмат дурдоналари, «**Мақоллар**», «**Топишмоқлар**», Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий ҳадислари, Эзоппнинг «**Ёввойи эчкилар**», «**Кийик билан тоқзор**», «**Бўри билан лайлак**», «**Эшак билан бақалар**», «**Устига туз юкланган эшак**», «**Бургут, зағча ва чўпон**» масаллари.

«Ривоят ва эртақлар оламида» рукнида эса «Тўмарис, «Широқ» ривоятлари, «Уч оға-ини ботирлар», «Сусамбил» эртақлари, Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» достони, М.Шайхзоданинг «Искандар Зулқарнайн», Шукруллонинг «Умр ҳақида эртақ» асарлари, Ханс Христиан Андерсеннинг «Булбул» эртаги ўрганилади.

«Болаликнинг беғубор олами» рукнида ўқувчилар Абдулла Қодирийнинг «Улоқда», Ойбекнинг «Фонарчи ота», «Боланинг кўнгли подшо», Ғафур Ғулом «Менинг ўғригина болам» ҳикоялари, Усмон Носирнинг «Юр, тоғларга чиқайлик», «Йўлчи», «Болалигимга», «Ёшлик», «Юрганмисиз ой билан», «Гулзор-чаман...» шеърлари, Ў.Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» нарсий асари, Миртемирнинг «Булут», «Шудринг», «Тўрғай», «Балиқ ови», «Қишлоғим» шеърлари, Мақсуд Қориевнинг «Қалдирғочлар баҳорда қайтади» ҳамда А.Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» асари билан танишадилар.

«Мумтоз адабиёт бўстони»да Алишер Навоий «Ҳайрат ул -аброр»и, Бобур рубоийлари, Муқимий «Саёҳатнома»си, Саъдий Шерозий «Гулистон»и билан;

«Ватанни севмоқ иймондандир» рукнида эса Ҳамзанинг «Жонларни жонони Ватан», «Дардига дармон истамас» ғазаллари, Эркин Воҳидов «Ўзбегим», Абдулла Орипов «Ўзбекистон» шерлари, Ўлмас Умарбековнинг «Қизимга мактублар», Абдулла Авлонийнинг «Ватанни суймак», «Ватан», Нодар Думбадзенинг «Хелладос» асарлари билан танишишади.

6-синфда мавзу ва улар бириккан рукнлар қуйидаги тартибда амалга оширилган:

**Маънавият хазинаси**

**Бола – учқур хаёл эгаси**

Гафур Ғулом. «Шум бола», Туроб Тўла. «Дўнан». Х.Тўхтабоев. «Сарик девни миниб», Жанни Родари. «Рим эртаклари»

### **Кечаги кун сабоқлари**

Муқимий. Лирика. «Танобчилар», Абдулла Қаҳҳор. «Бемор», Одил Ёқубов. «Музқаймоқ», Эркин Воҳидов. «Нидо», Ўткир Ҳошимов. «Урушнинг сўнги қурбони», Саид Аҳмад. «Қоплон», «Собиқ», Муса Жалил. «Ишонма».

### **Сўзда ҳикмат бор**

«Халқ кўшиқлари». Алишер Навоий. «Ҳикматли сўзлар», Гулханий. «Зармулмасал», Аваз Ўтар. «Тиб», «Фидойи халқим», «Сипоҳи пора истар», «Билинг, ушбу замон ғамнокидурман». Абай. «Насихатлар»

### **Туйғуларнинг камалак ранги**

Зулфия. «Бахтим бор, ажойиб кишилар аро», «Боғлар қийғос гулда», «Невара», Пиримкул Қодиров. «Низомнинг тантилиги», Тоғай Мурод. «Юлдузлар мангу ёнади», Жуманиёз Жабборов. «Ёшлар Ватан ҳақида», «Китоб жавони», «Аҳмад Фарғоний сўзи», Иброҳим Юсупов. «Қадрдон сўқмоқлар»

7-синфда адабиёт дарслигида тартиб қуйидаги тарзда:

### **Кириш**

#### **Кўзим қароғидасан, Ватан!**

Абдулла Авлоний. «Ватанни суймак», «Ватан», Шухрат. «Мардлик афсонаси», Чингиз Айтматов. «Оқ кема»

### **Ўйларимнинг чексиз осмони**

Миркарим Осим. «Ёшлик айёмининг илк баҳори», «Язд чўли», «Қушлар тили», Асқад Мухтор. «Юлдузим», «Туғилиш», «Йўл», «Ўзимники бир умр», Шукур Холмирзаев. «Ўзбек характери», Саида Зуннунова. «Менинг Ватаним!», «Ер узра кўнди окшом », «Қизимга», «Бувилар дуога қўлларин очиб». Расул Ҳамзатов. «Она тилим»

### **Ўтмишдан садолар**

«Равшан» достони, Алишер Навоий. «Шоҳ Ғозий », «Меҳр ва Сухайл», Турди. «Тор кўнгуллик беклар», Увайсий. «Меҳнату аламларга мубтало

Увайсийман» ғазали, «Анор», «Ёнғоқ», «Кун ва тун» чистонлари. Завкий. «Шоҳимардон хотираси», Маҳтумқули. Чўлпон. «Бинафша», «Гўзал», «Кўнгил», «Халқ»

### **Янги давр нафаси**

Абдулла Қодирий. «Меҳробдан чаён» , Чўлпон. «Бинафша», «Гўзал», «Кўнгил», «Халқ», Абдулла Қаҳҳор. «Ўғри» ҳикояси. Миртемир. «Мен туғилган тупроқ», «Онагинам», «Тошбу», «Бетоблигимда». Шавкат Раҳмон. «Уруш суврати», «Чақин бўлма...», «Минораи калон», «Сулаймон тоғи этагида ўйлаганларим», «Ёш тоғлар» шеърлари. Э.С.Томпсон. «Ёввойи йўрға».

8-синф адабиёт дарслигида:

### **Кириш**

### **Халқ оғзаки ижоди**

### **«Кунтуғмиш» достони**

### **Ўзбек адабиёти тарихи**

Юсуф Хос Ҳожиб. «Кутадғу билиг», Лутфий. «Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма», «Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдир бу кўнгул», «Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису» ғазаллари ва туюқлари. Алишер Навоий. Ғазал ва китъалар. «Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил», «Қоши ёсинму дейин», «Кеча келгумдир дебон», «Ёрдин айро кўнгул» ғазаллари

## **Ўзбек адабиёти тарихидан**

### **XX аср ўзбек адабиёти**

Абдурауф Фитрат. «Миррих юлдузига», «Ўгут», «Гўзалим, бевафо гулистоним» шеърлари. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари». Ғафур Ғулом. «Соғиниш», «Вақт». М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Усмон Носир. «Юрак», «Нил ва Рим», «Монолог»<sup>128</sup> шеърлари. Асқад Мухтор. «Чинор». Саид Аҳмад. «Қочоқ». Озод Шарафиддинов. «Ўлсам

---

<sup>128</sup> Olimov S., Ahmedov S., Qo'chqorov R. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik.– Toshkent: G`afur G`ulom nomidagi NMIU, 2019. – 352 b.

айрилмасман кучоқларингдан». Тўра Сулаймон. «Илтижо», «Тавалло», «Гул бир ён, чаман бир ён » шеърлари. Муҳаммад Юсуф. «Ватаним», «Меҳр қолур», «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор...», «Биз бахтли бўламиз» шеърлари

### **Жаҳон адабиёти**

Абулқосим Фирдавсий. «Шоҳнома», Рабиндранат Тхокур. «Нур ва соялар», Сергей Есенин. «Хуросонда бир дарвоза бор...», «Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан...», «Синглим Шурага», «Она ибодати», «Ит ҳақида дoston» шеърлари

9-синф адабиёт дарслигида:

### **Кириш**

### **Халқ оғзаки ижоди**

«Алпомиш» достони

### **Ўзбек адабиёти тарихи**

Рабғузий. «Қисаси Рабғузий», Алишер Навоий «Хамса» асари, Захириддин Муҳаммад Бобур. Лирика «Бобурнома», Бобораҳим Машраб. Ғазаллар. Мураббаъ. Муҳаммадризо Огаҳий. Лирика.

### **Янги ўзбек адабиёти**

Фуркат. Шеърят. Абдулла Қодирий. «Ўткан кунлар». Чўлпон. Ҳикоялар. «Қор кўйнида лола» асари. Ойбек. «Қутлуғ қон» романи. Шеърлар. Одил Ёқубов. «Адолат манзили». Абдулла Орипов. «Сароб», «Баҳор», «Генетика», «Баҳор кунларида», «Куз манзаралари» шеърлари. «Соҳибқирон» драмаси.

### **Жаҳон адабиёти**

Вильям Шекспир. «Отелло» трагедияси. Хенрих Хейне. «Ўткир бўлса кўзларинг агар...», «О..., сен кўркма, чекмагил ташвиш...», «Бўш хаёллар чекинмиш олис», «Сувдан бошин чиқариб аста...» шеърлари. А.С.Пушкин. «Евгений Онегин» шеърый романи. Чингиз Айтматов. «Асрга татигулик кун» романи. Мустақиллик даври адабиёти (хотима ўрнида).

Адабиёт фани ўқув дастури, синфлар, умумий ва ўрта махсус таълим босқичлари кесимида босқичма-босқич таҳлил қилинар экан, унинг натижасида

қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан: 5-синфда «Тўмарис», «Широқ», Ойбекнинг «Фонарчи ота», М.Қориевнинг «Қалдирғочлар баҳорда келади», Ҳамзанинг шеърлари, Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим», Ў.Умарбековнинг «Қизимга мактублар» асарлари; 6-синфда Э. Воҳидовнинг «Нидо», Халқ кўшиқларидан «Читтигул» шеърлари; 7-синфда Абдулла Авлониининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», А.Навоийнинг «Шоҳ Ғозий» асаридан парча, Шухратнинг «Мардлик афсонаси», Завқийнинг «Шоҳимардон хотираси» асарлари, 8-синфда Нодиранинг «Фироқнома», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарлари, 9-синфда А.Навоийнинг «Хамса»си, Хенрих Хейне шеърлари ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларига, қизиқишларига мос эмас.

Таҳлил натижалари ишчи гуруҳлар, муаллифлар ва тегишли мутахассислар томонидан муҳокама қилиниб, мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар тайёрланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишлар қуйидагилардан иборат:

5-синф ўқув дастуридан 16 соат ҳажмдаги 7 та мавзудан 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу (Ҳамзанинг «**Дардига дармон истамас**», «**Жонларни жонони Ватан**» ғазаллари) 7-синфга, 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу (Э. Воҳидовнинг «**Ўзбегим**» шеъри) мураккаблиги боис 6-синф дастурига ўтказилди, 4 соат ҳажмдаги 2 та мавзу («**Тўмарис**», «**Широқ**») тарих дарслигида такрорлиги боис 8 соат ҳажмдаги 3 та мавзу (Ойбекнинг «**Фонарчи ота**», «**Боланинг кўнгли подшо**», М.Қориевнинг «**Қалдирғочлар баҳорда келади**», Ў. Умарбековнинг «**Қизимга мактублар**») ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларига, қизиқишларига мос эмаслиги сабабли дастурдан чиқарилди . Уларнинг ўрнига 16 соат ҳажмдаги 6 та мавзу (А. Обиджоннинг «**Одил Бургутшоҳ ва Замбуруғ лақабли жосус ҳақида эртак**», Ойбек шеърлари, Миркарим Осим «**Ёшлик айёмининг илк баҳори**», А.Авлоний «**Ватанни суймак**», «**Ватан**», Хуршид Даврон «**Ватан ҳақида етти ривоят**» Э. Воҳидов «**Нидо**») киритилди.

6-синф дастуридан 3 соат ҳажмдаги 1 та мавзу — Э. Воҳидов «**Нидо**» достони ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларига мос бўлмаганлиги сабабли дастурдан чиқарилиб, 5-синфга кўчирилди. Ўрнига шу соат ҳажмда 1 та мавзу (Э. Воҳидов «**Ўзбегим**») киритилди.

7-синф дастуридан 10 соат ҳажмдаги 5 та мавзу мураккаблиги ва ўқувчиларнинг ёши, психофизиологик хусусиятларига мос бўлмаганлиги сабабли дастурдан чиқарилди. Шундан 2 соатлик 1 та мавзу (А.Навоийнинг «**Шоҳ Ғозий**» асаридан парча) ўрта махсус касб-хунар таълими дастурига ўтказилди. 5 соатлик 2 та мавзу эса (Абдулла Авлониининг «**Туркий гулистон ёхуд ахлоқ**», М. Осимнинг «**Ёшлик айёмининг илк баҳори**») 5-синфга ўтказилди. 3 соатлик 2 та мавзу (Шухратнинг «**Мардлик афсонаси**», Завқийнинг «**Шоҳимардон хотираси**») дастурдан чиқарилиб, ўрнига 8 соат ҳажмдаги 4 та мавзу (Ҳамза шеърлари, Омон Матжоннинг «**Ҳаққуш кичкириғи**», Хайриддин Султоннинг «**Саодат соҳили**», Завқий ғазаллари) киритилди. Ўрта махсус касб-хунар таълими дастурига ўтказилган 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу ўрнига А. Навоийнинг «**Меҳр ва Сухайл**» ҳикояти кенгайтирилди.

8-синфдан 5 соатлик 2 та мавзу (Нодира «**Фироқнома**», Фирдавсий «**Шоҳнома**») дастурдан чиқарилиб, ўрта махсус касб-хунар таълими дастурига ўтказилди. Шу мавзулар ҳисобидан 5 соат ҳажмда 2 та мавзу (Нодира ҳамда Фузулий ғазаллари) киритилди.

9-синфдан 5 соатлик 2 та мавзу (А. Навоий «**Хамса**» достонидан парча, Хенрих Хейне шеърлари) дастурдан чиқарилиб, ўрта махсус касб-хунар таълими дастурига ўтказилди. Дастурдан чиқарилган 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу («**Фарход ва Ширин**» достони) кенгайтирилди ва 3 соат ҳажмдаги 1 та янги мавзу ( А.П.Чеховнинг «**Ғилоф бандаси**») дастурга киритилди.

Адабиёт фанидан ўқув дастуридаги камчиликлар умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимида адабиёт фанини ўқитишда узвийлик ва узлусизликни таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашилиб, тўлиқ тузатилди. Ўқув



дастурининг янги лойиҳаси адабиёт фани бўйича Илмий-методик кенгашнинг 2017 йил 5 май куни ўтказилган йиғилишида муҳокама қилинди ва 3-сонли қарори билан амалиётга жорий этишга тавсия этилди.

Ўқув юкламаларини оптималлаштириш синфлар кесимида қуйидаги тарзда амалга оширилди:

1-синф ўқув дастури **«Биз — буюклар авлоди»** бўлимидан 1 соат ҳажмдаги 1 та мавзу 5-синфда такрорланганлиги сабабли чиқарилиб, шу соат ҳисобидан 1 та мавзу киритилди.

2-синф ўқув дастури **«Она юртим — олтин бешигим»** бўлимидан 1 соат ҳажмдаги 1 та мавзу 5-синфда такрорланганлиги боис **«Оталар сўзи- ақлнинг кўзи»** бўлимидан 1 соат ҳажмдаги 1 та мавзу ўқувчилар қизиқишларига мос эмаслиги боис дастурдан чиқарилди. Шу соатлар ҳисобидан 2 соат ҳажмида 2 та мавзу киритилди.

3-синф ўқув дастури **«Она юртим — олтин бешигим»** бўлимидан 1 соат ҳажмдаги 1 та мавзу 6-синфда, **«Халқ оғзаки ижоди»** бўлимидаги 2 соат ҳажмдаги 2 та мавзу 9-синфда ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими дастурида такрорланганлиги сабабли чиқарилиб, ўрнига 3 соат ҳажмида 3 та мавзу киритилди.

4-синф ўқув дастури **«Ўзбекистон — Ватаним маним»** бўлимидан 1 соат ҳажмдаги 1 та мавзу 5-синфда такрорланганлиги, **«Маънавият қалб кўёши»** бўлимидан 1 соат ҳажмидаги 1 та мавзу мураккаблиги боис дастурдан чиқарилди, ўрнига шу соат ҳажмида 2 та мавзу киритилди.

5-синф ўқув дастуридан 16 соат ҳажмда 7 та мавзу оптималлаштирилди. Шундан 2 соат ҳажмида 1 та мавзу мураккаблиги сабабли 6-синфга, 2 соат ҳажмида 1 та мавзу 7-синфга кўчирилди. 8 соат ҳажмидаги 3 та мавзу ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятларига мос эмаслиги сабабли 4 соат ҳажмдаги 2 та мавзу тарих дастурида такрорлиги боис дастурдан чиқарилди. Шу соатлар ҳисобидан 16 соат ҳажмда 6 та мавзу киритилди.

6-синф ўқув дастуридан 3 соат ҳажмда 1 та мавзу оптималлаштирилди. 3 соат ҳажмидаги 1 та мавзу 5-синфга кўчирилди. Шу ҳажмдаги соатлар ҳисобидан 3 соат ҳажмда 1 та мавзу киритилди.

7-синф ўқув дастуридан 10 соат ҳажмда 5 та мавзу мувофиқлаштирилиб, шундан 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу касб-ҳунар таълими дастурига кўчирилди. 5 соат ҳажмда 2 та мавзу синфдан-синфга кўчирилди. 3 соат ҳажмдаги 2 та мавзу дастурдан чиқарилиб, ўрнига 8 соат ҳажмида 4 та мавзу киритилди. Касб-ҳунар таълими дастурига кўчирилган 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу ўрнига «**Меҳр ва Суҳайл**» 2 соатга кенгайтирилди.

8-синф ўқув дастуридан 5 соат ҳажмда 2 мавзу мураккаблиги боис чиқарилди ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими дастурига кўчирилди, ўрнига 5 соат ҳажмда 2 та мавзу киритилди.

9-синфда 5 соат ҳажмда 2 та мавзу мураккаблиги боис ўрта махсус касб-ҳунар таълими дастурига кўчирилди. 2 соат ҳажмдаги 1 та мавзу кенгайтирилди. 3 соат ҳажмдаги 1 та мавзу янгидан киритилди.

10-11-синф дарсликлари ҳам қисман ўзгаришлардан холи бўлмади. Олий ва ўрта махсус талим вазирлиги тизимидаги академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари адабиёт дастур ва дарсликлари умумтаълим мактабининг 10 - ва 11- синф дастур, дарсликларидан деярли фарқ қилмайди ҳатто дарслик муаллифлари гуруҳи ҳам деярли бир хил.

Айни кезде амалда бўлган ДТС ва ўқув дастуридаги синфлараро (1-9-синфлар) такрорланган мавзулар бартараф этилди. ДТС ва ўқув дастуридаги мураккаб мавзуларнинг айримлари соддалаштирилди, айримлари юқори синфларга касб-ҳунар таълими босқичига ўтказилди.

Умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ДТС ва ўқув дастурларида узвийлик ва узлуксизлик таъминланди.<sup>129</sup> Узвийлаштирилган ўқув дастури

---

<sup>129</sup> Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (қарор номи *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда* — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

негизида тақвим режа ҳамда методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Умумий ва ўрта махсус таълим босқичларида ўқувчиларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича тавсия этилган дастур мундарижалари таҳлили асосида мазкур бўлим юзасидан мана бундай тўхтамга келинди:

— умумий ва ўрта махсус таълим босқичлари ўқувчи ёшларининг ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш даражаси анча паст бўлиб, тизимли фаолият йўлга қўйилмаган;

— мазкур таълим босқичларида айнан ватанпарварликни шакллантириш умумий тарзда олиб борилган. Мавзунинг моҳиятига доир турли вазиятлар методик жиҳатдан ишлаб чиқилмаган ҳамда реал вазифалар қўйилмаган;

— ўқувчи шахсининг камолотини белгиловчи, маънавий-маърифий етуқлигини баҳоловчи аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган, мавжудлари эса умумий ва ўрта махсус таълимни тўлақонли қамраб олмайди;

— шу боис респондентлар билим даражасига қўйилган баҳолар тенгдош ўқувчиларнинг тафаккури, билим доирасининг умумий даражасига нисбатан олинган;

— ўқувчи ёшларга ўрганилган мавзуларнинг таълимий ва тарбиявий мақсадлари асосида қўйиладиган ўқув мақсадлари аниқ бўлиши шарт;

— ўқитувчилар ва ўқувчи ёшлар билан замон талаблари асосида таълимнинг инновацион усуллари воситасида ишлаш зарур. Бу эса адабий таълим воситасида ёшларни ватанпарвар этиб тарбиялашнинг асосидир.

– 2020-2021 ўқув йилидан амалиётга тавсия этилган янги Миллий ўқув<sup>130</sup> дастури асосида ўқув дастури мазмуни 50% назария 50% амалиётдан иборат бўлиб, ўқувчининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

– аввалги ўқув дастурларида баҳолаш фақат эслаб қолган билимлар ҳажмини аниқлаган бўлса, янги дастур асосида ўқувчиларда шаклланган кўникмалар баҳоланади.

---

<sup>130</sup> Б.Отажоновна Миллий ўқув дастури лойиҳаси тақдим этилди “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 20 октябрь.

– фанлар сони ва ўқув юкларлари оптималлаштирилиб, ўқувчилар қизиқишига кўра фанларни танлаб ўқиш имконини берувчи вариатив ўқув дастурлар асосида ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш имкони яратилади.

– Миллий ўқув дастури асосида фанлар чизиқли тартибда эмас, спиралсимон тарзда ўқитилади. Яъни мавзулар такрорий эмас, бир-бирини мантиқан давом эттирувчи ҳамда соддадан мураккабга томон йўналтирилган тарзда киритиланлиги билан аҳамиятлидир.

## IV БОБ. ТАДҚИҚОТ САМАРАДОРЛИГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

### 4.1. Ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни

Ёш авлод қалбидаги ватанпарварлик ҳиссини мукаммал даражага кўтариш умумий ва ўрта махсус (академик лицей) таълим тизими фаолиятининг асосий мезонидир. Адабиёт ва унга муносабат, ушбу фанни ўқитиш асосида ватанпарварлик тарбиясининг жорий ҳолати ва бу жараёни интерфаол методлар воситасида такомил босқичига кўтариш масаласини комплекс таҳлил этиш мақсадида ўтказилган тажриба-синов ишлари муайян ечимга келиш имконини бериши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Узлуксиз таълим тизими мактаб ва (академик лицейлар)да ўтказилган тажриба-синов ишларининг мазмуни ва моҳияти бу борадаги устувор вазифларни аниқ белгилаб олиш имконини бериши жиҳатидан қимматлидир.

Мазкур босқичларда таълим олувчилар шуури ва қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш мезонларини аниқлаш мақсадида турли хил усул ва воситалардан истифода этилди ҳамда улардан ўқув жараёнида фойдаланишга асос бўладиган услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва манбаларни киритиш мақсадида тажриба-синов ўтказилди.

ДТСга кўра ўқув дастурлари талаби юқорилаб боради. Адабий таълим ДТСининг минимал талаблари дастурларда жамланган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларнинг 55% ини қамраб олади. Яъни дастурда белгиланган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатлар ДТСнинг минимал талабларидан 45% юқори бўлади. Бу бугунги таълим тизимида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-она ҳам кўникиб қолган баҳолаш тизимига солинганда — «ўрта»ни ташкил этади, яъни ДТСнинг минимал талабини бажарган ўқувчи ўртача ўқувчи<sup>131</sup> ҳисобланади.

---

<sup>131</sup> Хусанбоева Қ.П. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий методик асослари. Пед. фан. док. ... дис. –Т.: 2006. - 223-б.

Тажриба-синов Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги Абдулла Қодирий ижод мактаби, Бекобод шаҳридаги 9-,16-умумтаълим мактабларида, Хоразм вилояти Ургенч шаҳридаги 18-умумтаълим мактабида, ТошДШУ ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейларда ўтказилди. Тажриба-синов ишлари икки йўналишда ташкил этилган бўлиб, 1-йўналиш умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар ўқитувчилари, 2-йўналиш умумтаълим мактаблари ва академик лицей ўқувчилари учун тузилган сўровномаларга олинган жавоблар воситасида амалга оширилди. Ўқитувчилар анкета саволларига қуйидагича жавоб беришган:

Адабиёт ўқитувчисининг ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини шакллантиришдаги масъулияти нималардан иборат, тарзидаги саволга **ҳар 10 та ўқитувчидан 6 таси** *«Ватанга бўлган меҳрни уйғотиши», «Ватан тўғрисидаги шеърларни ёд олдириши», «Ватанни улугловчи асарларни тарғиб этиши»* дея, **10 тадан 2 таси** *«Адабиёт ўқитувчисининг ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини шакллантириши мақсадига боғлиқ»; «Ўқитувчиларни ўз Ватанига содиқ инсон» этиб тарбиялаш, вазифасига боғлиқ; «Бунинг учун таълимнинг энг янги усулларидан фойдаланиш зарур»* тарзида жавоблар беришган. Қолган (**иккита**) ўқитувчилар эса бу саволларга бир сўз билан **«Ҳа»** деб қўя қолишган. Бу — анкета саволномаси учун тўлиқ жавоб ҳисобланмайди.

Адабиёт дарслигида ватанпарварлик ғоялари акс этган айрим асар номларини келтириш, дейилганда, аксарият ўқитувчилар Фитратнинг **«Юрт қайғуси»**, Э.Воҳидовнинг **«Ўзбегим»**, А.Ориповнинг **«Ўзбекистон»**, М.Юсуфнинг **«Юртим адо бўлмас армонларининг бор»**, **«Ватаним»**, С.Аҳмаднинг **«Уфқ»**, О. Шарафиддиновнинг **«Ўлсам, айрилмасман қучоқларингдан»**, М.Осимнинг **«Широқ»**, Ҳамзанинг ғазаллари, А.Қодирийнинг **«Улоқда»**, Ҳ.Олимжоннинг **«Ойгул билан Бахтиёр»**, Х.Давроннинг **«Туз ҳақи»** асарларини санаб ўтишган.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларга ватанпарварлик туйғусини сингдиришда бўйича қандай усул ва воситаларни тавсия этган бўлардингиз, деган саволга ўқитувчилар қуйидаги жавобларни манзур кўришган:

1) *мутолаа ҳамда шеър ёдлашга ундовчи усул ва методлар;*

2) *интерфаол методлар;*

3) *семинар-тренинг машғулотлари;*

4) *савол-жавоб усули;*

5) *видео-аудио тасмалардан фойдаланиш;*

6) *тақдимот дарслар.*

Ватанпарварлик мавзуларининг ранг-баранглиги ва мазмун-моҳиятининг ўзига хослиги ҳақидаги саволга Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат, Ватанни севиш, Ватан тушунчасининг буюклиги ва Ватаннинг ягоналиги, дея фикр билдиришган.

Ўқувчиларга ватанпарварлик туйғусини сингдиришда тўсиқ бўлувчи сабаблар нималардан иборат, шаклидаги саволга мана бундай жавоб қайтаришган:

— айрим сабаблар бор. Улар тўсиқ бўлмаса-да, таъсир этади. Масалан, чет эл бадий фильмлари, сериаллар. Бундай жавоб берган ўқитувчилар 15% ни ташкил этади;

— Ватанпарварлик туйғусини сингдиришга тўсиқ бўлувчи сабаблар мавжуд эмас, деб жавоб берганлар 80% ни ташкил этди;

— Билмайман, деганлар 5%ни ташкил эди (Тушунмадим, деб жавоб берилмаган).

Мабодо, эҳтиёж туғилса, «**Ватанпарварлик туйғусини сингдиришнинг ўзига хос концепцияси**»ни қандай ишлаб чиққан бўлар эдингиз?» саволига барча ўқитувчилар концепция ишлаб чиқмаганмиз, мабодо, эҳтиёж туғилса; ДТС, ўқув дастури ва дарсликлардан келиб чиқиб, болалар ёшига мос адабиётлар киритиш юзасидан мавзули тавсиялар беришини айтиб ўтишган.

Ўзбек фольклори намуналари асосида ватанпарварлик туйғулари ифода этилган асарларни санаб бериш лозимлиги ҳақидаги саволга қуйидаги асарларни келтириб ўтишган:

**«Широқ», «Тўмарис»** афсоналари, **«Алпомиш», «Гўрўғли», «Кунтуғмиш», «Рустамхон», «Равшан»** дostonлари, мавзуга оид мақоллар ва **«Сусамбил»** эртаги.

Маърифатпарвар адиблар ҳаёти ва ижоди, уларнинг асарларини ўрганишда ватанпарварлик ғояларини сингдириш жараёнини суҳбат, савол-жавоб, мусобақа, ўйин, ифодали ўқиш, сахна кўриниши жараёнида матнни равоқ ўқиш, луғатлар устида ишлаш, маърифатпарвар адиблар уй-музейларини дискетлар орқали кўрсатиш, расмлар намойиш қилиш, шеърларни диалогик, монологик тарзда ўқитиш орқали олиб боришни айтишган.

**«Адабиёт дарсларида ватанпарварлик ғояларини сингдириш жараёнида чет эл адабиёти намуналарининг ўрни қандай?»** деган саволга, дарсликка киритилган Н.Думбадзенинг **«Ҳелладос»**, Р.Тўқурнинг **«Нур ва соялар»** асарлари ўрни беқиёс, аҳамияти катталигини айтиб ўтишган, айниқса, **«Ҳелладос»** асарига алоҳида тўхталишган..

**«Ўқувчиларнинг ёш хусусияти, характерида келиб чиқиб мардлик, довюраклик, жувонмардлик ва ватанпарварлик туйғуларини сингдириш қайси синфларда осон кечади?»** деган сўровимизга **40%** ўқитувчи **7-8 синфларда, 30%** ўқитувчи **6-7-10-11- синфларда, 30%** ўқитувчи бошланғич синфдан юқори синфгача барчасида бу жараён осон кечади, тарзида жавобни қайтаришган.

**«Ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарадорлигини ўқувчиларингиз ҳаёти мисолида кузатганмисиз?»** саволига **70%** ўқитувчи ўқувчиларнинг жамоат ишлари, мактаб маданий-маърифий тадбирлари, мусобақа ва конкурсларда иштироки, ҳарбий ўйинлардаги фаоллиги, ҳарбий хизматга борганида; **25%** ўқитувчи гуруҳ бўлиб ишлагани, ўз қишлоғи, Ватани



— туғилиб ўсган жойи ҳақида иншо ёзгани, Ватан шаънини барча нарсадан устун қўйганида, деб жавоб берган.

Айрим йил номлари асосида яъни «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» «Баркамол авлод йили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» ҳамда «Мустаҳкам оила» йили, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастурлари асосида ватанпарварлик ғояси сингдирилган қандай тадбирлар ўтказишни хоҳлар эдингиз?» саволига қуйидаги жавоблар берилган:

1. «*Ватаним – онам менинг*» иншолар танловини ўтказиш;
2. «*Ёш ижодкорлар*» кўрик-танлов конкурслари;
3. «*Биз ҳеч кимдан қолишмаймиз*», «*Қадим юртим қадриятлари*», «*Келажак ёшлар қўлида*», «*Бир келиб кетинг қишлоғимизга*», «*Қишлоғим — она масканим*», «*Қишлоғим — фахрим*», «*Мен туғилиб ўсган юрт*», «*Баркамолликдан камолот сари*», «*Баркамол авлод — юрт таянчи*», «*Оилам — қўрғоним*», «*Хунардан келса, бойлик*» тадбирларини ўтказиш;
4. «*Дўстлик*», «*Янги авлод*», «*Ёшлар овози*» каби форумларда иштирок этиш, суҳбатлар уюштириш;
5. Турли соҳа вакиллари билан учрашувлар, улар ҳақида маърузалар тайёрлаш, таассуротлар ёзиш;
6. «*Мактаб, маҳалла ва оила ҳамкорлиги*» юзасидан ташкилий тадбирларни маҳалла ҳамкорлигида режалатириш ва ўз вақтида ўтказиш;
7. Намунали оила ва маҳаллалар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида «**Ўзбекистон — Ватаним маним**», «**Маҳалланг — ота-онанг**» каби турли конкурслар уюштириш, уларни замонавий усулларда ташкил этиш ва ўтказилган тарғибот ишларини мактаб, маҳалла, оила ҳамкорлигида таҳлил қилиб, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида бевосита тўхталиб ўтиш, ОАВларда ёритиш лозимлиги ҳақида фикрлар билдиришган.

Юқоридаги фикрларга ҳамда таҳлил натижаларига таянган ҳолда ўқитувчи замондан бир қадам олдин юриши, ҳар қандай янгиликни тез илғай олиши, ўқувчига ўзидаги бор билимни етказа олиш қобилияти билан ажралиб туради, деган хулосага келишимиз мумкин.

Ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш мақсад ва вазифалари ҳақида берилган саволларга баъзи адабиёт ўқитувчиларидан қисман жавоб олган бўлсак, айримларининг умуман жавоб бермаганлиги бизни хайратга солди. Бундан адабиёт дарсларида ёшларни атанпарварлик руҳида тарбиялаш муаммоси ҳам адабий таълимнинг оғриқли нуқталаридан бири эканлиги маълум бўлади.

Адабиёт муаллимининг ўқувчиларда ватанпарварликни кучайтириш билан боғлиқ концепцияси, бир соатлик яхши дарс йирик бир асарга тенглаштирилиши эътиборга олиниб, аниқ қўйилиши ва дарс давомида бунга эришиш таъминланиши лозим. Педагог дарсни замонавий усуллар асосида ўтиши, ўқитувчи → ўқувчи, ўқувчи → ўқитувчи, ўқувчи → ўқувчи муносабатларини тўғри йўлга қўйиши, ҳар бир дақиқанинг кадрига етиши, дарс самарадорлиги кафолатланган натижага эришиши уни кўзлаган мақсадига яқинлаштиради. Таассуфки, анкета сўровномаларига берилган жавоблар ўқитувчиларнинг «ҳозирги кун таълим бошқарувчиси» сифатида таълим жараёнида ўзи қўллаётган метод, усул ва воситалар номини тўғри ёзмалиги, улардан қайси дарсда, қандай мақсадда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида қатъий тушунчасининг йўқлиги кечирилмас ҳолдир. Чунки қалбида ватанпарварлик туйғуси бўлмаган, миллатига хос ғурур, фахр, ифтихор туйғулари шакланмаган инсоннинг ўзи йўқ, аммо ўзида бор нарсани ўзгаларга юқтира олиш, шахсий фикрлари ёрдамида бошқаларни ортидан эргаштириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган санъатдир.

Агар ўқитувчи ўзидаги бор билим ва имкониятларини ишга солиб, ўз устида ишласа, дарсни тўғри лойиҳалаштириб ташкил этса, таълим тизимидаги янгиликларни дарҳол инкор этмай, ўрганиб чиқса, албатта ижобий ютуққа

эришади. Янгиликни ҳазм қилиш, уни тўғри талқин этиш ҳеч қчаон осон кечмаган. Шу боис ўқитувчиларимизнинг ўз тажрибасини ошириши билан бирга методик тавсия ва қўлланмаларга эҳтиёжи катта эканлигига ҳам амин бўлдик. Чунки таълим тизимида қўйилган битта нотўғри қадам жамият ривожига ва унинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши исботланган ҳақиқатдир.

Тадқиқотнинг тажриба-синов ишлари мобайнида умумтаълим мактабларининг ўқувчилари билан академик лицей ўқувчиларидан олинган назорат ишлари солиштирилди. Мактаб ўқувчиларининг ижодий ишларида *«Ватанга бўлган меҳр ўзлгимни (эсимни) таниб, борлиққа муносабат билдириб, тетапоя қилган пайтимдаёқ бошланган», «Ватанга муҳаббат бешикда, она алласини тинглаган чоғимдаёқ бутун вужудим, онгу шууримга сингган бўлса, ажаб эмас», «Ватанпарварлик туйғулари онамга, ўз оиламга бўлган меҳрдан бошланган, десам адашмайман, чунки инсон ўз гўшасига садоқат, юртдошлари, қондошларидан фахр туйғусини туймай, ўз уйи тинчлиги – омонлигини сақлай олмайди. Ватандек «саждагоҳ»ни асрай заруратини ҳис этмай туриб бутун юрт, миллат келажагининг бир қарич тупрогини ҳам асрай олиши даргумондир. У ўзини «ватанпарварман» дейиши мумкин эмас»* каби фикрлар баён этилгани таҳсинга лойиқдир. Ёшларнинг бирор ташаббус билан чиқиши, кўрик-танлов, форумлардаги иштироки, ҳатто ўзи ижод қилган кичкина ихтироси ҳам ватанпарварлик эканини улар онгига сингдириш, янги-янги ғоялар муаллифи бўлишга ундаш, Ватанимизда бунёд этилган улкан яратувчанлик ишлари ҳам илк бор кичик ихтиролардан бошланганлигини ҳис этишларига эришиш лозим.

Ўқитувчиларнинг айримлари ўқувчиларга ватанпарварлик туйғусини сингдиришда тўсиқ бўлувчи сабабларга чет эл бадий фильмларини мисол қилиб келтиради. Ўқувчи мукамал тарбия олиши учун **«Сен шу сериални кўрма, уларда ватанпарварлик руҳи акс этмаган»** дейиш ёки хориж фильмларини умуман тақиқлаб қўйишимиз мумкинми? Болалар руҳиятидан шу нарса аёнки, улар тақиқланган нарсага кўпроқ қизиқади.

Таълим жараёнида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мавжуд камчиликларнинг асосийси, аввало, ўқитувчи, яъни тарбиячига бориб тақалади. Агар у асар – воқеа, ҳодиса, хатти-ҳаракатни тўғри баҳолаб, дарсада мустақил ўқиш машғулотида ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қиладиган мавзуларни ўтиш жараёнида таълим олувчини тўғри йўналтира олса, уларнинг ўзи янги фикр, янги ғоя бериш билан бирга, ҳаётини талқинлар асосида ватанпарварлик туйғулари акс этишининг кичик қирраларини очиб беришга ҳаракат қилади (Бу ҳақда ишимизнинг учинчи бобида дарсликлар таҳлилига бағишланган қисмида батафсил айтиб ўтилган).

Тажриба-синов якунларига кўра, респондент ўқувчиларнинг ҳаммаси адабий таълим мезонларига жавоб бериши аён бўлди. Биз бу ўринда «4» ва «5» баҳога жавоб берган ўқувчиларни дастур талабига жавоб берган, стандарт талабига тўлиқ жавоб берувчи ўқувчилар, деб қабул қилдик. Агар йил давомида маълум тартибда ўқитилган ўқувчи стандарт даражасидаги билимга эга бўлмаса, бола руҳий-интеллектуал жиҳатдан соғлом эмас ёки етарли шарт шароитлар (ота-она, маҳалла фаоллари, мактаб раҳбарияти каби масъуллар) яратилмаган, ўқитувчи таълим жараёнини тўғри ва мақсадли ташкил этмаган, тарзидаги хулосага келамиз.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижасида ҳар бир синф ўқувчиларининг фикрлари ижобийлашди ва мукамаллашди, уларнинг мавзуга муносабати амалий ҳаёт кўникмалари билан уйғунлашди. Масалан, 5-6 синф ўқувчилари табиатида тақлид қилиш, айтганни сўзсиз бажариш, ишонувчанлик, ўқитувчини идеал қаҳрамон қиёфасида кўриш каби жиҳатлар устуворлик қилади. 7-9 синфларга ўтганда уларда шахсий қизиқиш билан бирга мустақил фикрлаш, 10-11 ва академик лицей ўқувчилари бирор бир воқеликка нисбатан муносабат билдириш, ўзларига ёққан машғулоти билан шуғулланиш каби хусусиятлари ортиб борди. Ўқувчиларнинг руҳий кечинмаларга берилиш, бошқаларга тақлид, ўзига танқидий назар билан қараш ҳисси кучая боради.

Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбияси жараёнида мавзуга шахсий қарашлари ва муносабати орқали етиб келади. Ана шундай ҳолатлар ўқувчи ёшларда шахсий муносабат, мустақил фикр, эркин мулоҳаза каби фазилатларни тарбиялайди, тўғри қарор қабул қилиш хусусиятларини ривожлантиради.

## 4.2. Тажриба-синов натижалари таҳлили

Таҷриба-синов фаолияти якунларини таҳлил этишда умумтаълим мактаби ва академик лицей ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлик кўрсаткичлари юзасидан олинган тажрибанинг бошланиши ва якунидаги натижаларга таяниб, математик-статистика методи қўлланди. Таҷриба синфида 180 нафар ва назорат синфида 184 нафар ўқувчи тажриба-синовда иштирок этди.

Ўқувчи ёшлар қалбида ватанпарварлик руҳиятининг шаклланганлиги даражасини белгилаш воситасида тажриба ва назорат синфлари ўзлаштиришининг ўртача даражасини Стъюдент ва Пирсоннинг  $\chi^2$  математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилинди.

Олиб борилган таҳлиллар моҳияти қуйидагича: 2 та бош тўплам тақдим этилган. Бири тажриба якунидаги тажриба синфи ўқувчилари билим даражасини кўрсатувчи ўртача баллар, иккинчиси эса назорат синфи ўқувчилари ўзлаштиришини билдирувчи ўртача баллар. Баҳолар белгиланган мезонларга мувофиқ келади. Баҳолаш мезонлари тажриба-синов натижасини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Юқорида келтирилган жадваллардан келиб чиқиб, тажриба ва назорат синфлари ўзлаштириш натижаларини белгиловчи  $H_1$  гипотеза ва унга қарама-қарши  $H_0$  гипотеза танланади.

Олинган натижалар кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда ифодаланган.

**Умумий ва ўрта махсус таълим ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуси шакллангани даражасининг динамик ўсиши (тажриба бошида)**

4.2.1- жадвал


Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Таҷриба	180	30	74	76
Назорат	184	34	68	82

Жадвалдаги маълумотлар Стъюдент-Фишер мезонларидан келиб чиқиб математик-статистик таҳлил этилди. Тажрибадан аввалги ва кейинги натижалар мувофиқ равишда 1 ва 2- танланмалар деб белгиланса, мана бу вариацион натижалар ҳосил бўлади.

1-танланма                       $X_i$ :    юқори;      ўрта; паст;  
 (тажриба синфи)  $m_i$ :                      30;    74;      76.  
 $m = 180$ .

2-танланма                       $Y_j$     юқори;      ўрта; паст;  
 (назорат синфи)  $n_i$                       34;    68;    82.  
 $n = 184$ .

Мазкур танланмалар натижаси диаграммада қуйидагича акс этади:



4.2.1- расм. Тажриба якунидаги тажриба ва назорат синфидаги умумий кўрсаткичлар диаграммаси

Диаграммада акс этган графиклардан аён бўладиги, тажриба ва назорат синфлари учун белгиланган танланма модал қийматлари  $M_T = 5$  ва  $M_H = 3$ , яъни улар ўтасидаги тафовут сезиларли бўлиб,  $M_T > M_H$  экан. Бундан фойдаланиб, танланмалар учун мувофиқ келувчи ўрта қийматларни мана бу формула воситасида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{m} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{180} (30 \cdot 5 + 74 \cdot 4 + 76 \cdot 3) = \frac{1}{180} (150 + 296 + 228) = \frac{674}{180} = 4$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i \cdot o_i = \frac{1}{184} (34 \cdot 5 + 68 \cdot 4 + 82 \cdot 3) = \frac{1}{184} (170 + 272 + 246) = \frac{688}{184} = 4$$

Бунда тажриба ҳамда назорат синфларидаги ўзлаштиришнинг ўртача даражаси ўзаро мувофиқ экани аён бўлади. Демак,  $X = Y$ . Агар мос ўрта кийматлар ўзаро уйғун бўлиб қолса, ҳеч қандай самарадорликка эришилмайди.

Энди ўқувчиларнинг тажриба якунидаги ўзлаштиришларини таҳлил қиламиз.

Юқоридаги жадвалдан тажриба-синов якунидаги тажриба ҳамда назорат синфлари кўрсатган натижалар қуйидаги жадвал асосида белгиланади:

**Умумий ва касб-хунар таълими ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуси шаклланганлик даражасининг динамик ўсиши (тажриба якунида)**

4.2.2- жадвал

Синфлар	Ўқувчилар сони	Жавоблар сони		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	180	70	96	14
Назорат	184	42	66	76

Тажриба синфининг даражаси ва ўқувчилар сони мос равишда  $X_i n_i$  лар ва шунингдек, назорат синфидаги эса  $Y_j n_j$  лар орқали белгилаб олинган, қуйидаги статистик синфланган вариацион қаторлар келиб чиқади. Бунда юқори кўрсаткич 3 балл, ўрта кўрсаткич 2 балл ва қуйи кўрсаткич эса 1 балл билан белгиланади.

Тажриба синфининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:


$$(1) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 70; & 96; & 14; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 180$$

Назорат синфининг ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$(2) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 42; & 66; & 76; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^3 m_i = 184$$



Ушбу танланмалар кўрсаткичи диаграммада куйидагича ифодаланади:



4.2.2-расм.

Статистик таҳлилни осонлаштириш учун кўрсатилган вариацион қаторларни (1) формулага кўра аниқлаймиз.

$$(3) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,39; & 0,53; & 0,08; \end{cases} \sum_{i=1}^4 P_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,23; & 0,36; & 0,41; \end{cases} \sum_{i=1}^4 q_i = 1$$

Статистик таҳлилнинг тажриба ва назорат синфларида аниқланган ўртача ўзлаштириши белгиланиб, қийсланганда, ўзлаштиришнинг ўрта даражаси мана бу натижаларни ҳосил қилади:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,39 \cdot 3 + 0,53 \cdot 2 + 0,08 \cdot 1 = 1,17 + 1,06 + 0,08 = 2,31$$

$$\text{Фоизда } \bar{X} \% = \frac{2,31}{3} \cdot 100\% = 77\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,23 \cdot 3 + 0,36 \cdot 2 + 0,41 \cdot 1 = 0,69 + 0,72 + 0,41 = 1,82$$

$$\text{Фоизда } \bar{Y} \% = \frac{1,82}{3} \cdot 100\% = 60,7\%$$

Аён бўладики, тажриба синфи ўзлаштириши ўртача (77–60,7) % = 16,3 % га юқори. Улар кўрсаткичи бўлинмаси  $\frac{77\%}{60,7\%} = 1,27$  баробар юқори экани маълум бўлади.

Ушбу натижаларни аниқлаш асносида кузатилиши эҳтимоли бўлган ўртача квадратик ва стандарт хатолик қуйидагича белгиланди.

Ўртача квадратик хатолик:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,39 \cdot 3^2 + 0,53 \cdot 2^2 + 0,08 \cdot 1^2 - 2,31^2 = 0,39 \cdot 9 + 0,53 \cdot 4 + 0,08 \cdot 1 - 5,3361 = 3,51 + 2,12 + 0,08 - 5,3361 = 5,71 - 5,3361 = 0,3739$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^{n=3} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,23 \cdot 3^2 + 0,36 \cdot 2^2 + 0,41 \cdot 1^2 - 1,82^2 = 0,23 \cdot 9 + 0,36 \cdot 4 + 0,41 \cdot 1 - 3,3124 = 2,07 + 1,44 + 0,41 - 3,3124 = 3,92 - 3,3124 = 0,6076$$

Стандарт хатолик:

$$S_x = \sqrt{0,3739} = 0,61. \quad S_y = \sqrt{0,6076} = 0,78.$$

Бундан, назорат синфи стандарт хатолиги тажриба синфи кўрсаткичларига нисбатан катта бўлди, яъни  $0,73 > 0,65$ . Стандарт хатолик даражасини бундан ҳам аниқроқ белгилаш мақсадида статистик танланмаларга доир ўртача қийматни вариацион коэффициентлар, яъни  $C_x$  ва  $C_y$  формула воситасида ҳисобланди:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100\% = \frac{0,61 \cdot 100\%}{\sqrt{180 \cdot 2,31}} = \frac{61\%}{13,4 \cdot 2,31} = \frac{61\%}{30,99} = 1,97\% \approx 2\%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{n \cdot y}} \cdot 100\% = \frac{0,78 \cdot 100\%}{\sqrt{184 \cdot 1,82}} = \frac{78\%}{13,56 \cdot 1,82} = \frac{78\%}{24,69} = 3,16\% \approx 3\%$$

Демак, тажриба синфи ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи аниқлиги назорат синфидан 1 фоиз юқори экан.

Энди иккита бош тўпланишнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб Стъюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текшираемиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,31 - 1,82}{\sqrt{\frac{0,3739}{180} + \frac{0,6076}{184}}} = \frac{0,49}{\sqrt{0,0021 + 0,0033}} = \frac{0,49}{\sqrt{0,0054}} = \frac{0,49}{0,073} = 6,71$$

Стъюдент мезонидан келиб чиқиб, эркинлик даражасини мана бу формула билан ҳисоблаш мумкин:

$$K = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,3739}{180} + \frac{0,6076}{184}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,3739}{180}\right)^2}{179} + \frac{\left(\frac{0,6076}{184}\right)^2}{183}} = \frac{(0,0021 + 0,0033)^2}{\frac{(0,0021)^2}{179} + \frac{(0,0033)^2}{183}} =$$

$$= \frac{(0,0054)^2}{\frac{0,0000044}{179} + \frac{0,000011}{183}} = \frac{0,000029}{0,000000025 + 0,00000006} = \frac{0,000029}{0,000000085} = 343,06$$

Ушбу эҳтимоллик учун статистик кўрсаткичнинг қиймат натижасини  $\alpha = 0,05$  тарзида олинса,  $p = 1 - \alpha = 0,95$  га ҳамда эркинлик даражаси  $k = 343,06$  га тенг. Стъюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(343,06) = t_{0,975}(343,06) = 1,96$$

Маълум бўладики, статистика кўрсатган танланма қиймати критик нуқтадан юқори экан:

$$T_{x,y} = 6,71 > 1,96$$

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги  $H_0$  нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % қатъий хулоса сифатида таъкидлаш керакки, тажриба-синов синфлари ўзлаштиришининг ўртача кўрсаткичи деярли ҳамиша назорат синфларидагидан юқори бўлди. Улар ҳеч қачон ўзаро мувофиқ келмайди.

Энди тажриба-синов синфларидаги ва назорат синфларидаги таълим услуби хилма-хил бўлган фаразимизга зид бўлган ҳолни кўрамиз.

$$K_0: F_x = F_y$$

Бунда иккита бош тўплам тақсимотини тақсимлаш бир-бирига тўғри келади.

Берилган  $\alpha$  қийматдорлик даражасида  $H_1$ : - бош тўплам нормал тақсимланган деган гипотезани текшириш учун аввал назарий частоталарни кейин эса Пирсоннинг мувофиқлик критерийси - Хи-квадрат бўйича (1) ва (2) тизимлар асосида қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$X_{n,m}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^3 \frac{(nm_i - mn_i)^2}{m_i + n_i} = \sum_{i=1}^3 \frac{(m_i - n_i)^2}{m_i + n_i}.$$

Формула асосида  $X_{n,m}^2$ :

$$\begin{aligned} X_{n,m}^2 &= \frac{(42-70)^2}{42+70} + \frac{(66-96)^2}{66+96} + \frac{(76-14)^2}{76+14} = \frac{784}{112} + \frac{900}{162} + \frac{3844}{90} = \\ &= 7 + 5,6 + 42,7 = 55,3 \end{aligned}$$

Ушбу мезон бўйича озодлик даражалари  $v = 3 - 1 = 2$  га тенг, Хи-квадрат тақсимотининг жадвали бўйича критик нуқтани топамиз.  $p = 0,95$  учун

ишончлилиқ эҳтимоли

$$t_{0,95}(V) = t_{0,95}(2) = 6 \text{ га тенг.}$$

Бир томонлама критерий нолинчи гипотезани икки томонлама критерийга қараганда «қатъият билан» рад этгани учун ўнг томонлама критик соҳа қурамыз. Ўнг томонлама критик соҳа қуйидагига тенг.

$$X_{n,m}^2 = 55,3 > 6 = t_{0,95}(3)$$

Бундан Х-квадрат тақсимот критик нуқтадан катта бўлгани учун нолинчи гипотеза рад этилди.

Энди баҳолаш самарадорлиги кўрсаткичини белгилаш мақсадида ишончли интервални аниқлаймиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,61}{\sqrt{180}} = 1,96 \cdot \frac{0,61}{13,4} = \frac{1,1956}{13,4} \approx 0,09$$

га тенг, назорат синфида эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,78}{\sqrt{184}} = 1,96 \cdot \frac{0,78}{13,56} = \frac{1,5288}{13,56} \approx 0,11$$

га тенг. Аниқланган натижалар асосида тажриба синфининг ишончли интервалини белгилаб оламиз:

$$\bar{X} - t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{kp} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}}$$


$$2,31 - 0,09 \leq a_x \leq 2,31 + 0,09 \quad 2,22 \leq a_x \leq 2,4$$

Назорат синфининг белгиланган ишончли интервали:

$$\bar{Y} - t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{kp} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$1,82 - 0,11 \leq a_y \leq 1,82 + 0,11 \quad 1,71 \leq a_y \leq 1,93$$

Буни геометрик тасвирласак:



Аниқланган  $x=0,05$  қиймат даражасидан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, тажриба синфи кўрсатган ўртача баҳо назорат синфидагидан юқори. Бу икки синф оралиқ интерваллари мувофиқ келмайди. Аён бўладики, математик-статистик таҳлил натижаси яхши экан.

Статистик таҳлил натижаларига таяниб, олиб борилган тажриба-синовнинг сифат кўрсаткичлари қуйидагича экани маълум бўлади.

Маълумки,  $\bar{X}=2,31$ ;  $\bar{Y}=1,82$   $\Delta_x = 0,09$ ;  $\Delta_y = 0,11$  га тенг.

Аён бўладики, аниқланган сифат кўрсаткичлари нисбати қуйидагича:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,31 - 0,09}{1,82 + 0,11} = \frac{2,22}{1,93} = 1,15 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,31 - 0,09) - (1,82 - 0,11) = 2,22 - 1,71 = 0,51 > 0;$$

Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, ўқитиш натижаларини баҳолаш мезони 1 дан юқори ҳамда билиш миқёсини баҳолаш мезони эса нолдан юқори даражада. Аён бўладики, тажриба синфининг ўзлаштириш даражаси назорат синфидагига нисбатан юқорирокдир.

Хулоса қилиш мумкинки, умумий ва ўрта махсус таълим тизимлари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғусининг шаклланганлиги миқёсини аниқлаш мақадида ўтказилган тажриба-синов натижалари бу борада қатъий режа асосида тизимли фаолият олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Умумий ва ўрта махсус таълим муассасалари адабиёт дарсларида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг назарий-методик асослари бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш даражаси анча паст, бу борада уларга тизимли фаолият олиб бориш йўллари ўргатилмаган.

2. Узлуксиз таълим тизимининг мазкур босқичларида айнан ватанпарварликни шакллантиришнинг илмий-методик тамойиллари асосида махсус шуғулланилмаган, мавзу мазмуни ва моҳиятига боғлиқ турли вазиятлар методик жиҳатдан ишлаб чиқилмаган ҳамда хусусийлик тамойили асосида реал вазифа қўйилмаган.

3. Ўқувчи шахсининг камолотини белгиловчи, маънавий-маърифий етуқлигини баҳоловчи аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган, мавжуд ўлчовларнинг баъзи жиҳатлари узлуксиз таълим тизимини тўла қамрай олмайди. Респондентларнинг билим даражасини аниқлашда қўйилган баҳолар ҳам тенгқур ўқувчилар фикр ифодалашининг умумий даражасига нисбатан олинган.

4. Ўрганилган мавзуларнинг таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи мақсадлари асосида ўқувчи ёшларга қўйиладиган ўқув мақсадларини аниқ белгилаш зарур.

5. Глобаллашув шароитида замони талабларидан келиб чиққан ҳолда, адабий таълим жараёнида ўқувчи ёшлар онги ва қалбига Ватанга муҳаббат ғоясини сингдириш бўйича олиб борилаётган фаолиятни ислоҳ қилиш, ҳаётий мезонларга яқинлаштириш ва юксалтириш тизими ишлаб чиқилиши зарур.

6. Ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўртасида маълум тафовутлар, ўзига хос жиҳатлар бўлишига қарамай, ҳар бир фаолиятнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда, ўқувчи шахсига унинг ёши, қизиқишлари, иқтидори, имконияти,

билим даражаси ва шахсий ўй- фикрлари, дунёқараши, характери нуқтаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

7. Адабиёт фанининг асосини тарбиявий мақсад ташкил этади, яъни ғоялар, дунёқарашлар таъсирида шахснинг «мен»и, имон-эътиқоди, туйғулари ва шахсий ибрат олиш шакллари пайдо қилиш, таълим-тарбия таъсирида шахснинг ақлий камолотини, билиш қобилиятининг ўқишга, ҳаётий кўникмаларга, меҳнатга ижобий муносабатларини шакллантириш билан белгилаш мумкин.

8. Ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг умумдидактик тамойиллари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг бош принципларига асосан мос бўлиб, улар бевосита адабиёт таълимида ҳам жиддий моҳият касб этади.

9. Ўқувчиларнинг миллати, маданияти, тили, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, эътиқоди, қобилиятидан қатъи назар, ўқув жараёнида ўқувчи шахсининг ривожланиши, унинг ватанпарварлик руҳида тарбияланиши учун қулай ижтимоий-психологик, интегратив ва дўстона муносабат муҳитининг яратилиши, таълимнинг педагогик тамойиллари орқали амалга оширишни тақозо этади.

10. Адабиёт дарсларида ёшлар қалбидаги ватанпарварлик туйғусини кучайтиришда дидактик тамойиллар алоҳида ўринга эга. Чунки бу мақсадни амалга оширишда ҳар доим, кўзланган натижага эришиш учун илмий асосларга таяниш лозим. Бу мақсад таълим жараёни ривожлантирувчи тамойилларига асосланганлиги, ўқувчи шахсини тарбиялашга йўналтирилганлигида ўз аксини топади.

11. Ўқитишнинг инновацион технологиялари, дидактик тамойилларидан ташқари, бир бутунлик – яхлитлик; асослилик; ҳаёт ривожланишига мувофиқлик; таълим тизимида ва мазмунида ҳар доим инсонийликни кўзда тутиш; таҳлил ва тадқиқ асосида ўқитиш; узлуксизлик; фаолиятли ёндашув каби тамойилларга таяниш муҳим натижаларни беради. Айниқса, адабиёт ўқитишда ушбу тамойиллар юқори натижага эришиш кафолатидир.



12. Таълим тизимининг барча босқичларида ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирувчи асосий омиллар адабиётнинг уч хусусиятида: а) оммавийлиги; б) маълум шахслар томонидан ҳаётнинг умумлашмаси сифатида ижод билан яратилиши; в) воқеликни бадиийликда ифода этишида намоён бўлади. Айни хусусиятларни назарда тутиш муваффақиятнинг асосий омилларидандир.

13. Адабиёт ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантирар экан, адабиёт таълими жараёнининг амалга ошиши **ижтимоий, психологик, педагогик, дидактик** ва **маънавий-маърифий** омиллар, шарт-шароитлар ва бошқалар мазмунида кузатилади.

14. Узлуксиз таълим тизимининг адабиёт дарслари мазмунига юртга дахлдорлик, шахс компетенциялари контети сингдириб юборилганда ҳамда ватанпарварликнинг турли кўринишлари акс этган мавзулар узлувийлик. изчиллик тамойилидан келиб чиққан ҳолда берилганда, самарадорлиги ошади.

## ТАВСИЯЛАР

1. Меҳнат бозорида рақобатга кириша оладиган салоҳиятли мутахассис тайёрлаш тизимининг шаклланиш ва фаолият кўрсатишидаги асосий тамойиллари қаторида, алоҳида тарзда «ўқувчи ёшларни ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш» тамойили асосида узлуксиз адабиёт таълими орқали ёшлар онгига асрий қадриятларни сингдиришнинг самарали механизimini ишлаб чиқиш.

2. Ўқув дастур ва дарсликларини такомиллаштириш, сифатли таълим мақсадига йўналтиришнинг интенсив йўллари, модуллари орқали ривожланган мамлакатлар таълим тизимида ўзини оқлаган методологияни танқидий ўрганиш ҳамда миллий ўқитиш тизимига мос ва хос ҳолда жорий этиш.

3. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш узлуксиз таълим тизимининг бош вазифаларидан бири бўлиб, глобаллашув шароитида:

а) диний экстремизм кучайган шароитда; б) иккинчидан, «пул топиш», шахсий манфаатга ружу қўйилган ҳолатларда алоҳида ёндашув, қизиқарли ва шахсга йўналтирилган таълим методологиясини ишлаб чиқиш.

4. Ёшларда ватанга меҳр туйғусини шакллантириш «Ватанни мадҳ этишга», «Ватанни қўмсашга», «Ватанни ҳимоя қилишга», «Ватанни асрашга», «Ватандан ғурурланишга» бағишланган сара асарларни мутолаа, мушоҳада ва таҳлил қилиш орқали китобхонликни янада тарғиб қилиш.

5. Таълим тизимининг барча даражасида назария-амалиёт уйғунлиги орқали ўқитувчилар меҳнатини, айниқса, адабиёт муаллими обрўсини ошириш, ушбу касбни танлаган ватанпарвар ёшларни (форумлар, конференциялар, муносабат, “Устоз-шогирд” анъаналари, хорижий стажировкалар, педагог минбари ва бошқалар орқали) қўллаб-қувватлаш касбий компетенцияларини ривожлантиришга қўмаклашиш.

## ИЛОВАЛАР

### **1. Таълим муассасаларида ижодий муҳитни яратиш омиллари (семинар-тренинг дастурини ўтказиш бўйича ишланма)**

**Мақсад:** Халқ таълими ходимларининг таълим муассасаларида ижодий муҳитни яратиш кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг вазифаларини белгилаш.

**1-қадам:** иштирокчилар билан саломлашиш ва ташкилий ишлар  
(3 дақиқа).

**2-қадам:** иштирокчиларнинг мавзу юзасидан фикрларини бир нуқтага жамлаш юзасидан қуйидаги тест топшириқлари берилади:

#### **1. Ижодий муҳит нима?**

кенг қамровли имконият;

ҳамфикрларингизнинг сизни тушунишлари;

эркин фаолият, ҳамкорлик;

бағрикенглик.

#### **2. Таълим муассасаларидаги ижодий муҳит деганда сиз нимани тушуна- насиз?**

ўзаро ҳамкорликдаги амалий натижага олиб келувчи самарадорлик;

раҳбар, ўқитувчи, ўқувчининг бир мақсадга интилиши.

доимий фаолият;

ўзаро бир-бирини тушуниш.

#### **3. Таълим сифатини оширишда ижодий муҳитнинг аҳамияти?**

мустақил фикр эгаларини тарбиялаш;

кенг мушоҳадали шахс маънавиятини шакллантириш;

ўқувчиларни соғлом рақобат муҳитида ишлай оладиган, замонавий мутахассисга хос хусусиятлар руҳида тарбиялаш.

#### **4. Ривожлантирувчи муҳитни ташкил этувчи омиллар?**

1. Адолатли бошқарув;

2. Шахснинг интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кенг йўл;

3. Илғор тажрибаларни ёйиш;
4. Жамоодаги соғлом муҳит;
5. Бир киши муваффақияти умум муваффақиятига замин яратиши жамоа ҳамкорлиги натижасидир.

(Ушбу саволларга жавоб олиш ва умумлаштириш учун 5 дақиқа вақт берилади).

**3-қадам:** иштирокчилар рақамлар орқали «Ўқувчилар», «Ўқитувчилар», «Ота-оналар», «Маҳалла фаоллари» ва «Раҳбарлар» тарзида 5 та гуруҳга бўлинадилар (2 дақиқа).

**4-қадам:** гуруҳларга шундай топшириқ берилади: 3 дақиқа ичида бир вакил танлаб, қўлларингизга тарқатилган ролга қуйидаги йўналиш асосида тайёрланинг: *«Агар ... .. бўлса, мактабимизда ижодий муҳит яратилган бўларди».*

**5-қадам:** роль ижро этувчи иштирокчилар стол атрофида мунозара учун йиғилишади. Улар юқоридаги топшириқни ўз ролларидан келиб чиққан ҳолда бажарадилар. Ушбу мунозара модератор томонидан олиб борилади. Ҳар бир роль ижросига 1 дақиқадан вақт ажратилади.

**6-қадам:** Ҳар бир гуруҳга, ўзлари билдирган мулоҳазалар асосида вазифалар белгиланади ва уларга қуйидаги топшириқлар ёзилган флипчарт қоғозлари тарқатилади:

- а) таълим муассасида ижодий муҳитни яратишда ўқитувчи вазифалари;
- б) таълим муассасида ижодий муҳитни яратишда ўқувчи вазифалари;
- в) таълим муассасидаги ижодий муҳитни яратишда ота-оналарнинг вазифалари;
- г) таълим муассасида ижодий муҳитни яратишда маҳалланинг вазифалари;
- д) таълим муассасида ижодий муҳитни яратишда раҳбарларнинг вазифалари.

(Гуруҳ иши учун 10 дақиқа, ҳар бир тақдимот учун 2 дақиқадан вақт берилади).

**7-қадам:** тақдимот яқунлангандан сўнг гуруҳларга: «Қайд этган вазифаларингиздан энг муҳим, долзарб, бажарилиши шарт бўлган 4 тасини танлаб олинг ва кўлингизга берилган метаплан картага ёзиб чиқинг» (4 дақиқа) топшириғи берилади.

Топшириқ бажарилганидан сўнг танланган вазифаларни гуруҳ тақдимотчилари ўқиб беришади ва олдиндан тайёрланган флипчарт қоғозга ёпиштириб, асбоб (*инструмент*) ҳосил қилишади (15 дақиқа).

**8-қадам:** тайёр бўлган «Йўл» асбоби ҳақида иштирокчиларга тушунчалар берилади ва қуйидаги тайёр ижодий муҳит тўғрисидаги баъзи бир фикрлар кўргазмалилик асосида ҳавола этилади (10 дақиқа).

## 2. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР

**Давлат таълим стандарти** – умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Давлат таълим стандартларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг барча таълим муассасалари учун мажбурийдир (Таълим тўғрисидаги Қонун 7-модда).

**Ўқув дастурлари** – ўқув режада белгиланган фан ҳажмининг мавзулар бўйича кетма-кетликда тақсимланиши.

**Узлуксиз мажбурий таълим** – Ўзбекистон Республикасида мажбурий таълим умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълимини қамраб олган (Таълим тўғрисидаги Қонун 10-модда).

**Билим** – ўқув фанини билиш жараёнининг амалиётда тасдиқланган натижаси (назарий билимлар).

**Кўникма** – ўзлаштириб олинган билимлар асосида амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳаракатларга тайёргарликда ифодаланган онгли фаолият.

**Компетенцияси** – фан бўйича эгаллаган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиб, амалиётда қўллай олишдир.

**Компетентлик**–(лотинча сўз бўлиб, *competens* – лаёқатли, қобилияти бор деган маънони англатади) шахс билим, кўникма ва тажрибаларининг унинг ижтимоий- профессионал мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммолар ҳал қилишга етарлилиги ҳамда ҳақиқий мослик даражасида. Компетентлилик таркибига соф касбий билим, кўникма ва малакалардан ташқари, ташаббускорлик, ҳамкорлик, гуруҳда ишлаш лаёқати, коммуникатив қобилияти, реал баҳолай олиш, мантиқий фикрлаш, ахборотни саралаш ва фойдалана олиш хусусиятлари ҳам киради.

**Таълим мазмуни** – А1, А2, В1 даражалар учун мажбурий минимал таълим мазмуни – фан бўйича ўқувчи ва талабалар ўзлаштириши лозим бўлган назарий билим, ҳаётий кўникма ва амалий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган мазмун ва унинг даражаланган мажбурий минимал ҳажми.

**Таълим босқичлари** – умумий ўрта таълим (1-4, 5-9 синф), ўрта махсус ва касб-хунар таълими (1-3 курслар).

**Битирувчилар** – Таълим тўғрисидаги Қонунда белгиланган таълим муассасасини ўқиб битираётган ўқувчи ёшлар.

**Баҳолаш тизими** – Стандарт бўйича эгаллаши лозим бўлган назарий билим, ҳаётий кўникма ва амалий компетенцияларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини аниқлайдиган мезон.

**Таянч ўқув режа** – ўқитиладиган фанлар номи, ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти белгиланган меъёрий ҳужжат.

**Мажбурий минимал ўқув материаллари** – Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, амалий кўникма ва компетенцияларга эга бўлиши учун ўқувчилар ўрганадиган зарурий ўқув материаллар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: 2020 йил 23 сентябрь.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 -б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 31-62-б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент: 2019, 30-апрель. № 88 (7318).
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс

- чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017, 38-сон, 1029-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.05.2018 й., 09/18/376/1257-сон. [https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact\\_id=3743182](https://lex.uz/pages/forpda.aspx?lact_id=3743182)
  10. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент: 2017 йил 14 (774)-сон, 230-модда. – 233
  11. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури // Таълим тараққиёти. – Тошкент, 1999. - №1.
  12. Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида // Таълим тараққиёти. – Тошкент, 1998. - №1.
  13. «2004–2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури» асосида малака ошириш тизими сифати ва самарадорлигини оширишда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг илмий педагогик усуллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008. – 220 б.
  14. Умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // (қарор номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)
  15. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. -Тошкент: O‘zbekiston, 2021. – 270-б.



16. Мирзиёев Ш. Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори. Халқ сўзи газетаси. 2020 й. 3 декабрь.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш» масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши. «Халқ сўзи», 2021 йил 20 январь.

**Монография, илмий мақола, патент, илмий-методик тўпламлар,  
дарсликлар**

18. Абдувалитов Е.Б. Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш (таълим ўзбек, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида). Пед. фан. док. (DSc) ... дисс. –Тошкент, 2020. – 252 б.
19. Абдукаримов Х. Касбий педагогик фаолият. –Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2010. –160 б.
20. Абдулина О.А. Общепедагогическая подготовка учителя в системе высшего педагогического образования (для педагогов-специалистов высших учебных заведений 2-е издание переработанное и дополненное). – Просвещение, 1990. – 141 стр.
21. Абдуллаев Х.Д. Мақолларнинг “Қутадғу билиг” поэтикасидаги ўрни ва бадиий эстетик функциялари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2005. – 23 б.
22. Абдурахманова Б.М. Таълим босқичларида «Қутадғу билиг» асарини ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 24 б.

23. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: Мерос, 1993. – 187 б.
24. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.– Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
25. Адабиёт мажмуа (Академик лицейларнинг босқич ўқувчилари учун). – Тошкент, 2007. – 679 б.
26. Аҳмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2020. – 272 б.
27. Аҳмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. 1- қисм.– Тошкент: Маънавият, 2017. – 160 б.
28. Аҳмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. 2- қисм.– Тошкент: Маънавият, 2017. – 160 б.
29. Азбаров Ю.Т. Болаларни севиш санъати. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 138 б.
30. Азизходжаева Н.Н. Инновационные и образовательные технологии в подготовке педагогических кадров // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. - №4.– 123-126 с.
31. Ал Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. Ҳадис. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991. – 560 б.
32. Аледова Р.Ш. Амир Темурнинг маърифий-тарбиявий қарашлари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 23 б.
33. Алиев А. Маънавият, қадрият ва бадиият. – Т.: 2000. – 630 б.
34. Алиев А. Педагогик маданият: метод ва маҳорат қирралари // Халқ таълими. – Тошкент, 2007. - № 5 – Б. 23-27
35. Аликулов Х. «Гуманистик» мерос ва шахс маънавий камолоти. – Тошкент, 2006. – 56 б.
36. Альтшуллер Г.. ТРИЗ-педагогика. –<http://www.krs.fio.ru/learn/>

37. Амонашвили Ш.А., Лисенкова С.Н., Волков И.П. ва бошқалар. Педагогик изланишлар. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 603 б.
38. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. – Т.: Янги аср авлоди, 2015. –352 б.
39. Анисимов В.В., Грохольская О.Г. Подготовка будущих учителей по предметам педагогического цикла // Педагогика. – 2000. - № 9. – С. 54-60.
40. Арзикулов Д.Н. Касбий камолотнинг психологик ўзига хос хусусияти: Психол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 22 б.
41. Асилова П.А. Умумий ўрта таълимда танлаш усуллари тестлардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 137 б.
42. Асқарова Ў. Мехрибонлик уйлари ўсмирларида миллий гурурни тарбиялашнинг педагогик хусусиятлари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 2001. – 136 б.
43. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 2001. – 136 б.
44. Ахатова Д. Абдурауф Фитратнинг маърифий-педагогик қарашлари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 1998. – 163 б.
45. Аҳлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. – Т.: Фан, 2006. – 303 б.
46. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумтаълим мактабида ўқитиш методлари. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 229 б.
47. Баубекова Г. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик ғоялари тарихидан: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2000. – 236 б.
48. Бегимкулов У.Ш. Педагогика таълим жараёнларини ахборотлаштиришнинг ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фан. номз. ... автореф. –Тошкент, 2007. 23 б
49. Бегматов Э., Мадвалиев А., Маҳкамов Н., Мирзаев Т, Тўхлиев Н, Умаров Э, Худойберганова Д., Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати /

- А.Мадвалиев таҳрири остида. Т.3 – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 382 б.
50. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – 31-б.
51. Белкин А.С. Ситуация успеха. Как ее создать. – М.: Просвещение, 1991. – 214 с.
52. Белова Е.С. Одаренность малыша, раскрыть, понять, поддержать. – М.: Московский психологический институт, Флинта, 1998. – 144 с.
53. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. – Москва: Педагогика, 1989. – 168 с.
54. Беспалько В.П. Психологические парадоксы образования // Педагогика. – 2005. - № 5. – 13-20 с.
55. Беспалько В.П., Татур Ю.С. Системно-методическое обеспечение учебно-воспитательного процесс подготовки специалистов. – М.: Высшая школа, 1988. – 144 с.
56. Ботирова Ш.И. Адабий таълим кластри. – Т.: Ишончли ҳамкор, 2021. – 172 б.
57. 3-босқич: «Бола шахсига йўналтирилган таълим» (тарқатма материаллар). – Тошкент, 2008. – 80 б.
58. 3-модуль: «Бола шахсига йўналтирилган таълим» (мажмуа). – Тошкент, 2008. – 59 б.
59. Бозоров Э.Б., Мусурмонова О.А. Ўқитувчи ижодкорлиги давр талаби. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 64 б.
60. Вербитицкий А.А., Платонов Т.А. Формирование познавательной и профессиональной мотивации. – М.: Педагогика, 1986. – 124 с.
61. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя // Учебное пособие. – М.: МГПУ, 1993. – 57 с.

62. Вишневская С.Ю., Либерман А.А., Патракаева В.А., Репина О.К. Создание развивающего пространства для подростков (методическое пособие). – М., 2006. 64-87с.
63. Вишнякова Н.Ф. Креативная психопедагогика. Психология творческого обучения. – М.: Просвещение, 1995. – 67 с.
64. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. – М.: Просвещение, 1991.– 93 с.
65. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика, 1991. – 480 с.
66. Выготский Л.С. Психология искусства. – М.: Педагогика, 1987. – 345 с.
67. Файбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р., Маматкулова Р. Педагогика. Т.: ЎЗМУ, 2005. - 176 бет.
68. Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века. – М.: Просвещение, 1998. – 608 с.
69. Гин А. ТРИЗ-педагогика. –<http://www.krs.fio.ru/learn/>
70. Глобал таълим орқали дўстона муносабатдаги ўқув мухити сари. – Тошкент, 2005. – 32 б.
71. Годунова С.Б., Юкина И.В., Волохова Е.А. Школоведение. Учебник для ССУЗОВ. – М., 2004. –111 с.
72. Ғозиев Э. Ўқитувчининг этнопсихологик хусусиятлари. // Халқ таълими. – Тошкент, 1999. - №1. – Б. 85-86.
73. Голиш Л. В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. – Т.: ТАСИС, 2001. – 38 б.
74. Горская Г. И., Чуракова Р.Г. Мактабда таълим жараёнини ташкил этиш. Тўлдирилган ва қайта ишланган нашрдан таржима. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – 98 б.
75. Григорович Л.А., Марцинковская Т.Д. Педагогика и психология. – М., 2003.

76. Гузеев В.В. «Основы образовательной технологии» дидактический инструментарий. – Москва, 2006. - № 4. –С. 26-34.
77. Давлетшин М. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.– 30 б.
78. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 134 б.
79. Давыдов В.В. Виды общения в обучении. – М.: Педагогическое общество России, 2000.
80. Джураев Р.Х., С.Турғунов. Таълим менежменти. – Т.: Ворис, 2006.
81. Джураев Р.Х., Толипов Ў.Қ., Сафарова Р.Ғ., Тўракулов Х.О., Иноятова М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар луғати / Р.Х.Джураев тахрири остида. – Т.: Фан, 2008., - 196 б.
82. Долимов С. Маърифат фидойиси. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 210 б.
83. Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2008.-302 б.
84. Дьяченко В.К. Диалоги об образовании // Школьные технологии. – 2001. – № 1. – С. 41-64.
85. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърят. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. -123 б.
86. Жабборов А.М. Педагогик технологиянинг этник асослари. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 45 б.
87. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибқирони. – Т.: Adabiyot,2021. –238 б .
88. Жўраев Ё. Адабиёт дарсларида эмоционал маданиятни тарбиялаш // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. - №4. 3-9 б.
89. Жўраев Р., Сафарова Р., Ибрагимов Х., Мусаев У. Педагогика фани концепцияси // Халқ таълими. – Тошкент, 2004. - №5. – Б. 18-19.

90. Жўраева С. Шахсинг касбий шаклланишига бағишланган психологик гоёлар ва педагогик фаолиятнинг психологик диагностикаси // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2006. - №2. – 20-24 б.
91. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя. – М.: Педагогика, 1987. – 84 с.
92. Зайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и её формирование в системе непрерывного образования: Дис. ... д-ра психол. наук. – Санкт-Петербург:1992. - 314 с.
93. Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялари / Республика илмий-амалий конференция. – Тошкент, 2008. – 438 б.
94. Зарипов К. Илғор педагогик технологиялари татбиқ этиш босқичлари // Халқ таълими. – Тошкент, 1997. - № 4. – Б. 4-12.
95. Зарипов К. Педагогическая диагностика в системе непрерывного повышения квалификации учителей: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – Бухоро: БухДУ, 1989. – 45 с.
96. Зиёмухаммедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Ибн Сино, 2001. – 79 б.
97. Зокиров И. Касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ўртасида илғор педагогик технологияларни тарғиб этиш // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2002 - № 5. – Б. 3-10.
98. Зуннунов А., Хотамов М., Эсонов Ж., Иброхимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 329 б.
99. Зунунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 272 б.
100. Ибрагимова М., Шерматов Х. Таълим жараёнида фаол усулларни қўллаш // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2005. - №5. – Б. 16-19.
101. Имомкаримова М.М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 23 б.

102. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент, 2001. – 425 б.
103. Иброхимов А., Х. Султонов, Н. Жўраев. Ватан туйғуси.- Тошкент, Маънавият, 2009.-202 б.
104. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари (мустақил ҳаёт бўсағасидаги ёшлар): Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 1998. – 303 б.
105. Интерактивные методы преподавания и учения. Учебное пособие. Модул 1. –Т.: 2007. С. 43.
106. Йўлдошев Ж.Ғ. Замонавий дарс. Тошкент: ХТХҚТМОМИ, 2006. -Б. 5 б.
107. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгилини йўлида. – Т.: Ўқитувчи, 2000. –215 б.
108. Йўлдошев Ж.Ғ. Узлуксиз таълим: Малака ошириш муаммолари ва ечимлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 48-б.
109. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 104 б.
110. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Т.: Ўқитувчи, 2006. – 71 б.
111. Йўлдошев Ж.Ғ. Замонавий дарс. Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар. –Т., 2007.
112. Йўлдошев Ж.Ғ., Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. – Т.: Иқтисод-молия, 2009. – 652 б
113. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитиш илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 151 б.
114. Йўлдошев Қ. Адабий саволлар. – Тошкент, 2004. – 157 б.
115. Йўлдошев Қ. ва бошқалар. Адабиёт ўқитиш методикаси. Дастурий қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 382 б.
116. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 545 б.



117. Йўлдошев Қ. Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-мажмуа. Т.: Янгийўл полиграф сервис, 2011.- 301б.
118. Йўлдошев Қ. Ўзликни таниш Оллоҳни танишдир // Тафаккур. – Тошкент, 1996. - № 4. – Б. 27.
119. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. 7-синф ўзбек адабиёти дарслик мажмуаси учун. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 232 б.
120. Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент: ЎзПФТИ, 1997. - 302 б
121. Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 49 б.
122. Йўлдошев Қ., Қодиров В. Адабий сабоқлар. 7-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. – Т.: Шарқ, 2005. - 192 б.
123. Йўлдошев Қ., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. 9-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма Т.: Шарқ, 2006. - 214 Б
124. Йўлдошев Қ.Б. Узлуксиз адабий таълим давлат стандарти / Қ.Хусанбоева ҳамкорлигида. – Т.: ЎзПФТИ, 1995. – 24 б.
125. Йўлдошев Қ., Қосимов Б., Қодиров В., Ж. Йўлдошбеков. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Тошкент: Шарқ, 2017. – 369 б.
126. Йўлдошев Қ., Қодиров В., Ж. Юлдошбеков. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019. – 368 б.
127. Йўлдошев Қ.Б. Узлуксиз адабий таълим концепцияси. – Т.: ЎзПФТИ, 1996. – 26 б.

128. Йўлдошев Қ.Б. Умумтаълим мактабларида ўзбек адабиёти таълимининг долзарб муаммолари / Б. Қурбонбоев ҳамкорлигида. – Т.: РЎММ, 1992. – 30 б.
129. Йўлдошев Р., Азимов И. Малака оширишда ўқитишнинг фаол усуллари // Халқ таълими. – Тошкент, 2001. - № 4. – Б. 20-22.
130. Йўлдошев У.Ж. Ўқув материални баён қилиш тарихий ёндашишнинг дидактик принципи сифатида. – Т.: ЎзПФТИ, 2007. – 139 б.
131. Кан-Калик В., Хазан В. Психолого-педагогические основы преподавания литературы - М.: Просвещение, 1988. – 254 с.
132. Каримов Н., Мирзаев Т., Назаров Б., Норматов У., Қосимов Б. Адабиёт. 9-синф учун дарслик. – Т.: Маънавият, 2002. – 236 б.
133. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XXI аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 350 б.
134. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У., Йўлдошев Қ. Адабиёт. 11-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 380 б.
135. Камбарова С.И. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаа маданиятини шакллантириш технологияси. Пед. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2019. – 153 б.
136. Каттабеков А., Юлдошев Қ., Болтабоев Н. Адабиёт. 8-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 445 б.
137. Келдиёров Р. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари (Ўқитувчи касбий-маънавий фазилатлари асосида): Пед. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ТДПУ, 2006. – 136 б.
138. Кенжаева Д.Г. Олий педагогик таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 22 б.
139. Киверялг А. А. Методы исследования в профессиональной педагогике. – Таллин: Валгус, 1980. – 198 с.

140. Кирикова З.З. Технологическая готовность педагогов // Педагогика. – 2001. - № 4. – С. 63-66.
141. Кларин М.В. Интерактивное обучения инструмент освоение нового опыта // Педагогика. – 2000. - №7. – С. 12-18.
142. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – Москва: Знание, 1989. – 84 с.
143. Кларин М.В. Технология обучения: образ идеала // Школьные технологии. – 2005. - №1. – С. 11-20.
144. Коджаспирова Г.М. Педагогика в схемах, таблицах и опорных конспектов. – М.: Айрис–пресс, 2006. – 256 с.
145. Қодирова Ф. Педагогик кадрларга илғор педагогик технологиялар ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2001. - № 4. – Б. 9-10.
146. Қодирова Ф.У. Оилаларда тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш.// Бола ва замон.-Тошкент, 2018.-№ 3. –Б. 27-31.
147. Королтяев В. В. Учение-процесс творческий // Книга для учителя 2-е издание, доп. испр. – М.: Просвещение, 1989. – 158 с.
148. Қосимов Б., Жумахўжа Н. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 446 б.
149. Қосимов Б., Тўхлиев Б., Юлдошев Қ. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 396 б.
150. Коссов Б.Б. Творческое мышления, восприятие и личность. – Москва-Воронеж, 1997.
151. Костылов Ф. Б. Учить по новому: нужны ли оценки – баллы. (Книга для учителя). – М.: Владос, 2000. – 101 с.
152. Краевский В.В. Методология педагогического исследования. – Самара: СГПУ, 1994. – 174 с.
153. Крючко О.В. Комплексная информатизация образования. – Минск: Красика-принт, 2006. – 172 с.

154. Кудряшев Н.И. Теоретические основы методики литературы: Дисс. ... докт. пед. наук. – М., 1970. – 412 с.
155. Кузьмина Н.В. Способности, одарённости талант учителя. – Л.: 1985. – 32 с.
156. Кузьмина Н.В. Формирование педагогических диагностических умений в процессе профессиональной подготовки будущего учителя. Автореф. ... канд. пед. наук. – Нижний Новгород: 1994. – 16 с.
157. Қалқонов Э.Т. Ватанпапрварлик ва уни шакллантирувчи ижтимоий-маънавий омиллар. Фалсафа ва ҳуқуқ.2019.–№13.-56.
158. Қуронов М. Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида миллий педагогик тарбиянинг илмий педагогик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1998. – 316 б.
159. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. - Тошкент: Маънавият, 2002.–369 б.
160. Ланин Б. Какой будет литература в 12-летней школе? - // <http://lit.2september.ru/article/Php?LD199902901>.
161. Ланин Б.А. Методика преподавания и изучения литературы: Антология. Саппоро: Центр славяноведения университета Хоккайдо, 2001. 438 с. (<http://lit.2september.ru/2002/08/10.htm>).
162. Лизинский В.М. Приемы и формы в воспитании. – М., 2004. – 160 с.
163. Лирнер И. Я. Новое педагогическое мышление / Под. Ред. А. В. Петровского. – М.: Педагогика, 1989. – 280 с.
164. Лушников И.Д. Педагогические основы профессионально –личностного развития учителя на послевузовском этапе: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М.: МГУ. 1993. – 24 с.
165. Львова Ю. Я. Творческая лаборатория учителя / Книга для учителя. 3-издание преработанное и доп. – М.: Педагогика, 1992. – 210 с.
166. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 512 б.

167. Мадаев О. Ўқувчилар билимини баҳолашда вақтдан самарали фойдаланиш усуллари. – Тошкент, 2007. – 24 б.
168. Мадаев О. Навоий суҳбатлари. – Тошкент, 2016. – 70 б.
169. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент, 1965. – 738 б.
170. Маматқулов Т.М. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишга тайёрлашнинг педагогик асослари. Пед. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДПУ, 2003. – 19 б.
171. Манжелева С.И. Методика преподавания литературы. Конспект лекций. – М., 2003. Педагогическое общество России 2000. Издание 2-е. – 80 с.
172. Маранцман В.Г., Чирковская Т.В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. – М.: Просвещение, 1977.
173. Мардонов Ш.Қ. Малака оширишда шахс омили // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2004. - №5. – Б.87-90.
174. Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг педагогик асослари: Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент: ЎзПФТИ, 2006. – 257 б.
175. Маркова А.Н. Психология труда учителя. – Москва: Просвещение, 1993. – 190 с.
176. Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш: Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент: ЎзФА, 1998. - 306 б.
177. Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – М.: Педагогика, 1972.
178. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. – Т.: Фан, 1995. – 200 б.
179. Маҳмудова Г. Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар // Халқ таълими. – Тошкент, 2005. - №4. – Б 17-20.
180. Махмутов М.И. Современный урок. – М.: Педагогика, 1985.
181. Машрикзамин ҳикмат бўстони. – Тошкент, 1997. – 397 б.

182. Методика преподавания литературы. – М.: Наука, 2001. – 77 с.
183. Методы системного педагогического исследования / под. ред. Н.В.Кузьминой. – Т.: Педагогика, 1980. – 127 с.
184. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004. – 170 б.
185. Мирзаев С., Шермухамедов С. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 421 б.
186. Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 158 б.
187. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари: Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент: ТДПУ, 1995. – 253 б.
188. Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари– Т.: Фан, 2006. – 112 - б.
189. Митина Л.М. Учитель как личность и профессионал. (психологические проблемы). – Москва: Дело, 1994. – 215 с.
190. Митина Л.М., Кузьменкова О.В. Психологические особенности внутриличностных противоречий учителя // Вопросы психологии. – Москва, 1998. - №3. – С.31-29
191. Мкрытичян Г. А. Параметры педагогической экспериментальной деятельности // Педагогика. – 2001. - №5. – С. 45-50.
192. Муқимова Д.А. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини миллий ўзлигини англаниш туйғуларини шакллантиришнинг педагогика асослари (тарих фанлари мисолида). Пед. фан. номз. ... дисс. автореф – Тошкент, 2007. – 21 б.
193. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шаклланишининг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис. – Тошкент: ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ, 2006. - 349 б.
194. Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент, 2006. – 286 б.

195. Мусурмонова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 1993. – 364 б.
196. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 192 б.
197. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.
198. Мусурманова О. Адабиёт дарсларини ташкил этишнинг самарали усуллари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – 78 - б.
199. Мушинский В.О. Обществознание 9-10 класс. Учебник для средней школы. – М., 2002. – 38 б.
200. Навоий А. Маҳбуб-ул қулуб. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
201. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. т. 8, Хамса: Фарҳод ва Ширин. – Т., 1991. – 122 б.
202. Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганишнинг назария ва методик асослари (рус гуруҳлари мисолида). Пед. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 50 б.
203. Ниёзметова Р. Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 215 - б.
204. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003. – 222 б.
205. Новый педагогические и информационные технологии в системе образования / Под. ред. Е. С. Полат. – М.: Академия, 1999. – 224 с.
206. Норбоева Ф. Умумий ўрта таълим мактаб – 7-, 9-синф ўқувчиларида миллий онгни шакллантиришнинг педагогик асослари («Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 2003. – 140 б.
207. Норматов У. Устоз ибрати. – Т., 2007. – 126 б.

208. Нуридинов Б.С. Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари: Пед. фан. ном. ... дис. – Тошкент: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2002. – 146 б.
209. Нурмухамедов М. Адабиёт ва мафкура. – Т., 1977. – 181 б.
210. Нусратилло Атоулло ўғли Жумахўжа. Миллий истиқлол ғояси мафкура-си ва адабий мерос (XVII-XIX аср ўзбек шеърини асосида): Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 51 б.
211. Обидов К. Ўқитувчининг шахсий сифатлари – унинг малакасини оширишнинг таъсирчан омилдир // Халқ таълими. – Тошкент, 2003. - №4. – Б. 28-30.
212. Одилова Н.М. Ў.Умарбеков драматургиясида маънавий-ахлоқий муаммолар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 22 б.
213. Оконь В. Основы проблемного обучения. – М.: Просвещение, 1968.
214. Олим С. Аҳмедов С. Қўчқоров Р. Адабиёт. 8-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма Тошкент: Гафур Гулом, 2006. – 384 б.
215. Олим С. Аҳмедов С. Қўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. - Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2010. – 178 б.
216. Олим С. Аҳмедов С. Қўчқоров Р. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик.– Тошкент: Гафур Гулом, 2019. – 352б.
217. Олимов Қ., Абдуқудусов О., Узоқова П., Аҳмеджонов М., Жалолова Д. Касб таълими услубияти. – Т., 2006. – 159 б.
218. Олимов Қ.Т. Махсус фанларни ўқув адабиётлари янги авлодни яратишнинг назарий-услубий асослари. Хунар таълим назарияси ва услубияти. – Тошкент, 2003. – 44 б.
219. Олимов Ш. Академик лицей, касб-хунар коллежлари ўқувчиларида ахлоқий-эстетик идеални шакллантиришнинг педагогик асослари



- («Маънавият асослари» фанини ўқитиш жараёнида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Бухоро, 2001. – 169 б.
220. Онушкин В. Г. Теоретические основы непрерывного образования. - М.: Педагогика, 1987. – 235 с.
221. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2000. – 305 б.
222. Оценка качества школьного образования (анализ результатов международных исследований PISA) – М., 2007. - № 4.
223. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 79 б.
224. Очилов М.У. Ўзбек адабиётида одоб-ахлоқ тасвири муаммоси ва унинг янги талқини. Педагогика назарияси ва тарихи. Автореферат. – Самарқанд, 1997. – 24 б.
225. Очилова Б.М. Аждодлар мероси ихлосмандлар ва шахс маънавий-ахлоқий камолоти: Фалсафа фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – 44 б.
226. Очилова Н.М. Талабалардан педагогик одоб фазилатлари шакллантириш: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф.– Т.: 13.00.01., – Т., 2007. – 22 б.
227. Педагогик технологиялар дўстона муҳит яратиш омили. – Тошкент, 2005. – 52 б.
228. Педагогика. (Мунавваровнинг умумий таҳрири остида). – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 198 б.
229. Питюков В.В. Основы педагогическое технологии. – М.: Владос, 1999. – 189 с.
230. Подласый И.П. Педагогика. 2-х томах. – М.: Владос, 2004. – 572 с.
231. Поляков С.Д. Психопедагогика воспитание: Опыт популярной монографии с элементами учеб. Особые и научной фантастики. – М.: Педагогика, 1996. – 130 с.

232. Поташник М. М. Как развивать педагогическое творчество. – М.: Знания, 1987. – 88 с.
233. Психология асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 139 б.
234. Психология мышления. Под ред. Матюшкина А.М. – М.: Прогресс, 1965.
235. Пўлатов И.П. Янги аср ўқитувчисига қўйиладиган талаблар. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2006. - №4. – Б.40-43.
236. Рахимжонов Н. Илмий тафаккур жилолари. – Т.: Фан, 1991. – 64 б.
237. Раҳимов Ж. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 1996. – 151 б.
238. Реджабоев А. Ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш (ЎзР Президенти, Респ. Қуроли кучлари Олий Бош Қўмондони, академик И.Каримов асарларида илгари сурилган ҳарбий ватанпарварлик ғоялари асосида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 2004. – 201 б.
239. Решетников П.Е. Нетрадиционная технологическая система подготовки учителей. – М.: Владос, 2000. – 304 с.
240. Романовская М.Б. Метод проектов в образовательном процессе. – М., 2006. – 160 с.
241. Рубинштейн М.М. Проблема учителя. – М.: Akademia, 2004.
242. Рыбак Л.А. Проблема индивидуального подхода в процесс формирования самостоятельного мышления учащихся. В кн. Проблемы формирования личности и индивидуальный подход к учащимся. – М.: Просвещение, 1964.
243. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003. – 172 б.
244. Самарадорликни аниқлаш мезонлари. Услубий тавсия. – Т., 2005. – 24 б.

245. Самохин В.Ф., Чернолис В.П. Педагогические инновации в системе профессионального образования: цели и сущность // Инновации в образовании. – М., 2006. - № 6. – С. 4-10.
246. Сафарбуваева И.Р. Ўқувчи шахси фаоллаштиришида миллий менталитет элементлардан фойдаланишнинг педагогик асослари. – Тошкент, 2006. – 22 б.
247. Сафин М. Таълим бериш ва ўқишнинг интерфаол усуллари (ўқув кўлланма). 2-модуль «Тизимли фикрлаш ва тадқиқот фаолияти кўникмаларини ривожлантириш». – Тошкент, 2007. – 73 б.
248. Селевко Г.К. Технологии воспитания и обучения детей с проблемами. – М., 2005. – 138 с.
249. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий. Том 1. – М.: Народное образование, 2006. – 188 с.
250. Сирожиддин С. Қалдирғочларга бер айвонларингни. – Т.: Шарқ, 2005. – 202 б.
251. Сирожиддин С. Яшасин ёмғирлар. – Тошкент, 2007. – 270 б.
252. Скок Г.Б., Лыгина Н.И. Как спроектировать учебный процесс по курсу (Издание второе, переработанное и дополненное). – М., 2003. – 94 с.
253. Сластенин В.А., Чижаква Г.И. Введение в педагогическую аксеологию. – М., 2003. – 186 с.
254. Столяренко Л.Д. Педагогическая психология. Издание 4-е. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2006.
255. Стоюнин В.Я. Избранные педагогические сочинения. – М.: Педагогика, 1991. – 361 с.
256. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 268 б.
257. Суюнов Х.М. Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг савол-топшириқлар устида ишлаш ва ўргатиш усуллари (умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфлари мисолида): Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 147 б.

258. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари (ўқув қўлланма). 7-модуль. Нейропедагогика асослари. – Тошкент, 2007. – 50 б.
259. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. 1-модуль. Интерфаол ўқитишнинг назарий асослари. – Тошкент, 2007. – 80 б.
260. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. 3-модуль. Муаммоли ўқитиш технологияси. – Тошкент, 2007. – 84 б.
261. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. 4-модуль. Ҳамкорликда ўқитиш. – Тошкент, 2007. – 72 б.
262. Таълим бериш ва ўқитишнинг интерфаол усуллари. 6-модуль. Интерфаол дарсларни режалаштириш технологияси. – Тошкент, 2007. – 39 б.
263. Таълим жараёнида педагогик технология – дўстона муҳит яратишда интерфаол методлари, ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш. – Тошкент, 2005. – 27 б.
264. Терентьева Н.П. Методика преподавания литературы. (1980–2000 гг.) – М., 2002. – 239 с.
265. Толипов Ў.Қ. Тажриба-синовларни ўтказишда янги педагогик технологиялар // Халқ таълими. – Тошкент, 1999. - № 2-3. – Б. 63-67.
266. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 257 б.
267. Тулегенов Т. Халқ дostonлари воситасида ўсмирларни маънавий-ахлоқий кадриятлар руҳида тарбиялаш («Алпомиш» дostonи мисолида). Пед. ном. дисс. – Тошкент, 1998. – 140 б.
268. Тоир Маҳмуд. Янги шеърлар.– Т.: Ғ.Ғулом, 2018. – 102 б.
269. Туленова Р.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (ижтимоий фалсафий таҳлил): Фалсафа фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 45 б.
270. Турғунов С.Т. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари бошқарув фаолиятининг назарий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 199 с.

271. Тўрақулов Э., Раҳимов С. Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 77 б.
272. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 182 б.
273. Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 284 б.
274. Тўхлиев Б. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. (1-қисм) – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 182 б.
275. Тўхлиев Б., Каримов Б., Усмонова К. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 10-синфи учун дарслик. 1-2- қисм. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – 200 б.
276. Тўхлиев Б., Каримов Б., Усмонова К. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик. ИИ қисм. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – 200 б.
277. Тўхлиев Б. ва бошқалар. Ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. (1-қисм) – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018. – 198 б.
278. Умаров Б.Ж. Маънавий-маърифий фаолият жараёнида талабаларнинг мустақил тафаккурини шакллантиришнинг педагогик асослари: Пед. фан. номз. ... дисс. автореф.-22 Б.
279. Усмонбекова М. ва бошқалар. Креатив педагогика асослари. Модуль Т.; 2016.
280. Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. – 205 б.
281. Усмонова К. Адабий таълимда илғор педагогик технологиялар. – Тошкент, 2005. – 44 б.
282. Ўзбек адабиёти. Замонавий дарслар ўқитувчилар учун методик қўлланма. Тузувчи: А. Парфиев ва бошқалар. – Т., 1990. – 82 б.
283. Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 10-синф учун. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 398 б.

284. Ўзбек педагогикаси антологияси. II жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 476 б.
285. Ўзбек педагогикаси тарихи. /А.Зуннунов таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 271 б.
286. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / З.М.Маъруфов таҳрири остида. Т.1 – М.: Рустили, 1981. – 584 б.
287. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / З.М.Маъруфов таҳрири остида. Т.2 – М.: Рус тили, 1981. – 392 б.
288. Ўқув жараёнига интерактив усулларни татбиқ этиш бўйича қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – 34 б.
289. Қурбонова Г. Интеграция-педагогик фаолиятнинг амалга оширилиши. [XIV Международная научно-практическая интернет-конференция](#). 30–31 мая, 2015 года.
290. Ҳайдарова О.Қ. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш: Пед. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: ТДПУ, 2004. – 154 б.
291. Халимметова Р. Педагог касбининг асосий омиллари, фазилатлари ва кадрлар танлаш модели // Узлуксиз таълим. –Тошкент: 2002. -№4. –Б. 22-31
292. Ҳамроева Ҳ. Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиб ўқувчиларни ахлоқий, эстетик тарбиялашнинг педагогик асослари («Маҳбуб-ул қулуб», «Назм-ул жавоҳир», «Лисон-ут тайр»): Пед. фан. номз. ... дисс. – Т., 1999. – 131 б.
293. Харченко А. Оценка результатов учебной деятельности – <http://charko.narod.ru/tekst/an5/4.html>.
294. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари. Пед.фан. бўйича фан док. (DSc) дисс.2021. –67 б.

295. Хусанбоева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. – Т: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 - б.
296. Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари: Пед.фан.докт.дисс... автореф. – Т.: 2006. – 42 - б.
297. Холиев И., Хусанова Ж. Касб-хунар таълими: технология, маънавият, маҳорат. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 255 б.
298. Хурвалиева Т. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш методикасини такомиллаштириш. Педагогика фанлари доктори (Dsc) диссертацияси автореферати. –Т.:ТДПУ, 2021. – 25 б.
299. Шаюсупова А.А. Касб-хунар коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш ўқув-услубий мажмуасини яратишнинг илмий-услубий асослари (қишлоқ хўжалиги соҳаси йўналишлари мисолида): Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2005. –23 б.
300. Шерматова У.“Ўқувчиларнинг ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихий, адабий-бадий манбалардан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари” (Чўлпон ижоди мисолида), мавзусидаги илмий тадқиқот иши 2021 йил. – Т., 152-б.
301. Эгамбердиева Ф.О. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш методикаси. Пед. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТДПУ, 2005. - 23 б.
302. Юсупов Ш. Тарих ва адаб бўстони. – Тошкент, 2003. – 167 б.
303. Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги . – Т.: Ўзбекистон, 1989. – 157 б.
304. Юсупова Ш.Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тил дарсларида ўқувчилар тафаккурини уқтиришнинг илмий-методик асослари (академик лицейлар мисолида): Пед.фан. док. ... дис автореф. 2005. – 45 б.

305. Яминова С. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш: Пед. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. –168 б.
306. Яновицкая Е., Адамский М. Большая дидактика и 1000 мелочей в разноуровнем обучении. – Санкт-Петербург, 2005. – 96 с.
307. Wellek R., Warren A. Edebiyat biliminin temelle. – Ankara, 1992.
308. Delamare, F. Winterton, J What is Competence? - Human Resource Development International, Vol.8 No.1, March 2005, P. 27-46.
309. Demetriadis S., Barbas A., Molohides A., Palaigeorgiou G., Psillos D., Vlahavas I., Tsoukalas I. “Cultures in negotiation”: teachers’acceptance/resistanceattitudesconsidering the infusion of technology into schools, Computers and Education, Volume 41, Issue 1, 2003, -P. 19-37.
310. Dillon J.T. The basic questions of education. What to ask ourselves when education our young. Lewiston. -N .Y .: Edwin MellenPress. - 2010. - 292 p.
311. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). - Alexandria - Virginia, USA: ASCD, 2014.
312. Education today: the OECD perspective. OECD (Organisation for Economic Cooperation and Development) - 2013. - 128 p.
313. Piaget J. The essential Piaget. New York: Basic Books, Inc. 1977.
314. Vgotsky L. Psychology of art. Cambridge, MA: MIT Press. 1971.
315. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)
316. [www.dissercart.ru](http://www.dissercart.ru)